

544

ISSN 2010-5517

Jahon ADABIYOTI

Adabiy-badiiy, ijtimoiy-publitsistik jurnal



Sentyabr – 2019



Хуршид Зиёхонов. «Музыка»



Хуршид Зиёхонов. «Романтика»

Adabiy-badiiy, ijtimoiy-publitsistik jurnal


**Жамоатчилик
кенгаши:**

Сирожиддин САЙИД
 Наим КАРИМОВ
 Иброҳим ҒАҒУРОВ
 Эркин АЪЗАМОВ
 Муҳаммадҷон ХОЛБЕКОВ
 Хуршид ДЎСТМУҲАММАД
 Шухрат РИЗАЕВ
 Комилҷон АЛЛАМЖОНОВ
 Баҳодир КАРИМОВ
 Зухриддин ИСОМИДДИНОВ
 Муҳиддин ОМОН

МУАССИСЛАР:

 РЕСПУБЛИКА МАЪНАВИЯТ
 ВА МАЪРИФАТ КЕНГАШИ

 ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР
 УЮШМАСИ

Журнал

 1997 йил июндан
 чиқа бошлаган

Бош муҳаррир:

 Аҳмадҷон
 МЕЛИБОЕВ

Таҳрир ҳайъати:

Амир ФАЙЗУЛЛА
 Муҳиддин РАҲИМ
 Назира ЖЎРАЕВА
 Алимурод ТОЖИЕВ
 Алишер ОТАБОЕВ
 Даврон РАЖАБ
 Жамила АСҚАРОВА
 Мафтуна
 МУҲАММАДАМИНОВА

НАВОИЙ САБОҚЛАРИ

Алишер НАВОИЙ. Номаси кўйинимда баским. (Рус ва инглиз тилларига Т.Боровкова, Қ.Маъмуров тарж.).3

МУҲАРРИР МИНБАРИ

“Шарқдан Ғарбга шовлаб оққан шон”.7

НАСР

Ф.ДОСТОЕВСКИЙ. Ака-ука Карамазовлар. Роман. (Рус тилидан И.Ғафуров тарж.). .16
 И.БУНИН. Арсеньев ҳаёти. Роман. (Рус тилидан С.Содиқ тарж.).77
 И.СУЛТОН. Робия Балхий киссаси.152

УСТОЗ ТАРЖИМОНЛАР БИСОТИДАН

Ё.ХЎЖАМБЕРДИЕВ. Содиқ дўст ёди.114

ТИЛ. ТАРИХ. МАЪНАВИЯТ.

Н.БОҚИЙ. Хоразмлик олмонлар.121
 Б.ДЎСТКОРАЕВ. Жадидлар қандай ижтимоий тузумни орзу қилганлар?172

ШЕЪРИЯТ МИНТАҚАЛАРИ

С.СИПЕХРИЙ. Шеърлар. (Форс тилидан Ж.Муҳаммад тарж.).73

АДАБИЁТШУНОСЛИК. ФАЛСАФА

Н.РАҲМОНОВ. Қора квадратдаги одам.185
 В.ПОРОХОВА. Ислоҳ хақидаги уйдирмалар. (Рус тилидан Р.Қўчқор тарж.).193
 Г.МАМАРАСУЛОВА. Европа романтизми ва “Минг бир кеча”эртақлари.197
 Муковамизда.201
 Комус.203
 Журналнинг русча ва инглизча мухтасар мазмуни.206



Алишер НАВОИЙ

(1441–1501)

НОМАСИ ҚҶЙНУМДА БАСКИМ...

*Номаси қўйнулда баским, изтироб айлар кўнгул,
Ўнгали чиқмоққа гўёким шитоб айлар кўнгул.*

*Тоза бутмиши эрди кўксум чоки, ваҳким, толпиниб
Чиққали ул рахнани ҳар дам хароб айлар кўнгул.*

*Ўқи захми йўлидин солсам ичимга номасин,
Бир фатила марҳам ўрнига ҳисоб айлар кўнгул.*

*Чирмабон жон пардасин манишур уза воло киби
Кўрмасун деб гайр ани, гўё ниқоб айлар кўнгул.*

*Гунчадек қат-қат бўлуб қон ул мусофир шавқидин
Номаси янглиг дамо-дам печу тоб айлар кўнгул.*

*Мубҳам эрмиши руқъаси давроннинг асру, ёваким,
Жонга бу андешадин ҳар дам азоб айлар кўнгул.*

*Эй Навоий, очти кўксумнинг тикилган чокини,
Номаси қўйнулда баским, изтироб айлар кўнгул.*

“Гаройиб ус-сизар”, 372-газал

ЛУҒАТ:

Бутмоқ – тузалмоқ
Рахна – дарз, ёрик; жароҳат
Захм – яра, жароҳат
Фатила – пилик, пилта
Марҳам – малҳам, даво
Воло – қимматбаҳо мато, жилд
Маншур – фармон, ёрлик

Печу тоб – бурама, ўрама, жингалак

Рукъа – мактуб

Асру – жуда

Байтларнинг насрий баёни

Дилнавоз ЮСУПОВА шарҳи

1. Ёрнинг мактуби қўйнимда, буни билгач, кўнглим жуда изтиробга тушяпти, гўёки бу мактубни ўпмоққа чиқиш учун шошилмоқда.

2. Кўксим яраси эндигина тузалган эди, лекин э воҳким, кўнгил ҳар лаҳза талшениб, бу жароҳатни янада хароб этмоқда.

3. Ўқининг жароҳатидан пайдо бўлган йўл оркали унинг мактубини ичимга солайин десам, кўнгил уни яра устига қўядиган малҳам деб ўйляяпти.

4. Жон пардасини ёрлик устидаги қимматбаҳо мато каби чирмаб қўйибди, бу билан кўнгил гўёки бу ёрликни бошқа биров кўрмасин деб никоб қилганга ўхшайди.

5. Сафардаги ёрим шавқидан ғунчадек қават-қават кон бўлиб, кўнгил мактуб сингари ҳар дам тўлғанади.

6. Замонанинг мактуби жуда тушунарсиз экан, унда беҳуда сўзлар қўп, бу фикрдан жонга ҳар лаҳзада азоб етмоқда.

7. Эй Навоий, ёримнинг мактуби қўйнимда, кўнгил ҳар дам изтироб этаверганидан кўксимнинг тикилган чокини яна очиб юборди.

Алишер Навоийнинг ушбу ғазали мазмунан ошиқона, услубан шарҳи ҳол йўналишида бўлиб, ошиқнинг ёрдан мактуб олиши билан боғлиқ ҳиссиётлари тасвиридан иборат. Умуман, Алишер Навоий ижодида лирик қаҳрамоннинг севикли ёрдан мактуб олиши ифодаланган ғазаллар талайгина. Лекин биз таҳлил қилаётган ушбу ғазал ёрдан мактуб келиши мотивининг бадий тимсол даражасига кўтарилган кўнгил билан уйғунликдаги тасвирини ўз ичига олгани билан шу йўналишдаги бошқа ғазаллардан ажралиб туради.

Ғазал лирик қаҳрамоннинг ёрдан келган номани қўйнига яшириши, буни сезган кўнгилнинг мактубни ўпиш учун шошилиши тасвири билан бошланади:

*Номаси қўйнимда баским, изтироб айлар кўнгул,
Ўпгали чиқмоққа гўёким шитоб айлар кўнгул.*

Узоқ вақтдан бери ошиқ ёрдан айрилиқда: бундан унинг кўкси чок бўлган. Орадаги масофа ва вақт гўё бу ярани даволаган, хижрон яраси эндигина битгандек эди. Лекин кутилмаганда ёрдан мактуб келиб, ҳамма нарса остин-устун бўлиб кетди. Айниқса, бу ҳол кўнгилга бошқача таъсир қилди: у бу мактубни кўришни истаб, ҳар дам талпинаверганидан қаҳрамоннинг кўксидаги жароҳатга яна озор етди (Бошқача айтганда, айрилиққа эндигина кўнган кўнгил ёр мактуби таъсирида яна висолга орзуманд бўлиб қолди). Бу худди туткунликдаги қушнинг кафасни ёриб чиқишга интилишига ўхшайди:

*Тоza бутмиш эрди кўксум чоки, ваҳким, толпиниб
Чиққали ул рахнани ҳар дам хароб айлар кўнгул.*

Кейинги байтларда бу тасвир баландроқ пардаларда давом этади. Жароҳат ошиқ кўксида йўл пайдо қилди: энди у шу йўл орқали ёрининг мактубини ичига солмоқчи, лекин кўнгил уни яра устига қўядиган малҳам деб ўйлапти. Ушбу кичик лавҳа ва кейинги байтлардан шоир бадий маҳоратининг яна бир қирраси очилиб боради: ёр мактубининг нафис қоғозга қизил сиёҳ билан битилганлиги маълум бўлади.

*Ўқи захми йўлидин солсам ичимга номасин,
Бир фатила марҳам ўрнига ҳисоб айлар кўнгул.*

Кўнгил бу мактубни узоқ кутган, шунинг учунми уни авайлагиси, бегона кўзлардан асрагиси келади. Шу сабабдан жонининг пардасини мактуб устидан ўраб, унга жилд кийгизиб, ниқоб қилиб қўяди:

*Чирмабон жон пардасин манишур уза воло киби
Кўрмасун деб гайр ани, гўё ниқоб айлар кўнгул.*

Навбатдаги байтдан ёрнинг сафарда экани маълум бўлади. Унинг шавқида ошиқнинг қонга тўлган кўнгли ғунчадаги қип-қизил қават-қават тугунларни эслатади. Айни пайтда кўнгилнинг ҳолати очилиб ёпилганда ўралиб, бурама ҳолга келадиган мактуб қоғозига ҳам ўхшаш (қадимда номалар ўрама қоғозга битилишини эсга оламиз).

*Ғунчадек қат-қат бўлуб қон ул мусофир шавқидин
Номаси янглиг дамо-дам печу тоб айлар кўнгул.*

Мақтадан аввалги байт анъанавий мавъиза характериға эга. Замонанинги ёзиқлари тушунарсиз, уни англаб етиш қийин, унда кераксиз, беҳуда сўзлар кўп, шундай экан, унга кўнгил боғламасдан, қалбни ҳақиқий йўл (Ҳақ ҳузури)ға хозирламоқ лозим.

*Мубҳам эрмиш руқъаси давроннинг асру, ёваким,
Жонга бу андешадин ҳар дам азоб айлар кўнгул.*

Ғазал мақтаёси радд ул-матлаъ (матлаъдаги мисрани яна такрорлаш) санъати билан зийнатланган. Унга кўра, ғазални бошлаган мисра яна унга яқун ясайди. Мақтаёда ниҳоят кўнгил ўз муддаосига етади: ошиқнинг жароҳатдан чок бўлган кўксини очади, бундай кўнгил эса ҳақиқий манзилга ҳозир:

*Эй Навоий, очти кўксумнинг тикилган чокини,
Номаси қўйнулда баским, изтироб айлар кўнгул.*

Ғазал рус тилиға Татьяна Боровкова томонидан таржима қилинган. Мутаржим таржимада аслият ҳажми (7 байт), ғазалға хос қофияланиш тизими, радиф (“кўнгил” – “сердце”)ни сақлашға интиланган бўлса-да, баъзи ўринлар (иккинчи, бешинчи байтлар)да умумий мазмундан узоқлашиш кўзга ташланади.

Ғазалнинг русча таржимаси

Таржимон – Татьяна БОРОВКОВА

*Едва прижал к груди письмо – затрепетало сердце.
И в жаркой жажде этих уст запольхало сердце!*

*На раны от любовных стрел я положил посланье –
Как о целителе таком давно мечтало сердце!*

*Края его жестоких ран едва зарубцевались –
Но вновь в губительную даль лететь желало сердце!*

*Как будто пала пелена с него в одно мгновенье –
Так долго от земных утех она скрывала сердце...*

*Казалось, вслед свернулась кровь, когда письмо свернулось!
Послания-свитка так давно, так долго ждало сердце!*

*Но ничего не прояснил поток туманных строчек –
И от неясности такой опять страдало сердце...*

*О Навои, в твоей груди опять заныли раны.
Я приложил письмо к груди – и запыхало сердце...*

Ғазалнинг инглизча таржимаси

Таржимон – Қосимбой МАЪМУРОВ

BELOVED'S LETTER I HUG...

*Beloved's letter I hug, sensing the soul grieves, screams.
To kiss this letter, the soul is going to hurry up it seems.*

*My soul's wound has just healed up, but, oh, Alas,
Making attempt each second is making much worse.*

*Through arrow's wound I want to put her letter in me,
The soul thinks it a balm to heal my wound would be.*

*The spirit is bandaged as if with an order's precious fabric,
The soul seems wearing a mask for others not to see the trick.*

*Missing my touring beloved, I bleed like a bud layer by layer,
Like her letter my soul is shuddering again and again with fear.*

*For a lot of senseless words time's letter is hard to sense,
Thinking of this is causing torture to my spirit, go hence.*

*Hey Navoi, the stitches of my soul's wound are torn again
By grieves of my soul, my beloved's letter I hug to enjoy pain.*

“ШАРҚДАН ҒАРБГА ШОВЛАБ ОҚҚАН ШОН...”

Дорилфундаги сабоқларим пайти мендан кўпинча журналистика соҳасига келишим, ижодкорликни танлашим сабаблари ҳақида сўрашади. Бу саволга ҳамиша “Адабиёт ўқитувчимиз сабаб бўлган”, деб жавоб берман ва шу фандан мактабда бизга дарс берган ўқитувчиларимни эслайман.

Ўтган асрнинг эллигинчи йиллари, эски масжид биносида жойлашган мактабда ўқиймиз. Қиш-кировли кунларда енгил-елпи кийимда, баъзан ялангоёқ мактаб биносига етиб олишнинг ўзи бир азоб. Йўлдош тоға печкага ўт ёкиб, хонани иситгунча дилдираб ўтираммиз. Аммо дарс бошланиши билан совук қотганимиз, эрталабги чала-чулпа нонуштамиз ёддан чиқиб кетади. Ўқитувчилар муковаси аллақачон йиртилиб, саҳифалари сарғайиб кетган ягона дарслик китобини варақлаб, ундан шеър, хикоя ўқиб беришади, суратларни кўрсатишади, уйга вазифа беришади. Мактабга бориб ўқишга пули йўқ Юн Су деган тиришқоқ хитой боланинг харфларни кумга чизиб ўрганганини бизга ибрат қилиб кўрсатишади. Кейинроқ ҳар бир синфга беш-олтитадан дарслик ажратиладиган бўлди. Аммо уларни фақат аъло баҳога ўқийдиган, озодаликка риоя қиладиган, тартиб-интизомли ўқувчиларга беришди. Кейинги синфга ўтганимизда, “Фалон ўқув йилида ушбу дарсликни фалончиев тутди”, деб исм-фамилиямизни ёзиб, кутубхонага топшираммиз, кутубхоначи опа топшираётган китобимизнинг ҳолатини “аъло”, “яхши” ёки “ўрта” деб баҳолайди. Қандай баҳо қўйилиши кейинги ўқув йилида қандай китоб олишимизга боғлиқ бўлади.

Тўрт тарафини тоғ ва тепаликлар ўраб олган қишлоғимизда тўйлар асосан қиш кунлари бўлар, дошқозонда элга ош бериларди. У йиллари ҳамманинг уйида ҳам қозон қайнамас, кўп болалар мактабга оч-наҳор келишарди. Ўқитувчиларимиз, қишлоқ мутасаддилари ва тўй эгалари буни ҳисобга олиб, ўғил болаларни синф-синф саф торттириб, тўйга олиб боришарди (аёл ўқитувчиларга ва қиз болаларга ош тоғорада мактабга юбориларди). Аммо тўйга боришнинг бир муаммоси бор эдики, буни эсламаслигим мумкин эмас: болаларга ош тортувчи Мирусмон бува тўйхонага киришимиз билан “Қани, кундаликларингни кўрсатинглар”, деб туриб оларди. Бу ҳам майли, шеър ёдлаш, ўқиган китобларимиздан парча айтиб бериш, китоб муаллифларини билиш бўйича имтиҳон ҳам қиларди.

Аъло баҳога ўқийдиганларнинг ҳар иккитасига, уч-тўрт баҳога ўқийдиган, шеър ёдламайлиганларнинг ҳар учтасига кичик ликопчада икки марта қўл узатсангиз тугайдиган ош тортилларди. Буванинг бу “услуг”ида таъсирчан танбех билан бирга, оз бўлса-да, иктисодий рағбат ҳам бор эди. Қишлоқда “Келаси ҳафта фалончиниқида тўй”, деган гап

тарқалса, ўрта баҳо олувчи, улгурмовчи болалар баҳоларини тўғрилашга, китоб ўқишга ҳаракат қилиб қолишарди.

Бугун бу гаплар қулоққа эриш туюлади. Аммо мен уларни чинакам халқона педагогика деб ҳисоблайман. Бизни фақат мактаб ўқитувчилари эмас, кутубхоначи, маҳалла оксоқоллари, қишлоқ фельдшери, сартарош, кўни-кўшнилар ҳам тарбия қилишган. Эрталаб мактабга бораётганимизда оксоқолларга дуч келиб қолсак, дарҳол салом берардик, улар “Баракалла” деб саломимизга алик олиб, пешонамизни силаб, имонбой бўлинглар деб дуо қилишарди, баъзи бирларимизга сал энгашиб, паст овозда: “Ўғлим, ўқишларинг яхшими, қулоғимга бир нималар чалингандай бўлди, тинчликми?”, деб маъноли қараб кўйишарди. Фельдшер кийим-бошимизга, сартарош ўсиб кетган сочимизга қарарди. Таълим-тарбия жараёни мактаб педагогика коллективи ва қишлоқ жамоатчилигининг умумий иши эди. Бу жараёндан ҳеч ким четда турмасди. Мактабга бирор ёрдам зарур бўлиб қолса, ҳамма “лаббай” дея енг шимариб келарди. Қишлоқ кўчаларида ўйнаб юрганимизда ёки бошқа бир жойда катталарга дуч келиб қолсак, улар қутилмаганда “Етти жойда саккиз” ёки “Олти жойда тўққиз” деб қаррадан имтиҳон қилиб туришарди. Қанча китоб ўқиганимизни сўрашарди. Маҳалла оксоқоллари дарс пайти кўчада сандироклаб юрган бола ёнидан бепарво ўтиб кетишмасди. Бу ҳам майли, улар ўқувчиларнинг одоб-ахлоқи, кўчада, тўй-тумоқда ўзини тутиши, дарсни ўзлаштириши билан ҳам қизиқишарди. Қутилмаганда синф хонасига кириб келиб, орқа партага ўтириб, биз билан бирга дарс тинглашарди.

Мактаб ҳақида гап кетганда, кўп нарсалар ёдга тушади. Кўпдан-кўп воқеалар худди қуни кеча юз бергандек кўз ўнгингдан ўта бошлайди. Бунинг сабаби меҳнат фаолиятимни ўқитувчиликдан бошлаганим бўлса ажаб эмас. Бугун, ҳаётимизнинг барча соҳалари жиддий ислоҳ қилинаётган, таълим-тарбия тизимини замонавийлаштириш, ўқитувчиларнинг ижтимоий-маънавий мавқеини ошириш миллий юксалишга эришишнинг ягона йўли бўлиб турган бир пайтда, ўтган эллигинчи-олтмишинчи йилларнинг ғаройиб педагогикасини эслаш зарурмикин, деган савол туғилиши табиий. Бундай иштибоҳларга қийинчиликсиз жавоб қайтарса бўлади.

Бунинг сабаби шуки, юртимиздан чиққан, номлари ҳамон дунё илмий-маънавий ҳаётида юлдуз янглиғ ёрқин чакнаётган алломаларнинг ҳаммалари бошланғич таълимни оилада ота-онадан, мактаб-мадрасаларда захматқаш мураббийлардан олишган. Беназир Навоий бобомизга, Ибн Синога, Беруний, Бухорий, Замахшарийдек алломаларга ҳам ўз касбининг фидойи усталари сабоқ беришган. Бугун давлатимизнинг фахру ғурури бўлиб турган, номлари дунё кенгликларида чиққан олимлар, давлат ва жамоат арбоблари, таниқли ижодкорлар тўғрисида ҳам шундай дейиш мумкин. Демакки, “эски” ўқитиш услубида кейинчалик қаттол замонанинг зўри-зуғуми билан унут бўлиб кетган нималардир бўлганки, улар таълимда бундай юксак натижаларга эришишган, тажрибалари дунёга ёйилган. Иккинчи жаҳон уришидан майиб-мажруҳ бўлиб қайтган, бор-йўғи уч ёки олти ойлик педагогика курсларида таҳсил олган, анкеталарига умрларининг охиригача маълумоти “тўлиқсиз ўрта”, деб ёзилган домларимиз бизларни ўша олтмишинчи йиллари қандай ўқитишган? Наҳотки бунга қизикмасак?

Хотирамга мухрлангани шу: она тили, арифметика, география, жисмоний тарбия, меҳнат дарслари ҳаџтий мисоллар, кишлоқда ѐки ѐн-атрофимиздаги кишлоқларда бўлиб ўтган хуш-нохуш воқеаларнинг тафсилоти, ўрнак бўладиган ва бўлмайдиган жиҳатлари билан боғланган ҳолда ўтиларди. Тўғри талаффуз, равон нутқ, ифодали ўқиш, эркин баѐн қилиш ва шу орқали қулоқни динг, хотирани мустаҳкамлашга алоҳида ѐътибор берилган. Туман миқѐсида ўтказиладиган танловларда ғолиб чиққан ўқувчиларнинг устозлари, синф раҳбарлари, ота-оналари рағбатлантирилган.

Мактаб кутубхонасидаги ягона нусха китобларни ўқитувчиларимиз, сўнг тили бурро, овози ширали ўқувчилар сўзларни дона-дона қилиб, кироат билан, баъзи жойларида актёрлардай маҳорат кўрсатиб (ўзлари билмаган ҳолда образга кириб) ўқишар, бошқалар эса уларни диққат билан тинглар эди. Баъзи дарслар мактаб ѐнидаги боғда, тоғ ѐнбағридаги лозазор сайхонликда ўтиларди. Жам бўлиб эртак тинглаш, қаҳрамонлар жасоратини муҳокама қилиш одатга айланганди. Айрим домлаларимиз ўқувчиларни бирор эртакнинг давомини тўқишга, ўқиган нарсаларидан хулоса чиқаришга, оз бўлса-да, фикрлашга ундарди.

Таассуфки, кейин-кейин бундай халқона усулларнинг барчаси биринкетин барҳам топди. Ура-урачилик замонлари келди. Дарсларга келмайдиган, фанларни ўзлаштирмайдиган суџт ўқувчилар ҳам синфдан-синфга бемалол кўча бошлади. Ҳамма иллат шундан бошланди. Билса ҳам, билмаса ҳам, ўқитувчи баҳо қўйиб бериши керак. Бунга қўшимча, мактаб деган муассасага халқ маорифи бўлимидан ташқари ўша пайтлари мавжуд бўлган хўжалик ташкилотларининг катта-кичик раҳбарлари ҳам бошчилик қила бошлади. Ғўза яганаси, қатқалок, чопиқ, ўрим-ийғим, қўзилатиш, пичан ўриш каби тоғ-дала ишлари мактаб зиммасига юкланди. Таълим-тарбия иши бутунлай издан чиқди. Дарсларнинг савияси, ўқитувчининг обрў-ѐътибори кескин тушиб кетди. Эркак ўқитувчилар бошқа соҳаларнинг ѐтагидан тутишди.

Истиклол йилларида таълим-тарбия тизимини ислоҳ қилишга кўп бор киришилди. Маълум нагижаларга эришилди ҳам. Аммо мактаб ҳаџти, унинг мамлакат, миллат тақдиридаги ўрни, ўқитувчининг мавқеи ҳамон пастлигича қолаџтган эди. Шу боисдан ҳам давлатимиз раҳбари ушбу тизим фаолиятини тубдан яхшилаш, таълим савиясининг бугунги илғор дунёвий тажрибалар даражасига кўтариш, таълим сифатини аллома аждоқларимиздан қолган илмий-маънавий мерос асосида янгилашни ўқитувчи-мураббийлар, халқ маорифи мутасаддилари билан бирга жамиятнинг фикрловчи, изланувчи, эртанги кунимизга бефарқ бўлмаган мушоҳадали аъзолари олдидаги муҳим вазифа деб белгилади. Бу борадаги залворли қадамлардан бири ҳукуратимиз таркибида мактабгача тарбия масалалари билан шуғулланадиган вазирликнинг ташкил этилиши бўлди десак, хато бўлмайди. Бу идорани умуммиллий таълим-тарбия иморатининг пойдеворига қиѐслаш мумкин. У қанча мустаҳкам бўлса, олдимизга қўйилган вазифани талаб даражасида бажаришимиз шунча осон бўлади. Аммо... биргина пойдевор билан иш битмайди.

Биз ҳануз таълимни бирламчи, тарбияни иккиламчи деб ҳисоблаймиз, “таълим-тарбия” деб ѐзамиз. Аслида тарбия бирламчи бўлиши керак. Ёш-лигимизда кўча чангитиб юрсак, маҳалла оксоқоллари “Ҳай-хай, шовқин

кўтарманглар, яқинда маҳалламизга келин тушади, куёв боланинг асабини бузманглар”, дейишарди. Йиллар ўтиб билдикки, бу танбех туғилажак фарзанднинг соғлиғи тўғрисидаги ғоят муҳим эҳтиёткорлик экан. Демакки, тарбия ишини жуда эрта, никоҳдан ҳам аввал бошлаш, япон биродарларимиз каби, фарзандларимизни саводли қилишдан олдин уларнинг митти қалбларида тўғрилиқ, ростгўйлик, ҳалоллик, меҳнатқашлик, ватансеварлик каби соф миллий туйғуларни шакллантиришимиз, миллатимиз келажаги янада буюк бўлишига ишонтиришимиз зарур. Бунга эришмай туриб хорижий тиллар таълимини бошлаворсак, янглишган, тузатиб бўлмайдиган хатога йўл қўйган бўламыз. Инглиз тилини ўрганишга алоҳида эътибор бераётганимизнинг сабаби бу тилнинг дунё халқлари тиллари ичида энг зўри эканлигида эмас, дунёнинг бугунги илми шу тилдалигида.

Тақлиф сифатида айтиш зарурки, педагогика олий ўқув юртларига қабул чоғида абитуриентлар нутқ мукамаллиги, ифодали ўқиш, тўғри талаффуз, ишонтириш маҳорати, мураббийлик бўйича ижодий имтиҳондан ўтишлари мақсадга мувофиқ, деб ўйлайман. Негаки, бўлажак ўқитувчининг айна шу жиҳатларга доир қусури шогирдларига, албатта, ўтади.

Мактаб ўқитувчилари ва ўқувчиларини таълим билан боғлиқ бўлмаган турли тадбирларга жалб этмаслик, улардан ҳуда-беҳуда ёзма ҳисобот (ўтказилган тадбирнинг суратлари билан) талаб қилмаслик керак. Ҳар кунги сабоқ тўла ўтилиши зарур.

Мактабларда ўқув-тарбия ишининг сифати паст эканлигининг бевосита ва билвосита сабаблари мавжуд. Сир амас, кейинги пайтларда мактабларга турли касб эгалари, жумладан, собиқ ўқувчилар – бугун депутат, таниқли тадбиркор, санъаткор, олим, ҳокимият, вазирилик ва идораларнинг масъул ходимлари, ёзувчи ва шоирлар тез-тез келиб туришибди. Улар иштирокида таъсирчан учрашувлар, давра суҳбатлари ўтказилмоқда. Бу – албатта яхши. Аммо...

Ўзингиз ҳам гувоҳ бўлгансиз: мактабга меҳмон ёки комиссия келадиган бўлса, дарслар тўхтатилиб, ўқувчилар кеч кузми, баҳор изғириними, бундан катъи назар, енгил кийимда турнакатор бўлиб, ховлида соатлаб саф тортиб туришади. Келадиганлар кўп ҳолларда бир соат – ярим соат кечикиб келишади, аммо ҳеч ким сафни тарк этмайди. Собиқ тузумдан қолган бу номақбул маросимдан воз кечиш керак. Меҳмонлар сабоқни мароқ билан тинглаётган ёшларни, илҳом билан уларга дарс ўтаётган ўқитувчиларни, бийрон жавоб бераётган аълочиларни ўқув хоналарида кўришсин, кузатишсин. Дарс пайти ҳеч ким уларни чалғитмасин.

Она тили, адабиёт, тарих фанларидан, шунингдек, маънавият, одобахлоқ, мусиқа, спорт йўналишлари бўйича сабоқ берадиган ўқитувчиларга ижодий эркинлик, яъни дарсга ўз билими ва тажрибаси асосида ёндошиш, қўшимча манбалардан унумли фойдаланиш, сабоқларга таниқли кишиларни тақлиф этиш, ижодий сайрлар уюштириш ҳуқуқи берилса, айна муддао бўлар эди.

Шу ўринда педагогик фаолиятимдан бир мисол келтирмоқчиман. Миллий университетимизнинг журналистика факультетида магистратура бўлими талабаларига публицист маҳорати фанидан сабоқ бераман. Ўқув йили бошланмай туриб, йил давомида қайси кун қайси мавзунини ўтишим

аник бўлади ва тасдиқланади. Унга қатъий амал қилиш керак. Белгиланган тартиб-қоида шундай. Аммо мен халқимизнинг фидойи фарзандлари Одил Ёқубов, Пиримқул Қодиров, Эркин Воҳидов, Абдула Орипов вафот этган кунлари режадаги мавзуда эмас, шу азиз устозларнинг ҳаёти ва ижоди тўғрисида, публицистик асарлари хусусида эркин дарс ўтдим. Давлатимиз раҳбарининг Фармонига биноан фаол ижодкорлар олий мукофотларга сазовор бўлганларида ҳам шундай қилдим. Буни кимдир маъқуллади, кимдир хуш кўрмади.

Мактабни ислоҳ қилиш билан боғлиқ вазифаларнинг энг қийини ва энг зарури дарсликлар масаласидир. Бу муаммони ҳал қилмай туриб, қўтилган натижага эришиб бўлмайди. Ҳамма ҳаракатларимиз зое кетади. Бу борада мутахассис эмасман, аммо кузатганим шуки, АҚШда, қатор Европа мамлакатларида мактаб дарсликлари матни биздагидай кўп ва оғир эмас: содда, қисқа ва тушунарли. Улар ҳар йили янгиланмайди, бир ёзилган дарслик мазмун-моҳиятига кўра кўп йиллар ўқувчиларнинг қўлида бўлади. Мактабларнинг куйи синфларида узоқ йиллар ишлаган (ишлаган), қанчадан-қанча болаларни саводли қилган тажрибали мураббийлар ўқув дарслиklarининг асосий (ҳа, асосий!) муаллифлари бўлишади. Чунки, йигирма-ўттиз йил давомида бола билан ёнма-ён яшаган, бошида онадай парвона бўлиб, бирга нафас олган, турли ҳолатларда кўзи қандай чақнаши, нималардан ҳайратланиши, болалик тафаккури қандай шаклланишини ўз кўзи билан кўрган, қалбан ҳис этган кишигина болалар-боп дарслик, дастур, қўлланма ярата олади. Бундай педагоглар ижтимоий ҳолати турлича бўлган оилаларнинг фарзандларига қандай муомала қилишни, улар билан ўзаро тил топишни ҳам яхши англашади.

Тан олайлик: қадим мадрасаларда қандай фанлар ўқитилган, мударрислар талабаларга таълим беришнинг қандай усулларидан фойдаланганларига деярли эътибор бермаймиз, илмий жиҳатдан таҳлил қилмаймиз. Ачинарлиси шундаки, бу тажрибаларнинг кўпи узоқ йиллардан бери Ғарб таълим тизимини безаб келади. Мана, мадрасаларда нималар ўқитилган:

Усули ҳижоия (савтия) – бўғинга бўлиб ўқиш.

Илми шарҳ – тафсир.

Илми таҳлил – таҳлил, шарҳ, тавсиф масаласи.

Илми мунозара – мунозара, баҳс, муносабат ифодаси.

Илми қироат – оҳанг ва сўз талаффузи.

Илми фасохат (илми балоға) – сўз ва ибораларни ўринли қўллаш.

Илми баён – нозик маъноларни баён қилиш маҳорати.

Илми ғариба – кам сўз билан кенг маънони ифодалаш маҳорати.

Илми маоний – бирор воқеа ёки ҳодисанинг моҳиятини очиб бериш.

Илми наср ва иншо – ёзма иш услуби, мактуб, ёзув саводхонлиги.

Илми муҳозирот – ҳозиржавоблик, зукколик, қувноқлик.

Илми мантиқ – сўзлар замиридаги маъноларни чуқур англаш.

Илми калом – нақлий масалани ақлий идрок этиш, далиллаш, исбот қилиш (Қаранг: *М.Турсунова. Қадим мадрасаларда таълим тизими. "Жаҳон адабиёти", 2016, 4-сон.*)

Кўриниб турибдики, бу усуллардан бугун ўрта мактабларнинг юқори синфларида, янгидан ташкил этилган ижод мактабларида ва олий ўқув юр்தларининг ижодий факультетларида танлов предметлари сифатида фойдаланиш мумкин. Ажабланарлиси шундаки, бу усулларнинг номла-

рида бугун адабиётимизда, хусусан, миллий матбуотимиз фаолиятида мавжуд бўлган жамики кусурлар ўз ифодасини топган.

Яна бир кузатганим шуки, бошланғич синфлар учун мўлжалланган дарсликларда бирламчи эътибор (юкори синфлар учун мўлжалланганларида қисман) ўқувчининг фаҳмлаш, фарклаш, идрок этиш, ўзаро қиёслаш, дарсликнинг бир саҳифасига ёнма-ён жойлаштирилган расм, манзара, мева, барг, идиш, жиҳоз, техника воситалари ва ҳоказоларнинг ранги, ҳажми, тузилиши, кўриниши, бир-бирига алоқадорлиги ёки бунинг акси эканлигини, яъни атайин қилинган “хато”ларни топа олишига қаратилади. Биз ҳам шу йўлдан борсак, янглишмаймиз.

Миллатнинг интеллектуал даражаси, зехн қуввати унинг илм ва хунарни нечоғли эгаллагани билан ўлчанади, Исмоил Гаспринский “Илм ва хунарга эга миллат ва халқ энг улуғ, энг буюк халқдир”, дейди. Чўлпон мактабларимизнинг афтоҳоллигидан куюниб, ёшларни илмли қилиш борасида ўйламаётган одамлар тўғрисида куйидагиларни ёзган эди:

*Мактаб ўрнига очилди ҳар маҳаллада майхона,
Нафрат этмак нари турсун, шоду хандон бизни халқ.
Мактаба йўқ бир тийини, тўйга минг сўмлаб берур,
Чораси мушкул касалга мубталодир бизни халқ.*

Мулоҳаза қиламиз. Миллат ва халқ илмли, хунарли бўлиши учун нима зарур? Тинчлик, осойишталик, раиятнинг адолатли бошқарилиши, ёшлар тарбияси, таълим-тарбиянинг тўғри йўлга қўйилиши, изланиш, бир жойда тўхтаб қолмаслик, кибрга берилмаслик, бало-қазолардан огоҳлик, миллий бирлик, ҳамжиҳатлик зарур. Борди-ю бу “занжир”нинг битта халқаси узилса, муаммо келиб чиқади. Яна бир зарурат шундаки, таълим соҳасида дунёда ибратли, ўрганса арзийдиган тажрибалар кўп. “Оз-оз сўраб ўрганган олим, орланиб сўрамаган ўзига золим” деганларидек, таълим масаласида узоқ-яқинга тийрак назар солишимиз, самарали усулларни мактабларимиз, олийгоҳларимиз ҳаётига ижодий равишда тадбиқ этишимиз обрўйимизга путур етказмайди. Европа кўп муаммоларни Шарқ мисолида ҳал қилиб олгани, бугунги Ўзбекистоннинг янгиланиш тажрибаси уларни жиддий қизиқтираётгани сир эмас-ку, ахир.

АҚШда 5-6 ёшли болалар бошланғич синфларга (elementary school) қабул қилиниб, 6-синфгача арифметика, ўқиш, ёзув, табиий фанлар асосларини ўргатишади, болалар мусиқа, жисмоний тарбия ва расм машғулотларида қатнашадилар, сўнг мактабнинг иккинчи босқичига ўтиб (middle school), математика, инглиз тили, тарих ва табиий фанлардан сабоқ оладилар. Ўқувчиларнинг хоҳишига кўра, уларга қўшимча икки-учта фанни мустақил ўрганиш тавсия этилади. Масалан, хорижий тил, санъат ва ҳоказолар. Бунда, албатта, ўқувчининг қизиқиш йўналиши, маълум лаёқати инобатга олинади.

Ўқувнинг учинчи босқичида (high school) ўқувчиларга ўрганиладиган фанларни эркин танлаш ҳукуди берилади. Қўшимча предметлар сони ошади. 9-12 синфларда (14-18 ёшда) кўпчилик ўқувчилар келажакда қандай касбларни танлаши маълум бўлади, бинобарин улар олий ўқув юртига киришда қўл келадиган фанларни танлайдилар. Баъзи ўқувчилар

ўзлари танлаган фанларни чуқур ўргатадиган Advanced Placement курсларига катнаб, олий ўқув юртининг биринчи босқичида ўтиладиган дарсларни деярли ўзлаштириб олишади.

АҚШ бошланғич таълимининг бир неча ўзига хос хусусияти бўлиб, улардан бири шуки, ҳар бир босқич машғулоти алоҳида биноларда алоҳида ўқитувчилар томонидан олиб борилади. Ҳар бир босқични мактабнинг мустақил маъмурияти бошқаради.

Иккинчи хусусият – бошланғич таълимда ҳар томонлама шаклланган, фаол ҳаётий позицияга эга бўлган шахсларни (ха, шахсларни!) тарбиялаш асосий мақсад ҳисобланади. Шундан келиб чиқиб, ўқувчиларнинг дарсдан бўш пайтларидан мақсадли фойдаланишга, жумладан, мустақил фикр юритиш лаёқатларини оширишга эътибор берилади. Ўқувчилар асосий вақтларини мактабда ўтказадилар. Юқори синфларда ҳар бир ўқувчи ўзига мақбул спорт турини танлаб, у билан жиддий шуғулланиши мумкин, мактабда бунинг учун имконият мавжуд. Бундан ташқари, мактабларда турли йўналишдаги клублар мавжудки, ўқувчилар хаваскорлик театр-студиясида, бахс-мунозара тўғарагида қатнашиши, тасвирий санъат, лойиҳалаш, маълум бир режа тузиш билан шуғулланадилар. Мунозара клублари айниқса фаол. Шу боис, болаларда мунозара юритиш, одоб билан баҳслашиш маҳорати жуда эрта шаклланади.

Учинчи хусусият – Америка мактабларида камдан-кам ҳолларда уйга вазифа берилади ва у мактаб кутубхонасида бажарилади. Ўқувчилар шу ерда дарс тайёрлайдилар, мунозара клубларида қатнашиш учун маъруза ёзадилар, ижодий лойиҳалар тузишади, китоб ўқишади.

Францияда бошланғич мактабларнинг талаб-қоидалари бир-биридан жиддий фарқланади, аммо умумий қоидалар ҳам бор. Чунончи, дарслар эрталаб соат 8.00 да бошланиб, 16.00-17.00 гача давом этади. Мактаб эшиги эрталаб соат 8.00 да ёпилиб, 16.00 да очилади. Шу вақт ичида ҳеч ким (!) ичкарига қўйилмайди. Эшик очилгач, махсус назоратчилар дарслар тулаганига ишонч ҳосил қилиш учун ўқувчиларнинг кундалигини кўришади, сўнгги дарсдан қочаётганларни қайтаришади. Ота-оналар бирор сабаб билан болаларини эртароқ олиб кетишмоқчи бўлишса, бу ҳақда мактаб маъмуриятининг махсус журналида ёзув қолдиришади ва болаларини умумий эшик эмас, махсус эшик орқали олиб кетадилар. Машғулотлар пайти ота-оналар (бошқалар ҳам) мактаб худудига сабабсиз киритилмайди.

Мактабда суратга олиш, видеотасвирга тушириш, қўл телефонидан фойдаланиш таъқиқланган. Борди-ю бўш соат бўлиб қолса, ўқувчилар махсус хонада навбатдаги машғулотга тайёргарлик кўришади, давомати ёмонлар қолдирган дарсларида ўтилган мавзуларни ўзлаштиришади.

Юқори синфларга ўтган ўқувчиларга бу мамлакатда ҳам баъзи фанларни ихтиёрий танлаш ҳуқуқи берилади. Маъмурият ота-оналарни фарзандларининг ўзлаштириши, дарсга қатнашиши, одоб-ахлоқи тўғрисида мунтазам хабардор қилиб туради. Ота-оналар билан камдан-кам ҳолларда мажлис ўтказилади. Тегишли маълумотлар ҳар бир ўқувчининг ота-онасига алоҳида-алоҳида (!) жўнатилади.

Финландиянинг таълим тизими самарадорлик бўйича дунёнинг илғор тизимларидан бири. Бошланғич таълим мамлакат бўйича қабул қилинган мажбурий вақтдан бир йил аввал бошланади, олти ёшга тўлган ҳар бир

бола мактабда, болалар боғчасида, оилавий боғча ёки шунга мос бошқа муассасада таълим олади. Бунинг билан биргаликда маҳаллий ҳукумат ҳам қилади. Мажбурий таълим 7 ёшда бошланиб, 16-17 ёшгача давом этади. Мамлакатда жорий этилган бепул таълим тизимига кўра, ўқиш, дарслик ва дафтарлар, ўқув куроллари, овқатланиш мактаб ҳисобидан бўлади.

Учинчи синфдан бошлаб инглиз тили дарслари ўқитилади, тўртинчи синфда ўқувчилар ўзлари танлаган хорижий (француз, немис, рус) тилларидан бирини ўргана бошлайдилар. Еттинчи синфда швед тилини мажбурий ўрганишга киришилади.

Бир қарашда, анча мураккаб тизим. Аммо кўп йиллардан бери бу таълим тизими дунё миқёсида ўтказиладиган нуфузли рейтингларда биринчи бўлиб келмоқда. Фин ўқувчилари мактабда бошқа давлатлардаги тенгдошларидан анча кам вақт бўлсалар-да, табиий фанларни, масалан, математикани ўзлаштиришлари жуда юқори. Бунинг боиси, Финляндия ўрта таълим тизимида ўқув жараёни босқичма-босқич мураккаблашиб боради. Бирор фанни чуқур ўрганиш бошқа бир фан соатларини қисқартириш ҳисобига бўлмайди. Ўқитувчилар болаларнинг ота-оналари қайси касбада ишлашлари, ижтимоий, иктисодий ҳолатлари қандайлигини билишга қизиқмайди. Паст натижаларни ўқувчиларнинг ота-оналарини мактабга чақириш одат эмас. Ўқувчилар лаёқатли ва лаёқатсиз гуруҳларга ажратилмайди. Аълочилар ва улгурмовчилар, ногирон ва кўзи ожизлар ҳаммиси бир синфда ўқишади, уларга тенг қараш таомили мавжуд. Янада муҳими, бу ерда ногиронлиги бор ўқувчиларни мамлакат ижтимоий ҳаётига фаол жалб этиш учун барча шароитлар мавжуд. Тушлик таом, музейларга экскурсияга бориш, автобус чипталари – бепул. Ота-оналардан пул йиғиш мумкин эмас. Яна бир хусусият шуки, ўқитувчилар ўқувчиларга ҳаммиси яхши муносабатда бўлишади. Кимдир вазифани удалай олмаган бўлса, уни изза қилишмайди, ўртоқларига етиб олиши учун имкон беришади.

Хорижий мамлакатларнинг таълим тизимига доир маълумотларни келтиришдан мақсад улардан кўр-кўрона андоза олишга даъват эмас, албатта. Ҳар жойнинг ўзига яраша тош-тарозиси, тартиб-интизими бор. Ҳар бир бола ўзи туғилган оила, маҳалла ёки жамиятдаги маънавий-ахлоқий муҳит, турмуш тарзи, урф-одат, миллий-маънавий кадрлар, ота-онанинг ўзаро муносабатлари руҳида тарбия топади. Онг-шуурига ёшлигидан синдирилган кадрларга амал қилади. Шундай бўлса-да, хорижий тажрибаларда кўзга ташланадиган кўп жиҳатлар ҳам борки, уларни ўрганишимиз фойдадан холи эмас, деб ўйлайман.

Биринчи жиҳат – мактабларнинг юқори босқич (синф) ўқувчиларига фанларни танлашда эркинлик беришдир. Ёдга олсак, авваллари мактаб дастурларида, аниқроғи, синфдан ташқари машғулотларда ўқувчиларни касбга йўналтиришга жиддий эътибор бериларди. Кейин-кейин бу муҳим юмуш бир четда қолиб кетди. Юқори синф ўқувчиларининг аксарияти, агар мактабда, оилада касбга йўналтириш ишлари олиб борилган бўлса, ўқиш тугашидан анча аввал қайси соҳани танлашлари маълум бўлади. Ўқувчи математика ёки физикани танлади, дейлик. Сўнгги синфларда унга айна шу йўналишда кўпроқ билим олиш имконини бериш керак. Тил, адабиёт ёки тарихни танлаган ўқувчи билан ҳам шундай йўл тутса

бўлади. Ҳозирча амалдаги дастурларда бу нарса ўз ифодасини топмаган. Бу қусур маълум маънода олий таълимга ҳам ўтган. Чунончи, журналистика факультетида олий математика фани ўқитилади. Амалиётдан келиб чиқадиган бўлсак, математика, физика ёки кимёга қизикқан ўқувчилар камдан-кам ҳолларда журналистикага келишади. Соҳага бевосита тааллуқли фанларни яхши ўзлаштиришади, аммо олий математикадан оқсаб қолишади. Оқибатда йилма-йил давом этадиган, жуда кам одам тушунадиган, тушунганлар эса бошларини сарак-сарак қилишдан нарига ўтмайдиган ғаройиб муаммо келиб чиқади. Математикани ўрганишимиз керак, албатта. Аммо журналистика факультетида (бошқа ижодий факультетларда ҳам) талабаларга унинг олий даражасини эмас, бу фаннинг буюк мантиғини тушунтириш маъқул эмасми?!

Уйга вазифанинг мактабда бажарилиши, ўқувчиларнинг бўш вақтларини мақсадли тўлдириш тажрибасидан ҳам фойдаланишимиз зарур. Хуллас, изланганга толе ёр деганларидек, давлатимиз раҳбари илгари сурган ғояни амалга ошириш ишига чуқур масъулият билан ёндошишимиз керак. Пойтахтимиз Тошкентда ва вилоятларда Президент мактаблари, Абдулла Қодирий, Ибрат, Огаҳий, Зулфия ва Ҳамид Олимжон, Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов, Иброҳим Юсупов, Ҳалима Худойбердиева, Муҳаммад Юсуф номидаги ижод мактабларининг ташкил этилиши ёшлар орасида нафақат гуманитар соҳада, аниқ фанлар йўналишида ҳам ижодкорлик руҳини оширишга хизмат қилиши шубҳасиз. Халқ таълими вазирилиги мактабларда меҳнат қилаётган ижодкор ўқитувчилар ўртасида ўтказиладиган (номаълум сабабларга кўра тўхтаб қолган) республика кўрик-танловини тикласа, уларнинг энг яхши ижод намуналари нашр этилса мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Дунёнинг дунёлиги шундаки, гарчи у омонат ва ўзгарувчан бўлса-да (Азизиддин Насафий), мунтазам ҳаракат ва айланишдан тўхтамайди. Тарих ҳам шундай – воқеа-ҳодисалар қандай содир этилган бўлса, шундай қолади, аммо у ҳам дунё каби айланади, моҳиятан узоклашади ва... қайтади. Бугун ёшларимиз хорижий мамлакатларнинг нуфузли илм даргоҳларида таҳсил олмоқдалар. Илмга чанқокликда, истеъдодда ғарблик тенгдошларидан кам эмасликларини намоён этмоқдалар. Бир вақтлар бундай ёшлар ғарбдан шарққа қараб интилишган, шу ерда камолга етишган эди. Бу билан ҳақли равишда фахрланамиз. Тошкент, Самарқанд, Бухоро олийгоҳларида таълим олиш, донишманд Шарқ тамаддунидан, Ўзбекистон саҳоватидан баҳраманд бўлиш ғарбликлар учун яна орзуга айланишидан, “Шарқдан Ғарбга шовлаб оққан шон”нинг (Чўлпон) қайта тикланишидан, янги Уйғонишнинг мўътабар кунларини кўришдан умидвормиз. Зеро, бугун мамлакатимизда таълим соҳасини ислоҳ қилиш бўйича амалга оширилаётган жамики чора-тадбирлар замирида шу улуг мақсад ётади.

Аҳмаджон МЕЛИБОЕВ



NASR



Федор ДОСТОЕВСКИЙ

(1821–1881)

АКА-УКА КАРАМАЗОВЛАР

Тўрт қисмли, эпилогли роман¹

*Рус тилидан
Иброҳим ҒАҒУРОВ
таржимаси*

УЧИҢЧИ ҚИСМ

Еттинчи китоб

АЛЕША

I

ЧИРКИН ИС

Қазо қилмиш роҳиб ота Зосиманинг жисмини расм-русумга кўра дафнга ҳозирлашди. Ўлган роҳиблар ва қаландарларни, одатда, ювишмайди. “Қачонки, бирон роҳиб яратган эгам хузурига кўча (дейилганди диний маросимлар қоидалари ёзилган катта требник китобда), шу вазифага кўйилган роҳиб майитни илиқ сув билан артади, ундан ҳам олдин махсус сочик (юнонча сочик) да мурданинг манглайи, кўкраги, қўлоёқлари, тиззалари ва шу кабиларга бут белгисини тортади”. Шуларнинг барини жасад устида ота Паисийнинг ўзи адо этди. Артиб-суртиб бўлгач, унга роҳиблар кийим-боши ҳамда мурсагини кийдирди; қоида бўйича мурсакни тўрт томондан кийиб, тана устида бут шаклига келтирди. Бошига саккиз қиррали хоч шакли туширилган қора кукул мато ёпди. Кукул юзаси очиқ қолдирилди, ўликнинг бетини эса қора ҳавопўш билан ўраб қўйди. Майитнинг қўлига Халоскор санами тутқазилди. Тонгда уни шу равишда тобутга ётқизишди (тобут бироз илгари олдиндан ҳозирлаб қўйилганди). Тобутни эса кун бўйи хужрада (марҳум авлиё ота биродарлари ҳамда зиёратга келганларни қабул қиладиган ўша биринчи катта хона) қолдиришга қарор қилишди. Марҳумнинг диний рутбага кўра унвони иеросхимонах бўлгани боис бошқа диний унвондаги роҳиблар унинг бошида Забурни эмас, Инжилни тиловат қилишлари жоиз эди. Жанозадан

¹ Давоми. Романнинг бошланиши журналнинг ўтган 2018 йил 8,9,10,11,12-сонларида.



кейиноқ тиловатни ота Иосиф бошлади; кун бўйи ва кечаси тиловатда туриш истагини билдирган ота Паисий ҳозирча қаландархона бошлиғи бўлмиш ота руҳоний билан бирга жуда ҳам банд ва боши ташвишдан қотганди. Зеро, монастирдаги биродарлару монастир қўноқлари, шаҳардан оқиб келаётган тўда-тўда кишилар ўртасида қандайдир фавқуллода, кўз кўриб, кулоқ эшитмаган, ҳатто “ярашмаган” бир ғулув, бесабр, нотинч мунтазирлик ҳукм сураётган ва борган сари кучайиб бораётган эди. Бошлиқ руҳоний ота ҳам, Паисий ота ҳам бор куч-куватларини сарфлаб, ушбу оломоннинг ғала-ғовур туғёнини босишга уринишарди. Кун тўлатқис ёришгач эса шаҳар томондан ўз касалмандлари ва айниқса, бола-чақаларини эргаштириб келувчилар ҳам кўпайди – улар атайин худди мана шу кун келишини интизорлик билан кутиб юрган ва албатта, шундай бир кунда дардларимизга дарҳол чора топамиз, деб қаттиқ ишонардилар. Худди мана шу куни яна маълум бўлдики, бизда марҳум бузрук отани у ҳали ҳаётлик чоғидаёқ очикдан-очик улуғ авлиё дея ҳисоблашар эканлар. Оқиб келаётганлар фақат кора халқнинг ўзи эмасди. Диндорларнинг бу қадар бесабр-тоқатсизликлари, туғёнлари ва ҳатто талаб-иддаолар билан билдираётган шён интизорликлари Паисий отага ростакам васвасага берилиш бўлиб туюларди, у буни анча олдиндан сезган, аммо бунчалар бўлишини қутмаганди. Паисий ота ҳаяжонга тушган қаландар-дарвешлар билан кўришганда ҳатто уларга дашном йўсинида дердики, “Бундай бир зумда мўъжиза юз беради деб ишониш фуқаролар орасидагина бўладиган ҳавойи энгилтакликдир, бизнинг ўртамизда эса бу ярашмаган бир қилиқ, холос”. Аммо унга кўнда кулоқ солишмас, ота Паисий ташвиш-хавотирга ботиб бунга эътибор қараганди, агарчандики, ўзи ҳам (барчасини рўйи рост эсласак) ҳаддан ошиқ туғёну ғулувлардан норози эса-да ва уларни ҳавойи, беҳуда бир нарсалар деб топса-да, юрагининг гизли бир пучмоқларида, ўз ботини ичида ўзи-да улар қатори ҳаяжонга ботар, улар каби ненидир кутар, лекин бунга тан бергиси келмасди. Шунга қарамасдан, айрим кимсалар билан учрашувлар унга мутлақо ёқмас, қандайдир олдиндан сезгандай, бундан оғир шубҳа-гумонларга чўмарди. Марҳум хужрасида тикилишган издиҳомда у, мисол учун, Ракитинни ва узоқ Обдорскдан келган, ҳамон монастирда ўралашиб юрган дарвеш қўноқни пайқади-ю, юраги ёмон ғаш бўлди (бунинг учун у дарҳол ўзига ўзи танбех берди), негадир уларнинг ҳар икковлари ота Паисийга жуда шубҳали кўринди. Гарчи шу маънода ёлғиз уларгина эмас, бошқа кимсалар ҳам кўзга чалинарди. Барча ҳаяжон-жунбишга тушганлар орасида Обдорск дарвешини ортик ҳовлиқарди; у ҳар ерда ҳозир у нозир эди: ҳаммани гап-сўзга тутар, ҳаммани кулоқ тутиб тинглар, ҳамма ёқда юзига аллақандай сирли тус бериб ивир-шивир сўйлашарди. Башарасида токати тоқ бўлиб кетаётгани кўриниб турар, интизорлик билан кутилаётган нарса ҳамон рўй бермаётганидан беҳад тажангланарди. Ракитинга келсак, кейинроқ маълум бўлишича, у қаландархонага хонимойим Хохлакованинг топшириғига кўра бунчалар барвақт етиб келган экан. Қаландархонага келолмаслиги боис бу раҳмдил ва содда аёл уйқудан уйғониб, марҳумдан хабар топган заҳоти бунга шу қадар қаттиқ кизикиб қолдики, дарҳол ўзи ўрнига Ракитинни жўнатди, тахминан ҳар ярим соатда менга ёзма равишда хабар юбориб турасиз, нима рўй бермасин, ҳаммасини *оқизмай-томизмай* маълум қиласиз, деб тайинлади. Хонимойим Ракитинни

такводор ва диндор ёш йигит деб хисобларди. Ракитин ўзини барча билан муомалани жойига қўя оладиган одамдек танитар, ўзига заррача бўлсин фойдаси тегадиган ишларни қойилмаком адо этарди. Ҳаво очик ва ёруғ эди, зиёратчиларнинг кўплари қаландархона қабрлари ён-верисида тўп-ланганди, қабрлар кўпроқ ибодатхона теграсида жойлашган, атрофга сочилганлари ҳам оз эмасди. Қаландархонани айланаркан, Паисий ота бирдан Алешани кечаги тундан буён кўрмаганини эслади. Буни қарангки, уни эслаши замон қаландархонанинг олис бурчида, панжара тўсик ёнида, ўтган замонларда ўтиб кетган, кўп жасоратлар кўрсатиб машхур бўлган дарвешнинг қабрбоши устида кўрди. У панжара тўсикка қараб, қаландархонага орка ўгириб, худди ёдгорлик билан ўзини пана қилгандай ўтирарди. Ота Паисий яқинроқ бориб, унинг иккала кафти билан юзини беркитиб, овоз чиқармай аччиқ-аччиқ йиғлаётганини кўрди, Алешанинг бутун вужуди йигининг зўридан чирпинарди. Ота Паисий унинг устида бирпас турди.

– Бас қил, азиз ўғлоним, етар, бас қил, – дея тилга кирди у ниҳоят, – нима бўлди сенга? Шодмон бўл ва йиғлама. Ёхуд билмайсанми, ушбу айём унинг энг улуғ кунидир! Худди шу дамларда у ахир қайларда макон тутишини, сен фақатгина шуни ёд айла!

Алеша кўзёшлардан худди ёш боладай шишиб кетган юзини очиб унга бурилгандай бўлди-ю, аммо яна шу заҳоти бир оғиз сўз демай четга қаради ва кафтлари билан юзини тўсиб олди.

– Майли, майли, шундай бўла қолсин, – деди ота Паисий ўйланиб, – майли, тўйиб йиглаб ол, бу кўзёшларни сенга Масихо ато этмиш. “Меҳрдан кўнглинг эриб йиғлайсан, юрагинг таскин топади, ундан азиз жонинг ором олади” – Алеша ҳақида меҳри товланиб ўйлади у ўз ичида ва нарироқ кетди. Бу ердан тезроқ кетмаса, унга қараб туриб ўзи ҳам йиглаб юборишини сизди. Вақт эса ўтиб борар, монастирдаги дафн билан боғлиқ маросимлар ўз мароми билан давом этарди. Ота Паисий яна ота Иосифнинг ўрнига тобут бошига ўтди ва яна Инжил ўқишни давом эттирди. Аммо пешин соат учдан ҳали ўтмаган ҳам эдики, аввалги китобнинг охирида эслатиб ўтганимдек, биз томонда ҳеч ким кутмаган ва ҳеч кимнинг ҳаёлига келмаган алланечук бир воқеа содир бўлиб қолди, яна бир қарра такрорлаб айтайки, бу воқеанинг бебошвок ҳамда батафсил қиссасини ҳаттоки ҳанузгача шаҳримиздаю бутун атроф-тумонотда фавқуллодда ҳаяжон билан эслаб юришади. Бу ўринда ўз томонимдан ҳам бир нарсани кўшиб қўяй: ушбу бош-кети йўқ ғалати воқеани ўзимнинг ҳам сира эслагим келмайди, чунки тагини суриштириб келсангиз, ўзи маза-матрасиз ва ғоятда жўн; шунинг учун уни ҳикоямдан мутлақо чиқариб ташласам, эсламасам девдим, лекин нима қилайки, у қиссанинг бўлажак бош қаҳрамони Алешанинг юрагига маълум даражада жуда кучли таъсир кўрсатган, жону жаҳонини ағдар-тўнтар қилиб, батамом ларзага солиб ўзгартирган, шу билан бирга, унинг ақлу идрокини маълум маънода бутун бир умрга метиндай тоблаб, пишитган эди.

Хуллас, ҳикояга ўтайлик. Ҳали тонг ёришмасданок қариянинг кўмиш учун ҳозирланган жасадини тобутга солиб, бузрук зиёратчиларни қабул қиладиган биринчи катта хонага олиб чиқишганда, бирдан тобут атрофида жам бўлганлар орасида уйдаги эшик-деразаларни очиш керакми, йўқми, деган савол туғилиб қолди. Аммо аллаким томонидан йўл-йўлақай,

шунчаки ўртага қўйган саволга ҳеч ким аҳамият бермади, жавоб ҳам бўлмади – бироқ айрим бу ерда ҳозир бўлганлар уни пайкаган бўлсалар ҳам, бу каби жон таслим этган бузруквор зотнинг жасадидан чиркин, ёмон хид таралиши мумкин деб фараз қилинишининг ўзиёқ шу саволни тилига келтириши кимсанинг энгилтаклиги, эътиқодининг сустигида ва ҳатто чакки ҳамда афсусланарли (мабодо, кулгили бўлмаса), ўта бемаъни хаёл деб топдилар. Зеро, бунинг бутунлай тескарисини кутмоқда эдилар. Ва ниҳоят, пешин чоғидан кўп ўтмай алланима бошланди, тинмай ичкарига кириб-чикиб турган одамлар буни ўзларича кўрка-писа ичларида фахмлаб, бировга айтишга ҳам ғоят хижолат чекиб турган эдиларки, соат учларга бориб, энди жуда аён ҳамда инкор этиб бўлмас даражада ошкор бўла бошлади-да, бу хабар дарҳол бутун қаландархонагаю барча зиёратчилар ўртасида ёйилди, шу заҳоти монастирға тарқалди, барчаларини лолу хайрон қилиб қўйди, бир фурсат ўтиб хабар шаҳарга етиб борди ва ҳаммани – диндорлару диндор бўлмаганларни тўлқинлантириб юборди. Диндор бўлмаганлар қувонишди, диндорларнинг ўзлари эса (локал айримлари) диндор бўлмаганлардан ҳам кўра кўпроқ шодланишди, зеро, марҳум қария ўз хикматларидан бирида айтганидай, “одамлар тақводорнинг номи булгангани ва шармисор бўлганидан қувонадилар”. Гап шундаки, тобутдан аста-секин, лекин борган сари аён сезиладиган даражада чириган хид тарқала бошлади, соат учларга бориб қучайиб, ҳаммага билинди. Илгари монастир даргоҳида ҳеч қачон бундай очикдан-очик бебошвоқ бир васваса, бошка бир маънода эса, асло ақлга тўғри келмайдиган ҳодиса рўй бермаган, буни ҳеч ким ҳатто эслай ҳам олмасди. Кейинроқ, кўп йиллар ўтгандан сўнг бизнинг айрим ақлидрокли роҳибларимиз ўша кун воқеаларини эслашаркан, васваса қандай қилиб бу даражага етганлигига хайрон қолишар ва беҳузур бўлишарди. Бинобарин, аввалги замонларда ҳам умрини ҳамманинг кўз ўнгида муттасил тоат-ибодатда пок имон билан ўтказган ҳудожўй дарвеш қариялар омонат жонларини Яратган эгамга топширишар ва уларнинг-да камсуқум тобутларидан табиий, барча ўликлардан таралгани каби чириган бўй анқирди, аммо равшанки, бу ҳеч кимсани ташвишга солмас, ҳатто заррача тўқинлантирмасди. Бовужуд, қадим айёмларда ўтган айрим бузрукворлардан монастир даргоҳида шундай тирик хотиралар сақланиб қолган эдики, ривоятларга қараганда, уларнинг лошу жасадларидан чириган бўй тарқалмаган, бунинг асрори роҳиблар қалбларида эриган мумдай сақланган, таъсир қолдирган, пок-мусаффо мўъжиза сингари хотираларидан ўчмаган, худойимнинг амру иродасига шоеъ бўлса, келар замонларда бу мақбарлар янада буюкроқ донг қозонишига ажиб ваъдалар бор. Шундайлардан – ёши бир юз бешга етиб вафот этган қария Йов ҳақида хотираларда эсланарди; у машҳур мужтахид, улуғ рўзадор ва оғзи берк дарвешлардан бўлиб, ушбу асрнинг ўнинчи йилларида ўтганди, унинг қабрини барча зиёратчиларга тавоф қилдиришар, ўзгача эъзоз-икром, эътибор кўрсатишар ҳамда бу борада сирли қилиб буюк умидлар баён қилишарди. (Бу ўша ота Пансий Алешани ўтирган ҳолда топган қабртош эди.) Қадимда ўтган ушбу қария катори хали яқинларда оламдан дорулбақога кетган улуғ роҳиб, бузрук ота Варсонофий ҳақида ҳам шундай тирик хотиралар қолган – ота Зосима хиркасини худди мана шу бузруквордан қабул қилиб олган, монастирға сайр-зиёрат мақсадида

келувчилар ҳали тириклигидаёқ уни мажзуб деб ҳисоблардилар. Ушбу ҳар икковлари ҳақидаги ривоятларга қараганда, улар тобутларида худди тирикдай ётишар, чириш нималигини билмаган ва ҳатто юз-лиқолари тобут ичида ёришган, нуронийга айланганди. Айримлар уларнинг лошу таналаридан муаттар ислар сочилади, деб ишонтиришарди ҳам. Аммо шунчалар хайратомуз хотираларга қарамасдан, бузруквор Зосима тобути тепсида шу қадар энгил-елпи, бемаъни ва бадмаош гап-сўзлар айланиб қолганининг аниқ сабабини тушунтириб бериш кийин эди. Шахсан ўзимнинг чамамда, бунда бир вақтнинг ўзида кўп нарсалар, кўп турли-туман сабаблару натижалар бир ердан чиққан, таъсир кўрсатганди. Улардан бири – монастирда руҳоний оталар мақомига қарши шаклланган, анча илдиз отиб улгурган душманлик кайфияти эди, булар монастирда оталик мақомига ярамас бидъат деб қарашарди, кўпгина роҳибларда гизли тарзда шундай қараш урчиганди. Яна асосий сабаблардан бири – мархум ҳали ҳаёт экан, авлиё деб танилганига ҳасад, ичи қоралик эди, у тирик чоғида буни рад этолмасдилар. Гарчи мархум бузруквор ўз атрофига дам мўъжизакорлиги ва дам меҳр-муҳаббати билан бир олам уни эъзозлаб, севадиган кишиларни жамлаган бўлса-да, айти пайтда ўзига ҳасад қиладиган, ҳатто ошқораю яширин, очикдан-очик ғанимликда бўладиганларни кўпайтирди, бундайлар монастир ичида ҳам, ташқарида ҳам анча-мунча топиларди. Унинг ҳеч кимсага ёмонлиги тегмаган, аммо: “Нега энди уни бундоқ авлиёга чиқариб қўйишди?” – дегувчилар бисёр эди. Фақат мана шу биргина саволнинг ўзи такрор-такрор айтилавергач, туганмас қахру ғазаб туйғуларини юзага чиқарди. Ўйлашимча, худди мана шу боис неча-нечалар унинг тобутидан ҳали ўлганига бир кун бўлмай шитоб ёйилаётган чиркин исларни туйиб, бағоят хурсанд бўлишди; боз устига шу чоққача қарияга садоқат билдириб уни эъзозлаб келганлар орасида шундайлар ҳам дарҳол топила қолдики, улар бу нарсани оғир олиб, ўзларини худди шахсан таҳкирлангандай сезишди. Воқеа изчил равишда шундай давом этарди.

Чириган ис таркала бошлагач, мархумнинг тобути ўрнатилган хонага кириб-чиқаётган дарвешларнинг ташки кўринишларидан нимага келганлари маълум эди. Ичкарига кириб, бирпас туради-да, ташқарида тўдаланиб кутаётганларга тезроқ гап нимадалиги ҳақида хабар етказиш учун чиқишади. Айрим кайғуга ботиб кутаётганлар кўзлари билан аламли имо қилишади, аммо айримлари ўз хурсандчиликларини ҳатто яшириб ҳам ўтиришмайди, нигоҳлари қаҳрли чақнаб кетади. Энди ҳеч ким уларга таъна қилиб дашном ҳам бермайди, ҳеч ким бир оғиз яхши сўз ҳам айтмайди, бу ҳатто ажаб кўринади, зеро, монастирда мархумнинг садоқатли ёронлари анчагина; аммо кўриниб турибдики, бу сафар озчиликнинг ғулуви, афтидан, устун чиқди, худойимнинг хохиши шу экан. Тез орада ҳужрага худди шундай аранг-қаранг бўлиб, ташқаридан ҳам кириб-чиқиб туришди, кўплари илмли-билимли кишилар эди. Авом халқ ичкарига кам кирарди. Аммо қаландархона дарвозаси атрофидаги издиҳом оз эмасди. Ташқаридан кириб келувчилар сони соат учдан сўнг анча кўпайди, сабаби – мишмишлар кенг ёйилиб улгурганди. Ҳатто бугун келиш нияти бўлмаган ва умуман, келгиси келмаганлар энди атай қадам ранжида қилишган, улар орасида қатта амалдорлар ҳам кўзга ташланарди. Лекин ташқарида йиғилганлар сиполикни сақлашарди, ота Паисий ҳам

фавкулудда алланима рўй бераётганини анча аввал пайкаган бўлса-да, худди сезмагандай ғоятда жиддий киёфада катъият билан дона-дона қилиб Инжил ўқишда давом этарди. Мана, ниҳоят унинг кулоғига олдинига оҳиста-оҳиста, сўнг борган сари баландроқ, дадилроқ янграётган овозлар етиб кела бошлади. “Демак, худойимнинг хукми банданинг хукмидан бошқачарак бўлар экан-да!” – деган сасни илғади ота Паисий бирдан. Бу сўзларни ҳаммадан олдин шаҳарда хизмат қиладиган бир амалдор айтди, одамларнинг айтишларича, жуда художўй, ёши анча улғайиб қолган кимса эди, аммо овоз чиқариб айтди-ю, дарвешлар бироз вақтдан бери бир-бировларининг кулоқларига шивирлаётган гапни такрорлади. Улар эса кўпдан буён ушбу ноумид сўзларни тилларига келтирмоқда эдилар, ҳаммадан ҳам ёмони шуки, дақиқа сайин такрорланганда бу сўз билан бирга яна нимадир тантана қилаётганга ўхшарди. Бироқ кўп ўтмай тўпланганларнинг сиполигига ҳам путур ета бошлади, кейин бирдан ҳамма бу сиполикка барҳам беришга ўзини ҳақлидек сезди. “Нега энди бу шундай бўлиши керак экан?” – деб қўйишарди айрим дарвешлар худди афсуслангандай бўлиб, – жуссаси кичкина, қотма, эти устихонига ёпишган эди, “бунда ис нима қилсин?” “Демак, худо агай кўрсатган”, – шошиб-пишиб қўшиб қўйишарди бошқалари ва буларнинг фикрлари, шубҳасиз, дарҳол қабул қилинарди, зеро, бу яна бир қарра шуни кўрсатардики, ҳар қандай жон таслим қилган гуноҳкор бандадан шундай табиий ис тарқалганда, ҳар ҳолда сал кейинроқ, бироз вақт ўтиб, нари борса бир кун ўтиб тараларди, “бу ерда эса табиатнинг ўзи илгарилаб кетди”, демак, худонинг ўзи шуни қўли билан кўрсатишни хоҳлади. Бу фикрни асло инкор қилиб бўлмас, у лол қилиб қўярди. Марҳумнинг суюкли муриди – кутубхона мудирини роҳиб ота Иосиф тили заҳар баъзи ғанимларга эътироз билдирмоқчи бўлди: “Ҳамма вақт ҳам шундай эмас, – деди, авлиёларнинг жасади чиримайди деган гап православиеда ақида эмас, шунчаки айтилган бир фикр, ҳолос, православиега эътиқод қилувчи кўп ўлкаларда, мисол учун Афонда ўликнинг хидидан жирканишмайди¹. У ерларда жасаднинг чиримаслиги ҳалос топганларнинг энг мўътабар белгиси деб ҳисобланмайди, улар марҳум кўмилгандан сўнг бир неча йиллар ўтиб унинг суяги-устихонига қарашади”, ана шунда суякларини худди мум каби сарғайган бўлса, демак, унга худойимнинг раҳмати ёғилган деб билишади; агар суяк сариқ эмас, қорайган бўлса, унга худонинг раҳмати етмаган дейишади. Православие соф-мусаффо ҳолда сақланиб келаётган улуг Афон диёрида мана шундай қарашади, – дея фикрини яқунлади ота Иосиф. Аммо хоксор отанинг сўзларини ҳеч ким кулоққа илмади, ҳаттоки бундан истехзоли қулишди: “Бу илм ва бидъат, эшитиб ўтиришга ҳам арзимайди”, деган фикрга келишди дарвешлар. “Биз ўз эскичамизни қиламиз, энди ҳамма ёқни бадъат-янгиликлар босди, ҳаммасига эргашаверамизми?” – дерди бошқалари. “Бизнинг авлиёларимиз улардан кам эмасди. Улар у томонларда турқлар қўл остида қолишган ва ҳаммасини унутишган. У ёқда православие ҳам лойқаланган, жом қўнғироқлар ҳам аллақачонлар чалинмай қўйган”, – қўшиб қўйишарди ҳазил-мазах ишқивозлари. Иосиф ота мунғайиб қолди, бунинг устига ўз фикрини унча катъият билан айтгани ҳам йўқ,

¹ Афон – Эгей денгизи буйидаги ўрмонзор яриморол. Византия подшолиги даврида бу ерда жуда кўп монастыр-хонақоҳлар вужудга келган. Роҳиблар тоғи – Афон муқаддас ҳисобланади (изоҳлар таржимонники).

ўзи ҳам ўз гапларига ишонқирамагандай эди. Аммо аллақандай манхус бир нима бош кўтариб келаётганини пайкаб ичидан зил кетди, ҳатто шак келтиришдан ҳам тап тортмаётгандилар. Иосиф отадан сўнг охиста бошка фикри расоларнинг ҳам овозлари ўчди. Нечукдирким, шундоқ бўлдики, мархум валийни севган барча кишилар, валийлик удумларига жондилдан ишониб, уни қабул қилганлар нимадандир бирдан каттиқ кўркиб қолишди ва ўзаро бир-бирлари билан учрашаркан, юзларига ботинмай боқишарди. Валийликни бидъат деб қаровчилар эса бошларини мағрур кўтаришди. “Мархум валий Варсонофийдан бўй эмас, муаттар хидлар сочиларди, – дея захарханда қилишарди улар, – аммо бунга валийлик билан эмас, такво билан эришди”. Ана шундан кейин жонини худога топширган бузрук ота шаънига айблов, таъна-дашномлар ҳам ёғилди: “Нотўғри таълим берган; ҳаёт тоат-ибодат эмас, чексиз бахту қувонч деб таълим юритган”, дейишарди айрим гапукмас каллаварамлар. “Бидъатни тарғиб қиларди, дўзахдаги оловни тан олмасди”, деб қўшилишарди улардан ҳам каллаварамроқлари. “Рўздорликка жиддий қарамасди, ширинхўрлик қиларди, олча мураббосини яхши кўрарди, чойга қўшиб ичарди, бегойимлар совғага жўнатишарди, дарвеш чойхўрлик қилиб ўтирса ярашадими?” – дейишарди ичи қоралар. “Кеккайиб ўтирарди, – деб қахрланиб пичинг қилишарди ашаддий ҳасадгўйлар, – ўзини авлиё қилиб кўрсатарди, олдида тиз чўкишларини ёқтирарди”. – “Изҳор рознинг хуфия бўлишига риюя қилмасди”, – деб аччиқ ва қахрли шивирлашарди валийликнинг энг баттол душманлари, булар ичида қанда қилмай рўза тутадиганлар, тил-оғизларини тамғалаганлар, энг кекса ва ашаддий художўй роҳиблар, мархум ота ҳаётлигида ўзини соқовга солиб, энди эса оғзини катта-катта очиб қариллаётганлар бор эди, уларнинг сўзлари ёш, суяги ҳали қотмаганларга қаттиқ таъсир қиларди. Бу гап-сўзларни обдорсклик роҳиб ҳам қулоғи динг бўлиб тинглар, бошини сарак-сарак қилиб, чуқур хўрсинарди: “Кеча бириси кун Ферапонт ота, чамаси, ҳақ гапларни айтганга ўхшайди”, – деб ўйланарди у ичида; бу орада Ферапонт ота ҳам кўзга чалиниб қолди; у гуриллаб ёнаётган алангага ўтин ташлагани чикқандай эди.

Олдин эслатганимдек, у кандухонадаги ёғоч хужрасидан камдан-кам ташқарига чиқар, ҳатто кўп вақтлар черковга ҳам бормас, уни савдойи деб ҳисоблаб бунга ортикча эътибор беришмас, барчага баробар қоидалар билан боғлаб ўтиришмасди. Аммо очиғини айтганда, буларнинг ҳаммаси ҳатто зарурат юзасидан ҳам адо этиларди. Зотан, кечасию кундузи ибодат қилаётган (у ҳатто ибодатда тиз чўкиб ўтириб мизғирди) улуғ рўздор ва хомуш зотни умумий тартибга боғлаб қўйишга андиша қилишар, ўз холига қўйишарди. “У барчамиздан кўра ҳам табаррукрок, вазифаларини тартиб-низомдан кўра ортикрок адо этади, – деган бўлишарди роҳиблар, – черковга келмаётган бўлса, унда қачон келишни ўзи билади, тартиб-низоми унинг ўзида”. Мана шундай гап-сўзлар юзага чиқмасин деб Ферапонт отани ўз холига қўйишарди. Бузруквор Зосимани эса ота Ферапонт ўлгудай ёқтирмас, бу ҳаммага маълум эди; мана, ниҳоят унинг хужрасига ҳам “худонинг ҳукми бани одам ҳукмидай бўлмас, буни табиатнинг ўзи маълум қилди” деган хабар етиб борди. Бу хабарни унга биринчилар қатори обдорсклик меҳмон роҳиб етказган бўлса керак, у кеча унинг хужрасида бўлган ва қаттиқ саросимага тушиб уни тарк этганди.

Мен яна шуни ҳам эслатиб эдимки, тобут тепасида кимирламай маҳкам туриб тинмай тиловат қилаётган ота Паисий гарчи хужрадан ташқарида нима бўлаётганини кўрмаётган ва эшитмаётган бўлса-да, аммо барча асосий гап-сўзларни юраги билан беҳато англаб етар, зеро, унинг ўзи бу муҳитни беш қўлидай яхши биларди. У саросимага тушмади ва яна нима рўй бериши мумкин бўлса, барини кутарди, заррача қўрқмай, сарсилмай бу олаговурнинг нима билан тугагини ўткир нигоҳи билан кузатарди, тафаккур кўзи қўп бўлажак нарсаларни илғаб оларди. Бирдан дахлиздаги сипо вазиятни бузган ғалати шовкин унинг кулоғини танг қилди. Эшик ланг очилиб, остонада ота Ферапонт кўринди. Пастда, эшик ёқасида унинг орқасидан эргашган кўпгина роҳиблар ва хатто ташқаридан келган кишилар хужра ичидан кўзга ташланди. Бирок эргашиб келувчилар ичкарига киришмади ва остонага ҳам кўтарилишмади, аммо эшик олдида тўхтаб, ота Ферапонт энди нима қиларкин, нима деркин деб кутишди, зеро, улар ўзларининг бутун шахду шиддатларига қарамай, юраклари бирмунча пўкиллаганча нимадир бўлади, мажзуб ота бекорга келмади-ку, деб мунтазир эдилар. Ферапонт ота остонада тўхтаб, кўлини осмонга кўтарди, унинг юқори кўтарилган ўнг кўли остидан обдорсклик меҳмон роҳибнинг олазарақ ангийн кўзлари чакнаб кўринди, у ҳеч нарсага қарамай тўда орасидан бир ўзи сабри чидамай, мажзуб ота ортидан зинага чопиб чикқанди. Бошқалар эса эшик шовкин солиб очилгани ҳамон кутилмаганда кўркувга туриб, аксинча, орқага тисарилишди. Ота мажзуб кўлини тепага кўтариб бакирди:

– Қувалайман, қуваман! – у шу заҳоти тўрт томонга дам-бадам қараб, хужранинг тўртала бурчаклари ва деворларини кўли билан чўқинтира кетди. Унга эргашиб келганлар мажзубнинг бу ҳаракатларини дарров тушунишди: улар мажзуб қаерга кирмасин, доим шундай қилишини билишарди, зеро, у инсу жинсларни қувиб ҳайдамай туриб, ҳеч қаерга ўтирмас ва сўз айтмасди.

– Шайтон, қоч, шайтон, қоч! – деб кичкирарди у ҳар чўқинтирганда. – Қувалайман, қуваман! – бўкирди у яна, устига занжирлар осилган чакмон кийган, дағал матоли кўйлаги остидан ёл қоплаган яланғоч кўкси кўринарди, оёғи ҳам туп-тус яланғоч, у қўлларини кўтариб силкита бошлагач, тўни остига илинган темир занжирлар жаранглади. Ота Паисий тиловатни тўхтатди, олдинга ўтди ва унинг олдида туриб кута бошлади.

– Нега келдинг, диёнатли чол? Нега шовкин солаёпсан? Нега одамларнинг тинчини бузёпсан? – ниҳоят мажзубнинг башарасига тик қараб сўзлади у.

– Келсам нима? Нега сўрайсан? Диёнатинг борми? – кичкирди ота Ферапонт жазавага туриб. – Ярамас қўноқларингни ҳайдайман, лаънати шайтонлар! Урчиб кетибди уларинг. Супурги олиб қуваман. Ҳаммасини.

– Инс-жинсини қуваман дейсан, балки ўзинг уларнинг хизматини қиларсан, – дадил туриб давом этди ота Паисий, – ким ўзини авлиёман дея олади? Сенмасмисан, отахон?

– Мурдорман, авлиёмас. Юмшоқ креслога ўтирмайман, тобутларга сиғинмайман! – ўкирди ота мажзуб. – Одамийлар энди муқаддас динни бузёпти. Манов мархум, сизларнинг авлиёларингиз, – деб у тўдага ўгирилиб тобутни кўрсатди, – шайтонларни тан олмасди. Шайтонга қарши обаки берарди. Шунинг учун ана энди улар ўргимчаклардай бурчакларда

кўпайиб кетди. Мана энди ўзи ҳам сасиб ётибди. Бу худойимнинг улуг карамати.

Зосима ота ҳаётлик чоғида бир куни, ҳақиқатан, шундай бўлганди. Дарвешлардан бирининг тушига инс-жинс кириб, кейин ўнгида ҳам кўринган, буни авлиё отага маълум қилганда унга тинмай ибодат қил, дуо ўки, рўза тут деган. Аммо булар ёрдам бермагач, дуо ўқийвер, рўзадан тўхтама деб, бир хил дори ичишни маслаҳат берган. Кўплар ўшанда бунга қизиқиб қолишган, бир-бирлари билан ивир-шивир қилиб, бош чайқаб юришган, бузруквор отанинг бу “ғаройиб” маслаҳатини баъзи нодўстлар дарров бориб мажзуб отага етказишган, у бундан кўпириб-тошиб варажага тушган.

– Қоч бу ердан! Қорангни ўчир! – таҳдид билан деди ота Паисий, – ҳукм худода, бандада эмас. Бу амри худо, уни на сен тушунасан, на мен, на бошқа. Кет бундан, отахон, подани бузма, одамларни талвасага солма! – забт билан такрорлади у.

– Вазифасини бажармади, рўзани адо этмади, ана энди амри худо чикди, кўрсатди. Қундай равшан бўлди, буни яшириш гуноҳ! – тинчимасди оғзидан кўпик сочган жохил баттол. – Попук қандни яхши кўрарди, бегойимлар чўнтақларига солиб олиб келишарди, чойхўрлик қиларди, корни-курсоғини ширинликларга тўлдирарди, такабурликни қўймасди... Ана, шарманда-шармисор бўлди...

– Гапларингни тутуриғи йўқ, отахон! – овозини кўтарди Паисий ота ҳам, – зохидлигинг, фидойилигингга қойил қоламан, аммо гап-сўзларинг ҳавойи ва енгилтак, кўчада юрган ақли йўқ ўсмирларга ўхшайсан, сал шамолга ликиллайсан. Нарн тур, коранг ўчсин, жўна, сенга айтаман, – момақалдирокдек гулдирарди ота Паисий охирида.

– Мен-ку кетаман! – бироз хижолатга тушиб, лекин ҳамон зардаси қайнаб деди мажзуб ота, – алломалар булар! Каллахумлар мен фақирни ғажиб ташлайди. Бу ерга мен чаласавод келганман, бунда билганларим ҳам эсимдан чикди, худойимнинг ўзи мени, ақликўтахни сизнинг довафтарингиздан ўзи асради ўз паноҳида...

Ота Паисий унинг қаршисида тоғдай кутиб турарди. Ферапонт ота жим бўлди ва бирдан ўнг кафтини юзига қўйиб, мунгранганча бузрукнинг тобутига боқиб, улигандай бўлиб чўзилиб деди:

– Унинг бошида сахарда “Мадаккор ва раҳнамо”ни кироат қилурлар, бу аркони шарафдур, мен эса жон топширганимда фақат бор-йўғи “Ҳаёт фароғати каби” камсукум нағмасини ўқурлар, – деди у аламангиз надомат билан. – Кибриёлар, авлиёлар, ҳаммаси рўёлар! – дея бўқирди у бирдан эс-хушидан айрилгандай бўлиб, кейин қўлларини каттик силтади-да, орқасига ўгирилиб тез-тез зиналардан пастга тушди. Пастда кутиб турган тўда саросимада қолди; баъзилар дарҳол унга эргашиди, баъзилар эса сарсилди, зеро, хужра эшиги очик, ота Паисий эса мажзуб ортидан чиқиб эшик олдида атрофга назар ташлаб турарди. Аммо кўпириб-тошган мажзуб ҳали ишини охирига етказмаганди: у йигирма одимларча нари юриб бориб, қутилмаганда бирдан ботаётган қуёш томонга қўлларини баланд чўзди ва худди биров уни чалиб йикитгандай ерга кулади, бўғзидан улуг бир ўкирик отилиб чикди:

– Раҳмоним ғолиб чикди! Масихо ботаётган қуёшдан ғолиб чикди! – бор кучи билан бақирди у қуёшга қўлларини чўзиб, сўнг юзтубан ерни

кучиб худди ёш гўдак каби ўкириб йиғлади, у қўлларини икки томонга ёзиб ер парчин бўлиб ётарди. Шунда барча у томонга отилди, оҳ-воҳлар янгради, хўнграб йиғи солган садолар эшитилди... Ҳаммани ваҳима, вавсава кучди.

– Ана ҳақиқий авлиё! Ана ҳақиқий порсо! – ҳар томондан энди дадил-дадил овозлар келарди, – ҳақиқий валий мақомида мана шундай шайдолар ўтирсин, – деб қўшимча қилишарди бошқалари зарда оҳангида.

– У валий мақомида ўтирмайди... Ўзи хоҳламайди... бидъатга йўл қўймайди... уларнинг жинниликларига эргашмайди, – деб дарҳол бошқа овозлар илиб кетишарди, бу ишларнинг охир-оқибати нима билан тугадини ҳеч ким билмасди, аммо худди мана шу дамда ибодатга чорлаб жом чалиниб қолди. Ҳамма бирдан чўқина бошлади. Мажзуб ота Ферапонт ҳам йиқилган жойидан кўзгалди ва ўзини ҳар ёқдан чўқинтириб муҳофаза қилиб, ҳеч қаёққа қарамай, тушунарсиз алланималарни бақириб, валдираб, вағирлаб ўз хужраси томон кетди. Унинг орқасидан бир қанча одам эргашган бўлди, аммо аксарлари ибодатга шошилиб жўнади. Паисий ота кироатни давом эттиришни Иосиф отага топширди-да, пастга тушди. У жохил, газандаларнинг бакир-чакирларидан тап тортадиганлар хилидан эмасди. Аммо юраги алланимадан бир бошқача ғам-ҳасратга ботди ва буни ўзи ҳис қилди. У бир нафас тўхтади-да: “Нега мен бундай бўляпман, юрагим сиқилипти?” – деб ўйлади. Ва яна дарҳол англаб етдики, ўзининг бу ҳасрати, чамаси, жуда ҳам арзимас ва ўзгача бир сабабга эга: гап шундаки, ҳозир бузрук хужраси эшигида тўлқинланиб уймалашаётган издиҳом ичида у, филжумла, Алешани ҳам илғаб қолди-да, дарҳол юрагини бир нарса санчиб ўтганини сезди. “Наҳот энди бу ўғлон юрагимда шунчалар чуқур ўрнашган бўлса?” – кутилмаганда бирдан ўз-ўзини сўроққа тутди. Худди шу пайтда Алеша ибодатхона томонга эмас, бошқа қаёққадир шошиб унинг ёнидан ўтиб кетмоқда эди. Уларнинг кўзлари тўқнашди, Алеша кўзларини дарҳол четга олди ва ерга қаради, Паисий ота ўғлоннинг афти-ангоридан унинг юрагида шу дамда қанчалар қаттиқ ўзгаришлар бўлаётганини пайқади.

– Сен ҳам айнидингми? – бирдан овозини кўтарди Паисий ота, – э, наҳотки, сен ҳам имони сусларга қўшилдинг! – ёзғириб қўшиб қўйди у.

Алеша тўхтагандай бўлди, Паисий отага мужмал нигоҳ ташлади, аммо кейин яна тез кўзларини олиб кочди ва ерга қаради. У ёнлаб турганча, руҳоний отага юзини бурмади. Паисий ота диққат билан разм солиб турарди.

– Йўл бўлсин? Ибодатга чакиряпти, – деб яна сўради руҳоний ота, аммо Алеша яна жавоб бермади.

– Ё бу ердан кетяпсанми? Сўраб ҳам ўтирмасдан-а? Дуо-фотиҳа ҳам олмасдан-а?

Алеша бирдан лабини қийшайтириб тиржайди, ўзидан савол сўраб турган руҳоний отага ғалати, жуда ғалати кўз ташлади, марҳум устози, ақли ва юрагининг подшоҳи, маҳбуб пири комили жон узилар чоғида уни шу руҳоний отага ишониб топширганди, мана энди ҳамон мик этиб оғзини очмай, ҳатто одоб-икромни ҳам унутиб, қўл силтади-да, дарвозахона томон жадал юрди.

– Ҳали қайтиб келасан! – пичирлади Паисий ота унинг ортидан ҳасрат ва ҳайрат билан боқиб.

II

ШУНДАЙ ДАМДА

Паисий ота ўз “азиз ўғлони” яна қайтиб келади деб, албатта, адашмаган эди ва балки тўла-тўқис бўлмаса-да, аммо каромат қилгандай Алешанинг кўнглидан ўтаётган кечинмаларнинг асл маъносига етиб боргандай бўлди. Шундай эса-да, чиндан очиқ тан олиб айтايки, мен учун шунчалар суюкли ва хали шунчалар навқирон қахрамоним ҳаётидаги бунчалар ғалати ҳамда мужмал дақиқалар мазмунини аниқ ифодалаб беришим қийин. Паисий отанинг Алешага қарата айтилган: “Сен ҳам имони суствлар қаторидамисан?” – деган мунгли саволига мен Алеша учун, албатта, қатъият билан шундай жавоб берган бўлардим: “Йўқ, у асло имонсизлар қаторида эмас”. Бу ҳам оз, бунинг бутунлай тескариси эди: у ҳаммадан ортиқ имон-ишончда бўлгани учун ҳам қаттиқ саросимага тушди. Аммо ҳар қалай уни саросима эгаллади, ҳа, эгаллади ва ортиқ изтиробга солди, бу шундай бўлдики, Алеша узоқ йиллар ўтиб ҳам мана шу кунни ўз ҳаётининг энг оғир ҳамда қулфатзада кунларидан бири деб ҳисобларди. Агар тўғридан-тўғри сўрасаларки, “Нахотки шунчалик ғам-алам, шунчалик дилтангликка муршиди устознинг жасади шифо-малҳам ва даво етказиш, ҳалоскор бўлиш ўрнига дарров чирий бошлагани сабаб бўлдийкин”, бунга ҳеч шак келтирмай: “Ҳа, бу ҳақиқатан, шундай бўлди”, деб жавоб бераман. Фақат бу ҳолда ўқувчимдан навқирон қахрамонимнинг пок-мусаффо юраги устидан қулишга унчалар ошиқ-масликларини сўрардим. Ўзим эса унинг учун кечирим сўраш ёхуд унинг ёшлиги, ғўрлигини ҳисобга олиб, имон-этикодининг соддафаҳмлигини оқлашу маъzur тутишликни ният қилмадим, ўқиган илму ирфонларида ҳам суствлик ва ҳоказо ва ҳоказо борлигини рўқач қилмоқчи эмасман, аксинча, дадил ишонч билан айтмоқчиманки, унинг юраги тийнатиға чин дилдан ҳурмат билдиримоқчиман. Ҳеч шак-шубҳа йўқки, юрагини абгор қилувчи таассуротлардан эҳтиёт билан сақланувчи бошқа бир йигит севгининг оташ-оловларидан ўзини олиб қочади, фақат ақлини ишлатиб, илиқ севади, аниқ ҳисоб-китоб қилади, фойда-зарарига қарайди (бу арзонга тушади-да), мана шундай ёш йигит дейман мен, менинг қахрамонимнинг бошига тушган савдони бошидан кечирмаган бўларди, лекин ғолибо, айрим вақтларда ақлга тўғри келмайдиган баъзи майлу хоҳишларга изн-ихтиёр бериш беҳроқ туюлади, зеро, у улуг бир муҳаббатдан туғилган бўлса, балки айби йўқдир. Ёшлик ёшлик-да, доим ўзини ақли кўрсатадиган ёш йигитга ишониш қийин, унинг нархи арзон – менинг фикрим шундай! “Аммо бунда, – деб эътироз билдиришади оқил одамлар, – бундай хурофотга ҳар бир ёш йигит берилиб кетавермаслиги керак, сизнинг ёш қахрамонингиз бошқаларга намуна бўлолмайди”. Мен бунга яна бир қарра шундай жавоб бераман: ҳа, менинг қахрамоним эътикод қилган, эътикодини муқаддас билган ва унга садоқатли бўлган, лекин мен барибир унинг учун кечирим сўрамайман.

Биласизми, мен гарчи юқорида (эҳтимол, бироз шошгандирман), қахрамоним аҳволини тушунтириб, кечирим сўраб, оқлаб ўтирмайман деб айтган бўлсам ҳам, бирок кўриниб турибдики, қиссамизнинг кейинги

вокеалари тушунарли бўлиши учун ҳарқалай нималарнидир аниқлаб, изохлаб ўтиш зарурати кўндаланг туради. Айтмоқчи бўлаётган сўзим шу: бу ерда мўъжизагина назарда тутилаётгани йўқ. Бу ўринда мўъжиза кутиш бесабр бир енгилтаклик эмасди. Ўшанда Алешага мўъжиза (бу энди бутунлай йўқ) қандайдир эътиқод-ишончнинг тантанаси учун керак бўлгани йўқ, қандайдир олдинги, илгаридан бичиб-тўқилган ғоя-фикрнинг бошқа бири устидан тезроқ ғолиб чиқиши учун эмас, о, ундаймас, асло ундаймас: бу ерда ҳаммасида ва ҳаммасидан олдин биринчи ўринда унинг қаршисида, кўз ўнгида сиймо турган, фақат сиймо – маҳбуб муршидининг сиймоси, тақи-таквода ягона зот турар, уни жаҳонда ҳеч нарсага алмашмас, жону дилдан суярди. Ҳа, худди ана шундай, унинг ёш ва мусаффо юрагида “борлиқ оламга” жўш урган гизли бир мухаббат ўша пайтда ва ундан олдинги йилда мана энди оламдан кўз юлган маҳбуб устози сиймосида жамлангандай бўлар, юрагининг энг алангали интилишлари фақат унга талпинар, балки бу ҳатто нотўғри туюлар, аммо айни ҳақиқат эди. Чиндан, ушбу хилқат унинг кўз ўнгида узоқ вақт ҳар қандай шак-шубҳадан ҳоли идеал тимсол бўлиб турди, илло, унинг бутун ёш куч-ғайрати, интилишлари мустансо бир тарзда фақат ва фақат шу идеалга ўзини тўла бағишлади ва ҳатто бошқа “ҳамма-ҳаммасини” унутди. (Кейин у ўзи эслаб юрди, мана шу оғир бир кунда акаси Дмитрийни мутлақо эсламади, ҳолбуки, уни жуда соғинар ва уни деб кўп қайғурарди; яна Илюшечка болақайнинг отасига икки юз рубл элтиб беришни ҳам эсидан чиқарди. Ҳолбуки, шу кунларда пулни етказиб беришга қаттиқ жазм қилганди.) Аммо барибир унга ҳеч қанақа мўъжизанинг ҳожати йўқ эди, у фақат “энг юксак адолатни” хоҳларди, бу эса, унинг ишончи комил эдики, бузилганди ва мана шундан унинг юрагига дабдурустан, шафқатсизларча жароҳат етганди. Бироқ Алеша интизор кутган бу “адолат”нинг ўзи нима эди, воқеаларнинг боришига кўра у мўъжиза шаклига кирди. Муршидининг ўлик танасидан шу нарса дарҳол содир бўлишини кутмаганмиди у? Лекин монастырда ахир ҳамма шундай ўйламаганмиди, шуни кутмаганмиди, Алеша қаттиқ иззат-икром қилиб, ақл-идрокига қойил қолиб юрадиган зотлар ва ҳатто Паисий ота шулар қаторида эмасмиди? Ва мана, Алешанинг ўзи ҳам ҳеч қандай ғам-ташвиш чекмай ўз орзу-илинжларини худди бошқа барчалари каби бир либосга ўрамади? Унинг монастырда кечган бир йил умри давомида юрагида бу нарсалар орзуланмиш эди; юраги ҳам шундай бўлади деб кутишга одатланмишди. У фақат мўъжиза эмас, адолат, ёлғиз адолатга ташна эди! Унинг орзу-хаёлларида энг юксак оламларга кўтарилиб бориши керак бўлган сиймо энди ўзига энг муносиб шарафларга чулғаниш ўрнига бирдан тубанларга кулади ва шармисор бўлди! Нега бундай? Ким ҳукм ўқиди? Ким ҳақли бундай ҳукмга? Ғўр ва боқира юракни мана шу саволлар тинмай эзарди. У такводдорларнинг такводори бўлган бир зот ўзидан неча энлик тубанда турган шунчалар енгилтак гўда томонидан масхараомуз ва ёвузларча таҳқирга учраганига асло чиқолмас, ўзини ёмон ҳақоратлангандай сезар, ачғиси келарди. Майлига, мўъжизаси бўлмаса бўлмас, майли, кутганлари абаб бўлсин, аммо қайдан ёғилди бу обрўсизлик, қайдан чиқди бу уят-надомат, қайси гўрдан чиқди бу қутилмаган чиркинлик, бу айрим роҳиблар заҳарҳанда қилиб айтган “табиатдан ўзиш?” Қаердан бу “кўкнинг амри”, ахир мажзуб ота ва бошқа

оталар шу ҳақда жағ урмаяптими? Нахот улар шундай хулоса чиқариш ва шунга ишонишга ҳақли бўлсалар? Шуми қазову қадарнинг қўли? Нега у “энг керакли дамда” намоён бўлмади (деб ўйларди Алеша) ва ўзини табиатнинг кўр, гунг, шафқатсиз қонуниятлари кучоғига ташлади?

Шу боис Алешанинг юрагидан қон тиркираб оқар, кўз ўнгидан “шармандаи шармисор” бўлган, “шон-шавкати бой берган” устозининг қиёфаси кетмасди. Майли, боз устига менинг ёш қахрамоним тентак ва ҳавойи бўла қолсин, буни мен яна бир бора такрор айтаман, аммо унинг шу дамда унчалар “оқил” эмаслигига ҳам хурсандман, чунки аҳмоқ бўлмаган киши ҳамма вақт ўзини ақлли қилиб кўрсатолади, лекин худди мана шундоқ фавқулудда сонияларда ёш йигит юрагида муҳаббат жўш урмаса, унда умуман қачон жўш ургай? Шу муносабат билан ғалати ходиса ҳақида индамасдан ўтиб кетолмайман, у Алеша учун мана шу таҳликали ва чалқаш онларда унинг онгида бир зумгина бўлсада юзага чиқиб қолди. Алеша кеча ақаси Иван билан гаплашганлари таассуротларини энди тинмай бирмунча азобланиб эслар, хаёлидан қандайдир янги бир *алланималар* ўтарди. Ҳа, айнан энди эсларди. Йўқ, юрагининг асос, табиий ақидаларига асло дарз кетмади, ундай эмас. У ўз юрагидаги худони севар, унга сира оғишмай, иккиланмай эътиқод қўйган, аммо тўсатдан андак норозилик ҳам бош кўтарганди. Бироқ ҳарқалай ақаси Иван билан кечаги гапни эслаб, унда яна қандайдир ғира-шира алам ҳамда изтироб уйғонди, яна ўша азобли қайноқ таассурот кўксиди ғимирлаб бош кўтарди ва ташқарига чиқишга уринди. Хуфтон қоронғиси қуюқлашганда, қаландархонадан чиқиб қарағайзор оралаб монастырга ўтиб бораётган Ракитин бирдан дарахт тагида юзтубан тушиб, худди уйқуга кетгандай бўлиб ётган Алешани кўриб қолди. У яқин бориб уни чақирди.

– Нега бу ерда ётибсан, Алексей? Лекин нахотки сен... – у хайрон бўлиб оғиз очди-ю, аммо гапини тугатмай тўхтади. “Нахотки сен *шу аҳволга тушидинг?*” демокчи бўлди. Алеша унга қарамади, аммо Ракитин унинг қимирлаганини кўриб, эшитаётгани, гапга тушунаётганини сездди.

– Э, сенга нима бўлди ўзи? – ҳамон хайрон бўлиб сўрарди Ракитин, аммо энди хайронлиги аста-секин истехзоли қулгига айлана бошлаганди.

– Қулоқ сол, сени икки соатдан ортик қидириб юрибман. Бирдан у ердан йўқолиб қолдинг. Бу ерда нима қиляпсан ўзи? Яна нима қаллангга келиб қолди? Э, менга қарасанг-чи ахир...

Алеша бошини кўтарди, ўрнидан қўзғалиб дарахтга суяниб ўтирди. У йиғлаётгани йўқ, аммо юзида алам-азоб ақс этар, нигоҳидан зарда ёғиларди. Ғолибо, у Ракитинга эмас, бошқа аллақакка боқарди.

– Биласанми, башаранг жуда ўзгариб кетибди. Илгариги ювощ мўминтойлигиндан асар ҳам қолмабди. Бировдан аччиғинг чикдимми? Хафа қилишдимми?

– Бор-ей! – деб оғиз очди бирдан Алеша бояги-бояги унга қарамай, ҳорғин қўл силтаб.

– Э-ҳа, хали шунақами! Худди бошқаларга ўхшаб бақирасан-а. Яна фаришталарга-я! Ҳей, Алешка, сенга хайрон бўлиб қолдим, биласанми, буни чин дилдан айтаяпман. Анчадан бери бу ерда ҳеч нарсадан хайрон бўлмайман. Мен ахир сени ўқимишли одам деб ҳисоблаб юраман-а...

Алеша ниҳоят унга ҳали-ҳамон уни тушунмаётгандай паришон қаради.

– Нахотки устозинг сасиб қолганига шунчалар қилаётган бўлсанг? Нахот сен у дарров мўъжизалар кўрсатишни бошлаб юборад, деб ишонган бўлсанг? – жўшди Ракитин яна ҳайрати чиндан зиёда бўлиб.

– Ишонганман, ишонаман, ишонишни хоҳлайман ва ишонавераман, яна нима дейсан! – аччиғи чиқиб кичқирди Алеша.

– Э, нима дердим, мўминтой! Вой, сени қара-ю, бунга ҳозир ўн уч яшар ўсмир ҳам ишонмайди. Э, менга қара, вой шайтон... Э, сен ахир шундоқ ўз худойингга қарши бош кўтарибсан-да, унвон-алвон бермади дебсанда, байрамга нишон-тамға такмади, деб ёзғирибсан-да! Эҳ, сиз!

Алеша кўзларини қисгандай бўлиб, Ракитинга узоқ тикилди, кўзларида нимадир чакнаб кетди... Аммо Ракитинга қаҳрини сочмади.

– Мен худойимга кўп ғалаён қилмайман, фақат “унинг оламини қабул қилмайман”, – лабини кийшайтириб иршайди Алеша.

– Оламини нега қабул қилмайсан? – унинг жавоби устида андак ўйланди Ракитин, – бу қанақа ажи-бужи?

Алеша жавоб бермади.

– Бўлди, етар, тоза валдирадик, ишга ўтайлик: бугун овқат едингми?

– Билмайман... едим, шекилли.

– Озиб-тўзиб қолибсан, бир нарса еб ол. Сенга қараб одамнинг раҳми келади. Эшитишимча, сен кечаси ҳам ухламагансан, тунда машварат қилибсизлар. Яна шунча олатўполон, унақа-мунақа... Муборак кулчадан бир тишламгина егандирсан. Чўнтагимда озгина колбаса бор, шаҳардан бу ёққа келатуриб ҳар эҳтимолга қарши ёнимга солиб қўйгандим, сен балки фақат колбасани...

– Бер колбасангни.

– Э-ха! Ана аҳвол! Чинакам ғалаён, баррикадалар! Э, оғайни, бўш қоп тик турмайди. Меникига кирамиз... Мен ўзим озгина отсамми дейман, ўлардай чарчадим. Араққа қалайсан... ичаверасанми?

– Арақ бўлса бер.

– Ол-а! Қойил-э, ошна! – кўзи ола-кула бўлиб қаради Ракитин. – Ҳай, майли, ундок-мундоқ, арақ ё колбаса жонингни киритади, ноз қилиб ўтирма, кани, кетдик!

Алеша индамай ердан турди-да, Ракитиннинг орқасидан кетди.

– Буни аканг Ванечка кўрса, тоза ажабланарди-да! Айтгандай, аканг Иван Федорович бугун эрталаб Масковга жўнаворди, биларминдиги?

– Биладан, – ҳафсаласизлик билан деди Алеша ва бирдан хаёлида акаси Дмитрийнинг киёфаси гавдаланди, дарҳол аллақандай кечиктириб бўлмайдиган ишни ёдга солди, қандайдир ўталмаган бурч, даҳшатли бир қарздорлик эди бу, аммо бу ҳам унга зиғирчалик таъсир қилмади, юрагига етиб бормади, шу ондаёқ хотирасидан кўтарилди – унутилди. Аммо Алеша буни узоқ вақт эслаб юрди.

– Акажонинг Ванечка бир куни мен ҳақимда “тўмтоқ, умуртқаси йўқ, бўш қоп” деб айтувди. Сен ҳам бир марта тилингни тиёлмай мени “ориятсиз” дединг... Майли! Мана энди мен сизларнинг қобилиятингиз ва диёнатингизни бир кўрай (бу охирги сўзларни Ракитин ичида пичирлаб айтди). Туф-эй, менга қара! – овозини баландлатиб давом этди у яна, – монастирнинг ёнидан ўтайлик, сўкмок йўлдан тўғри шаҳарга борамиз... Ҳимм. Айтганча, мен Хохлаковага учрашиб чиқишим керак. Тасаввур

кил: мен унга бўлиб ўтган воқеаларни ёзиб юбордим, қара, у менга дарҳол мактуб ёзиб жўнатди қаламда (бу хоним мактубчалар ёзишни жуда яхши кўради), мен, дейди, “авлиё ота Зосима каби пурэтибор кимсадан ҳеч қачон *бундай қилиқни* кутмовдим!” Шундай деб ёзибди-я: “килик” деб! Буям ўз кўнглида норози; э, ҳаммаси бир-биридан бешбаттар! Тўхта! – бирдан қичқириб юборди у яна ва Алешанинг елкасидан тутиб уни тўхтатди, ўзи ҳам тўхтади.

– Биласанми, Алёша, – қутилмаганда хаёлига келиб қолган бошқача бир фикр таъсирида Алешанинг кўзига синовчан тикилди, ташқаридан кулгандай кўринса ҳам, афтидан, ногаҳоний бу фикрини овоз чиқариб айтишдан истихола қилди, Алешани бундай гаройиб ҳолатда ва қутилмаган кайфиятда кўриб турганига ҳамон ишонгиси келмай, – Алешка, биласанми, биз қаерга борсак энг маъқул жой бўлади? – деб сўради у ниҳоят ботинмайгина ялтқоқлаиб.

– Фарқи йўқ... қаёққа десанг шу.

– Грушеньканикига борайлик, а? Борасанми? – деди ниҳоят Ракитин унинг жавобини журъатсизлик билан кутиб дир-дир қалтираб.

– Грушеньканинг олдига ҳам бораверамиз, – дарҳол хотиржам жавоб қилди Алеша, унинг бундай бемалол, бамайлихотир жавоби Ракитинни шунчалар шошириб кўйдикки, беихтиёр орқасига тисарилди.

– Э, вой, ана! – деб хайратланиб қичқириб юборди у ва Алеша дарров бирдан айниб қолмасин деб хавфсираганича унинг қўлидан маҳкам ушлаб олди-да, сўқмоқдан тез судраб кетди. Улар индамай боришар, Ракитин ҳатто оғиз очишга чўчирди.

– Э, роса хурсанд бўлади-да, боши осмонга етади... – гўлдираб бир нарсга дегандай бўлди-ю, яна овози ўчди. Ракитин Алешани Грушенька хурсанд бўлади, деб судраб бораётгани йўқ эди; у ўзи жиддий одам эди, ўзига бир фойдаси тегмаса, ҳеч нарсга кўл урмасди. У ҳозир камиде иккита мақсадни кўзларди, аввало, Алешадан боплаб ўчини олмоқчи, яъни “тақводор” Алешанинг “тубан кетгани” ва “шарманда бўлгани”ни ўз кўзи билан кўрмоқчи, “авлиёнинг гуноҳ қилиб булғаниши”дан роҳатланмоқчи, иккинчидан, бунда ўзининг кўз остига олиб қўйган моддий бир манфаатдорлиги ҳам йўқ эмасдики, бу ҳақда куйироқда тўхталиб ўтамиз.

“Қаранг, вақти-соати келиб қолганини, – деб ўйларди у ичида қулиб ва заҳарханда қилиб, – мана энди келган вақтнинг шартта бўғзидан оламит, зеро, бизга у ғоятда асқотади”.

III

ПИЁЗБОШ

Грушенька шаҳарнинг энг ҳаёт қайнаган қисми, Жоме майдони яқинида, бева савдогар хотин Морозованинг уйида, тўғрироғи, ҳовлисида чорсирак ёғоч иморатни ижарага олиб яшарди. Морозованинг ўзи уйи жуда қатта, икки қаватли, гишдан қурилган, эски ва ғоятда кўримсиз эди; бунда қартайиб қолган бекач иккита ёши анча ўтган аёл қариндоши билан ёлғиз турарди. У ҳовлидаги алоҳида уйни ижарага беришга муҳтож эмасди, аммо (бундан тўрт йил аввал) қариндоши савдогар Самсоновнинг

раъйига қараб Грушенькага уйни ижарага берган, бу кимса Грушенькага очикдан-очик ҳомий ва раҳнамолик қилиб келишини ҳамма биларди. Яна шунақа гап-сўзлар ҳам эл орасида юрардики, қизғанчик чол Морозованинг кўрасига ўз “маъшуқасини” жойлаганидан мурод – унинг ўткир зийрак кўзига умид боғлаган, кампир қизнинг юриш-туришига кўз-қулоқ бўлиб туради, деб мўлжаллаганди. Аммо кўп вақт ўтмай ўткир кўз, зийрак нигоҳнинг зарурати йўқлиги маълум бўлди, Морозова кампир Грушенька билан онда-сондагина кўришар, кейин-кейин бориб эса кампир қизнинг гашига асло тегмас, уни назорат қилмасди. Рост, қария шу ўн саккиз яшар тортинчок, уятчан, ингичка ниҳолдай озгин, хаёлчан ва маъюс қизчани вилоят шахарчасидан олиб келганига ҳам тўрт йил бўлиб қолибди, ўшандан бери қанчадан-қанча сувлар оқиб кетди. Шахарчамизда бу қизнинг ҳаётини яхши билишмас, билганлари ҳам чала-чулпа; кейинги пайтларда билганлари ёнига ҳеч нарса қўшилмади, холбуки, тўрт йил ичида энди Аграфена Александровна “офатижон қизга” айланиб улгурган ва кўплар унга кизикиб, ҳайратланиб қарай бошлаган эди. Тўғри, ўн еттига кирганда, уни аллақим, қандайдир бир ҳарбий зобит алдаб, йўлдан уриб, кейин дарров ташлаб кетибди, деган олди-қочди гап-сўзлар ҳам юрарди. Зобит кейин бошқа ерга кетиб уйланибди, Грушенька эса шарманда бўлиб, итялоклигича қолаверибди дейишарди. Узунқулоқ гапларга қараганда, Грушенька савдогар чол томонидан, ҳақиқатан, қашшоклик кучоғидан олиб чиқилган бўлса-да, бироқ у дину диёнатли оилада ўсган, отаси аллақандай диндорлардан, омади юришмаган диаконлардан экан. Мана, қарангким, бор-йўғи тўрт йил ичида у нозикмижоз, хўрланган шўрлик бир қизчадан гулдай яшнаган, қадди-қомати келишган, чинакамига офатижон бир рус гўзалига айланди, мард ҳамда дадил, мағрур ҳамда тап тортмас, пулнинг қадрига етадиган, ўзига пишиқ, эҳтиёткор, йиғиб-теришга уста, гоҳ устидан, гоҳ остидан келадиган молтопар ва қандай бўлмасин, ўзича кўр-кут сармоя ҳам орттирган аёл эди. Бироқ барчалари бир нарсани жуда яхши билардилар: Грушеньканинг ёнига яқинлашиш осон эмас, зеро, мана шу тўрт йил мобайнида унинг валинеъмати – чолдан бошқа ҳеч кимса қизнинг илтифотиغا сазовор бўлдим, деб мақтанолмасди. Бу ишонса бўладиган гап эди, зотан, айниқса, кейинги икки йил ичида шундай илтифотни қозониш учун уришиб кўришни истаган ишқивозлар хийла кўпайганди. Аммо барча жонбозликлар ҳайфга кетди, айрим ишқивозлар ҳатто ўзига пухта ёш қизнинг кулги аралаш катъият билан рад қилган жавобига дуч келиб, кулинч бир аҳволга тушдилар. Баъзилар яна шуни ҳам яхши билишардики, оймқиз, айниқса, охирги йилларда “олди-сотди” деган нарсага бош-кети билан шўнғиб кетган, бу томондан ранг-баранг ажойиб қобилият ва ҳунарларини намоён қила бошлаган, шундан бўлса керак, кейинги пайтларда уни кўплар “қип-қизил жуҳуд” деб айтардилар. Қизгинанинг судхўрлик қилгани ҳам баҳарнав-а, яна шу нарса ҳам оғизга тушгандики, у бироз вақтлар Федор Павлович Карамазов билан ҳамжиҳатликда векселларни арзон баҳосига сотиб олиб юрди, мисол учун, бир рубллик векселни ярим тангага, кейинроқ эса ана шу векселлар ярим тангалигини бир рублдан пуллади. Қари савдогар Самсонов касалга чалиниб, охирги йили шишиб кетган оёқларини босолмай қолди, хотини ўлган, катта юзмингчи бой, тушиб ётган тангани ердан кўзини қисиб

оладиган, забти каттик, катта ўғилларини ғип бўғиб олган, кимирлагани қўймайдиган бу одам охири бориб ўз химояси остидаги кизнинг кучли таъсирига тушиб қолди, ҳолбуки, авваллари уни маҳкам назоратида тутар, ейиш-ичишдан сиқар, ёмон оғизларнинг таърифича, “бошини ёвғон шўрвадан чиқармасди”. Шунга карамай, Грушенька унга чексиз садоқат билдириб тўла-тўқис ишончини қозонди ва ўз эркига эга бўлди. Чол катта ишбилармон (ҳозирда худо раҳматиға борган) тадбиркор бўлиб, феъли-хўйи ҳам ажойиб ва энг муҳими, ўтакетган қурумсоқ, тош-метин киши эди, гарчи Грушенька (айникса, кейинги икки йил ичида) унинг эс-хушини батамом ўғирлаб қўйган эса-да, барибир кизойимга катта сармоя-маблағ ажратиб бермади, мабодо, ойимқиз уни ташлаб кетаман деб қўрқитган тақдирда ҳам, барибир катгароқ пул беришига уни асло кўндирилмасди. Аммо ҳарқалай кизга озроқ сармоя ажратди, одамлар бундан ҳам хабар топиб, ғоятда ажабланишди. “Сен ўзинг чакқон кизсан, – деди чол ойимқизга саккиз минг атрофида пул бериб, – ўзинг эплаштир, лекин билиб қўй, токи кўзим тирик экан, еб-ичишга йил бўйи таъминотингни тўла оласан, бошқа ҳеч нарсадан умид қилма, васият бўйича ҳам сенга ҳеч нарса ажратмайман”. У ўзининг шу сўзида турди: ўлгач, барча мол-мулкини ўғилларига қолдирди, тириклик чоғида уларни хотин бола-чақалари билан бирга ўз қошида худди хизматкорлардек тутарди, Грушенькани васиятда ҳатто эслаб ҳам ўтмади. Буларнинг бари кейинчалик маълум бўлди. Лекин сармояни қандай ишлатиш борасида Грушенькадан маслаҳатларини ҳеч аямади, кўп ёрдам берди, талай ишларга кўзини очди. Федор Павлович Карамазов бир тасодифий “мўмай” иш чиқиб, илк бора Грушенька билан учрашиб қолгач, ўзи учун ҳам ҳеч қутилмаган ҳолда унга ошику бекарор бўлиб, ҳаттоки, ақлу хушидан айриладиган даражага етганда, ана кетди-мана кетди деб ўлим тўшагида ётган қари Самсонов бундан хўб роҳат қилиб қулганди. Яна ажойиб томони, Грушенька чол билан танишганларидан бери ўтган вақт ичида ҳар ҳолда ўзини рўйи рост очик ва самимий тутар, бу жиҳатдан чол унинг дунёдаги бирдан-бир ягона кишиси эди. Фақат энг охири вақтларда ўзининг ишқий даъво-достонлари билан бирга Дмитрий Федорович майдонда ҳозир бўлгач, чол энди қулмай қўйди. Аксинча, бир куни Грушенькага сиполик билан жиддий маслаҳат берди: “Ота-боладан бирини танлашга тўғри келса, унда чолни танла, аммо албатта шу шарт биланки, аблаҳ чол сенга уйлансин ва олдиндан сенга қанчадир бир сармоя ажратсин. Капитан билан эса оғиз-бурун ўпишма, яхшилик чикмайди”. Қари ширинтомоқ Грушенькага мана шу сўзларни айтган, ўша чоғлардаёқ у ҳаётдан санокли кунлар қолганини олдиндан сезган ва ҳақиқатан, орадан беш ой ўтиб боқий дунёга рихлат қилганди. Яна андак шуни ҳам эслатиб ўтайки, гарчи шаҳримиздаги кўплар ота-бола Карамазовлар ўртасидаги бемаъни, хунук рақобат ва унинг сабаби Грушенька экани ҳақида билсалар-да, бироқ ота-ўғилга нисбатан ойимқизнинг қандай муносабатда эканини тушунадиганлар камдан-кам топиларди. Грушеньканинг ҳатто ҳар иккала чўриси (фалокат рўй бергандан кейин ҳам, буни сал кейинроқ ҳикоя қилгаймиз) суд пайтида шуни айтиб беришдики, Аграфена Александровна ўша Дмитрий Федоровични азбаройи кўрққанидан уйида қабул қиларкан, бўлмаса, валломат уни “ўлдираман” деб, дўк-пўписага ўтаркан. Грушеньканинг

иккита чўриси бўларкан, бири отасининг уйидан бирга келган қари-картанг, касалманд ва кулоғи оғир оқсоч кампир, иккинчиси, кампирнинг ёши йигирмаларга борган навқирон, шўх-шан невараси бўлмиш қизгина. У ойимқизга ходималик қиларди. Грушенька хасисона хаёт кечирар, уй идаги шарт-шароит ҳам шунга яраша эди. Ҳовлидаги алоҳида уйда бор-йўғи учтагина хона бўлиб, уларга катта бека томонидан қадимги кизил оғочдан йигирманчи йиллар усулида ясалган жиҳозлар қўйдирганди, Ракитин билан Алеша унинг уйига кириб келишган чоғда бутунлай қош қорайган, аммо хоналарга ҳали чирок ёқилмаганди. Грушеньканинг ўзи эса меҳмонхонадаги баҳайбат, суянчиғи кизил оғочдан ишланган, дағал тери қопланган, сийқаланиб кетган илма-тешик диванда ётарди. Боши тагига ўрин-тўшагининг иккита оппоқ пар ёстиғи қўйилганди. Қиз юзини ёстиғига босиб, ҳар иккала қўлини боши устига қўйганча чўзилиб ётарди. Ойимқиз худди кимнингдир келишини кутаётгандай ясан-тусан кийиниб олган, қора ипак қўйлак, сочларига ҳафиф тўр қадалган ва бу ўзига ғоятда ярашган, елкасига тўр рўмол ташлаган, у ёмби олтин тўғнағич билан тўғнаб қўйилганди. Ҳа, аниқ аллақимни кутар, чехрасида интизорлик ва сабрсизлик акс этар, афт-ангори бироз оқарган, кўзи ҳам дудоклари ҳароратдан пўрсиллаган, ўнг оёғининг бармоқлари диваннинг ён суянчиғини сабрсиз тепкиларди. Ракитин билан Алеша кириб боришганда, андак тасир-тусур бошланди, дахлиз томондан Грушеньканинг дивандан диқ этиб тургани ва бирдан кўркиб-писиб: “Ким?” – деб кичкиргани эшитилди. Меҳмонларни ходима киз кутиб олди ва дарҳол кизойимга жавобан овоз берди:

– Ие, улар эмаскан, булар бошқа аллақимлар.

“Буниси қандоқ бўлди?” – тўнғиллади Ракитин ва Алешани қўлидан тутиб меҳмонхонага бошлади. Грушенька диван олдида ҳамон кўрка-писа турарди. Сочининг қуюқ қора толаси тўр қадамасидан тошиб чиқиб, ўнг елкаси оша ёйилди, фақат у келган меҳмонларга кўз солиб, уларни таниб олмагунча, тўкилган сочларини тўғрилаб қўймади.

– Ох, сенмидинг, Ракитка? Мени кўркитиб юбординг жуда. Ёнингдаги ким? Ким билан келдинг? Вой, худойим-ей, олиб келган одамингни-чи, – хитоб қилди у Алешани кўриб.

– Э, айт, шам ёкишсин! – деди Ракитин ўзини уй сохибасига яхши таниш ва жуда яқин, ҳукми ўтадиган одамдай бепарво тутиб.

– Шам дейсанми... ҳа, шам, албатта... Ҳой, Феня, унга шам олиб кел... Уни бошлаб келгани топган вақтингни қара! – деб яна хитоб қилди у Алешани кўрсатиб, кейин ойнага ўгирилиб иккала қўли билан елкасига тўкилган сочларини тартибга сола бошлади. У норозидай кўринарди.

– Нима, ёқмадим? – сўради Ракитин дарров аразлаб.

– Мени кўркитиб юбординг, Ракитка, э сени қара, – ўгирилиб қаради Грушенька Алешага юзи чарақлаб қулиб. – Сен мендан чўчима, азизим Алеша, жоним сенга қурбон бўлсин, эй азиз меҳмоним. Сен эса юрагимни чиқариб юбординг, Ракитка, мен Митя келибдими, деб юрагим ҳалак. Буни қара, мен боя уни лакқа туширдим, чин сўзим деб уни ишонтирдим, аммо лақиллатдим. Чолим Кузьма Кузьмичнинг олдига кун бўйи кетаман, кечаси билан унга пул санашаман деб айтдим. Мен ҳар ҳафтада кечаси билан ҳисоб-китобига ёрдам бераман. Уйни ичидан қулфлаб олаимиз-у, у чўт уради, мен эса ўтириб дафтарга ёзиб бораман, буни фақат менга

ишонади, мен бўлсам, мана, уйга беркиниб олиб, битта хабар келишини кутиб ўтирибман. Қандай қилиб Феня сизларни уйга киритди! Феня! Феня! Дарвозага югур, очиб ташқарига қара, капитаннинг қораси кўринмайдими, мабодо? Балки, беркиниб пойлаб ётгандир, ўлардай кўркаман!

– Ҳеч ким йўқ, Аграфена Александровна, ҳаммаёқни қарадим, тез-тез бориб тиркишдан қарайман, ўзимни ҳам қалтироқ тутаяпти.

– Дераза тавақалари беркми, Феня? Пардани ҳам ёпиш керак, ана шундай! – унинг ўзи қалин пардани туширди, – бўлмаса, чирокни кўриб дарров учиб келади. Бугун аканг Митядан жуда кўркиб турибман, Алеша, – Грушенька ташвиш-хавотирда бўлса ҳам, бироқ овозини баланд чиқариб сўйлар, яна қандайдир хурсанд, ҳаяжонланарди.

– Нега бугун Митядан кўрқяпсан? – суриштирди Ракитин, – ундан ҳайиқиб ўтирмайсан, шекилли, ноғорангга ўйнаб турибди-ку.

– Сенга айтяпман-ку, ахир, хабар қутяпман деб, олтин туғиб берадиган хабар, шунинг учун ҳозир Митеньканинг умуман кўринмай тургани яхши. Бунинг устига, мен Кузьма Кузьмичга кетдим деганимга у ишонгани ҳам йўқ, буни сезиб турибман. У ҳозир Федор Павловичнинг орқасидаги боғчада ўтириб мени пойлаётган бўлса керак. Ўтирса ўтираверсин, унда бу ерга келмайди, қандай яхши! Мен ахир Кузьма Кузьмичнинг олдига ростдан бориб келдим. Митя ўзи мени кузатиб қўйди, унга ярим кечагача ўша ерда бўламан, ярим кечада мени, албатта, уйга кузатиб қўйгин деб тайинладим. У кетди, мен бўлсам бирпас чолимнинг олдида ўтирдим-да, кейин уйга қайтдим, жоним ҳалқумимга келди, уни учратмаслик учун оёғимни қўлимга олиб чопдим.

– Тоза ясан-тусан қилиб олибсан, қаёққа? Бошингга ўраган рўмолингни қара-я, антика!

– Сен ўзинг ҳам антиқамасмисан, Ракитин! Айтяпман-ку сенга битта шунақа хабар қутяпман деб. Хабар келса, бас, ҳайё-ҳайт дейман-у учиб кетаман, қорамни ҳам кўрсатмайман-о. Шунинг учун ясаниб олдим тайёр турай деб.

– Қаерга учиб кетмоқчисан?

– Кўп билсанг, тез қариб қоласан.

– Оббо, буни қара-я. Суюнганингдан ёрилиб кетай деяпсан... Ҳеч қачон сени бунақа кўрмаган эдим. Базмга бораётгандай отланиб олибсан, – бошдан-оёқ унга разм соларди Ракитин.

– Базм нималигини биласанми ўзи?

– Сен биласанми?

– Мен-ку базмни кўрганман. Уч йил бурун Кузьма Кузьмич ўғлини уйлантирганди. Мен ҳам томоша қилганман. Нима қилай энди, Ракитка, нима қилай, олдимда шундоқ бир князь турганда, сен билан валақлашиб ўтирайми. Вой, бўйингдан ўргилай! Алеша, азизим, сенга қарай-қарай кўзларимга ишонмайман; сени қандай шамол учирди, дейман! Оппа-очиғини айтсам, кутмагандим, хаёлимга ҳам келтирмовдим, сенинг келишингга илгари ҳеч ишонмовдим. Ҳозир сира мавриди бўлмаса ҳам, жонимдан ҳам хурсандман! Кел мана бу ерга, диванга ўтир, ана шундай, вой ўзимнинг ҳилолим. Найлай, ақлим шошиб қолди... Оҳ, сени қара, Ракитка, қанийди сен уни кеча ё ўтган куни олиб келсайдинг!.. Майли, барибир жуда хурсандман. Балким, кеча, ўтган кун эмас, айнан, бугун келгани яхшидир, шундоқ бир пайтда...

Ойимқиз талпиниб Алешанинг ёнига, диванга ўтирди ва унга тик хавасланиб, хайратланиб боқди. У, хақиқатан ҳам, хурсанд, тилёғламалик қилаётгани йўқ эди. Кўзлари ўт сочиб ёнар, лаблари хандон кулар, чин юракдан, шодон чарақлаб куларди. Алеша унинг чехрасини шундай шод-хандон кўраман деб ҳеч хаёлига келтирмаганди... Қизни кечаги кунгача унча кўп учратмаган, у ҳақда одамни кўрқитадиган бир тушунча ҳосил қилган, кунни кеча эса унинг Катерина Ивановнага қилган қахли, заҳарханда муносабатини кўргач, қаттиқ изтиробга тушган ва ҳозир иттифоко ақл бовар қилмас бир хилқатни учратиб, бениҳоя хайрат бармоғини тишлаганди. Ва ўзини босган ғам-қайғудан қанчалик эзилган бўлмасин, беихтиёр кўзлари кизга диққат-эътибор билан термулди. Қизнинг бутун қилиқлари кечаги кундан бери худди яхши томонга ўзгариб қолгандай эди: кечаги овозини ширин қилиб гапириши йўқолган, чўзилиб, оҳанжама қилиқлар қилиши барҳам топган... ҳаммаси энди содда ва самимий, ҳаракатлари ҳам тўғри, табиий, фақат жуда жўшиб-тошиб турарди.

– Вой, худойим-ей, мунча бугун ҳаммаси юзага чикмаса, – хурсанд бўлиб деди у. – Нега сен келганингдан мунақа хурсандман, Алеша, ўзим ҳам билмайман. Қанча сўрасанг ҳам, билмайман.

– Нимага хурсандлигингни билмайсанми? – иршайди Ракитин. – Олдинлар холи-жонимга қўймасдинг, олиб кел, ҳа, олиб кел деявериб, бир мақсадинг бўлгандир ахир.

– Мақсадим олдин бошқа эди, энди у нарса ўтиб кетди, бошқа вақт келди. Сизларни энди бир меҳмон қилай, ана. Мен энди сахий бўлгим келяпти, Ракитка. Э, ўтир сен ҳам, Ракитка, нега қакқайиб турибсан? Ё аллақачон ўтириб бўлдингми? Ракитка ўзини ҳеч қачон унутмайди-я. Анавини кара-я, Алеша, рўпарамизда ўтириб, хафа бўляпти: нега мени Алешадан олдин ўтиришга таклиф қилмади деб. Вой, аразчи, бу менинг Ракиткам, аразчи! – шарақлаб кулди Грушенька. – Жахлинг чикмасин, Ракитка, менинг бугун қўлим очиқ. Вой, нега бундай ғамгин бўлиб ўтирибсан, Алешечка, ё мандан кўрқаяпсанми? – шўх қулиб қаради киз Алешанинг кўзларига.

– Алами келяпти, бугун ови юришмади, – тўнғиллади Ракитин.

– Қанақа ов?

– Устози ҳидланиб қолди.

– Нега ҳидланади? Бекорчи гапни айтяпсан, сўзларинг бемаза. Ўчир овозингни, аҳмоқ. Алеша, мен тиззангда ўтирсам, майлими? Ана шундай! – У худди шунда эркаланган мушукчадай дарров сакраб туриб кула-кула унинг тиззасига чиқиб ўтирди, ўнг қўли билан бўйнидан мулоийм кучди. – Художўй кўзичок, сени бир хурсанд қилай бугун! Ростданам, тиззангда ўтирсам жахлинг чикмайдими, а? Йўқ десанг, тушиб кетаман.

Алеша оғиз очмас, кимир этишдан кўрқиб ўтирар, йўқ десанг, тушиб кетаман деган кизнинг сўзини эшитган, аммо жавоб бермас, тек қотганди. Хаёли бошқа ёқда эди, мисол учун, ўз жойида ўтириб, уни хирсу хавас билан кузатаётган Ракитин фараз қилаётган ва тасаввурига келтираётганидан бутунлай бошқа истак билан банд эди. Унинг юрагида бош кўтариши мумкин бўлган барча сезим-сезгиларни дилда яллиғланган алам-қайғуси битта қўймай ютиб юборар, агарда шу дамда ўз-ўзига тўла маънода ҳисоб беролгандайди, ҳозир ҳар қандай илиқиш ва кўнгли суз



кетишидан ўзининг маҳкам муҳофазаланганини англаган бўларди. Уни ғам-алам ўртарди, бирдан англаш мушкул ноаён, мубҳам рухий ҳолатлар, туйғулар кийнади ва бош кўтариб келаётган янги ғалати бир хиссиётга беихтиёр ҳайрон қолиб, ажабсиниб боқарди: мана шу аёл, мана шу “дахшатли” аёл энди унча олдингидай қўркув билан даҳшат солмасди, у авваллари аёл борасида кўп орзу-хаёлларга берилганди, кўнглидан шундай хаёллар лип-лип ўтган кезларда бундай қўркинч туғиларди, аммо бу галгиси аввалги қўркувларга ўхшамас, аксинча, у ҳаммадан ҳам кўпроқ қўрқадиган, ҳозир уни кучоқлаб, тиззаларида ўтирган мана шу аёл энди унда бутунлай бошқача, кутилмаган, ажабтовур хиссиётларни кўзгар, туғёнга келтирар, булар кизга нисбатан қандайдир фавқулодда кизикишдан туғилган улуғдан ҳам улуғ, ўта сидкидил хиссиётлар эди. Буларнинг барида энди ҳеч қандай қўркиш йўқ, олдинги ҳайикишдан асар ҳам қолмаган ва мана шу ҳол унга жуда муҳим бўлиб кўринар, беихтиёр ҳайратга туширарди.

– Э, бўлмагур гапларни қўйинглари энди, – кичкирди Ракитин, – яхшиси, шампанни келтир, қарзингни уз, эсингдан чиқмагандир!

– Ростданам қарзим бор. У сени олиб келса, ҳақиқатан, бунинг эвазига шампан қўяман деганман, Алеша. Ҳей, шампан олиб кел, мен ўзим ҳам ичаман! Феня, Феня, бизга шампан келтир, Митя қолдириб кетган шишани олиб кел, оёғингни қўлингга олиб югур. Мен ўзим зикна бўлсам ҳам, шампан қўяман, сенга эмас, Ракитка, сен қўзикаринсан, ошнанг эса князь! Майли, юрагим бошқа бир нарса билан тўлиб турган бўлса ҳам, кеп қолинг, мен ҳам ичаман, бир тўполон қилгим келяпти!

– Ҳадеб вақт, вақт дейсан, нима у вақт, яна қанақа у “хабар” деганинг, сўраса бўладими, сир-пир эмасми? – билишга кизикиб яна гапни бурди Ракитин, у шу тобда ўз манглайига тинимсиз тушаётган чертқиларни гўё сезмаётганга соларди.

– Ох, бунинг ҳеч сирли жойи йўқ, сен ўзинг ҳам биласан, – деди бирдан ташвишли оҳангда Грушенька бошини Алешадан сал буриб Ракитинга қараркан, ҳамон Алешанинг тиззасида унинг бўйнидан кучиб ўтириб, – зобит келяпти, Ракитин, зобитим келаётир!

– Эшитдим келаётганини, аммо шунча тезми?

– Ҳозир у Мокроеда, у ердан хабар жўнатади, ўзи шундай деб ёзган, боя хат олдим. Мана, энди хабар кутиб ўтирибман.

– Ана, холос! Нега у Мокроеда?

– Тарихи узун, ортиқча гап – эшакка юк.

– Ол-а, ол-а, Митенька шўрлик энди нима бўлади, вуй, вуй! У ахир биладими буни, йўқми?

– Гапингни кара! Нимасини билади! Мабодо билса, ўлдиради. Э, мен энди бундан асти қўрқмайман, мен энди унинг пичоғидан қўрқмайман. Оғзингни юм, Ракитка, менга энди Дмитрий Федоровични гапирма: бутун юрагимни абгор қилди. Ҳозир шу пайтда буни ҳеч ўйлагим йўқ. Мана, Алешечкани ўйласам бўлади, мен Алешечкага шундай қарайман-у... Бир кулиб қўй менга қараб, азизим, менинг тентаклигимдан кулиб қўй, қувончимга шерик бўл, бир табассум қил, шириним... Ана, кулиб қўйдинг, кулдинг-а ахир! Вуй, эркалаб қарашини-чи. Биласанми, мен, Алеша, хув ўтган кунги гаплардан жажлинг чикиб юргандирсан деб ўйловдим, оймқизни айтаман-да. Шу... итлим тутди-да... Фақат асли мана шунақа

бўлгани ҳам яхши. Пес бўлди, ўч бўлди, яхши бўлди, – хаёлчан кулиб қўйди Грушенька, унинг бу илжайишида дахшатли бир нарса йилг этиб кетди. – Кейин Митя айтиб берган эди, у: “Бошлаб қамчилаш керак!” – деган экан. Уни қаттиқ хафа қилиб қўйибман. Мени қақриб, устимга чиқиб тепмоқчи экан, бо, унинг шоколадига учаманми... Йўқ, шундай бўлгани соз бўлди, – яна илжайди у. – Фақат кўркаманки, бехос сени ранжитиб қўйдиммикин...

– Ҳим-м, ростданам, – жиддий ажабсиниб гапни бошқа ёққа бурди Ракитин. – У сендан, Алеша, ҳақиқатан ҳам кўрқади, сендай жўжадан-а.

– Ракитин, сенгина уни жўжа деб ўйлайсан, шунақа... чунки сенинг виждонинг йўқ, шунақа! Билсанг, мен уни юракдан яхши кўраман, шунақа! Алеша, ишонасанми, мен сени юракдан яхши кўраман?

– Ох, уятсиз қиз! Алексей, қара, у сенга севги изҳор қиляпти!

– Рост-да, яхши кўраман.

– Зобит-чи? Хабар кутиш-чи?

– У бошқа, бу бошқа.

– Ана, хотинларнинг гапи!

– Жаҳлимни чиқарма, Ракитка, – қизгинлик билан жавоб қайтарди Грушенька, – у бошқа, бу эса бошқа. Мен Алешани бошқача севаман. Рост, Алеша, сени ўйлаб юрагимга бир гапни тугиб қўйгандим макр қилиб. Мен ахир тубанман, мен ахир ўт-оловман, шундай десанг, Алеша, бошқа бир пайтда мен сенга худди ўзимнинг виждоним деб қарайман. Ҳеч хаёлимдан чиқмайди: “Шундай йигит мен ярамасдан қанчалар нафрат қиларкин дейман”. Ўтган қуни оймизнинг олдидан уйга чопиб келаётганда ҳам шунини ўйладим. Мен сенга анчадан бери эътибор бериб келаман, Алеша, Митя ҳам буни билади, унга айтганман. Ана, Митя шунақа тушунади. Баъзан шундай бўладики, ишонасанми, Алеша, ўлай агар, сенга қарайман-у, уяламан, ўз-ўзимдан уяламан... Сени қанчадан бери нимага ўйлай бошладим, ҳеч билолмайман, эслолмайман...

Шу пайт Феня қириб, стол устига очилган тўла шиша, учта тўлдирилган қадах қўйилган патнисни жойлаштиради.

– Шампан келди! – қичқирди Ракитин, – ўзингда йўқ шодсан, Аграфена Александровна, бошинг осмонда. Бир қадах ичасан-у, рақсни бошлаб юборасан. Э-эх, шунини ҳам удда қилишолмайди, – кўшиб қўйди у шампаннинг у ёқ-бу ёғига кўз солиб. – Ошхонада кампир қадахларни тўлдирибди, шишани тиқинсиз олиб келишибди, бунинг устига илик. Майли, олавер, тешиб чиқмайди.

У стол олдида борди, қадахни бир кўтаришда ичди, яна ўзига тўлдириб қўйди.

– Ҳар доим шампаннинг устидан чиқавермайсан, – деб қўйди у лабларини тамшаниб ялаб, – э, қани, Алеша, қадахни қўлингга ол, ўзингни кўрсат. Нима учун ичсак экан? Жаннат қопқалари учунми? Груша, қани, ол сен ҳам, жаннат қопқалари учун кўтар.

– Нима экан у жаннат қопқалари?

Қиз қадахни тутди, Алеша ҳам олди ва бир хўплам тотиниб қадахни қайтариб қўйди.

– Йўқ, яхшиси, керакмас! – охиста жилмайди у.

– Мақтанувдинг-ку! – бақирди Ракитин.

– Ундок бўлса, мен ҳам ичмайман, – деб кўшилди Грушенька, – ичгим келмаяпти. Ракитка, шишанинг ҳаммасини ўзинг ич. Агар Алеша ичса, мен ҳам ичаман.

– Оғиз-бурун ўпишинглар-эй! – гизгизлади Ракитин. – Ўзи яна унинг тиззасига чикиб олган! Унинг бошига ғам тушган, сенга-чи, нима тушган? У ўзининг худосига исён кўтарди, колбаса урмокчи бўлди...

– Нима деяпсан?

– Бугун унинг устози ўлди, авлиё ота Зосима ўлди.

– Ие, авлиё ота Зосима ўлдими? – хайрон қолди Грушенька. – Вой, худойим-ей, мен билмай ўтираверибман! – Қиз художўйлик билан чўкиниб олди. – Вой, худойим-ей, менга нима бўлди ўзи, яна унинг тиззасига чикиб ўтириб олибман! – типирчилаб қолди у худди кўрқиб кетгандай ва дарҳол унинг тиззасидан сакраб тушиб, диванга ўтирди. Алеша унга ажабланиб узок қараб қолди ва чеҳраси негадир ёришди.

– Ракитин, – деди у бирдан овозини баралла кўтариб қатъият билан, – мени худойимга қарши исён қилди, деб жигимга тегма. Сенга ҳеч ёмонлик истамайман, шунинг учун сен ҳам менга захрингни сочма. Мен ҳатто сенинг тушингга ҳам кирмаган хазинамдан айрилдим ва мени айблашингга ҳеч қандай ўрин йўқ. Яхшиси, сен бу ёққа, манави кизга қара: кўрдингми, у менга қандок ачинапти? Мен бу ерга қаҳри қаттиқ кизни кўрсам керак деб келувдим – мен ўзим шунақа бир нарса устидан чиқаман деб ўйловдим, чунки ўзим ҳам разолатда қолган, аччиқлангандим, аксинча, жонажон эгачимни топдим, хазинамнинг – меҳрибонимнинг устидан чиқдим... У менга раҳми келиб қараяпти... Аграфена Александровна, мен сизни айтяпман. Сиз оғриган жонимга далда бердингиз, мадор киритдингиз.

Алешанинг лаблари титради, нафаси тикилди. У жим қолди.

– Ол-а, худди сенга халоскор бўлгандай гапирасан-а! – захарханда кулди Ракитин. – Ўзи-ку сени ямламай ютиб юбормокчи эди, билдингми?

– Тўхта, Ракитка! – бирдан сакраб турди Грушенька, – иккалангиз ҳам бас қилинг. Энди ҳаммасини мен айтаман: Алеша, сен жим тур, чунки сенинг сўзларингдан мен уялиб кетяпман, чунки мен яхши эмасман, мен ёмонман, мен ана шунақаман. Сен эса, Ракитка, оғзингни юм, чунки сен ёлғончисан. Уни ямламай ютаман деган пасткаш бир гап оғзимдан чикиб кетган, ҳозир сен ёлғон гапиряпсан, энди эса бутунлай бошқа... бошқа бу гапни сендан ҳеч эшитмай, Ракитка! – Буларнинг ҳаммасини Грушенька қаттиқ ҳаяжонланиб айтди.

– Вой, буларнинг кутурганини қаранг! – вишиллади Ракитин уларнинг ҳар икковига ажабланиб қараб, – савдойига ўхшайдилар-а, худди жиннихонага келиб қолгандайман. Хўрликлари келди, ҳозир уввос солиб йиғлашади!

– Йиғласам, йиғлайвераман! – ҳиқилларди Грушенька. – У мени эгачим деди, мен буни ҳеч қачон унутмайман! Фақат гап мана бундай, Ракитка, мен ёмон бўлсам ҳам, барибир бир бош пиёз узатганман¹.

– Қанақа-қанақа пиёз? Уф, жинни, булар ростдан эсини йўкотди, шекилли!

Ракитин уларнинг нега бундоқ кўпириб-тошаётганларидан ажабланар ва зардаси қайнарди. Аммо андак мулоҳаза қилиб кўрса, балки тушунарди, гоҳида, камдан-кам ҳолларда ҳаётда шундай ходисалар ҳам

¹ Пиёзбош ҳақидаги асотирни муаллифнинг ўзи ёзиб олган.

бўлади, икки кишининг юраги бирдан тўла мос келиб, ҳамоҳанг потирлаб уради, бир дўлга тушади. Бироқ Ракитин ўзигагина дахлдор бўлган барча нарсаларни жуда нозик англаган ҳолда, ён-атрофидагиларнинг сезги ва кечинмаларини тушуниш, билишга ғоят кўрслик қиларди, – бир ёқаси ғўрлик, хомлик, тажрибасизлигига борар, бир чеккаси ортиқ даражада худбин эди.

– Биласми, Алешечка, – асабий кулди Грушенька унга қараб, – мен пиёз бердим деб Ракиткага мақтандим, сенга эса мақтанмайман, сенга буни бошқа маънода айтаман. Бу ўзи бир масал, лекин яхши масал, мен уни ҳали болалик пайтим ҳозирги оксочим Матренадан эшитганман. У мана бунақа эди: “Бор экан-да йўқ экан, бир ялмоғиз кампир бўларкан, у бир куни ўлиб қолибди. У ўзидан кейин битта ҳам яхшилиқ қолдирмаган экан. Уни жинлар кутиб олишиб, олов ёниб турган кўлга ташлашибди. Унинг муҳофиз фариштаси шунда ҳайрон бўлиб қолибди: қандай яхшилиги бор эканки, худойимга етказсам. Шунда бирдан эсига тушиб қолиб, худойимга маълум қилибди: кампир полизда бир бош пиёзни юлиб, тиланчига берган эди, дебди. Худойим унга шундай жавоб қилибди: сен ўша бир бош пиёзни олиб кўлда ёнаётган кампирга узат, ушлаб юкорига чиқсин, агар кўлдан чиқариб олсанг, майли, жаннатга йўл олсин, мабодо, пиёз узилиб кетса, кампир ўша жаҳаннамда қолсин. Фаришта кампирнинг олдига югурибди, пиёзни узатиб, шуни ушлаб ол-да, юкорига чиқ дебди. Кейин уни аста тортиб ола бошлабди, бироз тепага кўтарилибди, лекин шунда бошқа гуноҳкорлар кампирни тепага кўтариб чиқаришаётганини кўришиб, бизни ҳам чиқариб олишсин деб, ҳаммалари пиёзга ёпишибди. Кампир ялмоғиз, бадқирдор эмасми, “Бу менинг пиёзим, мени тортиб олишяпти, сизни эмас” деб, ҳаммасини тепиб, силтаб ташлабди. Кампир шундай дейиши биланоқ пиёзнинг банди узилиб кетибди. Кампир олов кўлга қулабди, ҳозиргача ўша ерда ёниб ётармиш. Фаришта эса йиғлаб нари кетибди”. Мана ўша масал, Алеша, эсимда сақлаб қолганман, чунки ўзим ўша ялмоғиз кампирман, ғаддорман. Ракиткага пиёзни тутдим деб мақтандим, сенга эса бошқача қилиб айтаман: ҳаётимда фақат бир марта бир бош пиёзгина берибман, *бор-йўқ* қилган яхшилигим шунинг ўзи, холос. Шундан сўнг мени асло мақтаб ўтирма, Алеша, мени сира яхши дема, мен ёмонман, ғаддорман, мақтасанг, мени уятга қўясан. Ох, майли, энди батамом тавба қилиб қўя қолай. Қулоқ сол, Алеша: мен сени ўзимники қилай деб шунчалар хоҳловдимки, Ракиткадан шунчалар кўп илтимос қилдимки, сени меникига олиб келса, йигирма беш рубль бераман дедим. Тўхта, Ракитка, сабр қил! – Қиз тез юриб стол олдига ўтди, тортмани очди, қопчасини олиб, ундан йигирма беш рубллик пулни чиқарди.

– Оббаҳолам! Оббаҳолам! – кичкирди боши қотган Ракитин.

– Ракитка, ол пулингни, қўлимни қайтарма, ўзинг сўрагансан. – Қиз унга қоғоз пулни отди.

– Нега олмас эканман, – ғўнғиллади Ракитин бироз ўсал бўлиб, аммо хижолатини устомонлик билан яшириб, – бу бизга жуда қўл келади, тентаклар акллининг фойдасига хизмат қилади.

– Ана энди жим бўл, Ракитка, эндиги гапларим сенга эмас. Манави холи жойга ўтир, овозингни чиқарма, бизни кўргани кўзинг йўқ, жим ўтир.

– Нега энди мен сизни яхши кўришим керак экан? – қахрини сочди Ракитин очикдан-очик. У йигирма беш рублни чўнтагига урди, Алешанинг олдида каттиқ уялди. У пулни кейинроқ Алешага кўрсатмасдан олмоқчи эди, энди уятдан ёмон мулзам бўлди. Мана шу дамгача у Грушенькага қаршилиқ кўрсатмаганим маъқул деб келди, қизнинг барча нуқишларига чидади, чамаси, қизнинг унга қандайдир гапи ўтадиган томони бор эди. Аммо энди токати тоқ бўлди, шекилли, жаҳли чикди:

– Бир сабаби бўлса, яхши кўришади, аммо сиз иккинги сиз менга нима каромат кўрсатдингиз?

– Сен ҳеч сабаб бўлмасам ҳам яхши кўравер, мана худди Алешага ўхшаб.

– У нимасига сени яхши кўряпти, у нимаси билан сенга ўзини кўрсатдики, атрофида бундоқ гиргиттон бўлясан?

Грушенька хона ўртасида туриб, қизишиб сўйлар, овозидан асаби таранг тортилгани сезиларди.

– Овозингни ўчир, Ракитка, сен бизни зигирча ҳам тушунмайсан! Бундан кейин мени асло *сенлаб* гапирма, бунга ҳақнинг йўқ, нега бунча ҳаддингдан ошиб кетдинг, хайронман! Ана бир чеккага ўтиргин-да, менинг малайимдай жим бўл. Мана энди, Алеша, ёлғиз сенинг ўзингга бор-йўқ ҳақиқатни айтаман, ўзинг бир бу турқимни кўриб қўй! Ракиткага эмас, фақат сенга айтаман. Мен сени нобуд қилмоқчи эдим, Алеша, бу ақл бовар қилмас ҳақиқат, ниятим ёмон бузилгани; буни шунчалар хоҳлаб қолдимки, ҳатто сени олиб келсин деб Ракиткани пул бериб қўндирдим. Мени нима жин уриб шуни истаб қолдим ўзи? Алеша, сенинг бундан асло хабаринг йўқ, мендан юзингни тескари ўтирардинг, кўзингни ерга тикиб ўтардинг-кетардинг, мен сенга унганча юз мартадан ортик боккандирман, ким-кимлардан сўрамадим сени. Юзинг юрагимда чизилди-қолди: “Менга қарагиси келмайди дейман, мени ики суймайди”. Охири шундоқ аҳволга тушдимки, ўзимдан ўзим хайрон бўламан: нега мен шу боладан кўрқиб-писиб ўтирибман дейман? Уни бошдан-оёқ ютиб юбораман-у, кейин маза қилиб қулиб юравераман дейман. Жуда куфрим келди. Ишонасанми, ҳеч кимса бу ерда Аграфена Александровнанинг олдида бундоқ ножўя ишни кўзлаб ё сўзлаб ҳеч қачон келмайди, бунга журъат этмайди; бунда фақат битта чолим бор, мен унга боғлаб берилганман, мени сотиб олишган, шайтон никоҳимизни ўқиган, аммо бошқалардан ҳеч ким. Аммо сенга қараб туриб кўнглимга тугиб қўйдим: уни лакқа ютиб юбораман дедим. Ютиб юбораман-у, маза қилиб қулиб юраман. Ана, кўрдингми, мен шундай қопонғич итман, сен эса эгачим деб айтасан! Мана энди мени хафа қилган кишим келяпти, ўтириб дарагини кутяпман. Бу дилозор менга нима қилганини биласанми? Бундан беш йил бурун Кузьма мени бу ерга олиб келган эди – ўша-ўша ўтирибман, мени кўришмасин, эшитишмасин деб, одамлар кўзидан яшириниб юраман, чўпдай заифман, қурбим ҳеч нарсага етмайди, тун бўйи ухламай кўз ёшимни тўкканим-тўккан: “Қани, қайга кетди менинг дилозорим дейман? Бошқаси билан менинг устимдан мириқиб кулаётгандир, ҳали уни бир кўрсайдим, у билан бир учрашайдим, ҳаммаси учун ўчимни оламан, ўч олмай қўймайман деб ўйлаганим-ўйлаган!” Тунлари йиғлаб ёстигим ҳўл бўлиб кетади, юрагимни ғажийман, атай ўч оловини ёкаман, қахру ғазабга минаман: “Ўчимни олмай қўймайман, ўч олмай қўймайман!” Қоронғида бақириб юбораман. Бирдан унга ҳеч нарса қилолмаслигим

эсимга тушиб қолади, у ҳозир устимдан роса куляпти-ку дейман, балки бутунлай эсидан чиқариб юборгандир, хаёлига ҳам келтирмас, ана шунда ўзимни ерга отиб, беҳол хўнг-хўнг йиғлайман, тонг отгунча шундай дир-дир калтираб чиқаман. Эрталаб жаҳлдор итдан баттар бўлиб тураман, дунёсига ўт тушсин дейман. Кейин нима қилдинг, дегин, мен пул йиға бошладим, юрагим тошга айланди, семириб кетдим – ақли кирибди-да деб ўйларсан, а? Йўқ, бутун дунёда ҳеч кимса буни кўрмаган, эшитмаган, тун коронғиси тушади-ю, яна ўша-ўша беш йил илгариги паррихта қизга айланиб, ётиб гоҳо тишларини гижирлатаман-у, тун бўйи ухламай йиғлаганим-йиғлаган: “Ўчимни оламан, ўч олмай қўймайман!” дейман. Бунинг ҳаммасини сен эшитганмисан, биласанми? Мени энди нима деб тушунасан: бир ой бурун бирдан менга хати келиб қолди, хотини қазо қилиб бу ёққа келаятган, мен билан кўришмоқчи экан. Биласанми, юрагим кинидан чиқиб кетай деди, бирдан бошимга шундай фикр урилди, келади-ю бир ҳуштак чалиб мени чақириб олади, ана шунда мен ҳудди калтакланган, хўрланган итваччадай оёғига эмаклаб бораман! Буни ўйлаб ўзимга бовар қилишни ҳам, қилмаслигимни ҳам билмайман: “Мен тубанманми ё тубан эмасманми, унинг олдига ликиллаб бораманми, бормамайманми?” Мана мен бир ойдан бери аччиғимдан ўзимни қўйгани жой тополмайман, беш йил олдингидан ҳам баттар бўлдим. Кўряпсанми, Алеша, мана мен қандай кутурганман, қандай қаҳр-ғазабга минганман, сенга бутун рўйи ростини айтдим! Анавининг қошига ликиллаб бормамай деб, Митя билан ўйнаб юрдим. Оғзингни очма, Ракитка, сенга қолгани йўқ бу гап, сенга айтган эмасман буни. Мен энди сиз келмасингиздан бурун тақдирим нима кечади – ўйимнинг охирига етолмай ётган эдим ва ҳеч қачон сиз юрагимдан нималар ўтганини билмайсиз. Йўқ, Алеша, сен ўша ойимқизингга бориб айт, уч кун бурунги гаплардан жаҳли чиқмасин!.. Ҳозир шу тобда дунёда ҳеч зот менинг ҳолим қандайлигини билмайди, билолмайди ҳам... Шунинг учун мен балки у ёққа ёнимга пичоқ солиб борарман, мен ҳали бир қарорга келганим йўқ...

Грушенька ушбу “ачинарли” сўзларни айтиб, бирдан чидай олмай, сўзлари бўғзида қотиб, қўли билан юзларини беркитди-да, ўзини дивандаги ёстикка отди ва ёш боладай ўкириб йиғлади. Алеша ўрнидан туриб, Ракитининг олдига келди.

– Миша, – деди у охиста, – хафа бўлма. У сени хафа қилди, аммо сени жаҳлинг чиқмасин. Унинг гапларини эшитдингми? Битта одамни шунча қийнаш керак эмас, раҳм-шафқатлироқ бўлайлик...

Алеша буни тўхтатиб бўлмас юрак туғёни ичида айтди. У юрагини бўшатишни истарди. Шунинг учун Ракитинга мурожаат қилди. Ракитин бўлмаган тақдирда, у ўз-ўзи билан сўйлашарди. Лекин Ракитин масҳараомуз қарагандай бўлди-да, Алеша бирдан жимиб қолди.

– Кеча қария устозингдан қаттиқ таъсирлангансан, энди менга ўша қариянг таъсирида гап сўқяпсан, Алешенька, вой, сен худойимнинг бандаси-ей, – гижиниб тиржайиб сўйлади Ракитин.

– Қулма, Ракитин, иршайма, марҳумни тинч қўй, у ер юзидаги ҳаммадан ҳам юксакроқ! – йиғламоқчи кичкирди Алеша. – Мен сенга қози бўлиб гапирмадим, менинг устимдан ҳам ҳали ҳукм ўқишади. Мен бу қизнинг олдига кимман? Мен бу ёққа ҳалокатимни қидириб келдим. “Майли, майли!” – дедим, ожизлик қилдим, у эса беш йил азоб-укубат чекиб, кимдир

келиб самимий ачиниб кўнглини кўтарса, дархол барини унутиб, кечириб, оху фиғон қияпти! Уни ўқситган дилозор қайтиб келиб, олдига чақирса, уни бутунлай кечириб, шоша-пиша пешвоз чиқмоқчи хурсандчилиги ичига сиғмай, йўқ, у кўйнига пичоқ солмайди, йўқ, солмайди! Йўқ, мен бунақа эмасман. Сен шунақамисан, Миша, билмайман, аммо мен бундай эмасман! Мен бугун, ҳозир шундай ибрат олдим... Бу кизнинг муҳаббати биздан баланд... Сен илгари ундан ҳеч бундай гапларни эшитганмисан? Йўқ, эшитмагансан; эшитганинда ҳаммасини аллақачон тушунган бўлардинг... ҳалиги уч кун бурун хафа бўлиб қолган оймикиз ҳам уни тушунсин ва кечирсин! Билса, кечиргай... ва билгай... Бунинг юраги ҳали мағфиратга ошно бўлмаган, уни авайламоқ керак... унинг юраги балки бир хазинадир...

Алеша томоғига бир нарса тикилгандай жим бўлиб қолди. Ракитин қанчалик кин-адоватга тўлган бўлмасин, ҳайрон бокиб турарди. У Алешадан ҳеч қачон бундай пешдахан сўзларни кутмаганди.

– Вой, бу адвокатнинг ёнини олишини қаранг! Э, нима бало, у сенинг жигарингдан уриб қўйдими? Э, Аграфена Александровна, бу такводор бола ростдан ҳам сенга ошику беқарор бўлибди, сен ютиб чиқдинг! – деб кичкирди у сурбетларча хиринглаб.

Грушенька ёстиқдан бошини кўтарди-да, Алешага чарақлаб табассум қилиб қаради, унинг йиғидан шишиб кетган чехраси ёришди.

– Қўй уни, Алеша, фариштам, башарасини кўр, шунга гапирасанми келиб-келиб. Мен, Михаил Осипович, – Ракитинга қараб деди у, – сендан силтаб ташлаганим учун узр-маъзур сўрамоқчи бўлиб турувдим, энди тагин бу фикримдан қайтдим. Алеша, бу ёққа, ёнимга кел, ўтир мана бу ерга, – имлаб чақирди хурсанд табассум ила, – менга ўзинг айт-чи (қиз унинг қўлини тутиб, майин жилмайиб юзига термулиб қаради), айт ўзинг: мен анави кишимни яхши кўраманми, йўқми? Дилимга озор берган кишини севаманми, севмайманми? Сиз келмасдан бурун мен бу ерда қоронғи хуфтонда чўзилиб ётгандим: юрагимни тергардим, уни яхши кўраманми, кўрмайманми деб? Алеша, бу жумбоқни сен еч, вақти-соати келди, сен нима десанг, шу бўлади. Уни мен кечирайми, йўқми?

– Аллақачон кечирдинг-ку, – кулди Алеша.

– Ҳақиқатан, мен кечирдим, – ўйчанлик билан деди Грушенька. – Ох, қанчалар тубан бу юрак! Эҳ, менинг тубан юрагим учун! – киз бирдан столда турган қадахни шахд билан олди, бир кўтаришда сипқорди, сўнг баланд кўтариб, ерга урди. Қадах қарсиллаб чил-чил синди. Унинг илжайган лаби четида қахрли бир ифода йилт этиб кетди.

– Балки ҳали кечирмагандирман, – кўзини ерга тикиб қандайдир таҳдидли овоз билан деди у худди ўз-ўзи билан гаплашаётгандай, – балки юрак энди кечирмоқчи бўлаётгандир. Ҳали юрагим билан бир саннашиб кўраман. Алеша, мен беш йилдан буён тўкаётган кўз ёшларимни ёмон кизганиб қолдим... мен балки чеккан озоримни яхши кўриб қолгандирман, ҳа йўқ, асло у кишимни эмас!

– О, мен ўша кишининг ўрнида бўлишни сира истамасдим! – вишиллади Ракитин.

– Ҳеч қачон бўлмайсан, Ракитин, унинг ўрнида. Сен менга туфличалар тикиб берасан, Ракитка, сен менга шундан бошқага ярамайсан, менга ўхшаган қизни эса ҳеч қачон тушингда ҳам кўрмайсан... Анави кишим ҳам балким кўрмас...

– Унга-я? Унда нимага ясан-тусан қилиб олдинг? – пичинг қилиб унинг жигига тегди Ракитин.

– Ракитин, ясаниб олганимни юзимга солма, сен юрагимдан бутунлай бехабарсан! Хоҳласам, ҳаммасини ечиб ташлайман, шу заҳоти, шу тобда, – чинкириб юборди киз. – Бу ясан-тусан нимага эканини сен билмайсан, Ракитка! Балким, унинг олдига пешвоз чикиб, “Менинг шундайлигимни ҳеч кўрганмисан ё кўрмаганмисан ҳали?” – деб айтарман. Ахир мен ўн етти ёшимда нова ниҳол киз бола эдим, шу ҳолимда у ташлаб кетди, юм-юм йиғлаб қолавердим. Майли, ёнига ўтирай, майли, жигарини бир куйдирай, тутуни кўкка чиқсин: “Кўрдингми, дейман, энди мен қандайман, ана энди, ҳурматли афандим, икки кўлингни бурнингга тикиб ўтиравер, мўйлабингга теккани, оғзингга етмагани қолди!” – ана, кўрдингми нима учун ясаниб олганимни, Ракитка, – сўзини яқунлади Грушенька зардаси қайнаб кулиб. – Жоним ичимга сиғмайди, ғазабим тошади, Алеша. Чиройли либосларимни ечиб ташлайман, ўзимни ёқаман, пичок билан тилка-пора қиламан, бадбашара хунук қизга айланаман, кўчаларда тиланчилик қилиб юраман. Хоҳласам, ҳеч каёкка ҳозир бормайман, ҳеч кимни кўрмайман, хоҳласам, эртагаёк Кузьмага менга берган барча совгаларини, ҳамма пулларини қайтариб жўнатаман, хоҳласам, ўзим умр бўйи бировларга чўри, малайликка ёлланаман! Нима, Ракитка, мени килломайди дейсанми, кўлимдан келмайдами? Кўлимдан келади, келади ҳозир, фақат менинг жигимга тегманлар... бўлмаса, йўқолинглар, кўзимга кўринманглар, сизларга ҳеч вақо бермайман, қорамни ҳам сизга кўрсатмайман!

Кейинги сўзларни у жазавага тушиб кичқириб айтди. Фақат яна ўзини туюлмади, юзини қўллари билан беркитиб, ўзини ёстикка ташлади ва яна хўнг-хўнг йиғлади. Ракитин ўрнидан турди.

– Вақт бўлди, – деди у, – кечга қолдик, монастырга киритишмайди.

Грушенька ётган жойидан дик этиб турди.

– Наҳотки, Алеша, сен кетасанми? – қайғу-ҳасрат ичида кичқириб юборди у, – мени нима қўйларга солдинг ўзи: юрагимни кавлаб ўртадинг, яна мана кеча коронғиси, яна мен ўзим ёлғиз қоламанми!

– У кечаси сен билан ётиб қолмайди-ку? Агар қоламан деса, майли, ўзи билади! Мен битта ўзим кетавераман! – заҳарханда ҳазиллашди Ракитин.

– Оғзингни юм, эй, ичи қора, – қаҳри келиб кичқирди унга Грушенька, – у менга айтган сўзларни сен ҳеч қачон айтмагансан.

– У сенга нима дебди ўзи? – гаши келиб тўнғиллади Ракитин.

– Билмадим, хабарим йўқ, ҳеч нарсадан хабарим йўқ, билмайман нима деганини, юрагимга шундай туюлди, юрагимни ағдар-тўнтар қилиб ташлади... Биринчи бўлиб менга раҳми келди, фақат у ачинди, шу холос! Нега сен фаришта, аввалроқ келмадинг, – бирдан у худди тутканок тутгандек Алешанинг оёғига тиз чўкди. – Мен бир умр сенга ўхшаган келади деб кутдим, шундай одам бир кун келади, мени кечиради деб ўйладим. Мен расвони ҳам кимдир яхши кўради-ку дедим, фақат авратга ёпишмас-ку ахир!..

– Мен сенга нима қилдим ўзи? – мулоим кулиб жавоб берди Алеша, унинг устига энгашиб эркалаб қўлларидан тутиб, – сенга ёлғиз бир пиёз бердим, кичкинагина битта пиёз фақат, фақат!..

Шу сўзини айтиб, ўзи йиғлаб юборди. Шу пайт ташқарида эшик олдида шовқин эшитилди, кимдир даҳлизга кирди; Грушенька жуда

каттиқ қўркиб кетган ҳолда ўрнидан сакраб турди. Хонага шовқин-сурон кўтариб Феня чошиб кириб келди.

– Ойимкиз, жоним ойимкиз, чопар келди! – деди у қувонч билан халлослаганча. – Мокроедан тарантас арава сизга келди, Тимофей аравакаш уч от қўшилган аравада, ҳозир янги отларни қўшишади... мактуб, мактуб, ойимкиз, мана сизга мактуб!

Хат унинг қўлида эди, кичкириб қўлида силкитарди. Грушенька ундан хатни тортиб олди-да, ёниб турган шам ёруғига тутди. Хат қискагина, унда бир неча қатор сўз ёзилган, киз уни бир қарашдаёқ ўқиди.

– Чақиряпти! – деб кичкирди киз туси-кути ўчиб, оппоқ оқариб, унинг юзи ожиз бир табассумдан қийшайиб кетганди, – хуштагини чалди! Эмакла энди, эй итвачча!

Лекин фақат бир зумгина журъатсиз туриб қолди, бирдан юзига қон тепди ва бети аланга олиб ёнди.

– Бораман! – деб нидо қилди бирдан. – Вой, менинг беш йил умрим! Хайр-хўш! Хайр, Алеша, тақдирим ҳал... Кетинг, кетинг, кетинг ҳаммангиз мендан, сизни энди елкаминг чуқури кўрсин!.. Грушенька бошқа ҳаётга учди-кетди... Қаттиқ сўйлаган бўлсам, сен ҳам мени кечир, Ракитка. Балким, ўлгани кетаётгандирман! Ох! Худди мастга ўхшайман!

Киз бирдан уларни қолдириб, ўз ётоғига югурди.

– Ана, энди биз билан иши йўқ! – тўнғиллади Ракитин. – Кетдик, бўлмаса яна чиқиб дийдиёсини бошлайди, жонимга тегди бу йиғи-сиғи дийдиёлар...

Алешани беихтиёр етаклаб кетишди. Ташқари ҳовлида тарантас арава турар, ундан отларни чиқаришарди, фонар кўтариб юришар, шошилишарди. Ланг очилган дарвозадан янги отларни аравага қўшиш учун олиб киришарди. Бироқ Алеша билан Ракитин зинадан энди тушган эдилар ҳамки, бирдан Грушенька ётоғининг дарчаси шарақлаб очилди-да, киз Алешанинг ортидан жаранглаган овози билан кичкирди:

– Алешечка, аканг Митенькага саломимни етказ, ўзининг ёмонотлик фариштасини кечирсин. Унга менинг шу айтган сўзларимни билдириб қўй: “Грушенька сендек олийжаноб яктога эмас, пастарин бир песга тегди!” – де. Яна шуни ҳам қўшимча қилиб қўйки, Грушенька уни фақат бир соатгина севди, ҳа, фақат бир соатгина севди – у мана шу севгини умр бўйи эслаб юрсин. Грушенька сенга шуни умрбод эсдалик қилиб қолдирди!..

У ўкириб йиғлагандай овоз чиқариб тўхтади. Дарча ёпилди.

– Ҳм, ҳм! – пинғирлади Ракитин қулганча, – биродар Митенькани пичоксиз сўйиб, яна бунга умрбод эсдан чиқармасин дейди. Мунча этхўр бўлмаса ойпошша тушмагур!

Алеша худди эшитмагандай ҳеч нарса демади; у Ракитиннинг ёнида жадал қадам ташлар, жуда шошаётганга ўхшарди; гўё хушидан айрилгандай, беихтиёр юриб борарди. Биров ҳозиргина олган жароҳатига бехос қўлини текизгандай Ракитин бирдан чўчиб тушди. У Алеша билан Грушенькани учраштираркан, бундан бутунлай бошқа нарсани кутганди, ҳолбуки, кўнглида жуда хоҳлаган бир нарса эмас, тамомила бошқа бир ҳол рўй берди.

– Унинг бу зобит йигити поляк, – ўзини бироз босиб давом этди у, – бунинг устига ҳозир зобит ҳам эмас, у қаердадир Хитой чегарасида Сибирда

божхона ходими бўлиб ишлаган, қандайдир мизғий полякваччалардан бўлса керак. Ишдан кетганмиш айтишларича. Грушеньканинг пули борлигини эшитиб қайтиб келган, шекилли, бор-йўқ гап шу.

Алеша яна ўзини эшитмаганга олди. Ракитиннинг тоқати тоқ бўлди:

– Хўш, осий бандани тўғри йўлга солдингми? – Алешанинг башарасига қараб қаҳр билан кулди у. – Бетавфиқ тавфиқ топдимиз? Етти жин-шайтонни қувиб юбордингми, а? Бизнинг анави орзиқиб турган мўъжизаларимиз рўёбга чиқдимиз энди!

– Бас қил, Ракитин, – юраги азобдан санчиб жавоб берди Алеша.

– Энди бояги йигирма беш рубль учун мендан ҳазар қилсанг керак? Чин дўстини сотди деб, а? Э-вой, сен Исо Масих, мен эса Иуда эмасмиз, асло.

– Ох, Ракитин, бу эсимдан чиқиб кетди, ишон гапимга, – хитоб қилди Алеша, – ҳозир ўзинг эслатдинг...

Бироқ Ракитиннинг куфри батамом кўзиди.

– Э, ҳаммангиз қуриб кетмайсизми менга деса! – бўқирди у бирданига, – мен аблаҳ негаям сен билан апоқ-чапоқ бўлиб юрибман! Шу бугундан эътиборан мен сени танимайман. Бор, бир ўзинг кетавер, ана у ерда сенинг йўлинг!

У бошқа кўчага шартта бурилиб кетди, Алеша қоронғида ёлғиз ўзи қолди. Алеша шаҳардан чиқиб, далалардан ўтиб монастирга кетди.

IV

ЖАЛИЛАДАГИ ХОН ШАҲРИ

Алеша хонакога етиб келганда монастир вақти билан жуда кеч бўлганди, эшикбон уни бошқа йўлдан ўтказиб юборди. Соат тўққиз бўлган – ҳамма ҳам кўп ташвиш ва азият чеккан кун охирлаб, одамлар тин олиб ҳордик чиқарди. Алеша оҳиста ботинмай эшикни очиб, бузрук қариянинг хужрасига кирди, бу ерда энди унинг тобути турарди. Ота Паисий ёлғиз ўзи тобут устида Инжил тиловат қилар, кечаги тун чоғидаги суҳбат ва кундузги югур-югурлардан хориб-чарчаган ёш мурид Порфирий кўшни хонада ерда ётиб қаттиқ уйкуга кетган, бошқа ҳеч ким йўқ эди. Ота Паисий Алеша кирганини пайқаган бўлса-да, у томонга ҳатто қараб ҳам қўймади. Алеша эшикдан ўнг томонга – бурчакка ўтди-да, чўк тушиб ўтириб дуо ўқий бошлади. Унинг юраги қандайдир ноаён тўлиққан, биронта ҳам сезгиси аён белги бермас, аммо бутунлай йўқолиб ҳам кетмас, аллақандай сокин, осуда айланиб, эврилиб, бирови ўрнини бошқаси эгалларди. Аммо юраги фараҳманд ва ғалати эди, Алеша бунга ажабланмасди. У яна қадрдон устозининг жасади ётган тўрт ёғи берк тобутни кўриб турар, лекин энди юрагида боя эрталабки каби мунграган, зириллаган, музтар раҳм-шафқат сезилмасди. У ҳозир бу ерга кириб келаркан, тобутта худди муқаддас нарсадай тиз чўқди, аммо унинг ақли-идрокию юрагида фараҳ, фараҳмандлик шуълаланарди. Хужранинг бир дарчаси очиб қўйилган, ҳаво тоза ва муздак эди, дарчани очишибдими, демак, хид янада кучлироқ чиққан, хаёлидан ўтди Алешанинг. Лекин боягина уфунат ис ҳақида ғоятда хунук ва шармандали бўлиб туюлган фикр эндиликда уни ғам-андухга ботирмади, ғазабини чиқариб тугёнга солмади. У оҳиста



ибодатга берилди, бироқ кўп ўтмай ўзининг ғайришуурий тарзда ибодат қилаётганини сезиб қолди. Юрагида узук-юлук фикрлар чарх урар, юлдузлар каби бир чакнаб қўяр, яна шу заҳоти ўчар, бошқалари ёнар, ҳарқалай кўнглини яхлит, бутун, метиндай мустаҳкам каноат қоплаб келар ва буни ўзи сезиб турарди. У алангали дуолар ўқир, рози-ризолик, меҳру оқибат тиларди... Бироқ дуони бошлаб қўйиб яна бирдан бошқасига ўтиб кетар, ўй-хаёлга ботар, кейин дуони унутар, нега унутганини ҳам англаёлмасди. Бир замон ота Паисий тиловатига кулоқ осмокчи бўлди, ammo ғоят хорғинликдан уни беозор мудроқ босди...

“Учинчи кун Жалиланинг Кана шаҳарчасида никоҳ тўйи бўлди. Исонинг онаси ҳам у ерда эди, – деб ўқирди ота Паисий, – Исо билан шогирдлари ҳам тўйга тақлиф этилган эдилар”.

“Тўй? Нима бу... Тўй, – фикрлар куюндай айланарди Алешанинг бошида, – унинг ҳам бахти очилган... тўй базмига жўнади... Йўқ, у пичок олмади, пичок олмади... Бу фақат “нотавон” бир сўз эди... Ҳа-а... нотавон сўзлар, албатта, жуда кечирарли. Нотавон сўзлар юракка тасалли беради... Улар бўлмаса одамлар дардни кўтаролмасдилар. Ракитин тор кўчадан кетди. Ракитин ўз хафагарчиликларини ўйлаб юраркан, доим тор кўчаларга кириб кетаверади... Йўл эса... йўл катта, тўғри, ёруғ, шаффоф, унинг охирида куёш бор... А?.. Тиловатми?”

“...Шароб тугаб қолгач, Исонинг онаси Унга: – Уларда шароб қолмабди, – деди...” – кулоғига чалинарди Алешанинг.

“Оҳ-вой, мен эшитмай қолибман, ўтказиб юбормокчи эмасдим, мен шу жойини яхши кўраман: бу Жалиладаги Кана, биринчи мўъжиза... Оҳ-вой, бу мўъжиза, оҳ-вой, ажиб мўъжиза! Ғам-ҳасратга эмас, шодлик-қувончга дуч келди Исо Масихо, биринчи мўъжизасини кўрсатди, одамларнинг қувонч-шодлигига шерик бўлди... “Кимда-ким одамларни севса, уларнинг қувончларини ҳам севгай...” Марҳум устоз буни тез-тез такрорларди, бу унинг энг севган фикрларидан эди... Қувонч бўлмаса, яшаб бўлмайди, дейди Митя... Ҳақ ва гўзал нарсаларнинг ҳаммаси кечирим билан лиммолим – буни ҳам у ўз оғзи билан айтган...”

“...Исо унга: – Менинг ишимга аралашма, аёл. Менинг вақт-соатим ҳали етгани йўқ, – деди. Шунда онаси хизматчиларга: – У сизларга нимаики деса, ўшани қилингиз, – деди”.

“Ўшани қилингиз... Қувонч, қувонч, қандайдир жуда кашшок одамларнинг қувончи... Ҳа-я, ғоятда кашшок одамлар, тўйларида ҳатто шароб етмай қолган... Тарихчилар ёзишган, Генисарет кўли ёқларда ҳаммаси шир яланғоч кашшок чиғойлар яшар эканлар, бунақанги кашшокликни ҳатто хаёлга ҳам келтириб бўлмас экан... Шу ерда турган бошқа бир азиз хилқатнинг азиз юраги, она юраги ахир сезар эди-ку, у фақат ўша ёлғиз даҳшатли жасорати учунгина ерга тушмаганини, унинг жисми-жонига жуда ҳам оми, оми одамларнинг одми, оддий қувончу шодликлари ҳам бениҳоя яқинлигини, улар ўз тўй-тўйчиқларида уни эъзозлаб чақирдилар-а. “Менинг вақт-соатим ҳали етмаган”, – у майин табассум билан шундай дейди (онаизорга муте-майин табассум қилди албат)... Алҳосил, наҳот у кашшокларнинг тўйларида етмай қолган шаробни тўлдирмок учунгина ерга нозил бўлди? Ана, борди, онаизор сўзини адо этди... Оҳ-вой-ей, у яна тиловат бошлади”.

“...Исо хизматчиларга: – Хумларни сувга тўлдирунгиз, – деди. Улар хумларни лиммо-лим тўлдиришди. Исо уларга: – Энди чўмичлаб олиб, тўйбошига олиб борингиз, – деди. Тўйбоши куёвни чақиртириб, унга айтди: – Ҳар ким аввал яхши шаробни кўяди. Кейин қилишгандан кейингина ёмонроғини беради. Сен эса яхши шаробни шу вақтгача сақлабсан-ку!” (Юҳанно, 2-боб, 1-10 оят).

“Аммо нима бўлди, бу нима? Нега уй ўрнидан силжияпти... Эҳ-ха... бу тўй-ку, базм-ку... ха, шундай. Мана, меҳмонлар, ана ёш-яланглар ўтиришибди, ҳамма шод-хуррам... қани, қайга кетди анави доно тўйбоши? Аммо ким бу? Ким? Яна хона айланди... Ким анави – жуда катта столдан туриб келаётми? И-е... У ҳам шу ердами? И-е, ахир у тобутдамасми... Аммо у шу ерда... турди, мени кўрди, бу ёққа келяпти... Оҳ, худойим-а!...”

Ҳа, унинг ёнига келди башараси майда ажинлар билан қопланган оби кочган қуруқ қотмагина қария хандон-хушон майингина мулойим кулганча. Тобут энди кўринмайди, худди кеча меҳмон йиғилганда қандай либослар кийган бўлса ана ўшундай. Чехраси чараклаб очилган, кўзлари нур сочади. Бу ёғи қандок бўлди, бундан чикди, у ҳам базмга борибди-да, Жалиладаги Кана (хон) шаҳрида бўлган тўйда иштирок этибди-да...

– Мен ҳам, бўтам, мен ҳам чақирилганман, катнашаётirman, – Алешанинг устида янграйди оҳиста овоз, – нечук бунда беркиниб олибсан, кўзга кўринмайсан... сен ҳам бизга қўшил.

Унинг овози, қари Зосиманинг овози... У чақиряпти, бошқа ким чақиради? Қария Алешани кўли билан кўтарди, у тиззасидан турди.

– Ўйнаympиз, – дейди қотма чол, – янги шароб ичяпмиз, янги улуғ хурсандчиликнинг шароби; кўряпсанми меҳмонлар қанча? Ана, келину куёв, ана доно тўйбоши, янги шаробнинг таъмини кўраётми. Нега менга хайрон бўлиб қарайсан? Мен пиёзни бердим, мана, бу ерга келдим. Бу ердагиларнинг кўплари пиёз беришган, фақат биттадан кичкина пиёз... Ишларимиз қандок? Сен ҳам менинг мўмин-қобил, мулойим бўталоғим, сен ҳам бугун хожатмандга пиёз бердинг. Бошла, бошла, азизим, ўз ишингни бошла, қобилим!.. Кўряпсанми куёшимизни, уни кўряпсанми?

– Кўрқаман... қарашга кўрқаман... – шивирлади Алеша.

– Ундан кўрқма. Улуғворлиги билан олдимизда кўрқинчли кўринади, юксаклиги билан ҳайбатли, аммо чексиз меҳрибон, бизга муҳаббати билан қайишади, биз билан бирга шодумон бўлади, сувни шаробга айлантиради, меҳмонларнинг қувончи тугамасин дейди, янги меҳмонларни кутади, яна янгиларини тинимсиз чорлайди шундай азалу абад. Ана, тоза шароб келтираётирлар, кўряпсанми хумлар, мешларда...”

Алешанинг юрагида нимадир ёнарди, ич-ичидан оғриқиб тўлиқарди, кўзларидан қувонч ёшлари отилиб чиқарди... У қулочини ёзди, хайкирди ва уйғонди...

Яна ўша тобут, ўша ланг очик дарча ва ўша сокин кироат билан ўқилаётган илоҳий битик. Аммо Алеша нима ўқилаётганини энди эшитмасди. Қизик, у тиз чўкиб ўтириб ухлаб қолган, энди эса тик оёқда турарди ва даҳватан оёғи ердан узилиб дадил юриб тобут яқинига борди. Ҳатто елкаси билан ота Паисийни туртиб юборди, буни ҳатто сезмади ҳам. Ота унга бир зум китобдан бошини кўтариб қараган бўлди-ю, лекин ўша заҳоти йигит ғалатирок бир аҳволга тушганини англаб яна китобга машғул бўлди. Алеша ярим дақиқа тобутга, унинг ичида қимирламай кўкрагида санам, бошида саккиз киррала хочи бор кукул ёпинғичи билан

чўзилиб ётган мурдага термулиб турди. У ҳозиргина қариянинг товушини эшитди, бу овоз хали унинг кулоқларида янграб сас таратарди. У ҳамон бу товушни тинглар, яна садо келишини кутарди... аммо бирдан шахд билан орқасига ўгирилиб ҳужрадан чиқди.

У эшик зинасида ҳам тўхтамай, шитоб билан пастга тушди. Шодумонлик билан лиммо-лим юраги эркинлик, кенглик, ҳавога чиқишни истарди. Унинг боши узра сокин чакнаган юлдузларга тўла осмон гумбази омонсиз онтарилиб ётарди. Тик юксакликда то уфқларга қадар элас-элас Сомон йўли айри бўлиб ёйилганди. Заминни худди қотиб қолмишдай тоза ва осуда тун қамраганди. Уй яқинидаги гулхонада ўсган яшноқ кузги гуллар эрта тонгни кутиб мудрарди. Заминдаги жимжитлик қоннот билан туташиб кетгандай эди. Арзу само асрори юлдузларга қуюларди... Алеша тўхтаб термулди ва бирдан худди чалғи чалиб ўтгандай юз тубан ерга қулади.

Нега ерни кучоқлаётганини у англамас, ўзига ҳисоб бермас, нима учун уни тўхтамай ўпгиси келаётгани, бутунлай бор-борича ўпгиси келаётганини билмас, аммо уни хўнг-хўнг йиғлаб, ўкириб йиғлаб, кўз ёшларини дарёдай окизиб ўпар, жазавага тушар, жазавага тушиб севишни хоҳлар, азал-абад севгиси келарди. “Қувончинг кўз ёшларини ер юзига окиз ва шу кўз ёшларини сев...” – садоланди унинг юраги. Нега бу кўз ёшлар? О, у тубсиз самода чарақлаган юлдузларга йиғлар ва “ўз жазаваларидан ижтиноб этмасди”. Гўёки ушбу поёнсиз оламлардан узалган барча ришталар унинг юрагига бирдан қуюлиб тушмишди ва кўнгил “ўзга оламларга дуч келиб” титрар, қалтирарди. У ҳаммани ҳаммаси учун кечирсам дерди, кечирим сўрасам дерди, о! Ўзига, ўзи учун эмас, ҳаммага ҳаммаси учун, “менга эса – бошқалар сўрагайлар” – жаранглаб садо келди яна кўксидан. Аммо у дақиқа сайин бутун сезимлари билан мана шу само гумбази каби аллақандай муст-метин ва барқарор бир нима юрагига тушиб келаётганини туярди. Унинг ақлу гидрокида қандайдир ғоя каби алланима ҳукмрон бўлмоқда эди ва энди бир умр, азалу абад ана шундай бўлажак. У ерга ожиз бир йигитча каби қулади, ўрнидан эса то абад метиндай сарбоз бўлиб қад кўтарди. Ва ўз масаррати хуррамлигида буни бирдан ҳис қилароқ англаб етди. Алеша сўнг бутун умри давомида буни ҳеч унутмади. “Аллаким ўша дамда менинг юрагимга кириб олди”, – деб юрди у кейинчалик ва ўз сўзларига қаттиқ ишонди...

Уч кундан сўнг у монастирдан чиқди, устозининг амрини адо этди, “дунёни кўргани” йўл олди.

Саккизинчи китоб

МИТЯ

I

КУЗЬМА САМСОНОВ

Грушенька янги ҳаёт кучоғида парвоз қиларкан, ўзининг сўнгги саломларини Дмитрий Федоровичга йўллаган ва ундан бир соатлик ишқ-муҳаббатини абадул-абад унутмасликни “сўраган”, у эса худди ушбу

дақиқаларда қизнинг бошидан кечаётган воқеалардан бутунлай беҳабар ғоятда саросимага тушиб, дарду ташвишларга боғлан эди. Кейинги икки кун ичи у шунчалар абгор ҳолга тушгандики, ҳақиқатан, ўзининг кейинроқ айтишича, мия яллиғланиши билан оғриб қолиши ҳеч гап эмасди. Алеша куни кеча эрталаб уни кидириб тополмади, биродари Иван эса ўша куни у билан қовоқхонада учрашолмади. Ўзи ижарада яшаб турган уйнинг эгалари бўлса унинг буйруғини адо этиб, ҳеч нарса айтмадилар. Кейинчалик ўзининг айтишига қараганда, у “жонини сақлаш учун толе ўйинлари билан олишиб” ўзини тўрт томонга урарди, ҳатто Грушенькани бир дам холи қолдиришга кўзи қиймас ва бундан совук қора терга тушса ҳам, бир неча соатга ҳеч орқага суриб бўлмайдиган иш билан шахар ташқарисига чиқиб келди. Буларнинг ҳаммаси кейинчалик ҳужжатлар бўйича батафсил аниқланди, лекин биз ҳозир унинг тақдирида қутилмаганда рўй берган мудҳиш фалокатдан олдинги ўта ёмон хатарли икки кун ичида бўлиб ўтган воқеаларнинг фақат энг зарурларини тилга олиб ўтамиз.

Грушенька уни чиндан ҳам бир соатгина ҳақиқий маънода самимий севган бўлса-да, шу билан бирга, ҳақиқатан, уни баъзан раҳмсиз суратда ҳеч аямасдан қийнаганди. Асосий гап шунда эдики, у кизнинг асл нияти нималигини қанча уринмасин, билолмасди; куч ишлатиб ёки эркалатиб, авраб-савраб билишнинг ҳам сира иложи йўқ эди: киз ҳеч қачон бунга йўл қўймас, фақат жажли чиқиб, ундан бутунлай юз ўгириши мумкин эди, ўшанда у бунни жуда яхши тушунарди. Кизнинг ўзи ҳам қандайдир кураш ичида, қандайдир фавқулодда журъатсизлик, иккиланиш ичида яшаётганини у ўшанда аниқ хис қилиб, сезиб юрарди, ҳақиқатан, киз ҳеч бир қарорга келиб-келолмас, шунинг учун гоҳо киз бу ҳарис муҳаббатимни ўлардай ёмон кўриб кетса керак, деган гумонга борарди ва бу асоссиз ҳам эмасди. Шунда Митянинг юраги тўхтаб қолгандай бўларди. Бу гаплар, эҳтимол, ҳақиқатдан узок эмасди. Лекин барибир Грушенька айнан нимани соғиниб, нимани орзу қилаётганини у ҳеч тушунолмасди. Баҳорҳол уни қийнаётган бутун масала охир-оқибат икки нарсага бориб тақаларди: “Ё Митя, ё Федор Павлович”. Бу ерда бир нарсани қатъий айтиб ўтиш жоиз: у бунга қаттиқ амин эдики, Федор Павлович Грушенькага, албатта, қонуний никоҳга ўтишни таклиф этади (балки аллақачон таклиф ҳам қилгандир), қариб қуюлмаган лаззатпараст фақат уч минг билан қутулиб кетишга умид қилаётганига бўлса заррача ишонмайди. Бунни Митя Грушеньканинг феъл-атворини билгани учун уқиб олди. Мана шунинг учун ҳам, унга гоҳо шундай туюлардики, Грушеньканинг бутун изтироблари, барча иккиланишлари фақат улардан қай бировини танлашни, ким унга кўпроқ фойда етказишни билолмаётганидан келиб чиқади. Грушеньканинг ҳаётини ағдар-тўнтар қилиб юборган анави “зобит”нинг келишини киз юраги така-пука бўлиб, интиқ қутар, лекин кизиғи шундаки, Митя ўша кунларда ҳатто бунни ҳаёлига ҳам келтирмасди. Рост, Грушенька охириги кунларда бу ҳақда унга лом-мим демасди. Аммо кизнинг ўзи унга бир ой бурун Сибирдан хат олгани, собиқ ошиқ келмоқчи бўлаётганини бир сидра маълум қилганди. Ўшанда, шум бир дақиқада Грушенька унга хатни кўрсатган, лекин у бунга ҳеч қандай аҳамият бермаганини кўриб киз хайрон бўлганди. Бунни тушунтириш ғоятда мушкул эди: бир аёлни отаси билан талашиб жуда оғир ва хунук аҳволга тушганидан эзилиб, азоб ичида юрганиданми, энди бундан-да бешбаттароғини ҳаёлига ҳам

сиғдиrolмаган бўлиши мумкин, ҳар қалай ўша пайтлар аҳволи шундай эди. Беш йилдан кейин аллақайси гўрдан яна пайдо бўлиб қолган куёвга у умуман ишонмас, айниқса, тез орада келиб қолишига асло ақли бовар қилмасди. Қиз “зобит”нинг биринчи хатини Митенькага кўрсатганда, янги рақибнинг келиши ҳақида жуда ноаниқ айтилганди. Хат ғоятда мужмал, ғоятда ғажақдор, ғоятда ҳиссиётчан ёзилганди. Қайд этиб ўтмоқ лозимки, Грушенька ўша хатнинг охириги сатрларини ундан яширганди, холбуки, айнан шу жойида куёвнинг қайтиб келиши хусусида аниқроқ қилиб айтилганди. Бунинг устига, Митенька кейинча шуни ҳам эсладики, кизнинг чехрасида узок Сибирдан келган хатга ўша пайт такаббуруна бир муносабат акс этганди. Шундан сўнг Грушенька Митеньканинг ушбу рақибни билан бўлган муносабатлари ҳақида асло оғиз очмади. Шундай қилиб, у бора-бора зобитни бутунлай эсидан чиқариб юборди. Иш шу тахлитда давом этаверса, оқибати қандай бўлмасин, у Федор Павлович билан омонсиз тўқнашув тобора яқинлашиб келаётгани, ҳамма нарса фақат шунга боғлиқ бўлиб қолгани ҳақидагина эртаю кеч бош қотирарди. У юраги увушиб ҳар дамда Грушенька нима қарорга келаркин деб кутар ва бу қутилмаганда фақат қандайдир юрак амри билан рўй беради, деб ишонарди. Балки киз бирдан унга: “Мени ол, мен абадул-абад сеникиман”, – деб қолар, шунда ҳаммаси ҳал бўлади, уни кучоғига босади-ю, ўша захоти дунёнинг нариги томонига олиб кетади. О, дарҳол, тўхтамай кўз илғамас ёқларга олиб кетади, дунёнинг нариги четига бўлмаганда ҳам бепоён Россиянинг узок чеккаларига кетади, унга уйланади, ҳаммадан яшириниб яшайди, ҳеч ким билмасин, ҳеч ким танимасин – на у ерларда ва на бу ерларда, ҳеч қайда, ҳеч қачон! О, ана ўшанда, ана ўшанда дарҳол тамомила янги бир ҳаёт бошлангай! Ана шу бошқа, янгиланган ва энди “эзгуликка йўғрилган” (“албатта, албатта, эзгуликка йўғрилган”) ҳаёт ҳақида у дам сайин жазавага тушиб ўйларди. Ана шу қайта туғилиш ва янгилашни жон-дилидан истарди. Ўз инонихтиёри билан тушиб қолган ярамас ботқоқ-балчиқ уни энди қаттиқ эзар, шу боисданмикин, шундай аҳволга тушган бошқа одамлар каби у яшаш жойини ўзгартирсам, ҳаммаси яхши бўлиб кетади деб ишонарди: фақат мана шу одамлардан кутулса, бас, фақат мана шу аҳволдан чиқиб кетса бўлди, шу лаънати, манҳус ердан учиб кетса кифоя – кейин ҳаммаси янгидан бино бўлади, ҳаммаси ўз жойига тушади! У мана шунга ишонар, мана шуни деб ўрганарди.

Аммо бир масала бошдан *омадли бир тарзда* ҳал бўлган тақдирдагина мумкин бўларди. Бирок бошқа бир ечим ҳам бор эди, аммо у оғир, кулфатзада ечим эди. Қиз бирдан унга: “Жўна, мен Федор Павлович билан гаплашдим, унга турмушга чиқаман, сенинг керагинг йўқ”, деб қолса, унда... унда... Митя, унда нима бўлишини билмасди, охириги дақиқаларга қадар беҳабар эди, бу томондан уни оқласа бўларди. Унинг аниқ мўлжаллаган нияти йўқ эди, жиноят устида эса ўйлаб кўрилмаганди. У фақат онгсиз кузатар, айғоқчилик қилар, азоб чекарди, аммо аввалдан толенинг омадли счимигагина ишонарди. Бошқа ҳар қандай фикрни ўзидан қуварди. Бирок бу ерда тамомила бошқа азоб-укубат бошланарди, бошқа бир машғум, ҳеч ҳал қилиб бўлмайдиган янги хол-аҳвол, вазият юзага чиқарди.

Мабодо, қиз айнан унга: “Мен сеникиман, мени олиб кет”, – деб қолса, унда қандай олиб кетади? Қани бунга пул, маблағ? Худди шу пайтларга

келиб, шунча вақтлардан бери Федор Павловичдан келиб турган садакага ўхшаш ёрдам пуллари бирдан тўхтаган ва тамом бўлганди. Албатта, Грушеньканинг пули бор эди, аммо бунга Митянинг нозик ғурури асло йўл қўймасди: у кизни ўзи олиб кетмоқчи ва у билан ўз маблағига турмуш қурмоқчи эди; кизнинг пулидан харжлашни хаёлига ҳам келтирмас, ҳатто бундан каттиқ нафрати қўзиб азобланарди. Бу ерда ушбу ҳолатни таҳлил қилиб, узоқ баён қилиб ўтирмайман, фақат бир нарсани таъкидлаб ўтаманки, ўша пайтда унинг юраги шунга қоим эди. Бу балки билвосита ҳамда ғайришуурий тарзда рўй бераётган бўлиши ҳам мумкин эди, Катерина Ивановнанинг пуллариغا муттаҳамлик қилгани унинг яширин виждон қийноқларига боис эди: “Бирисининг олдида муттаҳам бўлиб чиқдим, иккинчисининг қаршисида ҳам дарҳол муттаҳамга айланаман, – деб ўйларди у ўшанда кейинча тан олиб айтишича, – агар Грушенька буни билиб қолса, ўзи бунақа муттаҳам ўғрини асло хоҳламайди, юз ўгириб кетади”. Хуллас, қайдан олса бўлади бу маблағни, қаердан топади бу шум пулларни? Акс ҳолда ҳаммаси барбод бўлади, ишнинг пачаваси чиқади ва “бунинг бирдан-бир сабаби – пул йўқлиги, о, шармандалик!”

Олдиндан айтиб қўйай: аён бир нарса, у, эхтимол, бу пулни қаердан топишни билган, улар қаерда ётганидан ҳам хабардор бўлган. Ҳозир бу ҳақда батафсил айтиб ўтирмайман, зеро, кейин бари очик равшан бўлади; аммо унинг асосий кулфати бошқа ёқда эди, гарчи ноаёнроқ бўлса-да, мен буни айтиб ўтаман: қаёқдадир ётган ўша маблағни олиш ва олиш ҳақиқага эга бўлиш учун, Катерина Ивановнага аввал уч мингни қайтариш зарур эди – акс ҳолда, чўнтак ўғриси, ғирт муттаҳам бўлиб қолавераман, лекин мен янги ҳаётимни ўғри муттаҳам бўлиб бошламоқчи эмасман, деган қарорга келди Митя, шунинг учун бутун дунёни ағдар-тўнтар қилиб бўлса ҳам, ўша уч мингни Катерина Ивановнага қайтариш, қандай қилиб бўлмасин *энг аввал* унга қайтаришга қарор қилди. У Алеша билан икки кун илгари шом пайти кўчада учрашиб қолиб, охири шу қарорга келди, ўшанда Грушенька Катерина Ивановнани таҳкирлаган, Митя эса буни Алешанинг оғзидан эшитиб, мен аблах муттаҳамман деб айтган ва буни Катерина Ивановнага етказишни сўраган, “балки бу унинг дардига андак бўлса-да малҳам бўлар” деганди. У ўша кеч оқшом укаси билан хайрлашиб, яна жазавага тушди ва “бирон кимсани талаб, ўлдириб бўлса ҳам Катяга пулини қайтариб бериш керак” деган фикрга келди. “Майли, мен одам ўлдирай, боскинчилик қилай, ҳамманинг кўз ўнгига қотил, қароқчига айланай, майли, мени Сибирга жўнатсинлар, аммо Катядан у менга хиёнат қилди, пулимни ўғирлади, менинг пулимга Грушенька билан эзгу ҳаёт қуриш учун уйланиб олди ва олиб кетди, деган гапларни эшитгандан кўра шулар афзалроқ! Мен бундоқ қилолмайман!” Митя тишларини ғижирлатиб, ўз-ўзига шу гапларни айтди, унинг мияси худди тарс ёрилиб кетаётганга ўхшар, изтироб ўтида ёнарди...

Галати томони шуки, бундай қарорга келгандан сўнг унга алам ва умидсизликдан бошқа ҳеч нарса қолмагандай эди; ростдан ҳам, ўзи шир яланғоч қолган бўлса, яна қайдан шунча пулни олсин? Ҳолбуки, у мана шу ўтаётган дамларнинг барчасида ўша уч мингни топаман, топмай қўймайман, улар осмондан ёғилиб бўлса ҳам, албатта, қўлимга тушади, деб умид-илинж қиларди. Аммо теп-текин меросга теккан пуллар, мол-мулкларни аёвсиз исроф қилиб, ҳавога совурадиган, лекин пулни қандай

топишни хаёлга ҳам келтирмайдиган ва билмайдиган худди Дмитрий Федоровичга ўхшаган одамларнинг бошига шундай ишлар тушади. Уч кун бурун Алеша билан шом чоғи хайрлашгандан сўнг унинг бошида ақл бовар қилмас хаёл куюни чарх ура бошлади ва бутун фикрлари тўзғиб кетди. У ишни энг ақлга тўғри келмайдиган жойидан бошлади. Эҳтимол, шунақанги одамларда мана шундай ҳол-аҳволларда энг ақлга тўғри келмайдиган хаёлий ишлар биринчи бўлиб мумкин бўладигандай туюлар. У, кутилмаганда, Грушеньканинг хомийси савдогар Самсоновга бориб учрашишга қарор қилди, унга бир “режаси”ни ўтказмоқчи, ушбу “режа”га суяниб, савдогардан ўзига сув-хаводай зарур пулни ундирмоқчи бўлди, тижоратчилик нуқтаи назаридан у “режа”си қўл келишига асло шубҳа қилмас, фақат бу ишга Самсоновнинг ўзи қандай қарашини билмасди, ахир у бунга фақат тижоратчилик томонидан қарамаслиги ҳам мумкин-ку. Митя бу савдогарнинг юзини кўрган бўлса-да, таниш эмас ва бирон марта ҳам у билан гаплашмаганди. Лекин негадир унда, ҳатто анча пайтлардан бери миясига шундай бир ишонч ўрнашгандики, мана шу қари бузук, шарти кетиб, парти қолган одам эндиликда Грушенька ўз ҳаётини ҳалол йўлга солиб, “ишончли яхши” кишига турмушга чиқадиغان бўлса, ҳозир унга ҳеч қандай қаршилик қилмайдигандай эди. Қаршилик қилиш у ёқда турсин, ҳаттоки ўзи ҳам шуни хоҳлаб, қулай пайт келиб қолса, ўзи ҳам қўллаб-қўлтиқлаб юборадигандай туюларди. Ундан ташқари, қандайдир гаплар қулоғига чалинганми ё Грушеньканинг бирон имо-ишорасиданми, у шундай хулоса чиқарган эдики, қария Самсонов йигитни Грушенька учун Федор Павловичдан кўра афзалроқ кўради. Эҳтимол, қиссамизнинг кўп ўқувчиларига бундай ёрдам илинжида бўлиш, ўз қайлигини унинг хомий ва раҳнамоси қўлидан қабул қилиш нияти Дмитрий Федорович томонидан қилинган жуда ҳам орийатсизлик ҳам ҳамиятсизлик бўлиб кўринар. Фақат шуни эслатиб ўтмоқчиманки, Грушеньканинг кечаги куни Митяда бутунлай узил-кесил ўтмишга айлангандай тасаввур қолдирарди. Бу ўтмишга у чексиз ачиниб қарарди ва бутун эҳтиросининг кучи билан шунга қарор қилдики, агар Грушеньканинг ўзи уни севман деса-ю, унга турмушга чиқса, унда дарҳол, шу ондаёқ бутунлай янги бир Грушенька ҳамда у билан бирга тамомила бошқа Дмитрий Федорович дунёга келади, энди уларда ҳеч қандай иллатлар, камчиликлар бўлмайди, аксинча, фақат эзгу фазилатлар қулф уради; ҳар иккови бир-бирини кечиради ва ўз ҳаётларини бутунлай янги нуқтадан бошлашади. Кузьма Самсоновга келсак, уни Грушеньканинг илгариги ўпирилиб тушган ҳаётида шум бир одам деб қарайди, қиз уни ҳеч қачон севган эмас ва энди у ҳам (муҳими шу) “ўтди”, тугади, бутунлай барҳам топди. Бунинг устига Митя уни ҳатто одам ўрнида кўрмас, зеро, шаҳарда ҳаммага, ҳар бир кимсага маълум эдики, бу мункиллаб, хароб бўлиб қолган касал одам Грушенькага энди оталарча муносабатда бўлар, аввалги холи ҳаётидан асар ҳам қолмаган ва бу анчадан бери давом этар, аҳвол бир йилчадан бери шундай эди. Ҳар ҳолда бу ўринда Митянинг анча-мунча соддадиллиги ҳам бор эди, зеро, ўзининг барча нуқсонларига қарамасдан у ғоятда соддадил киши эди, соддафаҳмлиги боис шунга ишончи қомил эдики, қари Кузьма Самсонов нариги дунё ёқасида Грушенька билан кечган ўтмиши учун чин дилдан пушаймон чекади ва эндиликда қиз учун шу беҳол қариядан кўра садоқатлироқ дўст ҳамда раҳнамо дунёда йўқ.

Алеша билан далада кўришиб гаплашганининг эртасига Митя тун бўйи ухламай чиқди, кейин эрталаб соат ўнларда савдогар Самсоновнинг уйига борди ва ўзининг келганини маълум қилди. Бу уй эски, шумшайган, ғоятда кенг ҳамда васеъ, икки қаватли қилиб солинган, ҳовлига – катта уйнинг ёнбошига бошқа уйлар қурилганди. Пастки қаватда Самсоновнинг иккита уйланган, бола-чақали ўғиллари, унинг жуда қартайиб қолган опаси ҳамда ҳали турмуш курмаган кизи туришарди. Ёнбошдаги уйларда эса икки гумаштаси яшар, улардан бирининг оиласи ували-жували эди. Бола-бақра, гумашталар ўз уйларида тикилишиб яшар, аммо уйнинг юқори қисмини чолнинг бир ўзи эгаллаган ва ҳатто қизини ҳам бу қаватда яшашга қўймасди, кизи эса унга вақт-бевақт қарар, маълум бир пайтларда юмушларини қилар, баногоҳ чакириб қолса, анчадан бери нафас қисишига қарамай пастдан юқорига югуриб чиқиб тушарди. “Юқори” жуда кўп ясатилган катта-катта хоналардан иборат бўлиб, эски савдогарларнинг уйларига хос безатилган, девор четларига кизил оғочдан ишланган бесўнакай кресло ҳамда курсилар терилганди, шифтларга ғилофланган биллур кандиллар осилган, дераза-эшиқлар орасига тунд тошойналар ўрнатилганди. Ушбу хоналар ҳаммаси бўм-бўш, уларда ҳеч ким турмас, касалманд чолнинг ўзи энг чеккадаги чоғроқ ётоққа ўрнашган, унга сочларини рўмол билан ўраган бир оқсоч кампир ва эшиқдаги дахлизда ётадиган бир “ўғлон” хизмат қилишарди. Ҳозирда чолнинг оёқлари шишиб кетиб, яхши юролмайдиган бўлиб қолган, ўзининг сахтиён юмшоқ креслосидан ахён-ахёндагина турар ва оқсоч кампир унинг кўлидан тутиб хонада бир-икки марта у ёқдан-бу ёққа айлантларди. Самсонов каттиққўл ва камгап одам, ҳатто оқсоч билан гаплашмасди. Унга “капитан”нинг келганини айтишганда, дарҳол киритманглар деди. Аммо Митя қайта-қайта сўради. Кузьма Кузьмич малайдан батафсил суриштирди: кўриниши қандай, маст эмасми? Тўполон қилмаяптими? “Йўқ, ҳушёр, аммо кетмай, туриб олди” деган жавоб олди. Чол яна рад этди. Олдиндан шундай бўлишини билган Митя атай қоғозу қалам олиб келгани учун бир парча қоғозга: “Аграфена Александровнага дахлдор ғоятда зарур иш эди” деб бир қатор сўз ёзди-ю, уни чолга жўнатди. Чол бироз ўйланиб қолди-да, малайга меҳмонни ичкарига олишни буюрди, оқсоч кампирга эса пастга тушиб дарҳол кичик ўғлини чакириб келишни тайинлади. Унинг дароз, ғоятда бақувват, соқоли қиртишланган, немисларга ўхшаб кийинадиган (Самсоновнинг ўзи чакон кияр, соқол қўйган эди) ўғли дарров етиб келди ва мик этмай тек турди. Улар ҳаммаси отаси олдида зир қакшаб туришарди. Чол ўғлини “капитан”дан чўчигани учун эмас, зеро, у чўчийдиганлар хилидан эмасди, фақат ҳар эҳтимолга қарши ёнида гувоҳ бўлиб турсин дея чакириб олди. Чол ўғли ҳамда малай ўғлон етагида ниҳоят залга кириб келди. Кўрингки, чол “капитан”нинг келишига ғоятда қизиқиб қолганди. Митя кутиб ўтирган хона хайҳотдай катта, бўғик, юракни сиқар, у икки бўлакка ажралган, хор учун ўрин қолдирилган, деворлари мрамарга ўхшатиб қошин қилинган, тепасига жуда катта жидд ёпилган учта қандил осилганди. Митя эшик ёнидаги курсида тоқати тоқ бўлиб ўз қисматини кутиб ўтирарди. Чол қарама-қарши томондаги киришда, Митядан йигирма одимча нарида пайдо бўлганди, у дик этиб ўрнидан турди-да, аскарча одимлар билан шаҳдам пешвоз юрди. Митя тузуккина кийинган, камзули ёқасигача тугмаси қадалган, қўлида

думалоқ шляпа, қора кўлқоп кийган, ўша уч кун илгари монастирда бузрук ота ҳузурда ота-болалар йиғилишидаги айни кийимларида эди. Савдогар чол уни тик турган ҳолда сипо ва вазмин кутарди. Митя юриб бораркан, чол ўзига бошдан-оёқ назар солаётганини фаҳмлади. Митяни яна чолнинг кейинги пайтларда ҳайратомуз шишиб кетган юз-оёқлари ўзига жалб қилди. Унинг илгаридан ҳам қалин пастки лаби энди кулчадек осилиб тушганди. Чол меҳмонга жимгина сипо таъзим қилди ва ўтириш учун диван ёнидаги креслони кўрсатди, ўзи эса ўглининг кўлига суяниб, ихраб-сихраб, йўталиб аста-секин Митянинг қаршисидаги диванга чўка бошлади, унинг оғир аҳволини кўриб, дарҳол юрагида ачиниш ҳамда ўкинч туйди, шундай салобатли одамни бундай пайтда ташвиш, малолга кўйганидан эзилиб, уялди.

– Афандим, айтинг, менда қандай юмушингиз бор эди? – ниҳоят оҳиста, жиддий, дона-дона қилиб одоб билан сўз бошлади чол.

Митя сесканиб тушди, сакраб ўрнидан турмоқчи бўлди, аммо яна қайтиб ўтирди. Ундан кейин баланд овоз билан тез-тез, асабий, кўлларини силкатиб жазавага тушиб сўзлай бошлади. У охириг илнжги қолган, батамом нобуд бўлиб чўпга осилаётган одамга ўхшарди, агар шу куруқ чўпдан ҳам умид узилса, унда ўзини сувга ташлаб чўкиб кетмоқдан бошқа чора қолмаганди. Қария Самсонов буларнинг ҳаммасини бир зумда пайкаб етди, аммо башараси заррача ўзгармади, тош санам каби совуқ қотиб қараб турди.

“Мухтарам афандим Кузьма Кузьмич мени ва отам Федор Павлович Карамазов ўртасидаги низоларни кўп марта эшитган бўлсалар керак, ул зот онамнинг қазосидан кейин менинг меросга бўлган ҳуқуқларимни поймол қилдилар, ҳозир шаҳримизда буни билмаган, гапирмаган киши йўқ... оғизларига сиққанча кераксиз гапларни валдирашади... Грушенька ҳам айтган бўлса, эҳтимол... маъзур тугинг, Аграфена Александровна демоқчи эдим... мен учун ниҳоятда эъзозли, мухтарама Аграфена Александровна...” – Митя сўзни шундай бошлади-ю, тугилиб қолди. Лекин биз унинг бутун нутқини сўзма-сўз келтириб ўтирмаймиз, фақат баёнига ўта қоламиз. Хуллас, ишнинг мазмуни шундан иборатки, Митя бундан уч ой илгари вилоят шаҳридаги адвокат, “машҳур адвокат, Кузьма Кузьмич, Павел Павлович Корнепловов билан атайинлаб (у “атайлаб” демеди, шундай “атайинлаб” деб айтди) маслаҳатлашдим, уни балки эшитгандирсиз? Мияси ер шаридай қатта, давлат миқёсида ўйлайдиган киши... сизни ҳам билади... жуда яхши фикр айтди...” – яна гапи узилди Митянинг. Аммо гап узилса ҳам тўхтагани йўқ, у дарров бошқа ёққа сакраб ўтиб кетар ва узоқ-узоқларга олиб қочарди. Ана шу денг, Корнепловов батафсил сўраб-суриштириб, Митя тақдим қилган ҳужжатларни бирма-бир кўриб чиқди (Митя ҳужжатлар деб ноаниқроқ қилиб айтди ва шу ерда шошиб-пишиб ўтиб кетди), она томонидан Митяга тегишли бўлган Чермашня қишлоғи масаласида ҳақиқатан ҳам даъво қўзғатиш мумкин бўларди, деди. Шунда бемаъни чолнинг таноби балки тортилармиди... “...ахир барча эшиқлар ҳам тақа-так ёпиқ эмасдир-ку, адлия эса қайси тирқишга сукилиб киришни яхши билади”. Хуллас калом, Федор Павлович борингки олти мингга пешкаш қилсалар, ўрни бор, ҳатто етти минг дейиш ҳам мумкин, зеро, Чермашнянинг ўзи ҳарқалай йигирма беш мингдан кам турмайди, яъни балки йигирма саккиз ҳам чиқар, “ўттиз,

Ўттиз минг, Кузьма Кузьмич, мен эсам, ўзингиз тасаввур килинг, мен эсам, бу тошбағир одамдан ҳали ўн етти минг ҳам ундирганим йўк! Шундан кейин мен, Митя денг, бу ишдан қўлимни ювиб қўлтиғимга урдим, зотан, шу адлиясига ҳеч тишим ўтмайди денг, энди бу ерга келсам, қарши даъвога дучор бўлиб ўтирибман, донг котиб қолдим (Митя шу ерга келиб яна чалкашиб кетди ва яна сакраб ўтди); мана шуни айтмоқчиман-да, сиз кўп олийжаноб инсонсиз, Кузьма Кузьмич, менинг бутун ҳуқуқларимни шу баттолдан ўз устингизга олмайсизми, менга эса фақат уч минг берсангиз бўлгани... Сиз ахир бунда ҳеч қандай ҳолда ютқизмайсиз, бунга виждоним, виждоним билан онт ичаман, иннайкейин, аксинча, уч минг эвазига олти ё етти минг ёнингизга қолади... Муҳими, иш битсин, буни “шу бугунок охирига етказиб қўяйлик”. “Мен сизга нима десамикин, нотариус оркали ё яна қандай бўлса ҳам... Қисқаси, мен ҳаммасига тайёрман, қандай хужжат зарур бўлса ҳаммасини бераман, нимани талаб қилсангиз ҳаммаси муҳайё, ҳаммасига имзо чекаман... шу қоғозини ҳозирок ҳал қилиб қўя қоламиз ва мабодо, мумкин бўлса, мабодо, мумкин бўлса, унда шу бугун эрталабданок... сиз менга шу уч мингни берсангиз... бу шаҳарда қайси сармоядор сизга тенг келоларди... Шу билан мени қутқарган бўлардингиз... қисқаси, менинг шўрлик бошимни энг юқсақ, энг олийжаноб бир юмуш учун қутқариб қолардингиз, сизга айтсам... Зеро, сизга маълума ва машхура, сиз оталарча ғамхўрлик қиладиган сиймога юрагимнинг энг нозик туйғуларини бағишлаганман. Агар шу оталарча ғамхўрлигингиз бўлмаса, бу ерга келиб ўтирмасдим. Кўриб турганингиздек, бу ерда учта кишининг калласи бир жойга уриляпти, зеро тақдир дегани бу – даҳшатли нарса, Кузьма Кузьмич! Реализм, Кузьма Кузьмич, реализм! Кўрганингиздек, сизни аллақачон бу ўринда истисно қилсақ, унда айтганимдай, тўқнашадиган иккита калла қолади, балки кўполроқ қилиб айтаётгандирман, аммо мен адабиётчи эмасман. Яъники, битта калла меники. Иккинчиси – анави газанда. Ана энди ўзингиз танлаб олаверинг, ё мени, ё газандани? Ҳаммаси энди сизнинг қўлингизда – учта қисмат ва иккита чек... Маъзур тутинг, мен чалкашиб кетдим, аммо сиз тушуниб турибсиз... сизнинг синовчан кўзларингиздан кўряпман тушунганингизни... Мабодо, тушунмаётган бўлсангиз, ўзимни сувга ташлашдан бошқа... ана!”

Митя ўзининг бемаъни нутқини ана шу “ана!” сўзи билан тугатди-да, ўрнидан сакраб туриб ўзининг аҳмоқона таклифига жавоб кута бошлади. Охирги жумласини айтиб бўлди-ю, шу захоти ҳаммаси батамом тугади, деб умидсизликка тушди, бекордан-бекор валдираганини англади. “Қизиқ бўлди-ку, бу ёққа келаётганимда ҳаммаси яхшидек туюлганди, мана, валдирашдан бошқа нарса эмаслиги маълум бўлди!” – ҳасрат тўла калласидан ўтди унинг. У гапираётган маҳалда чол қимирламай ўтириб, уни совук назар солиб кузатди. Чол унинг тўхташини бир зум кутиб, сўнг рўйхушлик бермай қатъият билан сўз котди:

– Маъзур кўринг, биз бундай ишлар билан шуғулланмаймиз.

Бирдан Митянинг тиззасигача қалтираб кетди.

– Энди мен нима қиламан, Кузьма Кузьмич, – пичирлади у лаблари оқариб илжайркан. – Мен ахир адойи тамом бўлдим-ку, тўғрими?

– Маъзур кўринг...

Митя ҳамон қимирламай тик қараб турарди, шунда бирдан чолнинг юзида қандайдир ишора пайдо бўлганини пайқади. У сесканди.

– Афандим, кўряпсизми, бундай ишлар бизнинг кўлимиздан келмайди, – охиста тилга кирди чол, – судлашувлар бошланади, адвокатлар аралашади, бошингиз ғалвадан чикмайди! Мабодо, хоҳласангиз, бу ерда бир одам бор, ўшанга мурожаат қилсангиз бўлар...

– Ох, худойим, ким экан у!.. Сиз менга жон ато этияпсиз, Кузьма Кузьмич, – бидирлаб колди бирдан Митя.

– Ўша одам бу ерлик эмас, ўзи ҳам ҳозир бу ердасиз. У дехконлар билан ишлайди, ўрмон савдогари, лақаби Тепонгич. Бир йилдан бери Федор Павлович билан Чермашнядаги ўрмонзорни савдолашади, нархини келишолмай юришибди, балки эшитгандирсиз. У ҳозир яна шу ёқларга келган, отахон Ильинскийнинг кўрасида турибди, бу Воловий темир йўл бекагида, ўн икки чақиримча келади, менимча шундай. У менга ҳам шу иш юзасидан бир хат ёзди, ўрмонзор борасида маслаҳат сўради. Федор Павлович унинг олдига ўзи бормоқчи. Агарда сиз Федор Павловичдан илгарирок отни қамчиласангиз ва Тепонгичга арзингизни етказсангиз, балки у...

– Антика гап! – ҳовлиқиб деди Митя. – Худди ўша одам, ўшанга кўл келади! У савдолашади, унга нархни кўтаришади, ана шунда унга мулкка эгаллик қоғози керак бўлади, ха-ха-ха! – Митя тарашага ўхшаган кулгиси билан хоҳолади, бу кутилмаган кулгидан ҳатто Самсонов ҳам сескангандек бўлди.

– Нақадар, нақадар миннатдорман сиздан, Кузьма Кузьмич, – деди жўшиб Митя.

– Арзимамайди, – бошини куйи эгди Самсонов.

– Сиз билмайсиз, мени кутқардингиз, о, кўнглим сезганди, сизга борай деб... Ана энди попни қидириб топамиз!

– Раҳмат дейишга арзимамайди-е.

– Жадал учиб бораман. Қасаллигингизга ҳам қарамадим. Умрим бўйи унутмайман, буни сизга рус кишиси айтяпти, Кузьма Кузьмич, рус кишиси, ҳа!

– Маъқул.

Митя чолнинг кўлини силкитиб қўймоқчи бўлиб талпинди, аммо чолнинг кўзларида қандайдир қаҳрли ўт чакнади. Митя кўлини тортиб олди ва шу заҳоти буни ортиқча инжиқлик деб топиб, ўзини яниб қўйди. “У чарчагандир...” – хаёлидан ўтди унинг.

– Бу унинг учун! Унинг учун, Кузьма Кузьмич! Биласизми, бу унинг учун нималигини! – бирдан бутун зални бошига кўтариб бўқирди у, кейин таъзим бажо қилди, шахд билан орқасига ўгирилди, шахдам қадамлар ташлаб орқага қарамай ташқарига отилди. Унинг жонсарак боши осмонда эди. “Ҳаммаси тамом бўлган эди, фаришта келиб кутқарди, – хаёлидан ўтди унинг. – Шундай ишбилармон чол (валломат одам экан-а, сумбатни қаранг!) ўзи йўл кўрсатиб тургандан кейин, унда... энди, албатта, ютук бизда бўлади-да. Учиб бораман. Кечасигача қайтаман, кечаси қайтиб келаман, аммо ютук бизда. Наҳотки қария менинг устимдан кулиши мумкин?” – шундай хитоб қилиб қўйди Митя ўз кўноғига қайтаркан, унинг ақли-хаёлига ҳозир бундан ортиқ тасаввур сиғмасди: ё жўяли бир маслаҳат (фалон кордон амакидан) – ишнинг кўзини билган ҳолда, анави Тепонгич деганни (ғалати лақаб экан!) таниган ҳолда ва ё чол унинг устидан боплаб кулди! Эвоҳ! Бу кейинги фикр энг тўғри фикр эди. Кейин

узоқ вақтлар ўтгач, фалокат оёқ остидан чиккач, қария Самсоновнинг ўзи ўшанда “капитан”ни роса бошлаб лакиллатган эдим, деб кулиб гапириб юрганди. У баджаҳл, турки совуқ, одамлар устидан кулиб юрадиган кимса эди, бунинг устига бировни суймас, бировга қуймас, инжиқлик қиларди. Капитаннинг ҳовликмалиги, ўпкаси йўқлигидан чолнинг ғаш келди, уни Грушенькага рашк қилди, менким, Самсоновдай ҳаётда пишган одамни ўзининг “аллақандай режаси” билан лакка туширмоқчи бўлди “бу тирмизак”, менга қўлининг учини кўрсатиб пул ундириб кетмоқчи-я, деб Митя ҳовлиқиб гапирётганда “хап сеними”, деб турди. Унинг оёқлари калтираётганини кўриб, мен энди ҳалок бўлдим, деб бемаъниларча додлаганини эшитиб, – ўшанда чол унга чексиз бир нафрат билан қаради ва унинг устидан маза қилиб кулишни кўнглига туғиб қўйди. Митя чиқиб кетгач, ичи қоралиқдан ранги ўчган Кузьма Кузьмич ўғлига бундан кейин ҳеч қачон бу жулдурвоқини яқин йўлатмаслик ва уйга киритмасликни тайинлади, аксинча...

У дўкни охиригача айтмади, аммо отасининг жаҳли чикканини кўрган ўғли кўркканидан калтираб кетди. Бир соат ўтгандан сўнг ҳам чол жаҳлдан дағ-дағ титрарди, кечга бориб эса ётиб колди ва дўхтир чакирди.

II

ТЕПОНҒИЧ

Хуллас, от чоптириш керак эди, от-аравага эса, афсуски, бир чака ҳам йўқ, рост, иккита биттангалик бор, бор-йўғи шу, – илгариги фаровонлигу пулдорликдан колган-қутгани! Аммо уйда анчадан бери юрмай қўйган эски кумуш соат турарди. У соатни чўнтакка урди-ю бозордаги дўкочада ўтирадиган соатсоз яхудийга олиб борди. Яхудий унга олти рубль берди. “Ҳеч кутмовдим!” – деди Митя хурсанд бўлиб (у ҳамон ҳовликарди) ва олти рубльни чангаллаб уйга чопди. Бу ерда уй эгаларидан яна уч рубль қарзга олди, улар охириги пуллари бўлса ҳам, жон деб унинг қўлига тутқазишди, шунчалар яхши кўришарди уни. Митя юраги қаттиқ хаприққан ҳолда шу ердаёқ уларга тақдири ҳал бўлаётганини сўйлаб берди ва жуда қаттиқ шошганча ўзининг бутун “режасини” тўкиб солди, бунга ҳозиргина Самсоновга маълум қилдим деди, кейин Самсоновнинг сўзларини айтди, сўнг келажак орзулари билан ўртоқлашди ва хоказо ва хоказо. Уй эгалари бундан олдин унинг кўп сирлари билан ошно эдилар, шунинг учун ҳам унга хўжайин деб эмас, ўз одамларидай қарашарди. Шундай қилиб, Митя тўққиз рублни қўлга киритиб Воловий бекатигача бориш учун от-аравага киши жўнатди. Хуллас, бу эсда қоларли бир воқеа бўлдики, бунгача, яъни то кун ярмигача Митянинг чўнтагида бир тийини ҳам йўқ эди, кейин у пул топиш учун соатини сотган, яна уй эгаларидан уч рубль қарз олган ва буларнинг ҳаммасига гувоҳлар бор.

Бу нарсани олдинроқдан айтиб қўйяпман, нега бундай қилаётганим кейинроқда аён бўлади.

Воловий бекатига қувончи ичига сиғмай етиб борган Митя “мана, ниҳоят ҳаммасини биратўла ҳал қилиб ташлайдиган бўлдим”, деб ўзида йўқ суюнар, айни чоғда юраги орқага торгарди: мен йўғимда Грушенька нима аҳволга тушади, деб қайғурарди. Ниҳоят мана шу бугун Федор

Павловичнинг олдига боришга қарор қилса-чи? Мана шунинг учун ҳам унга айтмай кетяпти, уй эгаларига ҳам қаттиқ тайинлаб қўйди мени ким сўраб келса, қаердалигимни айтманглар деб. “Қандай бўлмасин, нима бўлмасин, бугун кечда қайтиб келишим керак, – такрорларди у ўзига ўзи аравада силкиниб бораркан, – анави Тепонғични шу ерга олиб келган маъқул чоғи... иш шу ерда битсин...” – юраги увишиб ўйларди Митя, аммо орзулари унинг “режаси”га мувофиқ рўёбга чиқишини ҳатто ҳаёлга келтириш кийин эди.

Биринчидан, у Воловий бекатидан дала йўли орқали юриб, кечга қолди. Йўл ўн икки эмас, ўн саккиз чақирим экан. Иккинчидан, отахон Ильинскийни уйдан тополмади, у қўшни қишлоққа кетган экан. Митя ана шу қўшни қишлоққа яна ўша ҳориган от-аравада бориб кидириб топгунча қоронғи тушиб қолди. Отахон кўринишдан мулоим ва ширинсўз одам экан, дарров гапни тушунтирди, бу Тепонғич дегани олдиниға меникига қўнган бўлса ҳам, аммо ҳозир Қурукқишлоқ деган жойга кетган, бугун ўша ерда ўрмон қоровулиникида ётиб қолади, чунки у ёқдан ҳам ўрмон олмоқчи. Митя ундан айланиб-ўргилиб мени ўша ёққа ўзингиз олиб бординг, деб ялиниб-ёлворгач, отахон аввалига иккиланди, лекин уни Қурукқишлоққача кузатиб боришга рози бўлди, афтидан, бунга кизиқиб қолди, лекин таассуфки, у ергача пиёда юриб борайлик деди, ораси нари борса бир чақирим йўл. Митя дарров рози бўлди ва бир қулоч-бир қулоч одим отиб йўлга тушди, шўрлик отахон унинг ортидан чопкиллаб юришга мажбур бўлди. Отахон ҳали унчалик қари бўлмаган, жуда ҳам эҳтиёткор одам эди. Митя шу заҳоти у билан ҳам ўз “режалари” ҳақида гаплашиб кетди, Тепонғич борасида асабий, қизишиб маслаҳат беришни сўради, йўл бўйи оғзи тинмади. Отахон диққат билан тинглар, аммо маслаҳатни қисқа қилди. Митянинг саволларига: “Билмадим, ох, билмайман, мен қаердан билай” ва ҳоказо деб жавоб берарди. Митя мерос борасида отаси билан ўрталаридаги низолар ҳақида гап очганда, отахон бундан ҳатто кўркиб кетди, чунки Федор Павлович билан муомалаларида тили қисқроқ жойи бор эди. У нима учун анави ўрмон савдоси билан шуғуллунувчи дехқон Горсткийни Тепонғич дея айтаяпсиз деб хайрон бўлиб сўради ва Митяга гап нимадалигини тушунтириб берди; ўша киши ростданам Тепонғич бўлса-да, аслида, ўзи Тепонғич эмас, бу исмини айтиб қақирсангиз, жуда қаттиқ хафа бўлади, башарангизга қарамайди, уни, албатта, Горсткий деб чақириш лозим, “акс ҳолда, у билан ҳеч ишингиз битмайди, эшитишни ҳам хоҳламайди”, – деб хулоса қилди отахон. Митя бундан бироз ажабланди ва уни Самсонов шундай деб атаганини айтди. Бу гапни эшитгач, отахон дарҳол бости-бости қилди, лекин ҳар ҳолда ўшанда Дмитрий Федоровичга ўзини иштибоҳга солган фикрини тушунтириб берганда, хайрли иш қилган бўларди: Самсонов ҳамонки йигитни анави дехқон бойни Тепонғич деб танитиб жўнатган экан, буни нима сабабдандир қулги учун қилмадимикин ва бу ерда бир кингирлик йўқмикин? Аммо Митянинг бундай “майда-чуйдалар” устида бош котириб ўтиришга вақти йўқ эди. У шошиб йўл босар, жадаллар, ниҳоят, Қурукқишлоққа етиб келгачгина, улар бир-бир ярим чақирим эмас, чамаси, уч чақирим йўл босиб ўтганликларини англади; бундан ёмон энсаси қотди, аммо ичига ютди. Ёғоч қулбага киришди. Отахоннинг таниши ўрмончи уйининг бир томонига жойлашган, дахлизнинг нариги

ёғидаги озода қисмида Гореткин ётарди. Шу озода, саришта хонага ўтиб, мой шағамни ёкишди. Уй ичи анча иссиқ эди. Қарағай столда кайноқдан қолган самовар турарди, унинг ёнида патнисда идиш-оёқ, ичиб тугатилаёзган ром шишаси, идиши яримлатилган арақ ва бурдасурда ушоқ нонлар. Қўноқнинг ўзи ўриндиқда узала тушиб ётар, боши тағига букланган устки кийим-бошлари кўйилган, қаттиқ хуррак отарди. Митя нима қилишини билмай туриб қолди. “Албатта уйғотиш керак, менинг ишим жуда муҳим, жуда шошиб турибман, хозирок оркамга қайтиб кетишим зарур”, – ташвишга ботди Митя, аммо отахон билан ўрмон қоровули миқ этишмасди. Митя ўзи бориб уйғотишга тушди, куч билан силталади, бироқ у киши донг қотиб ухларди. “У ғирт маст, – ўйлади Митя, – лекин энди нима қилдим, эй худойим, энди нима қиламан!” Шунда бирдан тоқати тоқ бўлиб ухлаётган кишини сабрсизлик билан жуда қаттиқ силтай, оёқ-қўлидан тортқилай, бошини у ёқдан-бу ёққа силкита бошлади, гавдасини тахтадан кўтариб, ўтказиб турғазига тушди, анча узоқ ҳаракатлардан сўнг ухлаётган бемаъни химраниб ёмон алжиб сўкинди.

– Қўйинг, яхшиси, сабр қилинг, – деди ниҳоят отахон, – чунки уни қимирлатиб бўлмайди.

– Уззукун ичди, – деди қоровул.

– О, худойим-ей, – хитоб қилди Митя, – менга қандоқ зарурлигини билсангиз эди, энди нима қиламан!

– Қўйинг, осони – эрталабгача сабр қилинг, – такрорлади отахон.

– Эрталабгача-я? Омон бўлинг, бунинг сира иложи йўқ! – У тамом эс-хушини йўқотиб, бадмастни уйғотишга киришди, бироқ ҳаракатлари зое кетаётганлигини тушуниб, бас қилди. Отахон индамас, уйқуси бузилган қоровул ковоғини уярди.

– Ҳаёт одамларнинг бошига қандай кулфатларни солмайди! – тўнғиллади Митя батамом умидсизликка тушиб. Унинг юзидан тер қуярди. Ўртадаги жимликдан фойдаланиб, отахон ғоятда вазмин ва босиқлик билан уни ҳозир уйғотолганда ҳам, маст-аласт бўлгани учун ҳеч қандай гапга тушунмайди, “сизнинг ишингиз эса жиддий, яхшиси, эрталабга қолдилинг...” – деди. Митя қўлларини ёзди ва рози бўлди.

– Отахон, мен бу ерда эрталабгача шам ёқиб ўтираман ва пайт пойлайман. Уйғонса, гапимни айтаман... Шамнинг ҳақини сенга тўлайман, – деди у қоровулга, – уйингда турганим учун ҳам хурсанд қиламан, Дмитрий Карамазовни эслаб юрасан. Лекин сизни қандай қилдик, отахон, билолмаяпман, сиз қаерда ётасиз?

– Майли, мен уйимга қайтаман. Мен манави кишининг байталини олиб тураман, – у қоровулга ишора қилди. – Майлингиз, хайр энди, вақтингиз хуш ўтсин.

Шундай қилишди. Отахон ниҳоят қутулганига шукур қилиб, отда уйига жўнади, лекин барибир фаромуш бўлиб бошини чайқар ва ўйга ботарди: эртага барвақт бу ғалати воқеадан Федор Павловични хабардор қилиб қўйсаммикин, “акс ҳолда билиб қолиб, худо кўрсатмасин, жажли чиқиб, неъматларидан бебахра қилиб қўйса-я”. Қоровул кашина-қашина кулбасига кетди, Митя эса сўрида ўзи айтмоқчи, пайт пойлаб ўтирди. Уни оғир туман каби чексиз ғам босди. Оғир ва кўрқинчли ғам! У ўй ўйлаб охирига етолмасди. Шам охиригача тутаб ёнар, чирилдоқ чириллар,

каттик иситилган хона ичида нафас олиб бўлмасди. Бирдан кўз ўнгида боғ гавдаланди, боғ ортидаги сўкмок, отасининг уйида эшик сирли очилади, эшикдан чошиб Грушенька киради... У сўридан сакраб турди.

– Кулфат! – деб қўйди у тишларини гижирлатиб, сўнг беихтиёр уйкудаги одамнинг тепасига борди ва унинг башарасига тикилди. Бу котмадан келган, ҳали кучдан колмаган одам бўлиб, юзи узунчок, сарғимтил сочлари жингалак, ингичка, узун малларанг сокол қўйган, чит қўйлак ва қора нимчада, нимчанинг киссасидан кумуш соатнинг занжири кўриниб турарди. Митя унинг афт-ангорига дахшатли бир нафрат билан термулиб қолди, унинг соч-соколлари жингалак бўлгани негадир каттик ғазабини келтирди. Шунинг аламига ҳеч чидаб бўлмасдики, мана, Митя ўзининг кечиктириб бўлмас иши билан унинг тепасида тек қотиб турибди, шунча жонини жабборга берди, қанча азоб чекди, ҳаммасини ташлаб келди, “энди бутун ҳаётим унга боғлиқ бўлиб турган текинтомок эса худди бошка сайёрадан тушгандай уйни бошига қўтариб хуррак отиб ётибди, парвойи фалак!” “О, тақдир кинояси!” – хитоб қилди Митя ва бирдан бутунлай эс-хушини йўқотиб, мастни жонҳолатда уйғотишга тушди. У кутуриб кетган, уни итқилар, тортқилар, ҳатто дўппослар, аммо беш дақиқача шу алфозда уриниб ва яна уни уйғотолмай, хориб-чарчаб ноумид бўлиб, ўз сўрисига қайтиб келиб ўтирди.

– Абас, абас! – хитоб қиларди Митя, – ва... яна қанчалар инсофсизлик! – деб қўшиб қўйди у бирдан негадир. Боши дахшатли лўкиллаб оғрий бошлади: “Ташлаб кетайми? Бутунлай кетсам-чи? – калласидан ғувиллаб ўтди унинг. – Йўғ-ей, майли, эрталабгача. Атай қоламан, ҳа, атайлаб! Нега унда бу ерга келдим? Нимада ҳам кетаман, бу ердан қандай кетаман, о, бемаънилик!”

Бирок боши борган сари баттаррок оғрирди. У қимир этмай ўтирар, қандай мудраганини ҳам эслай олмас ва бирдан ўтирганча уйкуга кетди. Афтидан, у икки соатча, балки ундан ҳам ортиқ ухлади. Боши чидаб бўлмас даражада санчиб оғриб уйғониб кетди. Дод деб юборай деди. Икки чаккаси қаттиқ лўкиллар, энсаси оғрирди; кўзини очиб анчагача ўзига келолмай, ўзига нима бўлганини англолмай турди. Ниҳоят, уй ичини оғир ис босганини англади, бу ахволда ўлиб кетиши ҳам ҳеч гап эмасди. Маст эса ҳамон хуррак отиб ётарди; шам охиригача эриб тушган, ўчай-ўчай деб колганди. Митя бакириб юборди ва гандираклаб дахлиздан қоровул кулбасига қараб чошиб чиқди. Қоровул дарров уйғонди, нариги кулбани ис босганини эшитиб, гарчи чорасини кўргани чиққан бўлса ҳам, лекин воқеанинг ўзига эътибор бермади, бундан Митя хафа бўлиб, ажабланди.

– Аммо у ўлиб қолди, ўлиб қолди, энди... нима бўлади? – деб қоровул олдида жазаваси тутиб ўртанарди Митя.

Эшикларни очишди, деразалар, қувурлар очилди, Митя дахлиздан бир челак сув келтирди, олдин сув билан ўзининг бошини хўллади, кейин бир латта топиб уни сувга ботирди-да, Тепонғичнинг бошига босди. Қоровул эса бу ишларнинг ҳаммасига қандайдир парво қилмас, ҳатто нафратомуз қарарди, у деразани очгач, тумшайиб туриб: “Майли, бўлаверади” – деди-да, яна ухлагани кетди. Митяга ёқилган тунука фонарни қолдирди. Митя ис урган бадмастни ярим соатча ўзига келтираман деб уринди, тез-тез бошини хўллаб турди, энди кечаси билан ухламай қўя қоламан деб турганда, жуда қийналиб кетиб, бирпасгина нафасимни ростлай

деб қандайдир ўтирганди, шу заҳоти кўзлари ўз-ўзидан юмилди, кейин беихтиёр сўрига чўзилди ва ўликдай тош қотиб ухлаб қолди.

У жуда кеч уйғонди. Эрталабки соат тўққизлар эди. Қулбанинг икки деразасида офтоб яракларди. Кечаги жингала соч киши бурмабел камзулини кийиб сўрида ўтирарди. Олдида арақ тўла янги идиш ва шақиллаган самовар турарди. Кечаги идишдаги арақ ичиб бўлинган, янгиги эса яримлатиб кўйилганди. Митя дик этиб турди ва дарҳол лаънати ўрмончи яна ғирт мастлигини фаҳмлади, маст бўлганда ҳам давосиз, омонсиз маст эди. Митя бир дақиқа кўзларини катта-катта очиб индамай тикилди. Ўрмончи эса унга сўз қотмай, қувлик билан, одамни ранжитадиган қандайдир хотиржамлик, ҳатто алланчук менсимай, калондимоғлик билан қараб турарди, Митяга шундай туюлди. Унга ёпиша кетди.

– Мумкинми, бунни кўринг... мен... сиз нариги уйдаги қоровулдан эшитгандирсиз: мен поручик Дмитрий Карамазов бўламан, қария Карамазовнинг ўғли, сиз ундан ўрмон сотиб олмақчисиз...

– Бу гапинг ёлғон! – бирдан хотиржам ва дадил деди ўрмончи.

– Нега алдарқанман? Федор Павловични биласизми?

– Сенинг ҳеч қанақа Федор Павловичнинг билмайман, – тили оғзида базўр айланиб деди ўрмончи.

– Сиз ундан ўрмон олмақчисиз, ўрмон. Э, уйғонсангиз-чи, сал хушингизни йиғиштиринг. Отахон Павел Ильинский мени бу ерга бошлаб келди... Сиз Самсоновга ёзган экансиз, у мени сизга юборди... – бўғиларди Митя.

– Ёлғон! – тўнғиллади яна Тепонғич.

Митя товонигача музлаб кетди.

– Э, инсоф қилинг, ахир бу ҳазил гап эмас! Сиз балки маст бўлиб қолгандирсиз. Сиз ахир тушунсангиз керак, гапиринг... бўлмаса... бўлмаса, мен ҳеч нимани тушунмаяпман!

– Сен бўёқчисан!

– Инсоф қилинг, мен Карамазов, Дмитрий Карамазов, сизга гапим бор... фойдали бир иш!.. Жуда фойдали... ўша ўрмон ҳақида.

Тепонғич савлат тўкиб соқолини сийпаларди.

– Йўқ, сен пудрат олиб ярамас чиқдинг. Сен пасткашсан!

– Ундай деманг, хато қияпсиз! – жони чиқиб кўлини қарсиллатарди Митя. Ўрмончи ҳамон соқолини силар ва айёрлик билан кўзини қисарди.

– Йўқ, сен менга кўрсат, менга ўшанақа қонун-қонидани келтир, бўлғатиб юрсин деб, қаерда ёзилган, айт, қани! Сен аблаҳсан, биласанми, ўзинг бунни?

Митя ички дунёси қоронғи бўлиб ортга чекинди, шунда бирдан унинг миясига қаттиқ зарб теккандай бўлди, у кейинчалик шундай деб айтди. Бир оний лаҳза ичида унинг миясининг ичи қандайдир ёришгандай, “бир машъала ёнди-ю, мен дарҳол ҳаммасини тушуниб етдим”. У анганг бўлиб қотиб қолганди, ҳали ақлини йўқотган эмасди, қандай қилиб аҳмоқона бир гапга кириб, бундай ёмон аҳволга тушди, бир кундан бери шу гирдоб ичида ковурилади, бу Тепонғич дегани билан жони ҳалак, турган-битгани шалай-валай гап-сўзлар, бош айлантириш... “Бу бадмаст ҳали тўхтамай ичади, бир ҳафта бунни тўхтатиб бўлмайди, итдай ичади – бундан нима кутиб бўлади? Наҳот Самсонов мени атай бу ёққа жўнатган бўлса? Грушенька-чи, агар у... О, худойим, мен нима қилиб қўйдим!..”

Ўрмончи унга караб ўтирар, мийиғида куларди. Бошқа бир пайт бўлганда, Митя бу тентакни газаби келиб ўлдирарди-қўярди, аммо ҳозир боладай ожиз бўлиб колганди. У сўри тахта олдиға охиста борди, пальтосини олиб кийди-да, ташқарига чиқди. Нариги уйдан у қоровулни топмади, ҳеч кимса кўринмасди. Чўнтагидан эллик тийинча танга чиқариб, ётиб колгани, шам ёққани, ташвишға қўйгани учун стол устиға қўйди. Ташқарига чиққач, гир атрофда ўрмондан бошқа нарса йўқлигини кўрди. У тусмоллаб йўлга тушди, ўрмончининг кулбасидан чикиб қайси томонға – ўнгами, чапгами боришини билмади; у кеча қоронғида отахон билан бу ёққа келаётганида шошганидан йўлни эслаб колмаганди. Унинг ҳеч кимдан, хатто Самсоновдан ҳам ўч олиш нияти йўқ эди. Митя торгина ўрмон сўкмоғидан қаёққа бораётганини ҳам билмас, ўзини бутунлай йўқотиб қўйган, “ғояларини-да йўқотган”, бу йўл қаердан чиқади деб ташвиш ҳам емасди. Мабодо, рўпарасидан бир ёш бола чикиб колса, чалиб йикитиб кетавериши ҳеч гап эмас, у бирдан юраги ва вужудининг қурб-қувватини йўқотганди. Ҳар қалай у ўрмондан чикиб олди: кўз илгамас кенгликларда ўриб олинган яланғоч далалар ястаниб ётарди. “Қанчалар ноумидлик, қанчалар ўлим атрофда!” деб тўхтамай такрорларди у тинмай олға босаркан.

Унинг жонига йўловчилар оро киришди: извошчи дала йўлидан қари бир савдогарни олиб кетаётган экан. Улар ёнма-ён келишгач, Митя йўл сўради, маълум бўлдики, улар ҳам Воловийға кетишаётган экан. Гаплашиб олишгач, Митяни ўзларига ҳамроҳ қилишди. Уч соатлардан сўнғ етиб боришди. Воловий бекагида Митя шаҳарға борадиган почта аравасини айтиб қўйди, ўзи бирдан жуда қаттиқ очкаганини сезди. Отларни қўшишаркан, унга тухум қуймоқ пишириб беришди. У ҳашпаш дегунча тухумни еб олди, қатта бир бурда нон, бир бўлак колбасани паққос туширди, уч қадах арак ичди. Сал ўзига келди, анча енгил тортиб юрагидан қайғу кетди. Йўлда у учиб кетсам дер, аравакашни шошилтирар ва шу ернинг ўзидаёқ янги “барқарор” режа тузарди, ахир шу бугуннинг ўзидаёқ, кечгача ўша “лаънати пулни” топиш керак. “Буни қаранг-а, оббо. Мана шу ҳеч нарсаға арзимайдиган уч мингни деб одамнинг қисмати барбод бўлиб кетяпти! – хитоб қилди у нафрати кўзиб. – Шу бугунок топаман!” Агарда қалласини Грушенькаға нима бўлдийкин, у нима қилдийкин деган фикр тинмай эговламаганда, у балки яна қувнок, шўх йигитға айлана қоларди. Аммо ўша қизнинг хаёли унинг юрагига дам сайин ўткир пичоқ каби санчиларди. Улар ниҳоят етиб келдилар ва Митя дарҳол Грушеньканинг олдиға югурди.

III

ОЛТИН КОНЛАРИ

Бу – Грушенька қўрқа-писа Ракитинга ҳикоя қилиб берган айни ўша қўришганлари эди. Қиз ўшанда ўз “чопар”ини қутар, кеча ҳам, бугун ҳам Митянинг қораси кўринмаётганидан хурсанд эди ва худо хоҳласа, мен жўнаб кетгунимча келмаса керак, деб умид қиларди, лекин йигит бирдан пайдо бўлди. Ундан кейинги воқеалар эсимизда: қиз йигитни тезроқ кўздан нари қилиш учун дарровгина ўзини Кузьма Самсоновникига

кузатиб боришга кўндирди, у ерга етиб боргач “пул санашиб юборишим керак” деб бахона қилди, Митя уни дарҳол кузатиб боргач, киз Кузьманинг дарвозасида хайрлашаркан, мени соат ўн иккида келиб уйга қайта кузатиб кўйинг, деб унинг ваъдасини олди. Митя бунга ҳам жуда хурсанд бўлди: “Кузьманикида ўтирса, демак, Федор Павловичнинг олдига бормаиди... алдаётган бўлмаса тагин”, – кўшимча қилиб кўйди у яна шу заҳоти. Аммо ўзининг назарича киз алдамаётганди. Бу йигит шундай тоифадаги рашкчи эдики, маъшукасидан салгина айрилса, ўша заҳоти бир-биридан ваҳимали турли-туман шубҳа-гумонларни қаторлаштириб ўйлаб топар, у хозир нима қилаётганикин, ким билан ўйнашаётганикин, нима бўлдикин деб даҳшатга тушарар, лекин маъшукаси қошига ларзага тушган, ўлгандан баттар ҳолга келган, аллақачон хиёнат қилиб улгургандир, деб батамом ишонган ва адо бўлганча келса, маъшукасининг қулиб турган, қувноқ, мулойим чехрасига кўзи тушгани ҳамон – ха, ўша замон дарров руҳи кўтарилар, дарров ҳар қандай шубҳа-гумонни ташлар, ўзи қизариб-бўзариб рашкчилигидан уяларди. Грушенькани кузатиб кўйиб, у уйга қараб югурди. О, бугун яна қанча ишларни қилиб улгуриши керак ҳали! Аммо, ҳар қалай, елкасидан оғир юк тушгандай эди. “Лекин энди тезрок Смердяковни кўришим, кеча кучқурун ҳеч қандай воқеа бўлмадимикин, худо кўрсатмасин, ойимқиз Федор Павловичнинг қошига бормадимикин, сўрашим керак, ух!” Қарангим, у ҳали уйига етиб бормасдан туриб, унинг тўполончи юрагида яна рашк ўти янгидан алангаланди.

Рашк! “Отелло рашкчи эмас, у ишонувчан”, – деган Пушкин, унинг мана шу биргина сўзиёқ улуғ шоиримиз тафаккурининг нақадар теранлигидан дарак беради. Фақат Отеллонинг юраги хинодай эзилган ва бутун дунёқараши хиралашган, чунки унинг *аъмоли нобуд бўлган*. Аммо Отелло биқиниб ўтирмайди, айғоқчилик қилмайди, мўралаб қарамайди: у ишонади. Аксинча, у хиёнатдан хабардор бўлиши учун анча кўп куч сарфланиши, васвасага солиниши, тўқнаштирилиши, тўғри келтирилиши зарур бўларди. Ҳақиқий рашкчи бундай эмас. Рашкчи кийноқларини бошдан кечирмай қанчалар шармандалик ва маънавий тубанлашишлар билан чиқишиб яшайвериши мумкинлигини ҳатто тасаввур қилиш қийин. Ҳолбуки, улар у қадар ҳам бемаза ва ифлос одамлар эмас. Аммо сарафроз кўнгил, фидокорлик билан тўла соф муҳаббат бўлган тақдирда ҳам, стол тагига кириб беркиниб ўтириш, энг разил одамларни пулга сотиб олиш, энг ярамас ва ифлос айғоқчиликлар, исковучликлар билан келишиб яшайвериш мумкин экан. Отелло хиёнат билан ҳеч ҳам келишолмасди, кечиролмасди, чиқишиб кетолмасди, гарчи унинг кўнгли худди сабий юрагидай беғубор ва беозор эди. Ҳақиқий рашкчи ундай эмас: у нима билан чиқишиб, нима билан келишиб кетиши ва нимани кечириши мумкинлигини ҳатто тасаввур қилиб бўлмайди! Рашкчилар ҳаммадан бурун кечирадилар, буни барча аёллар билишади. Рашкчи жуда тезлик билан (албатта, аввалига даҳшатли бир жанжал кўтариб бўлиб) кечириши мумкин, у бунга қобил, мисол учун, аллақачон ўз кўзи билан кўрган кучоқлашишу бўсаларни кечириб юбориши мумкин, лекин бунинг учун у бу энг охирги марта бўлганига ишониши керак, рақиб бундай буён бутунлай даф бўлиши, ернинг нариги бурчига йўқолиб кетиши ёки ўзи маъшукасини оламнинг ушбу даҳшатли рақиб етиб боролмайдиган

овлок пучмоғига олиб бадар жўнашини билиши керак. Албатта, яраш-яраш фақат бир соатгина давом этади, чунки ракиб ҳақиқатан-да ғойиб бўлган тақдирда ҳам, у эртага, албатта, янги бировини ўйлаб топади ва энди унга рашк кила бошлайди. Нафсиламр, бундай тинимсиз назорат қилиниши керак бўлган муҳаббатнинг нимаси қолади ва доим қоровуллаш керак бўлган муҳаббатнинг нимаси энди муҳаббат бўлсин? Аммо худди мана шуни чинакам рашкчи ҳеч қачон тушунмайди, холбуки, улар орасида ростдан ҳам сарафроз кўнгилли одамлар учраб туради. Яна энг ажойиб томони шундаки, худди мана шу сарафроз кўнгилли кишилар хужра ичида бикиниб гап пойлайди, жосуслик қилади, гарчи шу кўнгил билан шармандали аҳволини тушуниб туради ва бу аҳволга ўз хоҳиши билан тушганини сезади, лекин барибир ўша хужрадан ўз инон-ихтиёри билан чиқиб кетолмайди, виждон азобини ҳам бошидан кечирмайди. Грушенькани кўрганда, Митянинг рашки кўзимасди ва бир он у ишонувчан ва олийжаноб бўлиб қоларди, ҳатто бемаза хиссиётлари учун ўзидан нафратланарди. Лекин бу нарса фақат шуни англатардики, унинг шу кизга муҳаббатида ўзи ўйлагандан кўра қандайдир анча юксак бир нима мавжуд эди, бу ҳатто биргина эхтирос ёки нозик баданнинг “нафис бир толими”гина эмасди (бу ҳақда у Алешага солим талкин бериб ўтганди). Бирок Грушенька кўз ўнгидан ғойиб бўлган замон Митя дарҳол қизни хиёнат тубанликлари ва маккор хулиёларга ҳаёлан кўмиб ташларди. Виждони эса ҳеч қандай қийналмасди.

Алқисса, яна унинг рашки қайнаб тошди. Ҳар нима бўлганда ҳам, шошилмоқ жойиз эди. Энг аввало ишни жўнаштириб юбориш учун киттаккина бўлса ҳам пул керак. Кечаги тўккиз рублнинг бари йўлга кетди, пулсиз эса бир қадам босишнинг иложи йўқ. Аммо у боя аравада келаётгандаёқ янги режаси билан бирга ишни юриштириш учун қаердан пул топишни ҳам мўлжаллаб қўйганди. Унинг дуэлга мўлжалланган иккита яхши тўппончаси ўқлари билан бирга бор эди, уларни ҳозиргача гаровга қўймай сақлаб келаётганининг сабаби ҳамма нарсасидан аъло кўрарди. “Пойтахт шаҳар” деган ошхонада у анчадан бери бир ёш мансабдор билан таниш-билиш бўлиб саломлашиб юрарди, у билан гаплашиб юриб, ҳали уйланмаган ва ўзига тўқ бу йигит қурол-яроққа жуда қизиқишини билиб қолди. У тўппончалар, револьверлар, ханжарлар сотиб олиб, уйдаги деворларга осиб қўяр, таниш-билишларига кўрсатиб, томоша қилдирар, мактанар, револьверлар тузилишини беш қўлдай билар, ўқлаш, ўқларни созлаш ва хоказоларни хўб тушунтириб берарди. Митя кўп ўйлаб ўтирмай унинг олдига жўнади ва тўппончаларини ўн рублга гаровга қўйди. Амалдор хурсанд бўлиб, уни бутунлай сотишга ундади, бироқ Митя кўнмади, шундан кейин Митяга ўн рубль берди ва ҳеч қандай фоиз олмаслигини билдирди. Икковлари ўрток бўлиб қолишди. Митя оёғи куйган товукдай типирчилаб турар, у Федор Павлович кўрғонининг орқа бетига, ўз шийпонига шошиб жўнади, тезроқ Смердяковни кўрмоқчийди. Шундай қилиб, бир саргузашт рўй бермасдан уч ёки тўрт соат илгари, мен ҳали қуйроқда буни ҳикоя қилиб ўтаман, Митянинг бир тийин ҳам пули қолмаганди, шунинг учун энг яхши кўрган нарсасини гаровга қўйди, ана энди шундан уч соат кейин унинг қўлига минг-минглаб пул кирди... Аммо мен олдинроққа ўтиб кета бошладим.

Марья Кондратьевнанинг (Федор Павловичнинг кўшниси) уйига ўтганида, у Смердяковнинг бетоблигини эшитиб, хайрон бўлиб қолди. Тутқанок тутгани, ерга йиқилгани, дўхтир келгани, Федор Павлович ташвишга ботганини эшитди; укаси Иван Федорович кеча эрталаб Масковга жўнаб кетганлигини билди, ажабланди. “Воловий бекатидан мендан илгарироқ ўтиб кетган бўлса керак, – ўйлади Дмитрий Федорович, аммо Смердяков уни кўпроқ безовта қилмоқда эди: – Энди нима бўлади, ким кўриклайди, ким менга хабар беради?” У анави хотинлардан ижикланиб сўраб-суриштира бошлади, кеча кечкурун ҳеч нарсани пайкамадингизми? Аёллар унинг нима демоқчилигини яхши билишарди, шунинг учун тўла хотиржам қилишди: ҳеч ким кўринмади. Иван Федорович шу ерда ётиб қолди, “хаммаси жойида бўлди”. Митя ўйга ботди. Шак-шубҳасиз бугун ҳам қоровуллаш керак, лекин қаерда: бу ердами ё Самсоновнинг эшигида? Бу ерда ҳам, у ерда ҳам, деган фикрга келди у ўзига қараб, ҳозирча эса, ҳозирча... Гап шундаки, энди унинг олдида бояги, янги, буниси аниқ-равшан бўлган “режа” турарди, буни у аравада ўйлаб топганиди ва энди уни кечиктиришнинг сира иложи йўқ эди. Митя бунга бир соат вақт ажратаман деб ўйлади, “бир соатда ҳаммасини ҳал қиламан, ҳаммасини биламан, ана ўшанда, ўшанда, аввало, Самсоновнинг уйига бориб, Грушенька ўша ердами, йўқми, биламан ва дарров бу ёққа қайтаман, ўн биргача шу ерда бўламан, кейин яна Самсоновниқига бораман, уни уйига қайтариб кузатиб қўяман”. У шунга қарор қилган эди.

У уйига гизиллади, ювинди, таранди, кийимларини тозаллади, кийинди ва Хохлакова хонимниқига жўнади. Афсуски, унинг “режаси” шу ерда эди. У хонимдан уч минг қарз олишга қарор қилди. Энг муҳими, қандайдир қутилмаганда, кўнглида фавқулудда бир ишонч пайдо бўлди, у менга йўқ демайди, деб ўйлади. Эҳтимол, шу нарсага ҳам хайрон бўлишар, ахир унда шундай ишонч бор экан, нега олдиндан ўзига яхши таниш, ўзи мансуб бўлган жамиятга эмас, аксинча, ўзига бутунлай ёт одам Самсоновга мурожаат қилди, у билан ҳаттоки қандай муомала қилишни ҳам билмасди-ку. Аммо гап шундаки, охириги ой ичида у Хохлакова хонимдан бирмунча узоклашди, илгари ҳам унчалик яқин таниш-билиш эмасди ва бунинг устига ўзини Хохлакова ёқтирмаслигини ҳам биларди. Хоним у Катерина Ивановнанинг қаллиғи бўлгани учун ҳам жини суймай кўйди, ўшанда у негадир Катерина Ивановна ундан юз ўтириб, “хатти-ҳаракатлари жуда чиройли ва ёқимтой, киборларча билимдон, одамнинг жони бўлиб кетадиган Иван Федоровичга турмушга чиқишни” хохлаб қолди. Митянинг қилиқларини эса у ҳаддан ташқари ёмон кўрарди. Митя бўлса унинг устидан қулар, ҳатто бир сафар “бу хоним шунчалар питрак ва бефаросатки, саводсизлиги ундан ҳам ўтиб тушади”, деб гийбат қилганди. Буни қарангки, боягина аравада келаётганида, ёрқин бир фикр миясидан ярқ этиб ўтди: “Агарда у менинг Катерина Ивановнага уйланишимни бу қадар хохламаётган бўлса (бу васвасага қаттиқ берилганлигини биларди), нега унда мана шу уч мингни жон деб бериб турмаслиги керак, ана у ҳолда мен худди шу пулга Катяни ташлаб, бир умрга бош олиб кетаман. Манави ҳаддан ортиқ тантиқ бўлиб кетган кибор хонимлар бирор нарсани инжиқланиб қаттиқ хоҳласалар, айтганларини қилдирмасдан қўймайдилар ва бунда ҳеч нарсани аяб ўтирмайдилар. Хоним эса бунинг устига жуда

хам бой”, – деб фикрларди Митя. Ўзининг “режаси”га келганда ахвол аввалгидек ўша-ўша, яъни Чермашняга бўлган меросий хукукини рўқач қилиш, фақат энди кечагидек Самсоновга айтган олди-сотди маъносида эмас, уч минг ўрнига икки баравар кўпроқ, яъни олти ёки ҳагто етти минг деб қизиктириб ўтирмай, оддийгина қарз бергани эвазига кафолат каби тақдим этади. Бу фикрини ривожлантираркан, Митянинг ғоятда шавқи келар, лекин у янги иш бошлаган ва тўсатдан бир қарорга келган барча ҳолларда унинг ишлари доим ўзи шундоқ бўларди. У ўзининг ҳар бир янги фикрига эҳтирос билан бериларди. Шунга қарамадан, у Хохлакова хоним уйининг остонасига қадам қўйганда, негадир даҳшатли жунжикиб, елкаси совуқ жимиралишиб кетди: худди шу дамда у тўла ҳисоб-китоби билан аниқ англаб етдики, бу энди унинг энг охириги умид-илинжи, агар ип худди шу ерда чирт узилса, ундан у ёғига ҳеч нарса қолмайди оламда, ҳаммаси битади, “уч мингни деб бировни ўлдириш ё талон-тарож қилишдан ўзга чора йўқ”. У эшик қўнғироғини чалганда соат етти яримлар эди.

Аввалига иш юришгандай бўлди: келганини билдиргандан кейин уни қутилмаганда тез ичкарига қўйишди. “Худди мени кутиб тургандай”, – хаёлидан ўтди Митянинг, кейин уни меҳмонхонага олиб киришлари ҳамон уй соҳибаси илдам кириб келди-да, дабдурустдан сизни кутиб турувдим, деди...

– Кутдим, кутдим! Ахир хаёлимга ҳам келгани йўқ – сиз менинг уйимга келасиз деб, ўзингиз ўйлаб қўринг, бироқ сизни кутдим, ичимдан ўйлаб топганимга қойил қолсангиз арзийди, Дмитрий Федорович, эрталабдан бери сиз келасиз деб, ошиқаман.

– Бу ҳақиқатан ҳам жуда ажойиб, хоним, – деб қўйди Митя ҳалпиллаб ўтираркан, – бироқ... мен фавқулудда муҳим иш билан келдим... энг муҳимлардан ҳам муҳимроқ, уни мен учун, хоним, фақат менга, мен шошиб турибман...

– Биламан жуда муҳим иш эканлигини, Дмитрий Федорович, бу ерда олдиндан сезиш ёки орқага қараб силжиш ва ё мўъжиза кўрсатишининг (авлиё Зосимани эшитдингизми?) хожати йўқ, бу ерда, бу ерда фақат ҳисоб керак: Катерина Ивановна воқеасидан кейин сиз келмаслигингиз мумкин эмасди, иложингиз йўқ эди, иложингиз йўқ эди, бу фақат ҳисоб.

– Бу мавжуд ҳаётнинг ўзгинаси, холос, хоним, бошқа нарса эмас! Аммо, ижозат этсангиз, гапимни айтсам...

– Айни ўзгинаси, Дмитрий Федорович. Мен энди фақат айни ҳаётнинг ўзи бўлсин дейман, мен мўъжизалардан тўйдим. Сиз қария ўлганини эшитдингизми?

– Йўқ, хоним, биринчи марта эшитиб турибман, – бироз ажабланди Митя. Хаёлида Алешанинг қиёфаси гавдаланди.

– Бугун кечаси, тасаввур қиласизми...

– Хоним, – унинг сўзини бўлди Митя, – мен ўзимнинг накадар мушкул ахволда эканлигимни тасаввур қилиб турибман ва агар сиз менга ёрдам бермасангиз, ҳаммаси барбод бўлади, биринчи навбатда мен хароб бўламан. Сийқа гапирётганим учун кечиринг, аммо алангам осмонга чиқиб турибди...

– Биладан, биладан, оташ бўлиб ёнаёписиз, ҳаммасини биладан, сиз бошқача ҳолатда бўлишингиз мумкин эмас, сиз нима деманг, ҳаммасини олдиндан биладан. Мен анчадан буён сизнинг тақдирингизни ўзимча фикрлаб юраман. Дмитрий Федорович, мен уни кузатиб, ўрганиб юраман... О, ишонинг, мен тажрибакор юрак дўхтириман, Дмитрий Федорович.

– Хоним, агар сиз тажрибакор дўхтир бўлсангиз, унда мен тажрибакор беморман, – зўр-базўр лутф килди Митя, – мен олдиндан сезиб, хис қилиб турибманки, сиз агарда менинг тақдиримни шундоқ кузатиб бораётган экансиз, унда унинг ҳалокатига хиссангизни қўшасиз, аммо бунинг учун олдин сизнинг қошингизда ниҳоят тавақал қилиб тузиб қўйган бир режамни баён айлашга рухсат берсангиз эди... олдингизга нима умидда келганимни... Хоним, келишдан мақсадим...

– Айтиб ўтирманг, бу иккинчи даражали нарса. Ёрдам десангиз, ёрдам беришим биринчи маротаба эмас, Дмитрий Федорович. Сиз менинг холаваччам Бельмесовани эшитган бўлсангиз керак, унинг эри ҳалокат ёқасига бориб қолганди. Сизга ўхшатиб айтсам, хароб бўлувди, Дмитрий Федорович, нима бўлди денг, мен унга от заводи қуринг деб маслаҳат бердим, ҳозир ишлари жуда юришиб кетган. Сиз от заводи нималигини биласизми, Дмитрий Федорович?

– Ҳечам билмайман, хоним, оҳ, хоним, ҳечам билмайман! – асаби қайнаб қичкириб юборди Митя, ҳатто ўрнидан туриб кетди. – Мен фақат ёлвораман: гапимни эшитинг, хоним. Менга эркин гаплашишга икки дақиқагина вақт беринг, сизга ҳаммасини, бутун лойиҳамни айтиб ўтай, шунинг учун келганман. Бунинг устига вақтим жуда зиқ, қаттиқ шошиб турибман!.. – жазавага тушиб қичкирди Митя унинг яна гап бошлаш пайида бўлаётганини пайқаб, янада баландроқ қилиб қичқиришга уриниб. – Мен чорасиз қолдим... чорасизликнинг энг охириги нуктасига етдим, сиздан қарзга уч минг бериб туришингизни сўрамоқчиман, қарзга, аммо жуда аниқ ишончли кафолатим бор, хоним, энг ишончли кафолат! Баён этишга ижозат беринг...

– Бу ҳаммаси кейин, кейин! – ўз навбатида унга қўлларини силтаб деди бегойим Хохлакова, – сиз нима демоқчи бўлсангиз, ҳаммасини олдиндан биладан, сизга буни айтганман. Сиз қанчадир миқдор пул сўраяписиз, сизга уч минг керак, бироқ мен сизга ундан кўпроқ, жуда ҳам кўпроқ қилиб бераман, мен сизни қутқараман, Дмитрий Федорович, аммо сиз менинг гапимга киришингиз керак!

Митя яна ўтирган еридан дик этиб турди.

– Мунчалар яхшисиз, хоним! – деб қичкирди у ҳиссиётлари фавқулодда жўш уриб. – О, худойим, сиз мени қутқардингиз. Сиз, хоним, кишини ўз жонига қасд қилишдан, тўппонча ўқидан қутқардингиз... мангу миннатдор бўлгайман...

– Мен сизга уч мингга қараганда беҳад, беҳад кўп нарса бераман! – қичкирди бегойим Хохлакова Митянинг хурсанд бўлаётганига чарақлаб боқиб.

– Беҳад дейсизми? Аммо менга бунча керакмас. Менга фақат мана шу машъум уч минг керак, холос. Мен эса ўз томонимдан шу уч мингни қайтаришга аниқ кафолат бераман ва чексиз миннатдорлик ила ўзимнинг режамни сизга баён қилсам дейман...

– Бас, Дмитрий Федорович, айтдик ҳам, килдик ҳам, – унинг сўзини шарт кесди бегойим Хохлакова валинъматларга хос маъсум тантана билан. – Мен сизни кутқараман деб ваъда килдим, албатта, кутқараман. Сиз олтин конлари ҳақида қандай фикрдасиз, Дмитрий Федорович?

– Олтин конлари дейсизми, хоним? Мен ҳеч қачон улар ҳақида ҳеч нима ўйламаганман.

– Сиз учун мана мен ўйлаганман! Ўйлаб, ўйлаб охири ўйимнинг тагига етдим! Шу мақсадда мен бир ойдан бери сизни кузатиб юрибман. Сиз келганингизда, мен юз бора сизга қараганман ва ўзимга ўзим юз бора мана, ғайратли инсон олтин конларини очадиган, деб такрорлаганман. Мен ҳатто сизнинг қандай қадам ташлашингизни ҳам ўргандим ва бу одам жуда кўп олтин конларини топажак, деб ҳисоблаганман.

– Қадам ташлашимга қарабми, хоним? – жилмайди Митя.

– Ҳа, қадам ташлашга ҳам қараб, нима бўпти. Наҳотки сиз қадам ташлашга қараб кишининг феъл-атворини билишни инкор этсангиз, Дмитрий Федорович? Табиат фанлари буни исботлаб қўйган. О, мен ҳаётга энди очик кўз билан қарайман, Дмитрий Федорович. Монастирда рўй берган воқеадан кейин кўзим бутунлай очилди, ўша воқеадан жуда каттик хафа бўлдим ва энди батамом амалий фаолият билан шуғулланаман. Мен шифо топдим. Бас! – деган эди Тургенев.

– Менга саховат ва олийжаноблик билан бериб турмоқчи бўлганингиз уч минг...

– Сиздан у қочиб кетмайди, Дмитрий Федорович, – шу заҳоти унинг оғзига урди бегойим Хохлакова, – ўша уч мингни ҳозирок чўнтагимда деб ҳисоблайверинг, яна уч минг эмас, уч миллион денг, Дмитрий Федорович, яна энг қисқа вақтда! Сизга мен бош ғоянгизни айтай: сиз олтин конларини топасиз, миллион-миллион пул қўлингизга киради, қайтиб келгач, арбоб бўласиз, бизни ҳам яхши йўлга солиб, олға бошлайсиз. Наҳот ҳаммасини жухудларга ташлаб қўйсақ? Сиз буюк иморатлар, ранг-баранг корхоналар курасиз. Сиз камбағалларга ёрдам киласиз, улар эса сизни дуога кўмиб ташлайди, ҳозир темир йўллар замони, Дмитрий Федорович. Сиз молия вазирлигига таниласиз, керакли одамга айланасиз, улар сизга муҳтож. Пулимизнинг кадри тушиб кетганини кўриб, кечалари уйқум қочади, Дмитрий Федорович, бу томондан мени ҳали яхши танимайдилар...

– Хоним афандим, хоним афандим! – қандайдир каттик безовта бўлиб ва ниманидир сезиб яна унинг сўзини кесди Дмитрий Федорович, – мен жон-жон деб балки сизнинг маслаҳатингизга кирарман, бу ғоят ақлли маслаҳат, хоним афандим ва эҳтимол, ўша, сиз айтган, ўша... конларга жўнаб кетарман... кейин яна келиб сиз билан бу ҳақда кўп гаплашамиз... ҳа, жуда кўп... аммо ҳозир ўша уч минг денг, сиз менга олийжаноблик билан тақдим этмоқчисиз... О, улар мени қўл-оёғимни бўшатарди, агар иложи бўлса, шу бугуноқ... буни қаранг, менинг бир соат, ҳа, бир соат ҳам вақтим қолмади...

– Бас, Дмитрий Федорович, бас! – қатъий чек қўйди бегойим Хохлакова. – Масала сиз конларга борасизми, йўқми, шунда, сиз шу фикрга келдингизми, йўқми, аниқ жавоб беринг.

– Бораман, хоним, кейин... қаерга десангиз бораман, хоним... аммо ҳозир...

– Тўхтасангиз-чи! – кичқирди бегойим Хохлакова ва ўрнидан сакраб туриб сон-саноксиз тортмалари бўлган ажойиб жавонига бориб, тортмаларни бирма-бир тортиб, апил-тапил ниманидир кидиришга тушди.

“Уч минг-а! – тек котиб ўйларди Митя, – ҳозир беради, коғоз-поғоз, ҳеч қандай тилхат сўраб ўтирмайди... жуда саховатпеша-да! Антика хотин, фақат тили узун демаса...”

– Мана! – кичқирди хурсанд бўлиб кетган бегойим Хохлакова ва Митянинг ёнига қайтди, – мана, кидирган нарсамни топдим!

Бу мўъжазгина тизимчага тақилган қумуш санамча эди, у баъзилар бўйнига осиб юрадиган бутчага ўхшарди.

– Бу Киевдан келган, Дмитрий Федорович, – тамтамланиб сўзида давом этди хоним, – Варвара жафокашнинг лошларидан ёдгор. Ижозат беринг, мен ўзим бўйнингизга тақиб кўяй ва шу билан сизни янги ҳаёт ҳамда янги жасоратларга йўллаб дуо қилай.

Бегойим санамни Митянинг бўйнига осиб, уни тўғрилай бошлади. Митя жуда каттик хижолат тортиб, бошини эгиб унга кўмаклашди ва ниҳоят бўйинбок, кўйлак ёқаларидан ўтказиб кўксига осди.

– Ана энди сиз йўлга отлансангиз бўлади! – тантанавор деди хоним Хохлакова ўз жойига мамнун ўтираркан.

– Хоним, жуда хурсандман... билмайман, сизга қандай миннатдорлик билдирсам... бу шоён туйғулар, бироқ... вақтим қанчалар зиклигини билсангиз эди!.. Саховатингизни дариғ тутмасиз деб илтижо қилурман... О, хоним афандим, менга шунчалар меҳрибонсиз, шунчалар кўли очик... – бирдан илҳоми селдай тошиб илтижо килди Митя, – ижозат беринг, сизга дил розимни очай... у сизга анчадан бери маълум... мен бу ерда бир хилқатга кўнгил берганман... Мен Катяга хиёнат қилдим... Катерина Ивановнага демоқчиман... О, мен бу хилқат олдида ҳайвонлик қилдим, тубан тушдим, лекин бу ерда бошқа бир қизни севиб қолдим... хоним, сиз балки уни ёқтирмасиз, чунки сиз ҳаммасини биласиз, мен... аммо уни ҳеч ташлаб кетолмайман, бунинг ҳеч иложи йўқ, шунинг учун шу уч минг...

– Кўйинг буларни ҳаммасини, Дмитрий Федорович! – кескин қатъият билан Митянинг сўзини бўлди бегойим Хохлакова. – Кўйинг барини, айникса, шу хотинларни. Сизнинг мақсадингиз олтин қонлари, у ёқларга хотинларни етаклаб боришнинг ҳожати йўқ. Бой-бадавлат бўлиб, шон-шухрат қозониб қайтганингиздан сўнг энг олий қиборлар тоифасидан юрак маҳрамингизни топгайсиз. Бу замонавий бир қиз, олима ва оқила бир қиз бўлмай. Ҳозир куртақлаб келаётган хотин-қизлар масаласи у пайтга бориб батамом етилади ва янги бир аёл майдонга чиқади...

– Хоним, бу бошқа, бу бошқа... – қўлларини қовуштираёзди Дмитрий Федорович.

– Бу айни ўша нарса, Дмитрий Федорович, айнан сизга зарур, ўзингиз ҳам билмай излаётган айни ўша нарса. Мен ҳозирги хотин-қизлар масаласидан чеккада турганим йўқ, Дмитрий Федорович. Хотин-қизлар тараққиёти ва яқин келажакда хотин-қизларнинг сиёсий аҳамияти – менинг идеалим мана шу. Менинг ҳам қизим бор, Дмитрий Федорович, мени бу томондан ҳам ҳали яхши билишмайди. Мен бу борада ёзувчи

Шчедринга мактуб йўлладим. Аёлнинг жамият ва ҳаётдаги ўрни, вазифаси ҳақида менга бу ёзувчи шунчалар кўп гапларни айтдики, шунчалар кўп нарсаларни кўрсатдики, мен унга ўтган йили икки қатор имзосиз хат юбордим: “Сизни кучоклаб ўпаман, эй менинг адибим, замонавий хотин-қизлар учун давом эттиринг”, “она” деб имзо чекдим. Мен “замонавий она” деб қўл қўймоқчи ҳам бўлдим-у аммо иккиланиб қолдим ва оддийгина қилиб она деб қўя қолдим: бунда маънавий нафосат кўпроқ-да, Дмитрий Федорович, бунинг устига “замонавий” сўзи уларга “Замондош”¹ сўзини эслатиб қўярди – хозирги адабий назоратга кўра бу уларга аччиқ ботиши мумкин... О, худойим-ей, вой, сизга нима бўлди?

– Хоним афандим, – сакраб турди ниҳоят Митя ожизона илтижо қилиб қўлларини хоним олдида қовуштириб, – сиз мени бу ахволда йиғлатиб қўясиз, хоним, олийжаноб ваъдангизни кечиктирадиган бўлсангиз...

– Йиғланг, йиғлайверинг, Дмитрий Федорович! Бу гўзал туйғулар... олдингизда шу йўлдан ўтмоқ бор! Кўз ёшлар кўнгилни бўшатади, кейин қайтиб келасиз ва бахтли бўласиз. Сибирдан атай олдимга от чоптириб келасиз, мени ҳам шодлигингизга шерик қиласиз...

– Аммо менга ҳам ижозат беринг ахир, – бирдан ўкириб юборди Митя, – охирги бора сизга ёлвораман, айтинг, ваъда қилганингиз пулни бугун олишим мумкинми? Агар иложи бўлмаса, унда қачон келсам бўлади?

– Қайси пулни айтяпсиз, Дмитрий Федорович?

– Уч минг ваъда қилувдингиз... олийжаноблик билан...

– Уч минг? Пулни? Ох, менда йўқ бунақа уч минг, – қандайдир жуда одми қилиб хотиржам деди бегойим Хохлакова. Митя анграйиб қолди...

– Сиз айтдингиз-ку... хозир... сиз ўзингиз айтдингиз... ҳатто чўнтагимда деб ҳисоблайверинг дедингиз...

– Ох, ундаймас, сиз мени яхши тушунмабсиз, Дмитрий Федорович. Ундаймас. Мен олтин конларини гапиргандим... Рост, мен сизга кўп, чексиз кўп ваъда қилувдим, уч минг нима бўпти, хозир ҳаммасини эслаяпман, мен фақат конларни назарда тутувдим.

– Пул-чи? Уч минг-чи? – ахлоқона хитоб қилди Дмитрий Федорович.

– О, сиз пул деган бўлсангиз, пул менда йўқ. Ҳозир сира пулим йўқ, Дмитрий Федорович, мен хозир бошқарувчим билан жанжаллаша ётибман, яқинда ўзим Миусовдан беш юз қарзга олдим. Йўқ, йўқ, пул йўқ менда. Биласизми, Дмитрий Федорович, пулим бўлганда ҳам сизга бермасдим. Биринчидан, мен ҳеч кимга қарзга пул бермайман. Қарзга пул берсанг, бошинг жанжалдан чиқмайди. Бироқ сизга, айникса, сизга бермасдим, сизни севсам ҳам бермасдим, сизни қутқариш учун буни қилардим. Чунки энди сизга фақат бир нарса керак: конлар, конлар ва яна конлар!

– О, шайтон урсин! – бўкириб юборди Митя ва бор кучи билан столни муштлади.

– Э, вой-й! – чинқирди Хохлакова ва уйнинг у чеккасига учиб тушди.

Митя тупурди ва жадал одим отиб хонадан, уйдан кўчага, коронғига чиқди! У худди телбалардек ўз кўкрагига уриб борарди, у икки кун бурун

¹ А.С.Пушкин 1836 йил асос солган “Современник” журнали демократик йўналиши боис кўп бора цензура томонидан ёпиб қўйилган. 1866 йилда ҳам журнал яна ёпилган. “Современник” билан ака-ука Достоевскийлар чиқарган “Время” ва “Эпоха” журналлари ўртасида баҳс-мунозаралар бўлиб турган.

Алеша билан охирги марта кечкурун коронгида йўл ёқасида кўришганда кўкрагининг худди шу ерига гурс-гурс урганди. Кўкрагининг худди *мана шу ерига* уриш нимани англатиши ва бу билан у нима демокчилиги – бу hozirча сир эди, уни дунёда ҳеч кимса билмас, хатто ўшанда Алешага ҳам айтмаганди, аммо ўша сир-синоат ичида унинг учун уятдан ҳам ортик шармандалик, ҳалоқат ва ўзини ўлдириш яшириниб ётар, у шундай қарорга келган эдики, агар уч мингни топиб Катерина Ивановнага қайтарса, шу билан кўкрагининг ўша ерида – ҳа, “худди ўша ерида” сақлаб, кўтариб юрган шармандаликдан халос бўлади, уни виждон оғриғи шу қадар оғир юк бўлиб эзарди. Булар ҳаммаси китобхонларга кейинроққа бориб маълум бўлади, аммо эндиликда у охирги умидидан ҳам айрилгач, бу жисмоний куч-қуввати тўлиб-тошиб ётган одам Хохлакова хонимнинг уйдан бир неча қадам юриб боргач, худди ёш боладай хўнграб йиғлаб юборди. У эс-хушини йўқотиб, мушти билан кўз ёшларини артарди. Шу алфозда у майдонга чикди ва бирдан бутун гавдаси билан алланимага тўкнашгандай бўлди. Аллақандай бир кампирнинг чийиллаб войвойлагани эшитилди, Митя уни йикитиб юборишига оз колди.



– Вой, худойим-ей, ўлдириб кўяй дединг-ку, шумтака!

– Э, бу сизмисиз? – кичкирди Митя қоронгида кампирга назар солиб. Бу ўша Кузьма Самсоновга хизмат қилиб юрган қари оқсоч кампир бўлиб, кеча Митя уни яхши эслаб қолганди.

– Э, сиз ўзингиз ким бўласиз, отагинам? – бутунлай бошқа овоз билан сўзлади кампир, – сизни қоронгида танитай турибман.

– Сиз Кузьма Кузьмичнинг уйида яшаб, унга хизмат қиласизми?

– Отагинам, худди шундоқ, ҳозир Прохорични чақириб келгани борувдим... Билмасам, сизни ҳеч таний олмаяпман-а?

– Онажон, айтинг-чи, Аграфена Александровна ҳозир сизларникидами? – кампирдан орзикиб жавоб кутди Митя. – Боягина уни ўзим кузатиб борувдим.

– Келган эди, отагинам, бирпас ўтириб кетди.

– Қандай? Кетдими? – кичкириб юборди Митя. – Қачон кетди?

– Ўша захотиёқ кетди, бир зум бўлди, холос. Кузьма Кузьмичга битта чўпчак айтиб кулдириб, кейин чопқиллаганча кетди.

– Алдаяпсан, алвасти! – бўкирди Митя.

– Йўғ-е! – кичкирди кампир, аммо Митя бир зумда ғойиб бўлди, у жонҳолатда ўпқасини қўлтиклаб Морозованинг уйига қараб югурди. Бу Грушенька айна Мокрое кишлоғига йўлга тушган пайт эди, унинг жўнаб кетганидан бери чорак соат вақт ўтганди. Феня оқсоч бувиси Матрена билан ошхонада ўтирганди, бирдан “капитан” ҳовлиқиб кириб келди. Феня уни кўргач, сўкиниб бақириб юборди.

– Бақиряпсанми, а? – бўкирди Митя. – Қани у? – У кўрканидан тили гапга айланмай қолган Феняни оғиз очишга қўймай, бирдан ўзини унинг оёғига ташлади:

– Феня, Исо Масих ҳақи, айт, қаерда у?

– Отагинам, мен билмайман, жон Дмитрий Федорович, ҳеч нарсани билмайман, ўлдирсангиз ҳам майли, билмайман, – тониб тураверди Феня худони ўртага солиб, – ўзингиз боя у билан бирга кетдингиз...

– У қайтиб келувди!..

– Жон Дмитрий Федорович, қайтиб келмади, худо ҳақи, қайтиб келмади!

– Алдоқчи! – кичкирди Митя, – кўрқиб турганингдан биляпман қаердалигини!

У ташқарига отилди. Оёқ-қўли қалтираган Феня хайрият омон қолдим, бўлмаса жонимни оларди, деб суюнди. Бирок жонҳолатда отилиб чиқиб кетаркан, унинг кутилмаган бир қилиғи Феня билан оқсоч кампир Матренани жуда таажжубга солиб қўйди, стол устида мис ҳовонча ичида дастаси билан турган эди, даста унча катта эмас, бир қарич келарди. Митя чиқиб кетаркан, бир қўли билан эшикни очиб, иккинчи қўли билан ҳовонча дастасини чангаллаб ушлади-да, уни ён чўнтагига тикди ва гумдон бўлди.

– Оҳ, худойим, у бировни ўлдирмоқчи, шекилли! – қўлларини бири-бирига қарсиллатиб урди Феня.

(Давоми бор)



Сухроб СИПЕХРИЙ

(1928–1981)

Форс тилидан
Жаъфар МУҲАММАД
таржимаси

БОШЛАНИШ НИДОСИ

Ковушим қани?
Кимдир чақирди: Сухроб!
Ҳавою япроқнинг ошнолигидек
Таниш бир товуш.
Онам уйқуда.
Манучеҳр, Парвона, балки бутун шаҳар ҳам.
Сониялар устидан
Марсиядек ҳазингина ўтаётир
Хурдод кечаси.
Уйқумни қочирар
Жункўрпанинг яшил учидан
Эсган салқин шабада.
Айрилиқнинг ҳиди уфурар:
Ниначилар қанотининг сасидан
Ёстигим тўлган.
Тонг отгай
Ва осмон мана бу идишига кўчгай.
Бу кеча бош олиб кетмогим керак.
Мен бу ернинг одамлари-ла
Ланг очилган деразадан
Сўзлашган эдим
Аммо ҳеч ким лом-мим демади.
Ошиқона ерга қадалган
Бир нигоҳга кўзим тушмади
Богчанинг чиройига
Мафтун бўлган бир кўнгилни топмадим.
Пайкалдаги зогчалар билан
Ҳеч кимнинг иши йўқ.
Бир булутнинг ҳажмича кўнглим
Хуфтон бўлади
Қачонки деразадан
Кўшинининг балогат ёшига
Етган гўзал қизини



Дунёдаги энг ноёб нарвон пойида
Фикҳ ўқиб турганин кўрсам.
Аммо қизиқ нарсалар ҳам бор:
Парвоз онлари.
(Масалан, кўрдим бир шоирани,
Фазога шу қадар маҳлиё эдики,
Кўзларида осмон тухум туққанди).
Тунлардан бир тун
Бир киши сўради мenden:
“Узумнинг нур сочиб чиқишигача
Неча соатлик йўл?”
Бу кеча бош олиб кетмоғим керак.

Бу кеча бош олиб кетмоғим керак.
Ёлғизлик тўнмининг
Андозасидек
Сизимга эга бир жомадон олиб,
Мени доим чорлаб турувчи
Сассиз, сўзсиз кенгликлар оша
Қаҳрамон дарахтлар кўкарган томонга.

Яна кимдир чақирди: “Сухроб!”
Ковушим қани?

БЕҒУБОРЛИК

Осмон тўқ мовий.
Тиниқ мовий сув.
Мен айвонда, Раъно ҳовуз бошида.

Раъно кийим ювади.
Япроқлар тўкилади.
Онам бир кун эрталаб айтганди:
“Зерикарли ўтмоқда бу фасл”.
Мен унга айтдим:
“Ҳаёт бир олмага ўхшайди –
пўчоғини арчмасдан
тишламоқ лозим”.

Кўшинимизнинг хотини
Дераза олдида тўр тўқийди,
шеър ўқийди.

Мен “Веда” ўқийман, гоҳида
Расм чизаман:
Тош, қуш ва булут.

Ёлғиз бир қуёи.
 Ҳақкалар учиб келган.
 Лотин чечаклар чиққан.
 Мен анорни доналаيمان,
 Кўнглимдан ўтади:
 “Одамларнинг ичидаги доналар ҳам,
 Кошкийди, аён бўлса.”
 Анор суви кўзимга киради:
 Кўзимдан ёш сизади.
 Онам қулади.
 Раъно ҳам.

ДИЙДОР ШАБНАМИ

Қадамнинг товушин эшитиб,
 эшикларни очдим.
 Нигоҳимнинг бўлаklarини
 ҳар ёққа сочдим.
 Борлиқни нигоҳга тўлдирдим.
 Ўлик қўлнинг бўйида,
 Ботқоқ устида
 бир бўлак табассумингни кўрдим,
 Намозга шошдим.
 Бир тиканнинг танасида
 сенинг ниҳон ётган ёдингни
 жаҳонга таратдим.
 Ўзидан кўкариш,
 ўзидан кўпайиш куйини
 дарахтлар торида чалдим.
 Ва бир қўл дуони кечаси ҳайдаб,
 сиримнинг уругин сочдим.

Фирибнинг шохини синдирдим.
 Йўқликкача югурдим.

Ва ўлимнинг чеҳраси,
 идрокнинг энг кичик
 заррасигача югурдим.
 Ғамнинг қоясидан қуладим.
 Дийдоринг шабнами
 бармогимни намлади,
 титрадим.
 Бир адирдан ел ўтарди,
 бир қадам йўлдош бўлдим.
 Зулматнинг бағрида
 бир парча қуёи кўрдим,
 етдим-у, ўзимдан кетдим.
 Мен энди қутулдим.

ЯШИРИНГАН ҚУШГА

Сенга айтар сўзларим бор,
 Кўзлардан пинҳон сайраб,
 Замонани овози ила
 Бошлаётган Қуш!

Не дардларинг борки, сен
 Хилватингда чекасан фарёд?
 Қўлимдаги ҳаёт нашъасин
 Этасан барбод?

Сен қаерда тинҳонсан, эй Қуш?
Майсаларнинг тўри ичида,
Ёки завқнинг шохалари тағидамисан?

Бир ўлик сувнинг
Яшил кўзи узра учасан,
Ёки идрок чашмасининг бошида
Қанотингни ювасан?
Қайда бўлсанг ҳам менга айтгин!
Йўл юзида йўқ душман изи.
Сен
Бир қуёш бўлгин!
Бундан сўнг
Момақалдироқ
Булут томига
Қўймагай оёқ.
Уядан чиқмагай
Чақмоқ илони.
Ва тўфон занжири бундан сўнг
Сахрога тушмагай.
Қунлар тинч ва сокин ўтмоқда,
Сен яна нимадан ҳадиксирайсан?

АЧЧИҚ ТУШ

Ой қуши
Сайрайди.
Хонамда бир булут йиғлайди!
Очилади надоматнинг кўзида гуллар.
Деразамнинг тобутида
тебранади Маширқнинг жасади.
Мағриб жон ҳолатда,
Ўлади.
Қуёшининг сарғайган гиёҳи
Секин-аста сўлгин хонамда
ўсади.
Уйғоқман,
Ухлаб қолганми, деб ўйламанг.
Синиб кетган бир шохнинг сояси
Секин мени ухлатиб қўйди.
Энди мен
Эшита бошлайман
Ой қушининг куйини
Ва надомат кўзининг чечакларини
Сочаман.



Иван АЛЕКСЕЕВИЧ БУНИН

(1870–1953)

АРСЕНЬЕВ ҲАЁТИ¹

Роман

*Рус тилидан
Санжар СОДИҚ
таржимаси*

1917 йилги Октябрь тўнтаршишдан сўнг Россияда янги сиёсий тартиблар жорий этилиши айрим санъаткорларда норозилик кайфиятини уйғотди ва уларни ўз қадрдон юртини тарк этиб, чет элдан паноҳ излашга мажбур қилди. 1920 йили “Спарта” кемасида Францияга йўл олган буюк рус ёзувчиси Иван Алексеевич Бунин ҳам ана шулардан бири эди. Аммо Бунин 33 йил Россиядан четда яшаган бўлса-да, ҳар қачон ватанига қалбан содиқ қолди. Унинг куйидаги дардли сўзлари фикримизга исбот бўла олади: “Россияни, рус табиятини биз ўзимиз билан бирга олиб кетганмиз. Биз қаерда бўлмайлик, уларни дилдан ҳис қилиб яшаймиз”. Аммо собиқ Шўролар замонида Бунинга аксил-совет ёзувчи деган тамга босилиб, душманлик назари билан қаралди. Унинг ижоди ўзбек китобхонига ҳамон кенг таниш эмаслиги, асосан, шу омил билан изоҳланади.

“Арсеньев ҳаёти” романи, таъбир жоиз кўрилса, Буниннинг бош китобидир. У оғир ҳаётий синовларни енгиб ўтган ва катта ижодий тажриба орттиргандан сўнггина асарни ёзишга киришди. Муаллифнинг ниятига кўра, роман бир инсон ҳаётини у дунёга келганидан то вафот этгунигача қадар тўлиқ гавдалантириши лозим эди. Лекин, таассуфки, адабга ўз ниятини тугал амалга ошириш nasib этмади. У роман қаҳрамони – Алексей Арсеньевнинг фақат ёшлик даврини қоғозга туширишга муваффақ бўла олди, холос.

Роман устидаги меҳнат 1927 йилдан 1933 йилгача давом этди. Бунин асарга ўз ёшлигининг кўпгина воқеаларини асос қилиб олди. Бироқ, шунга қарамай, “Арсеньев ҳаёти”ни, тўла маънода, автобиографик роман деб аташ қийин. Чунки асарнинг катта қисми бадиий тўқима билан бойитилган. Романда ёш Алексейнинг 20 йиллик ҳаёт йўли XIX аср охиридаги Россия ижтимоий воқелиги фонида тасвирланади. Бу давр, энг аввало, Русь заминида феодал тузумнинг инқирозга учраши – 1861 йили крепостной ҳуқуқи бекор қилиниши оқибатида йирик ер эгалари хонавайрон бўлиши билан эътиборга моликдир. Ёзувчи романда ижтимоий воқеликка объектив ёндашади: ўзи мансуб бўлган дворянлар табақаси ҳалокатини рўй-рост гавдалантиради. “Арсеньев ҳаёти” романи ғоят жозибадор услубда ёзилгани ва катта ижтимоий-бадиий қийматга молик бўлгани сабаб 1933 йилда Нобель мукофоти билан тақдирланди.

¹ Журнал варианты.

Юқорида қайд этганимиздек, ўзбек китобхони Бунин меросининг фақат бир қисми билан таниш, холос. Айниқса, “Арсеньев ҳаёти” романи ҳозиргача она тилимизда жарангламагани чуқур таассуф уйғотади. Биз айна бўшлиқни тўлдириш мақсадида асарни ўзбекчага ўгиришга жазм этдик. Романдаги шеърӣ парчаларни шоир дўстимиз Муҳаммадали Қўшмоқов таржима қилиб берди.

Таржимон

Биринчи китоб

Ёшлик

I

“Нимаики хатга туширилмаса, бегумон унутилгай. Хатга туширилгани эса боқий саклангай...”

Мен бундан ярим аср аввал ўрта Россиядаги бир қишлоқда, отамнинг кўрғонида туғилдим.

Қанийди одам қачон туғилганию қачон ўлишидан мутлако беҳабар бўлса! Шу боис менга қачон туғилганимни айтишганидан афсусланиб юраман. Агар айтишмаса эди, ҳозир ёшим нечадалигини билмасдим. Энг муҳими, унинг тоғдек зил юки елкамдан босиб турмасди. Ўшанда яна ўн ёки йигирма йилдан кейин ўлишим ҳақида ўйлаб ҳам ўтирмасдим. Борди-ю мен бирор кимсасиз оролда туғилганимда, бу дунёда ўлим деган нарса борлигини ҳам билмаган бўлардим. Шунинг назарда тутиб, “Мана буни бахт деса бўлади!” – деб хитоб қилиб юборгим келади. Лекин яна ким билади, дейсиз? Балки бу – бахт эмас, айна бахтсизлик бўлиб чиқар! Ўлим нималигини билмай яшаб ўтиш мумкинми ўзи? Ўлим туйғуси бизга туғма ато этилмаганми, ахир?! Шу туйғу бўлмаганида, мен ҳаётни ҳозиргидек қаттиқ сева оларимидим?

Арсеньевлар уруғи, уларнинг келиб чиқиши тўғрисида мен деярли ҳеч нима билмайман. Биз нимани ҳам билардик ўзи? Фақат шуниси маълумки, насаблар китобида Арсеньевлар уруғи “жуда қадимдан давом этиб келатганлар” қаторида тилга олинади. Камина бир умр бизнинг наслимиз, гарчи қашшоқлашиб қолган бўлса-да, бироқ ҳамон бообруё эканини ҳис қилиб, шундан ғурурланиб қувониб яшайман. Уруғ-аймоғининг тайини йўқ аллақандай қаланғи-қасанғилардан эмаслигим кўнглимга хотиржамлик бахш этади. Черков Рухлар кунидаги маъвизаларда барча ўтганларни дуо билан эсга олинг, дея панд-насихат килади. Шу куни ажойиб бир дуо янграйди: “Эй Худойим, Ўзингга тоат-ибодатда бўлган барча бандаларинг, Одам Атодан то отамизу акаларимиз, ёр-биродарларимизу қариндошуруғларимизгача, шояд, Сенинг раҳматинг ва элчинг Иброҳимнинг шафоатига ноил бўлиб, абадий роҳат-фароғат топгай!”

Бу дуода “ибодат” сўзи бежизга тилга олинмаган. Шу ибодатни бир замонлар адо этган отаю акаларимиз билан боғлиқликни, яқинликни ҳис қилиш, ахир, одамга накадар зўр қувонч бахш этади! Кўп асрлар олдин аждодларимиз “Худонинг ҳар бир инсон ҳаётидаги покиза ва бардавом йўли” ҳақидаги таълимотга эътиқод қўйишган. Бу йўл фоний ота-оналар оша фоний зурриётларга кўчади ва шу тарика абадият касб этади. Ярат-



ган Эгам коннинг, зотнинг тозалиги, бардавомлигини сақлашга буюрган, зероки, илоҳий йўл булганмасин, узилиб қолмасин. Ҳар гал янги фарзанд тугилиши билан қон, зот янада поклансин, авлодлар оша Парвардигорга яқинлик – қурб ҳосил қилинсин.

Аждодларим орасидан ярамаслар ҳам чиккан бўлса бордир. Лекин доим аввалги авлод кейингисига “Сиз олий насаб инсонлар авлодисиз, ҳеч қачон буни унутманг!” дея қонни, зотни тоза сақлашни васият қилган. Мен ўз насабим гербига баъзан назар ташлаб, шундай ҳис-туйғуларни бошдан кечираманки, уларни ифодаб беришим кийин. Гербда рицарлик қурол-аслаҳалари – совут ва туяқуш паги билан безатилган дубулга акс этган. Булардан пастроқда эса қалқон тасвири. Қалқон ўртасида садоқат ва абадият рамзи – узук ярақлаб турибди. Узукка юқори ва қуйидан хоч-симон дастали учта килич келиб туташади.

Бугун менга ватан бўлиб турган мамлакатда, бизга бошпана берган шаҳар каби, бир вақтлар доврқ қозонган, аммо ҳозир ҳувиллаб қолган гўшалар анча. Бу шаҳарлар аҳолиси кашшоқликка ботиб, майда ташвишларга ўралашиб яшайди. Бироқ ана шу ночор ҳаёт узра ҳам – бу асло бежиз эмас – салиб юришлари замонидан қолган кулранг минора виқор билан юксалиб туради. Ундан пастроқда ажойиб равоқли муҳташам ибодатхона кўҳна нақшларини кўз-кўз этганча ястаниб ётади. Осмонўпар хочда эса Парвардигор жарчиси – хўроз осий бандаларни Худо салтанатига чорлайди.

II

Энг биринчи хотирам жуда арзимас бўлиб, ўзимда ҳам ҳар гал таажжуб уйғотади. Куз арафасида қуёш нуридан ёришган кенггина хонани аниқ эслайман. Жануб тарафдаги деразамиздан қарасам, қуёш қия тепалик устида нур сочиб турибди. Фақат шу лаҳзагина, шунинг ўзигина эсимда қолгани таажжуб! Қизик, шу кун, шу соат, шу дақиқада онгим арзимас бир сабаб билан нега қўққис ёришиб кетди экан? Ва шу дақиқадан яна хотирам, қай сабабга кўра, анча вақтгача бирдан ўчиб қолди экан?

Энг кичиклик пайларим менда маънос таассуротлар қолдирган. Балки ҳар кимнинг ҳам энг кичиклик чоғлари қайғули ўтар: ҳали ҳаёт нималигини англамаган митти жонга дунё жимжит ва омонат туюлади. Унинг хуркак ва бегуноҳ қалби ҳар нарсадан бегонасираб туради. Болалик – бахтга тўла олтин давр, дейишади. Бироқ, аслида, бу – бахтсизлик даври! Бола қалби салгинага лат ейди, энг ачинарлиси – ана шу!

Балки менинг мурғаклик даврим айрим сабабларга кўра қайғулироқ ўтгандир? Эҳтимол, бу – менинг чекка бир қишлоқда ўсиб улғайганим билан боғлиқдир. Даштқи эсга солувчи далалар, уларнинг ўртасида ёлғиз сўспайган кўрғон. Қишда бу поёнсиз далаларни қалин қор, ёзда эса ғалла, ўт-ўлан ва гул-чечаклар қоплайди. Далалар, қачон қараманг, жимжит бўлади, бу жимжитлик жуда сирли туюлади. Наҳотки, бу жимликни бир-рорта суғур ёки тўрғай овози ҳам бузмаса? Йўқ, улар бирор имдод сўраб ёлвормайди ҳам, бирор мўъжизадан хайратга тушмайди ҳам, биз – инсонлардан фарқли ўлароқ, улар дунёнинг сирли қалбини ҳис этмайди, маконнинг даъватию вақтнинг чопқиллашини сезмайди. Ваҳоланки, менинг қалбимга бу туйғулар ўша пайтдаёқ таниш эди. Осмоннинг тубсизлиги, далаларнинг бепоёнлиги улардан-да нарида бошқа қандайдир бир олам

борлигига ишора қилаётгандек бўларди. Бу қалбимда ўта ноёб бир нималар ҳақида орзу ва соғинч туйғусини уйғотар, ўзимга ҳам нотаниш ким ёки нимагадир муҳам севги ва назокат ҳиссини жўш урдирар эди...

Ўша вақтда нега далаларда одамлар кўринмасди? Бизнинг кўрғонимиз Каменка кишлоғи деб аталарди. Асосий мулкимиз эса Дон дарёсининг нариёғида эди. Отам ўша ёққа тез-тез отланар ва узок вақт қолиб кетарди. Қишлоқдаги хўжалигимиз қатта эмас, ҳовлимизда бир неча хизматкор бор эди, холос. Одамлар оз бўлса ҳам, барибир, ҳаёт қайнар эди. Кўрғонда итлар, отлар, қўйлар, сигирлар, аравақаш, оксоқол, ошпазлар, подачилар, энагалар, отам ва онам, гимназист акаларим, беланчакда ётган синглим Оля бор эди...

Ҳайронман, нима сабабдан хотирамда фақат ёлғизлик пайтларим сақланиб қолган? Мана, ёзнинг яна бир куни тугаб, оқшом чўкмоқда. Куёш аллақачон уйимиз, боғимиз ортига ўтиб кетган, хайҳотдек бўм-бўш ҳовлимизни соя қоплаган. Мен бўлсам (дунёда ёлғиз, якка-ёлғиз) ҳовлимиздаги ям-яшил, салқин ўт-ўланлар устида ётибман. Худди кимнингдир чиройли ва кадрдон мовий кўзларига боққандек, тубсиз осмонга, руҳим маконига тикиламан. Юксак-юксакда оппоқ булут сузиб бораркан, секин-аста юмалоқланиб, шакл-шамойилини ўзгартиради... Одамнинг юрагини нақадар эзадиган гўзаллик! Қани шу булутга ўтириб олсанг-да, шу ваҳмкор баландликда, бепоён осмонда Яратган Эгам ва оқ қанотли фаришталар сари сузиб бораверсанг!

Мана, энди кўрғонимиз орқасида, далада турибман. Яна худди ўша кунгидек оқшом. Фақат ҳали куёш уфқда нур сочиб турибди. Ҳамон дунёда ёлғиз қолгандек ҳис этаман ўзимни. Қаёққа назар солмай, ҳаммаёқ жавдари сули бошоқлари билан қопланган. Эгик бошоқлар остида эса беданаларнинг сирли ҳаёти қайнайди. Ҳозир беданалар сукут сақламоқда, умуман, оламни жимжитлик босган. Гоҳо бошоқлар орасида малларанг ғалла кўнғизи маъюс ғинғиллаб қўяди. Мен уни озодликка қўйиб юбораман-да, ҳайрат билан суқланиб қараб қоламан. Ўзи нима бу? Қандай жонивор бу сариқ кўнғиз? Қарда яшайди у? Қаёққа, қай мақсадда учиб кетаётган эди? У нимани ўйларкин, нимани ҳис қиларкин? Кўнғиз ўзини жиддий ва жаҳддор тутади: мана, бармоқларимда типирчилаб юрибди, қанот-қалқонларини шитирлятпти, аввал ўша қанот-қалқонлар остида сарғиш харир патчалар кўринади, сўнг қанот-қалқонлар иккига ажралиб, харир патчалар ёйилади ва кўнғиз ҳавога кўтарилади, эркин нафас олиб, бахузур ғинғиллайди-да, мени тарк этганча осмонга сингиб йўқолади. Шу асно у мени янги бир туйғу билан бойитиб кетади: қалбимда айрилиқ изтироби қолади...

Мана, яна уйдаман: яна ёзги оқшом, яна ўша ёлғизлик. Куёш жимжит боғ орқасига ўтиб кетган, бўм-бўш зал, бўм-бўш меҳмонхона – нимқоронғи. Ваҳоланки, куёш кун бўйи чарақлаб, уларни ёритган эди. Энди эса бурчақдаги паркет сиртида, қадимий стол оёқлари орасида бир тутамгина нур яллиғланиб турибди. Ох, Яратган Эгам, шу бир тутам нурнинг сокин ва маъюс гўзаллиги нақадар азобли! Яна ҳам кечроқ, боғ тунги сирли қора тусига кирган, мен қоп-қоронғи ётоқхонадаги қаравотчамда ётган пайтим менга деразадан жудаям баланддан бир қолдуз жимгина тикилгани-тикилган эди. Унинг менда қандай юмуши бўлиши мумкин? У шу тахлит сукут сақлаганча, нималар дерди, қайларга чорларди, неларни эслатарди?

III

Болалик мени аста-секин ҳаёт билан боғлай бошлади – бу ёғига хотирамдан баъзи одамларнинг юзлари, кишлоқ турмушининг айрим манзаралари, баъзи содир бўлган воқеалар лип-лип ўтади...

Ўша воқеалар орасида биринчи ўринда ҳаётимдаги илк саёҳатим турадики, бу барча сафарларим ичида энг узоғи ва ажойиби бўлган эди. Отам билан онам шаҳар деб аталган сирли дунёга мени ҳам бирга олиб кетишди. Ўшанда мен одамнинг орзуи ушалса, у қанчалик қувонишини ва айни чоғда агар орзуим ушалмай қолса-чи, дея нечоғли кўрқшини илк бор ҳис қилдим. Эрталабданок извошхонадан судраб чиқарилган тарантасга термулганча, куёш тиги остида узоқ азоб чекиб кутганим ҳозиргача яхши эсимда. Қачон извошга отларни кўшишар экан, сафарга тайёргарлик қачон тугар экан? Сўнгра жуда узоқ йўл босганимиз ҳам яхши ёдимда, биз босиб ўтган далалар, жарликлар, кишлоқлар, чорраҳаларнинг чеки йўқдек эди. Йўлда ғалати бир воқеа рўй берди: бир жарликда – куёш боғлиб бўлган, жой ҳам овлоқ эди – нариги қияликдан бир “қароқчи” камарига болта тикиб олганча эман буталарини оралаб тушиб кела бошлади. Бу мен ўша пайтгача ва умримнинг охиригача кўрган дехқонлар ичида энг сирлиси ва кўрқинчлиси эди. Шаҳарга қандай кириб келганимизни эслай олмайман. Аммо шаҳар тонгхотирамда аниқ сақланиб қолган! Мен баланд бир бинодан пастга худди жарликка бокқандек қараб турар эдим. Куёш нури, ойна ва пештоқлар кўзларимни қамаштирар, осмондан эса оламга аллақандай ажиб куй ёғилар эди. Бу жаранг ва гулдурос Фаришта Макоил жомеси кўнғирқонасидан таралар эдики, ундаги виқор ва хашам Римдаги Пётр ибодатхонасининг ҳам тушига кирган эмас. Фаришта Макоил жомеси шу қадар маҳобатли эдики, шу сабаб кейинроқ Хеопс пирамидасини кўрганимда ҳам ҳеч қандай хайратга тушмадим.

Шаҳарда мени ҳамма нарсдан ҳам этик мойи кўпроқ лол қолдирди. Шаҳар бозорида этик мойи солинган қутичани қўлимга тутқазишганда, у менда умрим бўйи учратган ҳамма нарсдан ҳам ортик қувонч ва завқ уйғотган эди. Бу доирасимон қутича оддийгина дарахт пўстлогидан ясалган, бироқ шунга қарамай, у катта санъаткорлик билан қутичага айлан-тирилган эди! Этик мойининг ўзи-чи, у қоп-қора ва юмшоқ бўлиб, сирти хира ялтираб турар, ундан спирт хиди анқирди! Шундан кейин яна иккита зўр хурсандчилик юз берди: менга қўнжида қизил сахтиён жияги бор этикча олиб беришди. Этикчам ҳақида аравақаш бир умр эсимдан чикмайдиган сўзни айтди: “Қулинг ўргулсин этикча экан-да, ўзиям!” Яна дастасида хуштаги бор қайиш ўрма камчи ҳам олиб беришди! Қизил сахтиён жиякли этикчани ҳам, қайишдан ясалган ўрма камчини ҳам қанчалик хузур ва ҳаяжон билан силаб-сийпалаганимни кўрсангиз эди! Кўрғонга қайтгач, қаравотчамда ётволиб, оёқ томонимда янги этигим турган, ёстигим остига эса ўрма камчи беркитиб қўйилганидан ўзимни дунёдаги энг бахтли одам санар эдим. Ўша таниш юлдуз эса деразадан менга термулганча гўё бундай дер эди: мана энди ҳамма нарсанг бор, бундан ортиғи бўлмайди, ортиғига ҳожат ҳам йўқ!

Менга илк бор ҳаёт қувончлари эшигини очган бу саёҳат яна бир таассурот қолдирди. Бу таассуротга сабаб бўлган воқеа шаҳардан қайтишда

юз берди. Биз шаҳардан кечга яқин йўлга чикдик. Узун ва кенг кўчадан ўтдик. У биз кўнган меҳмонхона ва Фаришта Макоил черкови жойлашган кўчага караганда анча хароб эди. Биз катта бир майдондан ўтгач, кўз олдимизда яна таниш дунё – далалару кишлокча сиполик ва эркинлик юз кўрсатди. Йўлимиз ғарбга, яъни куёш ботаётган томонга тушар эди. Мен тўсатдан бир одамни кўриб қолдим. У ҳам куёшга ва далаларга термулиб боқди: шаҳардан чиқаверишда баҳайбат ва жирканч бир бино қаққайиб турарди. Бу бино мен шу пайтгача кўрган ҳеч бир уйга ўхшамас эди – деразалари жуда кўп бўлиб, ҳар бирига темир панжара қўйилганди. Бино атрофи баланд тош девор билан ўралган эди. Баҳайбат дарвозаси эса ёпиқ турарди. Панжарали бир дераза ортида кулранг мовутдан қўйлак ва қалпоқ кийиб олган киши кўринди. Унинг шишинқираган захил юзида мубҳам ва мудхиш ифода акс этарди. Шундай юзли одамни биринчи марта кўришим: унинг юзида соғинч, изтироб ва мутелик ифодаси шиддатли, аммо маънос бир орзумандлик билан қўшилиб кетган эди. Ота-онам ўша бинонинг қандайлигию панжара ортидаги одамнинг кимлигини менга айтиб беришди. Бундай кишилар маҳбуслар, сургун қилинганлар, ўғрилар, қотиллар деб аталувчи тоифага кирар экан. Бироқ биз қисқа умримиз давомида оладиган бундай билимлар менга худди арзимасдек туюлади: ҳайриятки, булардан ташқари бизга туғма ато этиладиган бошқа жуда бой билимлар ҳам бор. Ўша панжара, ўша маҳбус қалбимда уйғотган таассуротлар олдида ота-онам менга айтиб берган гаплар ҳеч нима эмас эди. Мен туғма билимларим ёрдамида ўша кимсанинг қабиҳ қалбини ўзимча ҳис қилдим. Эман буталари чакалакзор бўлиб ўсган жарда камарига болта кистириб юрган дехқон ҳам кўрқинчли эди. Лекин у ростакам “қароқчи” эдики, бунга сира шубҳа қилмайман. Бирдан рўпарангдан “қароқчи” чиқиб қолиши жуда кўрқинчли, айни чоғда, худди эртақдагидек, жуда ғаройиб эди. Бу маҳбус, бу панжара эса...

IV

Ҳаётимнинг илк йилларига оид кейинги хотираларим бирмунча озроқ бўлиб, ўзининг оддий ва аниқлиги билан ажралиб туради. Гарчи улар ҳам аввалгидек сийрак, тасодифий ва узук-юлук бўлса ҳам: яна такрор айтаман, биз фақат ёдимизда қолганини биламиз, холос. Ваҳоланки, кечаги кунимизни ҳам зўрға эслаймиз!

Менинг бола қалбим энди-энди бу дунёга ўрганияпти, ундан ўзи учун хузур-ҳаловатлар излаб топаяпти, табиат гўзалликларини ҳис қиляпти, одамларни бир-биридан фарқлаб, ҳар кайсисига озми-кўпми онгли муносабат билдирмоқда.

Менинг дунёим ҳали ҳам ўз кўрғонимиз, уйимиз ва энг яқин кишиларим билан чегараланган эди. Мана, отамни яқиндан таний бошладим, ўз томирларимда унинг қони оқаётганини ҳис этдим. Отам қучли, тетик, беғам, жиззаки одамлигини тушундим. Айни чоғда унинг жаҳдан тез тушадиган, мурувватли, кекчи одамларни жини суймайдиган кишилигини ҳам англадим. Мен отам ҳақида кўпроқ нарса билишга интилардим. Натижада мана шуларни аниқлаб олдим: у ҳеч қачон ҳеч бир иш қилмас эди – ўз қулларини бекорчилик билан шундай хушнуд ўтказар эдики, ўша кезлар фақат қишлоқ дворянларигина эмас, балки ҳар бир рус кишиси

шунака ҳаёт кечирар эди. Отам ҳар доим тушки овқат олдидан жонланиб қолар ва дастурхон устида қувноқ кайфиятда ўтирарди. Тушки овқатдан кейин пича мизғиб олгач, очиқ дераза олдида креслога чўкканча, бурунни зиркиратувчи ажойиб таъмли – кислота ва сода қўшилган – сув ичишни хуш кўрарди. Отам мени сездирмай тутиб олар, тиззасига ўтказар, бағрига босар ва ўпиб-ўпиб кўяр эди. Сўнгра мени тезда қўйиб юборарди, чунки дарров бошқа машғулотга чалғирди... Мен унга нисбатан талпинишгина эмас, балки қувонч аралаш меҳр ҳам туярдим. У мурғак қалбимга ёқа бошлаган, бола таъбимга ўтира бошлаган эди. Бунга отам паҳлавонлардек ташки қиёфаси, феъл-атворининг дангаллиги, яна ҳам кўпроқ бир вақтлар Севастополь урушида қатнашгани, ҳозир эса ажойиб овчи ва мерганлиги, ҳавога отилган тангани беҳато уриб тушириши билан сазовор бўлган эди. Унинг гитарани юрак-юракдан, кифтини келтириб чалиши, боболаримизнинг дориламон замонларидан қолган эски қўшиқларни қойиллатиб айтиши ҳам мени мафтун қиларди...

Ниҳоят, мен энагамиз борлигини ҳам пайқадим ва бу басавлат, кўҳлик, ўктам аёлга нисбатан яқинлик ҳис қила бошладим. У ҳар доим ўзини бизга чўри деб ҳисобласа-да, лекин аслида онамиз аъзоси бўлиб қолган эди. Энагамиз онам билан тез-тез жанжаллашиб қолар, аммо бу уларнинг бири-бирига кучли муҳаббат қўйганидан эди, холос. Жанжалдан сўнг улар кўп ўтмай, бирга дийдиё қилиб олишар ва яна аввалгидек апок-чапоқ бўлиб кетишарди. Акаларимнинг ёши меникидан анча катта эди. Улар ўша вақтлардаёқ ўз-ўзича ҳаёт кечирар ва таътил кунларидагина уйимизга келишарди. Акаларимдан ташқари яна иккита синглим борлигини ангаддим. Сингилларимнинг табиати икки хил бўлса-да, аммо менинг уларга муносабатим бир хил эди. Мен ҳадеб қикирлайверадиған мовий кўзли Надяни жуда ёқтириб қолдим. Бу синглим узукун беланчакда ётгани-ётгани эди. Мен ўзим ҳам билиб-билмай, барча ўйин ва шўхликларим, шодлик ва кайғуларимни, баъзан эса энг пинҳон орзу-умидларимни ҳам қора кўзли Оля билан ўртоқлаша бошладим. Қайноқ қалбли Оля худди отамдек бирпасда ловуллаб кетар, бироқ жуда меҳрибон, зийрак, таъсирчан киз эди. У тез орадаёқ менинг кадрдон ўртоғимга айланди-қолди. Онам ҳақида гапирардиған бўлсам, албатта, мен уни ҳаммадан бурун таниган эдим. У мен учун бошқалардан кўра энг яқин хилкат эди. Мен ўзим ва онамни бир тану бир жон деб билардим. Ўзимни қачон таниган бўлсам, онамни ҳам ўшанда таниганман...

Ҳаётимдаги энг изтиробли муҳаббат онам билан боғлиқ. Биз кимга муҳаббат қўйсақ, у албатта кайғумизга айланади. Севган одамингни йўқотиб қўйиш хавфининг ўзиёқ нақадар даҳшатли! Мен эса норасидалик чоғимда онамга қўйган муҳаббатим азобини хали ҳам тотиб яшайман. Мени бу дунёга келтирган ўша аёл қалбимни лимма-лим изтиробга тўлдиради. Бунинг сабаби шуки, унинг кўнгли бир пайтнинг ўзида ҳам муҳаббатга, ҳам кайғуга лиммо-лим эди: мен болалигимда унинг кўзларидан қанча-қанча ёш, лабидан эса қанча-қанча оҳ тўкилганини кўрдим!

Онам ҳозир олис ватанимизда, барчанинг ёдидан кўтарилганча, ёлғиз ўзи абадим уйқуда ётибди. Илоё, табаррук қабрига харгиз Яратганнинг раҳмати ёғилиб турсин! Овоқ бир рус шаҳарчасидаги қабристон, кимникилиги ҳам эсдан чиқиб кетган қабр ичидаги кўзсиз бош чаноғи, қул-

ранг тусдаги устихонлар, нахотки, мени қўллариди аллаган ўша онам бўлса?! “Менинг йўлларим сизнинг йўлларингиздан юксак, менинг фикрларим сизнинг фикрларингиздан юксакдир”.

V

Кичкинтойлик давримдаги ёлғизликларим ўтди-кетди. Эсимда бор: куз кечаларининг бирида қўккис уйғониб кетдим-да, хонада сирли бир ойдинликни кўрдим. Пардасиз каттакон деразадан рангпар ва хафахол ой боқарди. Ой яланг ҳовлимиз устида, жуда баландда кўринар эди. Қайгуга ботгани ва ёлғизликдан эзилганидан ғариб жозиба касб этган ойга боқиб, менинг юрагим ҳам тотли ва маъюс ҳислардан сиқилиб кетди. Наздимда, кузги рангпар ой ҳам худди шундай туйғуларни бошидан кечирмоқда эди. Бу дунёда ёлғиз эмаслигим, отамнинг кабинетиди ухлаётганим эсимга тушди-да, хиқиллаганча “Ота!” деб бақирдим, у уйғониб кетди... Хуллас, хаётимга бора-бора одамлар кириб келдилар-у, унинг ажралмас қисмига айландилар.

Мен оламда ёздан ташқари яна уйдан аҳён-аҳёнда чиқиладиган куз, киш, баҳор фасллари ҳам борлигини пайқадим. Бироқ аввалига уларни эсимда яхши саклаб қололмадим – бола кўнглимда ҳаммадан кўра кўпроқ қуёшли, иссиқ кунлар из қолдирган эди-да. Юқориди тилга олганим куз кечасидан бошқа хотирамда икки-учта қоронғи манзара сақланиб қолган, холос. Улар одатдагидан бошқача, ғайритабиий бўлгани учун ёдимга ўрнашиб қолган бўлса эҳтимол. Бир киш кечаси ҳам ваҳимали, ҳам жозибатор қор бўрони турди. У шунинг учун ҳам ваҳимали эдики, айтишлари-рича, “қирқ азиз-авлиё” кунларида ҳар йили ҳаво шундай кутурар эмиш. Жозибаторлиги эса шунда эдики, у ҳовлида тўс-тўполон қилган пайт иссиққина уйда мазза қилиб ўтирар эдик. Сўнгра тонг отди-ю, ғаройиб воқеа юз берди: биз уйқудан туриб қарасак, уйни ғира-ширалик қоплабди. Ҳовлини уйдан ҳам баланд, оппоқ, баҳайбат бир нарса босибди. Демак, кечаси билан катта қор ёққан. Хизматкорлар кун бўйи қорни кураб, уйимизни ҳам, бизни ҳам “тутқунлик”дан чиқариб олишди. Ниҳоят апрелнинг бадқовок бир куниди эгнига яланг камзул кийган киши ҳовлимизда пайдо бўлди. Совуқ шамол забтида камзулнинг бари хилпираб ва кийшайиб турар эди. Бу бечора, қийшиқоёқ киши совуқ шамолдан қочиб, ҳовлимизга кирган, чап қўли билан бош кийимини, ўнг қўли билан эса камзулининг ёқасини бемажол ушлаб турар эди...

Умуман олганда, яна қайтариб айтаман, мурғаклик пайтимга доир таассуротларим нуқул ёз кунларига тўғри келади. Ўша кунлар қувончини аввалига мен фақат Оля билан баҳам кўриб юрдим. Кейинроқ эса Виселок кишлоғи болалари билан ўртоқ бўлиб кетдим. Бир нечагина ҳовлиси бўлган бу кишлоқ Провалнинг нарёғиди, биздан бир чақирим нариди эди.

Булар худди этик мойи ёки қайиш камчи олиб беришгани каби майда-чуйда қувончлар эди. (Аслида, ҳар қандай инсоний шодлик ҳам мактанишга арзимайди, чунки ботинимизда яна бир менимиз борки, у қалбимизга доим ўз-ўзимиздан ачиниш қутқусини солиб туради.) Мен дунёга келиб, вояга етган кўрғон атрофида кўришга арзигулик ҳеч нарса йўқ эди ҳисоб. На тоғ, на дарё, на қўл ва на ўрмон бор эди. Кўрганим фақат жарликдаги буталар, у ер-бу ерда ўсган сийрак ўрмону чангалзорлар

бўлди. Заказми-ей, Дубровками-ей деб аталувчи кишлоқларни айтмаса, факат далаларни – бепоён ғаллазорларни кўрдим, холос. Бу ерлар жануб, чўллар эмаски, уларда минглаб кўй-кўзиси бор подалар ўтлаб юрса. У ерларда бир кишлоқни оралаб соатлаб юрасиз – оқ оҳак билан бўялган уйлар, ёғ томса ялагудек покиза кўчалар, тўқ-фаровон яшаётган одамларни кўриб, оғзингиз очилиб қолади. Бу ерлар эса чўлолди жойлар: нукул пастбаланд далалар, чуқур жарлару қиялама адирликлар, кўпроқ тошлоқ яйловлардан иборат. Шу кишлоқлар ва уларнинг чиптаковуш дехқонларини Худо бир замонлар яратган-у, кейин ўша заҳоти эсидан чиқарганми, деган хаёлга борасиз. Бу ернинг мужиклари шунақаям камсуқум, бўш-баёвки, худди шох-шабба ва сомондан тикланган омонат кулбаларининг ўзи, дейсиз! Мана секин-аста бўйим чўзиляпти, бу овлоқ, лекин кадрли гўшада дунё ва ҳаётни ўзимча кашф этяпман. Мен узун ёз кунларида шунақа манзарани кузатаман: жазирама туш пайти, осмонда оқ булутлар сузати, гоҳ илиқ шабада эсади, гоҳ қайноқ гармсел ёприлади, у ўзи билан офтоб тафти ҳамда ғалла ва гиёҳлар хидини олиб келади. Эски ғалла омборларимиз ортида – бу омборлар шу қадар эскириб кетганки, қалин сомон томлари кулранг тусга кириб, тошдек зичлашиб кетган, ёғочдан тикланган деворлари эса кўкимтир ҳолга келган – далаларда саратон нақ ёндираман дейди, қуёш чарақлаб саховатини кўз-кўз қилади. Адир ёнбағри бўйлаб, худди хира тортган тилладек, бош-адоғини кўз илғамас жавдар “денгиз”и тўлқинланиб ётади. Бу тўлқинлар сирти ярақлайди, жилва қилади, куюк ва асовлигидан ўз-ўзича шодланади. Жавдар “денгиз”и тўлқинлари узра булутлар сояси сирғалади.

Кейинчалик билиб олдим: қалин барра ўтлар билан копланган ховлимиз ўртасида эскидан қолган тоштоғора бор экан. Бошмоғимизни ечиб, ялангоёқ бўлиб олганча (оёқларимиз шу қадар оппоқ эдики, уларга қараб кўзимиз яшнара эди), барра ўтлар устида югуриб бориб, тоштоғора остига беркиниб олиш мумкин эди. Тоштоғора усти қуёш нурида қизиб ётса ҳам, пасти салқингина бўлар эди. Омборлар тагида мингдевона деган ўт ҳар ер-ҳар ерда ўсиб ётарди. Бир кун Оля билан ўша ўтдан шу қадар кўп еб қўйибмизки, иккаламизни ҳам янги соғилган сут билан аранг тузатишди: бошимиз бир ажойиб шанғиллар, осмонга пардек кўтарилиб, бош оққан томонга учиб кетгимиз келар, ҳатто бунинг иложи бордек туюларди. Омборлар остидан биз баъзи жойлари тилларанг, ўзи эса барқут қора тукли ариларнинг қанча-қанча уясини ҳам топдик. Бу уяларни биз ер остидан келаётган бўғиқ, дарғазаб ғўнғиллаган овоздан таниб олардик. Биз кўргонимиз ва дехқонларнинг кулбалари атрофидан одам еса бўладиган яна қанчадан-қанча ширин илдизлар, поя ва уруғларни топардик.

VI

Дехқонларнинг кулбалари орқасида ва молхона девори остида баҳайбат қарикизлар, бўйчан кичиткилар ўсарди: кичиткининг баданга тегса жизиллатадиган ҳам, жизиллатмайдиган ҳам турларидан бор эди. Хурпайиб ўсадиган, тиканли хўжағатлар, ширвоз деб аталадиган оч-кўкимтир тусли гиёҳлар, буларнинг барида бир-бирига ўхшамас шакл,

гул, хид ва таъм бор эди. Биз яқиндагина танишган чўпон бола жуда гаройиб ва қизик чиқиб қолди: унинг каноп кўйлаги ва калта иштони йиртик-ямок бўлиб, қўл-оёғи, юзи қуруқшаган, офтобда куйган ва шилиниб кетган эди. Лаблари ачишиб оғрир, чунки қачон қарама, нордон жавдар пўстлоғи ёки қарикиз, ширвоз деган гиёҳларни чайнаб юрарди. Айниқса, ширвоз боланинг лабларини яра қилиб юборарди. Унинг кўзлари бўлса худди ўғриникидек олазарақ боқарди: бола биз билан дўстлашишнинг оқибати ўзи учун яхши бўлмаслигини билиб турарди. Ахир, у бизни, Худо сақласин, қандай ножўя ишларга бошлаши мумкин эди-да! Бироқ нақадар хузурбахш эди бу ғалати дўстлик! Боланинг бизларга пана-панада, узук-юлук қилиб, атрофга тез-тез олазарақ боқиб, ҳар хил воқеаларни ҳикоя қилиши нақадар марокли эди! Бундан ташқари, узун қамчисини қарсиллатиши ҳам ниҳоятда ажойиб эди. Биз ҳам қамчини қарсиллатмоқчи бўлганимизда, унинг учи қулоғимизга тегиб, ловуллашиб юборса, бола бундан қотиб-қотиб кулар эди...

Ерда ўсувчи егуликка энг бой жой деб молхона билан отхона орасидаги томорқамизни айтса бўлар эди. Чўпон болага тақлидан қолган-қутган қора қонларни ғамлаб олганча, учида уруғли кулранг попути бор яшил пиёз поясини чайнаш, қизил редиска, оқ турп, майда-майда тукли бодрингни ейиш бизга бекиёс лаззат бахш этар эди! Уларни тупроғи юмшоқ жўяқлар бўйлаб ҳар ёққа тарвақайлаган қурушқоқ палақлар орасидан қидириб топардик. Бизга бунинг нима кераги бор эди? Ахир, оч қолган эмасдик-ку! Биз ана шу тотли егуликлар орқали ер билан, олам билан ошно тутинаётган эдик. Эсимда бор: куёш ҳовлимиздаги ўт-ўланлар ва тоштогорани янаям қучлироқ қиздирар, нафас олиш борган сари оғирлашар, булутлар ҳам тобора тўдалашиб, зичлашар эди. Ниҳоят, булутлар тўқ қизил шуъла олди, қучли ва жарангдор гулдурос овоз янгради, сўнгра қаттиқ гумбурлаш ёйилди-ю, тобора қучайиб бораверди. Нақадаро улуғвор эди бу гумбурлашлар! Худонинг ва оламнинг шу қадар буюқлиги, кодири қудратлигини ҳис этиб лол турардим. Ундан кейин қоронғи тушди, чакмоқ чакди, бўрон турди, қучли жала ва чирс-чирс дўл ёғди. Ҳамма у ёқдан-бу ёққа чопар, эс-хушини йўқотиб қўйган эди. Гўё оламга бало ёприлгандек эди. Уйимизда деразаларни ёпиб, пардаларни тушириб қўйишди, қора хочлар олдига шамларни ёқишиб, чўқиниб олишди-да, мана бу дуони пичирлашди: “Яратган эгам Саваоф, Ўзинг гуноҳларни мағфират этгувчисан!” Бўрон ва жала тингандан кейин бир-бир фарохбахш дамлар бошландики, асти қўяверасиз. Ёмғирга тўйинган далаларнинг намчил тоза ҳавосидан кўкракни тўлдириб нафас олиш жуда ёқимли эди. Уйимизда яна деразалар очилди. Отам кабинетидан шарқ томонда, томорқамиз тарафда ҳали ҳам қора девордек куёшни тўсиб турган булутларга термулар экан, мени каттарок турп узиб келиш учун ўша ёққа юборди! Умрим бўйи ўшанда намчил супурги ўтларни босиб, полизга чопиб борганим ва битта турпни суғуриб, унинг думини лой-пойи билан тишлаб узганимдек ажойиб дамлар кам бўлган...

Бора-бора дадиллигимиз ортди, молхонамиз, отхонамиз, извошхонамиз, Провал ва Виселки деган жой ва кишлокларгача кадамимиз етди. Кўз ўнгимизда дунё тобора кенгаяр, лекин бизни ҳалиям одамлар ва уларнинг ҳаётидан кўра ўсимлик ва ҳайвонлар олами ўзига кўпроқ тортар эди. Ҳамон киши йўламас овлоқ жойлар бизнинг сеvimли паккамиз

хисобланарди. Биз севган пайт эса тушликдан кейинги соатлар эди. Шу пайтда ҳамма мизгиб олгани ётоғига кириб кетарди. Боғ ҳалиям ям-яшил, кувончга лиммо-лим бўлса-да, аммо энди бизга унча қизиқ эмас эди. Фақат ундаги чакалакзор ва қуш уяларигина ҳамон марокли туюларди. (Айниқса, хивичлардан тўкилиб, ичига юмшок ва иссик пат солинган уяларда жажжи, ёкимтой полапонлар қора кўзчаларини жовдиратиб қараб турган бўлса!) У ердаги резаворлар биз тушликдан кейин сут ва шакар билан ейдиган мевалардан ширинроқ туюларди. Ҳамон эсимда ўша молхона, отхона, извошхона, омборхона...

VII

Ҳар ернинг ўз гўзаллиги бор! Кун бўйи бўм-бўш турувчи молхона дарвозаси эринибгина ёқимсиз ғижирлар эди. Биз бор кучимиз билан итариб, дарвозани очган ҳамона гўнгнинг ўткир ачимсиқ хиди димокка урилар, бу хид бизга жудаям ёқарди.

Отхонада эса қачон қараманг, тўрт оёқда тик туриб, пичан ва сули чайнайидиган кадрон жониворлар яшарди. Отлар қачон ётаркин, қандай ухларкин, деб ўйлаб қолардик. Аравакашнинг айтишича, отлар ҳам баъзида ётар ва ухлар экан. Фақат буни тасаввур этиш қийин эди. Отлар, менинчача, кўпол ва бесўнақай ётишса керак. Бундан ташқари, тун алламаҳал бўлганда ётишса керак. Одатда, отлар тўрт оёқда тик турганча, оғзидан оқ кўпик тошиб, сули кавшар, юмшок лаблари билан пичан титкилаб, курт-курт чайнади. Отларнинг бари бир-биридан чиройли, бакувват бўлиб, сағрилари ялтираб турар, уларни силаш айни роҳат эди. Ерга тегай деб турган думлари ва киз сочидек узун ёллари дағал эди. Отлар баъзан нафармон кўзларини бакрайтирганча шундай ғалати қараб кўярдики, аравакаш бизга айтиб берган даҳшатли воқеа дарров эсимизга тушарди. Эмишки, отлар ҳар йили бир кунда бетоқатлини колармиш. Бу кунни Флор ва Лавр кунни дейишар эмиш. Ўша кун от ўзини қулдек сақлагани учун эгасини ўлдирмокчи бўлармиш. Шу асно у ҳар кун аравага кўшилгани, ҳадеб одамларни ташигани, камчи остида чопгани учун қасос олмакчи бўлар эмиш. Бу ерда ҳам ҳар ёқдан ўткир гўнг хиди анқир, бироқ бу ис молхона хидидан фарқ қилар эди. От гўнгининг хидига отларнинг ўзидан, эгар-жабдуклардан, чириган пичан ва яна фақат отхона учун хос бошқа нарсалардан таралган ислар кўшилиб кетар эди.

Извошхонада пойгачи арава, тарантас ва бобомдан қолган эски шалдирок арава турар эди. Уларнинг бари бизда узоқ-узоқларга саёҳат қилиш орзусини туғдирар эди. Тарантаснинг орқасида жуда аломат ва сирли йўл қутиси бўларди. Шалдирок арава эса ўзининг эскича бесўнақайлиги ва бобомни кўргани билан ўзига жалб ётарди. Бу арава ҳозиргиларнинг биронтасига ҳам ўхшамас эди. Извошхонада қалдирғочлар худди қора ўқлардек у ёқдан-бу ёққа учиб юрарди. Гоҳида улар извошхонадан мовий осмонга кўтарилса, баъзида яна извошхонага қайтиб кирарди. Қалдирғочлар извошхона шифтига оҳадан ин қуриб ташлаган эди. Бу қабарик инлар пишиқлиги ва чиройлилиги билан кўзни қувонтирарди. Ҳозир миямда бир савол тез-тез чарх уради: “Агар ўлиб кетсам, кейин ҳеч қачон осмонни ҳам, дарахтларни ҳам, қушларни ҳам, яна ўзимга таниш ва кадрон бўлиб қолган кўпдан-кўп бошқа нарсаларни ҳам кўрмайман”. Қалдирғочлар билан видолашиш

менга, айниқса, кийин бўлса керак: ахир, нақадар дилкаш, ёқимли ва покиза гўзаллик, нақадар мафтункор нафосат бор бу жониворларда! Бу “шайтончалар” чакмоқдек тез учишлари, оқ-пуштиранг тўшлари, қора-қўкимтирранг бошчалари, бир-бирига чалишган энсиз, узун қанотлари ва ниҳоят кувноқ чуғур-чуғурлари билан бизни мафтун этган эди. Извош-хона дарвозаси ҳар доим очиқ турар, қачон хоҳласак, чопкиллаб кирар эдик. Бу ерда соатлаб ўтириб, калдирғочлар чуғур-чуғурини тинглардик. Хохланг, калдирғочлардан бирортасини тутиб олиш ҳақида орзуга берилинг. Хохланг, аравага ёки тарангасга ўтириб олиб, узоқ-узоқларга йўл солиш ҳақида хаёл сурилинг... Нима сабабдан инсонни болалигидан бошлаб узоқ-узоқлар, кенгликлар, жарликлар, тепаликлар ўзига тортади? Нима учун ҳадеб одамни унинг ҳаётини хавф-хатарга соладиган, ҳатто азиз жонидан маҳрум этадиган сирли, хавфли нарсалар ўзига чорлайверади? Нима, Худо ато этган шу ер, шу ҳаёт бизга камлик қиладими? Чамаси, Худо одамзодни яратаётганда, унинг руҳига кўп орзулар солган. Болалиқда ўқиган ёки эшитган эртақларимни эслаб, уларда мени сир-синоат ва ғаройиботлар ўзига энг кўп мафтун этганини ҳис қиламан. “Аллақайси салтанатда, аллақандай давлатда, бу ердан жуда-жуда олисда... Тоғлару водийлар, кўм-кўк денгизлар ортида ... Подшо қиз донишманд Василиса...”

Сомон томли омборхонамиз баландлиги, бўм-бўшлиги, кенг-мўллиги, нимқоронғилиги билан ҳам марокли, ҳам кўркинчли эди. Агар дарвозанинг тагидан эмакляб, бостирма ичига кириб олсангиз, унинг ичида шамол ғувуллаб юргани қулоғингизга чалинади. Бостирманинг бир бурчагида эски муқаддас тахтача чанг босганча осилиб турарди. Одамларнинг айтишича, кечалари унинг ёнига шайтон учиб келар эмиш. Аслида, шайтон ўзини даъф этувчи тахтачадан қочиши керак-ку! Шунданми шайтон билан тахтача ўртасидаги ғалати алоқа кўркинчли фикрлар туғдирарди. Провал эса янаям нарида, омборхона, хирмон, ғалла қуритиладиган хароб сарой, тариқ экиладиган хув далалардан ҳам узоқда эди. У ерда кичкина-ю, лекин чуқургина жарлик бўлиб, ёни тикка кесилган, туби эса обдон ўпирилган эди. Жарлик тубида супурги ўтлар одам бўйи бўлиб ўсиб ётарди. Бу ер мен учун дунёнинг энг чеккаси бўлиб туюларди. Қанчалар ҳузур-ҳаловатли жой! Қани, бир умр шу жарликда ўтириб, кимнидир севсанг, кимнидир алқасанг. Жар ёнбағрида исми жисмига монанд чиройли бир гул қалин ва баланд бўлиб ўсиб ётарди. Жигарранг ёпишқоқ пояли бу тўкқизил гул Биби Марьям чечаги деб аталар эди! Супурги ўтлар орасида сули ўзининг маъюс, дилбар кўшиғини хиргойи қиларди! Ту-ту-ту-ту-у...

VIII

Менинг болалиқ ҳаётим тобора ранг-баранглашиб борди. Аввало, мен кўрғондаги урф-одатларни яхшироқ тушуна бошладим. Тез-тез Виселки қишлоғига қараб чопадиган бўлдим. Рождество, Новоселки қишлоқларига-ку аллақачондан бери бориб турардим. Бир ўзим Багуринога бориб, бувимни ҳам кўриб келдим...

Куёш чикаётган пайт қушлар боғимизда сайрай бошлаши ҳамоно отам ҳаммадан бурун уйқудан турарди. У бошқалар ҳам ўзи билан бир вақтда уйғониши керак деб ҳисоблаганидан қаттиқ йўталар ва “Чой кел-

тиринг!” деб кичкирар эди. Куёш чарақлаб турганидан суюниб, биз ҳам уйқудан уйғонардик. Менинг ҳали бошқалар билан ишим йўқ, ишим бўлишини истамас ҳам эдим. Бетоқатлик билан олчазорга қанот чиқариб учсам дердим. Кушлар чўкиб кетган, куёш тафтида кўйган ширин олчаларни тезроқ узгим келарди. Тонгда молхона дарвозаси ҳар қачонгидан бошқачароқ ғижирлаб очилади-да, аввал мол-қўйларнинг мўраган ва мараган, қамчиларнинг эса чарсиллаган товушлари эшитилади, сўнгра бу жониворлар эрталабки боқувга ҳайдаб чиқилади. Отларни эса суғоргани даладаги ҳовузга ҳайдашади. Отларнинг кучли дупур-дупуридан ер титрагандек бўлади. Худди шу пайт дехконларнинг кулбаларидаги ва кўрғонимиз ошхонасидаги печларда кизғиш-сарик олов гуриллаб, ошпазлар нонуштага уннаб кетади. Уларни томоша қилиш ва ҳидини искаш учун итлар дераза ва остоналарга тирмашади. Итларни ҳайдаб солишса, вовиллаганча қочиб қолишади... Чойдан кейин отам, баъзан мен билан, аравада далага чиқади. Қандай фасллигига қараб, гоҳо далада омоч билан ер ҳайдалади. Қишлоқ эркаклари ер ҳайдаб борар экан, майин тупроқ узра чайқалиб, суриниб одим ташлашади. Улар қаттиқ кучаниб омоч тортаётган от ва оғир ғичирлаб ер ағдараётган омочга қадамини мослаб аста-секин олға силжишади. Ё бўлмаса оёкяланг, бошяланг бўлиб олиб, гоҳ сули ўришади, гоҳ картошка теришади. Турфа феъллилиги, шўх-шаддодлиги, кулгисию кўшиқлари билан кўзни қувонтирувчи қишлоқ киз-жувонлари ҳам далани тўлдириб юради. Улар саратонда чалғи билан сули ўришади, ҳар гал сули дастаси ерга ётганда, чалғи чирт этган овоз чиқаради. Қиз-жувонлар ўрим пайти неча бор чўккалашади, неча бор букилишади. Ўроқчи эркаклар елкалари тердан қорайган, ёқа тутмаларини ечиб олган, пешонасини тасма билан танғиган ҳолда ишлашади. Уларубуи ортидан эса киз-жувонлар ҳаскаш билан ишга тушиб кетади, эгилиб-букилиб жавдар дасталарини тўплайди ва тиззалари остига олиб, маҳкам қилиб боғлайди... Иш пайти сўз билан таърифлаб бўлмас ажойиб бир овоз таралади! Бу – чалғининг тиғига қайроқтошнинг ишқаланишидан чиққан овоз бўлиб, ўроқчининг кум зарралари ёпишган, обдон терга ботган кураги ана шу овозга мутаносиб силкинади. Ўроқчиларлар ичидан доим бирон одам чиқади-ю, ўз ҳикояси билан ҳаммининг оғзини очиб кўяди: гоҳ бедана уясини топтаб кетишига бир баҳя қолгани, гоҳ бир беданани тутай деганда қочириб юборгани, гоҳ эса илонни қоқ белидан илиб олгани ҳақида ҳикоя қилади. Қиз-жувонларга келсак, улар агар кеча ойдин бўлса, тунда ҳам жавдар боғлашга чикишади. Чунки кундузи жавдар пояси курук бўлади, дони тўкилиб кетади. Мен тундаги меҳнатнинг шоирона жозибасини қалбан ҳис қилганман...

Менинг ёдимда қолган ўшандай кунлар кўп эдими? Йўқ, жуда кам эди? Тонг чоғларини узук-юлук эслайман. Бу хотиралар турли фаслларга тааллуқли бўлиб, кўз олдимдан бирма-бир липиллаб ўтади. Чошгоҳлардан бири ҳам ёдимда қолган: ўша кун оғтоб беомон қиздирар, ошхонадан иштаҳани қитиқловчи хидлар таралар, даладан қайтганлар овқат тортилишини роҳатланиб кутар эди. Отам ҳам, йўрғасида мағрур кўр тўкиб, сал қийшайиброқ юрадиган, юзи куёшда қорайган, жингалак малла соқолли ишбоши ҳам, эрта тонгдан чалғида жавдар ўрган ва ҳовлига юк аравада қайтган ўроқчилар ҳам (юк аравага ўт-ўлан ва дала гуллари тўшалган

бўлиб, улар орасида чалғилар ялтираб кўринарди), ва ниҳоят ховузда обдон чўмилтирилгач сағрилари ойнадек ялтираб кетган, коп-қора ёл ва думларидан сув томчилаб турган отларни ҳайдаб келган отбоқарлар ҳам – бари-бари тушликка махтал эди... Мен бир галги тушликда Николай деган акамни ҳам кўрдим. У ҳам даладан ўт-ўлан ва гуллар тўшалган юк аравада қайтганди. Акамнинг ёнида Новоселки кишлоғилик Сашка деган қиз ҳам ўтирар эди. Мен иккови ҳақида хизматкорлардан ул-бул гапларни эшитган эдим. Ўша гаплар гарчи жуда ноаниқ бўлса ҳам, негадир кўнглимга каттиқ ўрнашган эди. Энди бўлса, икковини аравада бирга кўриб, уларнинг гўзаллиги, ёшлиги, бахтиёрлигини ҳаяжон билан англадим. Бу узунчоқ юзли новча, озғин, ёшгина киз кўксига кўзани босганча ўтирар, акамга орқасини ўгириб олган, яланг оёқларини аравадан осилтириб, узун киприкли кўзларини ерга қадаганча келарди. Бошига оқ картуз кўндириб, эгнига ёнека батист кўйлак кийган акам эса куёшда қорайган, ораста, навжувон йигит бўлиб, от жиловини қўлида тутганча, кизга кўзлари порлаб боқар ва шодлик, муҳаббатдан табассум қилганча бир нималар деб сўзлаб берарди.

IX

Рождество байрамида черковга ибодат қилгани борганимиз ҳам ёдимда.

Ўша кунни ҳамма байрамона ажойиб либосда эди: сариқ шойи кўйлак ва бурмали нимча кийиб олган извошчи уч от кўшилган тарантасни ҳайдаб борарди. Соқоллари янги қиртишланган ва шаҳарча, тўғрироғи, дворянча кизил кизакли картуз кийган отам ҳалиям нам қора сочларини чаккасидан қошига қараб тараган ҳолда ўриндикда ўтирар, ҳар жой-ҳар жойига бурмалар солинган чиройли харир кўйлак кийган онам унинг ёнидан жой олган, улар билан бирга юзига ёғупалар сурилган, шойи кўйлак кийган, калби ҳаяжондан энтиккан мен ҳам кетар эдим...

Далада эрталабдан ҳаво иссиқ, дим, ғаллазор оралаб борадиган йўл тор ва чанг эди. Извошчи ҳукмфармо овозда пўшт-пўштлаб, дехқонлар ва киз-жувонларни кувиб ўтмоқда. Бу эркаклар ва киз-жувонлар ҳам ясантусан қилиб олган, улар ҳам байрамга кетишаётир. Сертош тик қияликдан энишда шундай янги, бой таассуротлар туясизки, бундан юрагингиз беҳос ўйнаб кетади. Қишлоқдаги дехкон ховлилари кенг-мўл ва тўқ-фаровон бўлиб, хирмонлари четида қари эманлар шовуллаб турар, қатор асалари кутиларидан гўнғиллаган овоз эшитиларди. Бу ховлиларнинг эгалари очик юзли, аммо чарс феълли кишилар бўлар эди. Барчаси бир хилда бўйчан, басавлат кўринарди. Тепалик остида, мажнунтоллар соясида чуқур сой илондек тўлғониб оқади. Сой устида гўнғарғалар шовкин солиб учади. Сой тарафдан мажнунтоллар салқини ва зах хиди уфуради. Сувга тегиб турган тош кўприкдан нариги қирғоққа ўтсангиз, черков олдидаги ўтлоқда олақурок одамлар тўдасига дуч келасиз. Қиз-жувонлар, бели букчайиб қолган, тўридан тўри яқин қари-қартанглар аралаш-қуралаш бўлиб туради. Черков ичи эса ҳеч ёққа сиғмаётган одамлардан, беҳисоб ёниб турган шамлардан, гумбаздан ёғилаётган куёш нуридан исиб кетган ва хидга тўлган эди. Бу ердаги одамлар ўз кўнглида ғурурланиб кўярди: биз энг олдинги сафларни тўлдириб турибмиз, дуоларни ҳам кироат билан, одоб сақлаб ўқияпмиз. Рухоний ибодатдан сўнг мис хиди анкиб турган

хочни ўпиш учун ҳаммадан аввал бизга тутади. Черков ичидагилар ана шуларни ҳаёл қилганча, ихлос билан саждага эгилади. Ибодатдан сўнг биз ёкимтойгина чол – кулранг сочли, жигарранг бўйинли (унинг бўйни шишанинг оғзидан қарс этиб отилиб чиқадиган тиқин-пўкакни эслатар эди) Данила бобонинг ҳовлисида дам олиб, иссиққина қора нон билан чой ичиб ўтираемиз. Олдимизга заранг косада лимо-лим асал ҳам қўйишади. Бир гал ўша чол коп-қора куруқшоқ бармоқлари билан оғзимга асал томиб турган лўнда мум катагини солиб қўйгани эсимда қолган ўшанда мен буни ўзимга ҳақорат деб қабул қилганман...

Мен оиламиз қашшоқлашиб бораётганини билардим. Отам Қрим уруши даврида катта бойлигидан ажралган, Тамбовда яшаган вақтида ҳам анча давлатини бой берган эди. У жуда беғам, бепарво одам бўлиб, ахён-ахёнда охирги жамғармамиз ҳам ҳализамон совурилиб битишидан гап очиб қоларди. Мен Дон дарёси ортидаги мулкимиз ҳам энди қўлдан кетиб бўлганини билардим. Лекин ўша кунларда ҳаётимиз, барибир, тўқчилик ва хотиржамликда ўтар эди. Мен кўрғонимиздаги қувноқ тушлик соатларини, ёғли ва тўйимли овқатларни, ҳовлини қоплаган ўт-ўланларни, нур ва сояга бурканган боғларни, хизматкорлар, овчи този итларни (улар очик эшиклардан уй ичига кириб оларди), ғужғон ўйнаган пашшалару енгил парвоз қилаётган капалакларни яхши эслайман. Тушликдан кейин бутун кўрғон анчагача ширин уйқуда ётишини ҳам ёддан чиқарганим йўқ. Акаларим билан кечки сайрга чиқишларимиз, мени ўзларига шерик қилиб олиб кетишлари, уларнинг ёшлик шавкига тўлиқ ҳаяжонли суҳбатлари ҳам шундоққина эсимда. Шундай сўлим ойдин кечалардан бири хотирамга муҳрланиб қолган. Ўша кеча жануб осмони ой шуъласида жудаям ёруғ, гўзал, сокин кўринарди. Ўша кеча ой атрофида сийрак юлдузлар ҳам латофатли милтирарди. Акамларнинг айтишича, улар бизга номаълум дунёлар эмиш. Ҳойнаҳой, жуда гўзал, жуда ажойиб бўлишса керак! Шундай кечаларда отам уйда эмас, ҳовлида, дераза остидаги аравада ухлар эди. Бу аравага аввал пичан тўшаб, кейин тўшак солишарди. Мен ўзимча, ойдинда мазза қилиб ухласа керак, деб отамга жуда ҳавас қилардим. Ой шуъласи отамнинг устига, дераза ойнасига тилладек сочилар эди. Менга худди шундай ҳовлида ётиш, тун бўйи ой шуъласи, қишлоқ кечаси, кадрон далалар, отамерос кўрғонни уйқу аралаш ҳис қилиш энг буюк бахт бўлиб туюлар эди...

Аммо бир воқеа бахтиёр давримга қуюк соя ташлаб ўтди. Бу муҳим ва муҳиш воқеа эди. Бир кунни окшомда подачи болалар ишчи отларни даладан ҳайдаганча кўрғон ҳовлисига ҳовлиқиб кириб келишди. Подачи болаларнинг айтишича, Сенька деган йигит отда чопиб кетаётган жарнинг тубига оти билан бирга қулаб тушибди. Жарнинг тубида ваҳима солиб чакалакзор ўсиб ётарди. У ер-бу ерида лойка чуқурлари ҳам бор. Хизматкорлар, акаларим, отам – барчаси ўша палакат жойга қараб югуришди. Сенка билан отни тезроқ қутқариш, жардан олиб чиқиш керак эди. Кўрғондагилар энди нима бўларкин, қутқара олишармикин деган ваҳимада жим бўлиб қолди. Қуёш ботиб, окшом чўқди, кеч кирди ҳамки, ҳеч бир дарак йўқ. Қутқарувчилар қайтганда кўрғонни янаям чуқур жимжитлик босди. Иккаласи ҳам: Сенька ҳам, от ҳам нобуд бўлибди...

Отам айтган кўрқинчли сўзлар ҳамон хотирамда: дарҳол миршаббошига хабар бериш керак, токи жасадларни қўриқлаш учун одам юборсин...

Мен илгари ҳеч ҳам эшитмаган бу сўзлар нега шу қадар кўркинчли туюлди? Демак, Худо бу сўзларнинг маъносини туғилганимдаёқ қалбимга жойлаб қўйган экан-да!

X

Ўлимни ҳар ким ўзича ҳис этади. Шундай одамлар борки, умр бўйи ўлимни ўйлаб яшайди. Ҳали гўдаклигиданоқ ўлим уларга ишоралар бериб туради. Бу кўпинча ҳаётга бўлган кучли иштиёқдан яралади. Ўз болалиги ҳақида ҳикоя қила туриб, Протопоп Аввакум бундай деган экан: “Бир гал қўшнимизнинг оғилхонасида мол ўлиб ётганига кўзим тушиб қолиб, ўша кеча санам қаршисида типпа-тик турганча, ўзим ҳам ўлим топишим муқаррарлигини эслаб, Худога истиғфор айтиб юм-юм йиғлаганман...” Камина ҳам худди ўшандай одамлар сирасидан...

Болалик пайтимда бадбин, ёвуз кучлар ва уларга ҳамтовок руҳлар ҳақидаги ҳикояларни кўркув ичида тинглардим. Одамлар гоҳ “марҳум” тоғаси, гоҳ “марҳум” бобоси ҳақида сўзлар, улар ҳозир нариги дунёда юрганини беғамгина қўшиб қўйишар, буларни тинглаганим сайин қандайдир нохуш ва мавҳум таассуротлар ичида қолар, қоронғи хоналардан, чордоқлардан, тун сукунатидан, шайтону ажиналардан ва яна арвоҳлардан, бошқача қилиб айтсак, кечалари қайта тирилиб, ҳар ерларда изғиб юрадиган ўша марҳумлардан кўркувга тушардим.

Менда Худога ишонч туйғуси қачон ва қандай пайдо бўлди? Худо ҳақидаги тушунча, Уни қалбан ҳис этиш қачон ва қандай юзага келди? Менинчга, буларнинг замирида ҳам ўлим ҳақидаги ўйларим туради. Ўлим, таажжубки, Худо билан қандайдир боғлиқликка эга (онамнинг хонасидаги қумуш ва олтин қопламали қора санамлар, уларнинг тагига ёқиб қўйилган шамчиروқлар билан ҳам). Худога “абადий тириклик” тушунчаси ҳам боғланади. Худо – осмонда, Унинг ўзи ҳам, қудрати ҳам – ақл бовар қилмас даражада юксак. Унинг тахти биздан жуда юкорида – бошимиз узра ястанган сирли мовий осмонда! Бу ҳиссиёт менинг қалбимга ҳали мурғаклик чоғларимдан жойлашиб олган. Ахир, ўлим ҳақлигига қарамай, ҳар биримизнинг касримиздадир – кўкрагимизда жон-руҳ бор ва бу жон-руҳ абадийдир. Аммо бу нечоғли ҳақиқат бўлмасин, ўлим, барибир, ўлим бўлиб қолаверади. Ўзим ер юзидаги барча одамлар ўлимга маҳқум эканини аллақачон англаганман. Балки ажал яқин орада келмас, аммо у ҳеч қимдан сўраб ўтирмайди, масалан, рўза арафасида келиши мумкин. Ўшандай кунларда бизниқидагилар жуда ёввош тортиб қолишар, бир-бирларига шикастанафаслик билан таъзим этишар, ўзаро узр-маъзурлар қилишарди. Гўё бугунги тун ер юзидаги сўнгги кечалари бўладигандек, ҳадик ичида бир-бирларидан рози-ризалик олишарди. Мен ҳам худди шундай ўйлар ичида юрагим тўлиб ухлагани ётардим. Менга гўё шу кечада Қиёмат қойим бошланадигандек, Исо Масихнинг рўйи заминга қайтиши юз берадигандек туюларди. Энг даҳшатлиси, шу кечада барча ўликлар тирилиб, тупроқдан бош кўтарадигандек кўринарди. Шулардан кейин табаррук рўза бошланарди. Рўза олти ҳафта давом этар, ҳаётдан, унинг барча лаззатларидан чекиниш талаб қилинар эди. Рўзадан сўнг Эҳтиросли ҳафта бошланар, Ҳалоскор айнан шу ҳафтада чормих қилинган эди...

Эхтиросли хафтада ҳамма байрам тараддуида жонсарак бўлиб қолар, лекин шунда ҳам ғамгин тортиб юришар ва рўзани қанда қилмай тутишар эди. Ҳатто отам ҳам маъюсланиб қолар, рўзани бажо келтирар эди. Жума куни черков меҳроби олдида Исо Масиҳнинг тобутда ётгани тасвирланган мато ёзилишини билардим. Уни ҳали бирор марта ҳам кўрмаган эдим-у, лекин онам билан энагамиз жуда ваҳимали қилиб таърифлаб беришган эди. Улуғвор шанба куни кечга яқин кўрғонимизнинг ичу таши обдон то-заланганидан яраклаб кетарди. Табаррук Исо байрамини барча вазминлик ва каноат билан сукут ичида кутарди. Ниҳоят, байрам етиб келар эди. Шанбадан якшанбага ўтар кечаси дунёда ажиб бир ўзгариш бўларди, Исо ўлимни мағлуб этиб, ажал устидан тантана қиларди. Черковдаги тонгги ибодатга болаларни олиб боришмас эди. Лекин ўша ажиб ўзгаришни хис қилиб, ўзимиз уйқудан туриб олар эдик. Бундан бу ёғига энди ҳеч ҳам қайғу бўлмайди, деб ишонар эдик. Бироқ қайғу шу вақтда ҳам, ҳатто пасхада ҳам бизни тарк этмас эди. Кечки пайт баҳорги осуда, алвон далалардан – узоқ-узоқлардан “Исо тирилди!” деган қувончли ҳитоб янграр, сўнг у қайта-қайта такрорланар ва тобора яқинлашиб келарди. Бир оздан сўнг “Салиб юриши рицарлари” – оқ белбоғ таққан бошланг ёш йигитлар қатта хоч кўтариб ўтардилар. Уларнинг ортидан келаётган оқ кўйлаки қизлар топ-тоза сочиқларда черков санамларини кўтариб борарди. Ҳамма тантанавор кўшиқ қуйлаганча ҳовлига кириб келарди-да, зинага етганда, пахса хурматини адо этишганидан хурсанд ҳолда юраклари гупиллаб урганча жим бўлиб қолишарди. Шундан кейин барча-барчамиз билан кадронлардек ўпишиб кўришишар эди. Юмшоқ, қайноқ ва хушбўй лаблар бир-бирига ёпишиб кетгандек бўларди. Хоч ва санамларни авайлаб уйга, залга олиб кирардилар. Залнинг ғира-шира бурчагида шамчирок ёниб турарди. Шамчирок остига тақиб қўйилган столларга – яп-янги кўркам дастурхонлар устига санамларни, заранг идиш устига эса хочни қўярдилар. Буларнинг ҳаммаси бениҳоя гўзал эди! Шунда ҳам озгина қайғу ва кўрқув сақланарди. Маросим жуда соз ўтар, диллар тасалли топарди. Шамчирок ҳам майин ва ёкимли нур таратар эди. Буларнинг ҳаммасида черковга, Худога дохил бир туйғу бор эди. Ўша туйғу, айна чоғда, ўлимга ва қайғуга ҳам боғланар эди. Ўзим неча марта кўзим билан кўрганман: онам ўша бурчакда туриб, дардли хаяжон билан дуолар ўқир эди. У залда ёлғиз ўзи санамлар ва хоч остида тиз чўкиб ўтирарди. Онам нега қайғулар эди? Ғам-ҳасрат чекишига ҳеч қандай сабаб бўлмас-да, нега у нукул қайғуга ботаверарди? Нега кечалари соатлаб Худога илтижолар қилиб чиқарди? Нега баъзан гўзал ёз чоғларида ҳам дераза ёнида ўтирганча, далага қараб йиғлаб оларди? Балки у ўз қалбида барча мавжудотларга, айниқса, биз яқинларига, қондош-қариндошларига қизгин муҳаббат туйгани учун ҳам йиғлагандир? Ё бўлмаса, бу дунёнинг фонийлиги, кўз юмиб очгунча ўтиб кетиши, хаёт айрилиқлар, касалликлар, азоб-уқубатлар, армон ва умидлар, мубҳам ҳиссиётларга тўлиб-тошгани ҳамда ўлим муқаррарлигидан зорланиб, ох-фиғон чекканмикан?..

Ажал нималигини Сеньканинг ўлими сабаб анлаганим йўқ. Мен ажални Сенькага қадар ҳам хис қилар эдим. Фақат Сенька боис ўлимни яқиндан кўрдим ва бундан қалбимга титроқ кирди. Мен биринчи марта, булут қуёшни тўсиб қўйганидек, ўлим ҳам хаёт устига парда тортишини хис этдим. У бизнинг фикру хаёлимизни банд этган барча нарсаларни бир

онда кадрсиз килади-қўяди, бу нарсаларга хавас-иштиёкимизни буткул сўндиради, уларнинг устига гам-гусса ва зерикиш-торикиш чойшабини ёпади. Ўша машъум окшомда ўлим хирмоннинг, омборнинг нарёгидан, жардан бош кўтариб чиққанди. Кейин узок вақтгача ўша ёқдан нукул кора, мудхиш ва жирканч бир нарса бостириб келаётгандек бўлаверди. Мен нимани ўйламай, нимага бокмай, ҳаммаси Сенькага ва куйидаги беаёв саволларга бориб тақалар эди: жарга қулаб ўлгандан кейин унга нима бўлди? У ҳозир нима – арвоҳми? Нима учун у айнан ўша окшомда халок бўлди?

XI

Кунлар хафталарга, хафталар ойларга айланиб, ёз кузга, куз қишга, қиш баҳорга ўрин бўшатиб берарди. Аммо мен улар ҳақида бирор нима айта олишим даргумон. Фақат бир гап айтишим мумкин: мана шу йилларда мен ўзим ҳам сезмай онгли ҳаётга кадам қўйдим.

Эсимда бор: бир гал онамнинг ётоқхонасига чопкиллаб кириб, кичикрок бир кўзгуда аксимни кўрдим-да (кўзгу ёнғоқдан ясалган чорчўпга солинган ва эшик қаршисига осилган эди), бир дақиқа котиб туриб қолдим: менга новча, хушбичим, озғин бола ҳайрон бўлиб, ҳатто бироз ҳадиксираб қараб турарди. Бола жигарранг ёнёка қўйлак, кора люстрин шалвар ва бир оз уринган энгилгина этик кийган эди. Мен илгари ҳам ўзимни кўп марта кўзгуда кўрган эдим-у, бироқ буни эслаб қолмаган, безътибор қараган эдим. Нега бу гал унга эътибор қаратдим? Болада яқиндан бери, биргина ёз давомида юз берган ўзгариш – ахир, шунақаси ҳам бўлади-ку – мени ҳайратга солган, ҳатто чўчитиб юборган бўлса эҳтимол. Ўзимдаги ўзгаришни айнан ўшанда тўсатдан пайкаб қолдим. Бу воқеа қачон, йилнинг қайси фаслида юз бергани ва ўшанда ёшим нечада бўлгани аниқ эсимда йўқ. Тахминимча, бу ҳодиса кузда рўй берган, чунки боланинг қуёшда қорайган юзлари яна анча оқариб қолган эди. Ўша даврда ёшим еттида бўлса керак. Аниқ билганим шуки, ўша бола дуркун бўй-басти, қуёшда қуйган чиройли сочлари, тетик-тийрак юз-кўзлари билан менга ёққан эди. Бу бола менда бироз ҳайрат уйғотди. Бунга сабаб нима эди? Чамаси, сабаб шу эдики, мен ўзимнинг ёкимтой бола эканимни (худди бегона одамдек четдан кузатиб) тўсатдан пайкаб қолгандим. Бу кашфиётимда, номини аниқ билмайман-у, аммо қайғули бир нима ҳам бор эди. Мен ўзимнинг новчагина бўйим, озғин қадди-қоматим, юзимдаги жонли, тийрак ифодани кўрган эдим. Бир сўз билан айтганда, мен энди кичкинтой эмаслигимни англадим, ҳаётимда ўзгариш рўй берганини ҳис қилдим, бу ўзгариш балки ёмонликкадир, деб кўрқиб ҳам кетдим...

Дарҳақиқат, шундай бўлиб ҳам чиқди. Ана шу пайтдан бошлаб нукул бахтли онларни эслаб қолишлар барҳам топди. Шунинг ўзи ҳам ановманов гап эмас эди. Мен бу дунёга келиб топган барча билим, фикр ва ҳисларнинг янги ва қайғулилари худди шу даврга тўғри келади. Ана шу воқеадан кўп ўтмай, ҳаётимда бир ажойиб киши пайдо бўлдики, мен ундан таълим ола бошладим. Мен биринчи марта оғир бетобликни бошдан ўтказдим. Икки бор оғир жудолик ғамини тотдим: аввал Надя, кейин буним оламдан ўтди...

XII

Ҳовлимизда илгари ҳам бир марта кўрганим камзулли киши совук баҳор кунда яна пайдо бўлди. Айнан қачон аниқ айтолмайман-у, лекин пайдо бўлгани рост. Бу одам ҳақиқатда бахтсиз эди-ю, аммо бу бахтсизлиги ҳеч кимникига ўхшамас эди. У ўз бахтсизлигини ўзи хоҳлаб яратган ва бундан ҳатто роҳатланар эди. У рус кишиларининг аянчли бир тоифасига мансуб эдики, буни мен анча кейин, ақлим тўлгандагина англаб етдим. Бу одамни Баскаков дер эдилар. У бадавлат ва обрўли оиладан чиққан бўлиб, ақлли, истеъдодли эди. Шу сабабдан кўпларга қараганда яхшироқ яшаса бўларди. Бироқ у бежизга озгин, буқир, қирғийбурун ва, таниш-билишлари иборасича, иблис мисол қорамғиз эмас эди. У фельдаторидан ғирт жиннига ўхшарди. Лицейда ўқиган кезлари бир масалада отаси билан тортишиб қолиб, уйдан қочиб кетган эди. Кейинчалик отаси вафот этиб, мерос тақсимланадиган бўлганда, яна шундай жини кўзиб, имзо чекиш учун узатилган ҳужжатни майда-майда қилиб йиртиб ташлаган, акасининг юзига тупуриб, агар шунақа муттахамлик қилса, ҳеч қандай мерос бўлишишни тан олмаслиги, ўз улушидан ҳатто бир қақага ҳам қўл теккизмаслиги ҳақида айтиб, ота уйининг эшигини сўнгги марта қаттиқ ёпиб чиқиб кетганди. Ана шундан унинг дарбадар ҳаёти бошланган: ҳеч бир ерда, ҳеч бир хонадонда бир неча ой ҳам яшаб кетолмас эди. Аввалига у бизникида ҳам эл бўлолмади юрди: биринчи марта келганида отам билан пичоклашиб кетишига сал қолди. Аммо у иккинчи марта келганида мўъжиза юз берди: Баскаков бу гал бироз яшагандан сўнг бутунлай қолмоқчи эканини айтди ва уч йил, яъни мен гимназияга киргунимча бизникида яшади. Ҳеч кимни жини суймайдиган бу киши бутун оиламизни, айниқса, мени қаттиқ севиб қолган эди. У менинг тарбиячим ва ўқитувчимга айланди. Бироз вақт ўтиб мен ҳам унга қаттиқ боғланиб қолдим. Унга яқинлигим орқасида кўшлаб жўшқин ва чигал туйғуларни бошдан кечирдим.

Менга мутаассирлик нафақат отам ва онамдан, бобо ва бобокалонларимдан, балки бир вақтлар рус маърифатпарвар жамиятини таркиб топтирган аломат кишилардан ҳам ўтган, туғма ато этилган эди. Баскаков ўша туйғу ривожига жуда катта ёрдам қилди. Юзаки қараганда, мураббий ва ўқитувчи сифатида у ҳеч нимага ярамас эди. У менга Дон Кихотнинг таржимаси асосида русча ўқиш ва ёзишни жуда тез ўргатиб қўйди. Бу таржима уйимизга бошқа китоблар қатори тасодифан келиб қолган эди. Баскаков шундан кейин нима қилишни аниқ билмас, тўғрироғи, билишга қизиқмас ҳам эди. У онам билан доим одоб сақлаб, ҳурмат ва назокат билан, аксар французча гаплашарди. Онам у кишига мени французча ўқишни ҳам ўргатишга маслаҳат берди. Баскаков бу маслаҳатни ҳам тез ва бажонидил бажарди. Шундан кейин сабоғимиз яна тўхтаб қолди: шахардан қандайдир дарсликларни буюртириб, гимназиянинг биринчи синфига киришга тайёрлай бошлади. Унинг менга таъсири бутунлай бошқа соҳада кўринди. Баскаков ичимдагини топ дейдиганлар сирасидан бўлиб, ғирт ёввойиларча ҳаёт кечирар эди. Аммо баъзида қувноқ, мулойим, илтифотли, сўзамол, ҳозиржавоб бўлиб қолар, ҳар хил воқеаларни шунақаям қифтини келтириб ҳикоя қилардики, асти қўяверасиз. Кўпинча у сукут

саклаганча, бир нималарни ўйлаб, зардали кулиб, нафратомуз минғирлаб, ингичка ва кийшик оёқларида у ёқдан-бу ёққа бетўхтов шошиб юргани-юрган эди. Бундай пайтда бирор киши уни суҳбатга тортмоқчи бўлса, зардали эҳтиром ёки қўполлик билан чўрт кесиб кўярди. Аммо шундай пайтларда мени кўриб қолса, дарҳол ўзгарарди-қоларди. Шу ондаёқ менинг истикболимга шошилар, елкамдан қучоқлаб, далага ёки бокка бошлаб кетар, бирор овлоқда ўтирганча, қизиқ воқеаларни хикоя қилар, бирор китобни ўқиб берар, қалбимга ўзаро зид туйғу ва тасаввурларни жойларди.

Такрор айтаман, у жуда қойилмақом хикоя қилар, хикояга мос тарзда юз ифодаси, қўл ҳаракати, овоз оҳанги ўзгариб турарди. У ҳар доим, ўз одатича, чап кўзини хиёл қисганча, китобни узоқроқ тутиб ўқиганда, ҳеч ким тинглаб зерикмас эди. Баскаков қалбимга жойлаган туйғу ва тасаввурларнинг қарама-қаршилиги шунда эдики, у ўз хикоялари учун, одатда, ёшимни эътиборга олмай, ўзи бошдан кечирган аччиқ ва оғир воқеаларни танлар, улар одамларнинг пасткашлигию бешафқатлигидан далолат берарди. Ўқиш учун эса инсон қалбининг гўзал ва олийжаноб хиссиётларига доир қахрамонлик, улуғворлик руҳидаги асарларни танларди. Мен унинг овоз чиқариб китоб ўқишини тинглаб ўтириб, одамлардан ғазабим қайнар, унинг ўзига эса раҳмим келиб ичим ачишар, гоҳида ёқимли ҳаяжон ичра анқайиб қолар эдим. Баскаковнинг кўзлари чакчайган бўлиб, узокни кўролмас, кўз қосаси, қачон қараманг, кип-қизариб юрар, юзида эса зўриқиш ифодаси зуҳур этар эди.

У ҳар доим юрган, аниқроғи, чопган пайтда мошғуруч сочлари тўзғиб кетар, эски урфдаги камзулининг бари ҳилпирар эди. “Ҳеч кимга оғирлигим тушмасин”, деган шиорга мутаассибларча амал қилиб, тинимсиз фақат жўн тамаки чекар, ёзда омборхонада, қишда хизматкорлар бўлмасида ухларди. Бу хона бўшаб қолгандан кейин буткул унга бериб қўйилган эди. Таомга келсак, одамлар овқат еб туриши керак, деган гапни ғирт хурфот деб ҳисоблар, дастурхон устида уни фақат ароғу сиркали хантал қизиқтирар эди, холос. Шуларнинг ўзи унинг тирик юришига наҳот кифоя қилса, деб ҳамма ҳайрон эди...

У бир вақтлар Москвада ўқиб юрган кезлари Волга ортидаги қуюқ ўрмонзорда аблаҳ одамлар билан қандай тўқнашгани ҳақида хикоя қилиб берар эди. У билан Дон Кихотни, “Дунё саёҳатчиси” журналини, “Ер ва одамлар” деган китобни, Робинзонни мутолаа қилган эдим... Баскаков акварелда расмлар чизар, мени келажакда рассом бўлишдек жўшқин орзуларга маҳлиё қилиб кўярди. Бўёқлар солинган қутига қўзим тушиши ҳамано ҳаяжондан бутун вужудимни титроқ тутарди. Эрталабдан кечгача нуқул қоғоз бўяганим бўяган эди. Мен мовий осмонга туташган дарахтлар учида ўша мовийлик кўёш нури таъсирида нарфармон тус олишига соатлаб термулиб ўтирар эдим. Ўшанда мен замин ва осмондаги рангларда илоҳий маъно борлигига абадиян иқдор бўлганман. Ҳаётда кўрган-билганларимни сарҳисоб қилсам, бу иқдор энг муҳим ҳулосаларимдан бири бўлиб кўринади. Шохлар ва барглари орасидан кўзга ташланиб турган нафармон мовийликни ҳатто жон таслим қилаётганимда ҳам эсласам керак...

XIII

Отамнинг кабинетидоги деворда битта эски ов ханжари осилиб турар эди. Мен отамнинг баъзан ўша ханжарни кинидан чиқариб, оппок тигини камзулининг бари билан артиб қўйганини кўрардим. Ўша силлик, совук, ўткир пўлатга қўл теккизишим биланок менинг бутун вужудимни ширин ҳаяжон қамраб олар эди. Ўша ханжарни аввал ўпгим, юрагимга босгим, сўнг эса бандигача бирор нимага санчгим келарди. Отамнинг устараси гарчи анаям ўткиррок бўлса-да, лекин унга бепарво эдим. Мен пўлатдан ясалган қуролни кўрсам, ҳозир ҳам ҳаяжонланиб кетаман. Бу туйғу менга асли кимдан ўтган экан-а? Мен бола пайтимда раҳмдил, меҳрибон эдим. Шунга қарамай, бир кун каноти синган гўнқаргани лаззатланиб сўйиб ташладим. Ўшанда ҳовли бўм-бўш, уйда ҳеч зог йўқ эди. Ҳаммаёқ – жимжит. Бир пайт тўсатдан катта, қоп-қора қушни кўриб қолдим. Қуш қаергадир шошар, синган канотини осилтириб, ўт-ўланлар устида беўхшов сакраганча омор томон борарди. Кабинетга ҳовликиб кирдим-да, ханжарни юлиб олдим ва деразадан сакрадим. Мен этиб келганда, гўнқарга жим қотиб қолди, бежо кўзларида кўрқинч акс этганча, ўзини бир ёнга отди, ерга қапишиб олди, тумшугини катта очган ва юқорига кўтарган ҳолда дарғазаб бўлиб вишиллади, хириллади. У мен билан гўё ҳаёт-мамот жангига киришмоқчи эди... Мен умримда илк бор қилган шу қотиллик қалбимни остин-устун этиб юборди. Ўша воқеадан кейин анчагача ўзимга келолмай юрдим. Қалбимдаги каттик пушаймонликлар ҳаққи шу гуноҳи кабирамни авф эт, дея Худога ва бутун дунёга ичимда илтижолар қилар эдим. Ахир, жон-жаҳди билан курашган, қўлларимни конатиб юборган ўша қушни мен ёвузларча роҳатланиб сўйган эдим-да!

Бундан ташқари, Баскаков билан неча марта чордоққа чиқиб, миш-мишларга кўра, бобом ёки бобокалонимдан қолган аллақандай қилични кидирганим-чи! Биз чордоққа тик нарвондан ғира-ширада букчайиб чиқардик. Чордоққа чиккандан кейин ҳам тўсинлар, харилар, кул ва супуриндилар оша шундай букчайиб борардик. Бу ернинг ҳавоси ҳамма чордоқларникидек иссиқ ва дим эди. Тутун, қорақуя ва печлар хиди анқиб турарди. Дунёда осмон, қуёш, кенглик деган гаплар бор. Бу ерда эса фақат ғира-ширалик ва яна қандайдир ҳорғинлик, мудроклик хукм суради. Том устида дала шамоллари баралла шовулларди. Бу ерда эса шамол овози бўғиқ эшитилар, у сеҳрли, ваҳимали важоҳат оларди. Кўзимиз ғира-шираликка секин-аста ўрганарди. Биз ғиштин мўрини четлаб ўтиб, туйнукдан тушиб турган ёруғлик нурида томнинг тит-питини чиқарардик, тўсинлар устини бирма-бир кўздан кечирар, кулларни қавлар эдик. Кулларнинг ранги қаерда ётганига ва ёруғлик тушишига қараб ҳар хил бўларди. Қани ўша афсонавий қилич топила қолса! Агар топилганда, бахтдан бўғилиб қолишим ҳеч гап эмас эди. Аммо нега керак эди менга ўша қилич? Бу қиличга нисбатан жўшқин ва беҳуда муҳаббат менда қаердан туғилди ўзи?

Дунёдаги барча нарса беҳуда эмасми? Уларнинг борлигидан маъни нима ўзи? Менга буни ким тушунтириб беради?

Беҳуда кидиришлардан чарчаганда дам олардик. Ўз умрини бекорга исроф қилаётган, дунё бўйлаб мақсадсиз кезиб юрган бу ғалати одамгина

менинг орзу-хаёлларимни тушунарди. У харига ўтириб олиб, жўн тамаки ўрар ва ўзича хаёлга берилиб, мингиллаб кўяр, мен бўлсам каккайиб турар, туйнукка кўз ташлардим. Энди чордоқ анча ёришиб қолган, туйнук ёни янаям ёруғ эди. Шамолнинг тўполони ҳам энди унча ваҳимали туюлмаст эди. Лекин чордоқда биз ўзимиз билан ўзимиз овора, кўрғондагилар ҳам ўзи билан ўзи андармон эди. Мен кўрғонда кечаётган тинч-осойишта хаётни гўё бегонадек четдан кузатиб турардим. Шундоқ остимизда боғнинг тепа қисми қуёш нурида кулранг-кўкимтир ёки кора-кўкимтир бўлиб кўринарди. Бу манзарага тепадан туриб караш жуда ғаройиб эди. Чумчуқларнинг чуғур-чуғури боғни тўлдириб юборарди. Ости соясалкин, усти ойнадек жилвагар бокка термулиб туриб, ўйга чўмардим: нимага керак ўзи боғ? Боғ – ажойиб нарса, шунинг учунгина, холосми? Боғ ортида, даладан нарида, уфққа туташ жойда, олис ўрмон каби, кўм-кўк Батурино қишлоғи бор эди. Ўша ердаги эски кўрғонда, томи баланд, деразалари нақшинкор уйда саксон йилдан бери онамнинг онаси, бувим яшар эди. Чап томонда ҳаммаёқ қуёшда жимирлаб ётарди. Ўша тарафда, ўтлоқлар ортида Новоселки қишлоғи бор. У ерда узун кўчанинг икки бўйида дов-дарахтлар, полиззорлар, дехқончасига одми хирмонлар ва хароб кулбалар чўзилиб ётади... Новоселкида нега товуқлар, бузоқлар, итлар, сув ташувчи отлар, бикки, семиз чакалоқлар, тили захар хотинлар, хушқад, кўхлик қизлар, рўдапо, зикна дехқонлар яшайдилар? Нега деярли хар куни Николай акам Сашкани кўргани ўша ерга боради? Унга қизнинг ёқимтой ва камсукум юзига, ок сурп кўйлагининг чуқур ўйилган ёқасига, дурқун бўй-бастию яланг оёқларига термулиб ўтириш ёққани учунгинами? Чуқур ўйилган ёқалар менга ҳам ёқар ва қандайдир энтиктирувчи хис уйғотарди: ўша ёқаларни бир нима қилгим келар, аммо айнан нима ва нима учун, шунисини билмай ҳайрон эдим.

Ҳа, ўша кунлари ҳаммасидан кўра ҳам чордоқда ётган қилич мени сеҳрлаб қўйган эди. Йўк-йўк, Сашкани ҳам эсга олиб турардим. Бир гал Сашка кўрғонимизга келганда, зина ёнида туриб, кўзини ерга қадаганча, онамга тортинчоклик билан бир нималар деган эди. Мен ўшанда қизга нисбатан ширин ва энтиктирувчи бир ҳисни туйгандим: бу инсон туйғулари орасида энг тушунилиши қийин ва бизни энг хароб қиладигани эди...

XIV

Ўқиш ва ёзишни ўрганган китобим – Дон Кихот, бу китобга ишланган расмлар ва рицарлар даври ҳақида Баскаков айтиб берган ҳикоялар мени ақлдан оздираётган эди. Миямдан қадимги қасрлар, ҳарсанг девору минорлар, кўтарма кўприклар, совутлар, дубулғалар, қиличлар, қамонлар, жанг ва мусобақалар чиқмай қолганди. Рицарликка қабул қилиш маросимини, худди насронийлик динини қабул қилаётгандагидек, тиз чўкканча бош эгиб турган йигит елкасига қилични теккизиб қўйиш шуқухини хаёлан тасаввур қилар экан, гўё танамдан чумоли югуриб ўтгандек бўларди. А.К.Толстойнинг хатларидан бирида куйидаги мисралар бор: “Вартбург нақадар ажойиб шаҳар! Бу ерда ҳатто XII асрга мансуб жиҳозлар ҳам бор. Сенинг юрагинг Осиё дунёсида қандай дуккиллаб уриб кетган бўлса, менинг юрагим ҳам бу рицарлар оламида шундай ҳаприкиб кетди. Мен илга-

ри ўзимнинг айнан шу оламга мансуб бўлганимни аниқ биламан”. Ишончим комилки, мен ҳам бир вақтлар ўша дунёга мансуб бўлганман. Мен умрим давомида Европадаги кўпгина машхур касрларни кўрдим. Уларни сайр этиб юриб, неча бор ҳайратга тушдим: деҳкон чурвакаларидан кам фарқ қилувчи мендек болакай китобдаги расмларга термулиб ва бир дайди кашанданинг телбагезак ҳикояларини тинглаб, ўша касрлардаги қадимий ҳаётни нақадар ҳаққоний ҳис эта олган ва уларни тасаввуримда нақадар аслидагидек жонлантира олган эканман! Чиндан ҳам мен қачонлардир ўша дунёга мансуб бўлганман. Ҳатто оташин католик ҳам бўлганман. На Акрополь, на Баальбек, на Фива, на Пестум, на муқаддас София, на рус Кремлларидаги кўҳна ибодатхоналар – ҳозирга қадар ҳеч бири мен учун готик ибодатхоналарга тенг келолмайди. Ёшлик пайтим поляк католиклари черковига илк бор кирганимда – аслида, бу Витебскдаги оддийгина бир ибодатхона эди, холос – ундаги орган мени қанчалик лол қилиб қўйган эди! Ўшанда менга ер юзида бу дағдағали гумбур-гумбур ва қалдир-кулдур овозлардан кўра ажойиброқ мусиқа йўқдек туюлган эди. Чунки шу товушлар орасида етти қават осмондаги фаришталарнинг фарёд ва сурурга тўла садолари ҳам эшитиларди...

Дон Кихот, рицарлар касрлари ортидан денгизлар, кемалар, Робинзон, сувости дунёсию иссиқ ўлкалар онгимга кириб келди. Бу оламга ҳам мен бир вақтлар мансуб бўлганим аниқ. Робинзон ва “Бутун дунё сайёҳлари”даги суратлар, шунингдек, жаҳоннинг сарғайиб кетган эски, катта харитаси бепоён худудларию жануб денгизларининг Полинезия ороллари ўрнига қўйилган нукталари билан мени бир умрга мафтун этди. Бу денгизлардаги ингичка, узун қайиқлар, ороллардаги камон ва найза тутган яланғоч одамлар, кокос ўрмонлари, баҳайбат япроқлару уларнинг соясидаги ибтидоий кулбалар – буларнинг бари менга шу қадар таниш, яқин эдики, гўё шу кулбалардан бирини ҳозиргина тарқ этганга, ҳатто кеча ҳам унда тушликдан кейинги жаннатий сукунатда мудраб ўтирганга ўхшар эдим. Мен бу суратларга қараб ўтириб, жуда тотли ва ёрқин манзараларни кўз олдимга келтирар, ўша азиз гўшаларни кўмсар эдим! Пьер Лоти болалигида “мустамлака” деган сўз унга нақадар “ҳаяжонли ва мўъжизакор” бўлиб туюлгани ҳақида ҳикоя қилганди. У мана бундай дейди: “Il y avait une quantite de choses des colonies chez cette petite Antoinette: un perroquet, des collections de coquilles et d’insectes. Dans les tiroirs de sa maman, j’avais vu de bizarres colliers de grains pour parfumer; dans les greniers on trouvait des peaux de bêtes, des sacs singuliers, des caisses sur lesquelles se lisaient encore des adresses de villes des Antilles...”¹

Каменкада эса шуларга ўхшаш бирон нима бўлиши дарғумон эди.

“Ер ва одамлар” деган китобда рангли расмлар жуда кўп эди. Иккитаси аниқ эсимда қолган: биттасида хурмо дарахти, туя ва Миср пирамида-си, бошқасида ингичка, баланд кокос дарахти ва нишсимон тилини кокос дарахтининг патсимон барларига чўзган хол-хол танали дароз жирафа ва тўппа-тўғри унинг бўйнига қараб ташланган ёлдор шернинг ҳавода муаллақ турган ҳолати акс этган эди. Буларнинг бари – туя ҳам, хурмо

¹ Менинг кичкинтой Антуанеттада мустамлакадан келтирилган кўп нарса бор эди: тўтилар, ҳар хил рангдаги қушлар, турли-туман ҳашаротлар. Пардоз столида мен хушбўй ҳидлар таратувчи доналардан ясалган ажойиб мунчок шодаларини кўрдим. Биз баъзан-баъзан чиқиб турадиган чордоқда ҳайвон терилари, гаройиб қутилар ва қоллар ётардики, уларнинг устида Антил оролларидаги шаҳарларнинг номини ўқиш мумкин эди... (фр.)

дарахти ҳам, пирамида ҳам, кокос дарахти остидаги жирафаю шер ҳам кўзга дарров ташланувчи икки ранг фониди бўлиб, биттаси ёруғ, куюк ва босиқ осмон ранги бўлса, бошқаси сахронинг тилларанг куми ранги – оч сарик эди. Эй Худо, бу кўк ва сарик бўёқларга тикилиб, мен нафақат саратон жазирамаси, қуёш алангасини кўрар, балки бутун вужудим билан туяр ҳам эдим. Бундан худди жаннат боғларидагидек ўзимда йўқ хурсанд бўлардим. Тамбов далалари бағрида, Тамбов осмони остида мен аввалги, олис ҳаётимда кўрган барча нарсаларни хайратомуз тарзда аниқ эслардим. Кейинчалик Мисрда, Нубияда, иссиқ ўлкаларда бўлганимда ўзимга бундай деб такрорлар эдим: ҳа, ҳа, буларнинг ҳаммаси ўттиз йил бурун илк бор эслаганларимнинг айнан ўзгинаси!

XV

Пушкин ўзининг “Руслан”га ёзган фусункор мукаддимаси билан мени хайратга солган эди:

*Денгиз бўйи, ям-яшил чинор,
Олтин занжир чинор тагида...¹*

Юзакироқ қаралса, ҳеч қандай фусункор жойи йўқдек. Жудаям соз, жудаям ахло, ҳатто ноёб дейиш мумкин бўлган бир неча ажойиб мисра, холос! Шунга карамай, у бир умрга менинг қалбимдан жой олди, бу дунёга келиб топган энг катта шодлигимга айланди. Дарҳақиқат, ҳеч ким ҳеч каерда ҳеч қачон кўрмаган Лукоморье, бу денгиз бўйидаги эман олдида бесабабдан-бесабаб кўккис пайдо бўлиб қолган ва ҳеч қандай айб-гуноҳсиз тилла занжирга солинган “доно” мушук, аллақандай алвастию сув парилари, сўкмоқдаги сирли хайвон излари – буларнинг бари ғирт сафсата бўлмай нима, ахир?! Бироқ ҳамма гап балки унинг айнан сафсаталиги, бемаънилиги, чўпчаклиги, ақлга ва ҳақиқатга номувофиклигидадир. Мукаддиманинг бутун кучи шунда: шоирнинг ўзини ҳам гўё жунунваш, сархуш бир кимса сеҳр-жоду қилиб олгандек. Ўша айлана бўйлаб тинимсиз кезишнинг ўзидаёқ қанчалар мафтункорлик бор (“Кеча-кундуз “до-нишиманд” мушук / Занжир бўйлаб айланиб юрар”). Бу “сирли” сўкмоқ ва “хайвон излари” (хайвоннинг ўзи эмас, балки айнан излари), бу тонгнинг кўлкаси (тонгнинг ўзи эмас, балки айнан кўлкаси), мукаддиманинг соддалиги, аниқлиги, ёркинлиги (денгиз, кўм-кўк эман, тилла занжир), сўнг эса туш, хаёл, сирлар, овлоқ шимол ўлкасининг тонгги тумани ва булутга ўхшаб бетиним сузиб юрувчи ва ўзгариб турувчи шарпалар афсонавий денгиз кирғоғидаги куюк ўрмонзорни эсга солади:

*Сирлар тўла водий, ўрмонзор,
Тонгда денгиз асов, шиддаткор,
Тошар қумлик, тақир қирғоққа
Тиниқ сувдан чиқар бу ёққа
Расо ўттиз кўркам паҳлавон.
Улар билан бир денгиз бобо.²*

¹ Миртемир таржимаси (таржимада “чинор” сўзи ишлатилган, аслиятда унинг ўрнида “эман” қўлланган – С.С.)

² Миртемир таржимаси.

Гоголь асарларидан менга энг кучли таъсир этгани “Қадимги замон помешчиклари” ва “Дахшатли интиқом” бўлди. Уларда бир умрга ёдда қоларли қуйма сатрлар ниҳоятда кўп! Болалик пайтимда зехнимга жойлашган бу сатрлар ҳозир ҳам қулоғим остида жаранглаб турибди. Улар менинг энг кадрли бойлигимга айланган ва, Гоголь ибораси билан айтганда, “ҳаётимнинг бир парчаси” бўлиб қолган. Тонг отиши билан “нағма бошлайдиган ғаройиб эшиқлар”, боғни шовқинга тўлдириб ёғаётган ёз ёмғири, чорбоғ ортидаги ўрмонда дайдиб юрган ёввойи мушуклар... Бу ўрмоннинг қари дарахлари танасини майда ёнғоқ буталари қоплаганидан улар худди пайпоқдор қаптарнинг оёқларига ўхшаб қолгани-чи... Яна “Дахшатли интиқом”ни айтмайсизми!

“Киевнинг бир чеккасида тўполон, тўй-томоша. Ясовул Горобец ўғлини уйлантиряпти, тўйга ҳар ёқдан кўп меҳмонлар келган...”

“Ясовулнинг тутинган оғаси бўлмиш, Днепрнинг нариги томонида икки тоғ орасига уй қилган Данило Бурульбош ҳам ёш хотини Катерина ва бир яшар ўғли билан етиб келди. Катеринанинг оппоқ юзини, баркутдек қора қундуз қошини, мовут юбкасини, ҳаворанг ипак кўйлагини, қумуш нағаллик этигини кўрган меҳмонлар унинг ҳуснига ҳайрон қолдилар. Аммо унинг чол отаси келмаганини эшитиб, бунга ҳаммадан ортиқ тааж-жубландилар...”

Кейинроқ: “Ер юзи мунаввар. Тоғнинг нариги ёғидан ой кўтарилмиш. Днепр бўйининг тоғу тошлари, гўё оппоқ қордек қимматбаҳо мисқоли докага ўралгандек, ой нурига ботмиш, кўланка ҳам ўзини қарағайзор ичига олмиш...”

Днепрда катта қайиқ борадир. Қайикнинг тумшугида икки азамат йигит борур, иккови ҳам телпагини чаккасига кийиб олган, куракни ҳар урганларида сув худди чакмоқ ўтдек йилтираб сачрайди...”

Мана, Катерина қўлида ухлаб қолган боласининг юзини рўмолча билан арта туриб, эри билан паст овозда гаплашяпти: “Рўмолчага қизил ипақдан япроқ ва мева гули солинган эди” (мен бу рўмолчани ҳаёлимда аниқ кўриб, бир умрга эслаб ва севиб қолганман). Мана, аёл “сокин сувга тикилганча индамай қолди. Шамол сувни жимирлатар, дарё кечаси бўрининг жуни оқ товланиб йилтирагандек, жимир-жимир қиларди...”

Яна ҳайрон бўламан: ҳали Каменкадалик чоғимиздаёқ мен бу манзараларни қандай қилиб ғоят аниқ тасаввур қилган эканман-а! Ўшандаёқ менинг бола қалбим нима яхши-ю, нима ёмонлиги, қай бири макбул-у, қай бири номақбуллигини бехато фарқлай олганидан лол қоламан! Мен баъзи манзараларни эсдан чиқарар, чунки уларга бепарво қарар эдим. Баъзиларини эса ҳаяжон билан илғаб, бир умрга эслаб қолардим. Буни кўпинча фаросатим ва таъбимга кўйиб берар эдим.

“Ҳаммалари қайикдан чиқдилар. Баландлик тепанинг нариги ёғида похол ёпган уй кўринди. Данило бекнинг бобосидан қолган уй шу. Ундан нарида яна бир қир, нариги ёғи сирт, юз чақирим юрсанг ҳам битта казак топилмайди...”

Мен худди шунақа уйни орзу қилардим!

“Данило бекнинг кўрғони икки кирнинг ўртасида, Днепр туташадиган сойлик ичида. Кўрғони унча баланд эмас, сиртидан қараганда анчайин казакларниқидан фарқи йўқ... Уйнинг тўрт томонида гир айланган тахта токча. Токчаларда қатор-қатор идиш-товоқ, чора, совғага келган, урушда

ўлжа тушган кумуш қувачалар, олтин қопланган заранг косалар, токча тагида қимматбаҳо туффанглар, туффангчалар, қиличу найзалар осиглиқ... Пастда, девор ёнида силлиқ рандаланган тахта. Унинг ёнида сўри, сўри олдида шипга қоқилган халқага беланчак осиглиқ. Унинг таги хўб шиб-баланиб, лой билан сувалган. Тахтада Данило бек хотини билан ётади, сўрида кампир ёнағаси. Беланчакда чақалоғи ўйнаб ётади, азаматлар ерда думалашиб ётишади...”

Ҳаммасидан ҳам асарнинг эпилоги ажойиб: “Семиград князи Степаншоҳ полякларга ҳам подшолик қилган замонда икки ботир бор эди. Бирининг оти Иван, бирининг оти Петро...”¹

“Дахшатли интиқом” менинг калбимда шундай олий бир туйғуни уйғотди: бу туйғу хар бир калбга азалдан ато этилган ва уни абадиян тарк этмайдики, бу туйғуни хар бир зулм учун қасос олмақ – муқаддас қонун, ёвузлик устидан эзгулик ғалабаси – илоҳий зарурат, зулму ёвузлик беаёв жазоланиши – мутлақ адолат дея ифодаласа бўлади. Адолат ғолиб келган ва жазо ижро этилган дақиқада одам ёқимли бир кўрқувдан титроққа тушади. Шунда завқу шавқ бўрони руҳингдан ичқораликни супуриб кетади. Худди мана шу – Худога ва яқинларимизга буюк севгимизнинг нурланиб кўринишидир...

XVI

Шундай қилиб, менинг ўсмирлик даврим бошланди. Унда мен ўзимни ўраб турган ҳақиқий олам эмас, балки ўзим ўйлаб топган хаёлий олам кучоғида яшадим.

Ҳақиқий олам хаёлий оламдан қашшоқ эди.

Такрор айтаман, мен бийдек далада туғилиб ўсдим. Бундай далани Европа кишиси ҳатто тасаввур ҳам қилолмайди. Мени ҳеч қандай тўсиғи ҳам, чегараси ҳам йўқ бепоёнлик қуршаб турарди: чиндан ҳам бизнинг кўрғонимиз қаерда тугаб, далалар қаердан бошланишини аниқлаш маҳол эди. Менинг кўрганим фақат дала ва осмон эди.

Мустамлакалар ҳақида нима десам экан. Мен фақат Рождество байрамидаги “мустамлака” дўконини билар эдим, холос. Мустамлака деганда мен долчин мевасини англардим. Долчинни Пасха байрами кунлари хушхўр бўлсин деб овқатларга кўшишар эди. Яна қора узунчоқ мевасининг чучук таъмини Рождество байрамига борганда татиган эдим. Бундан ташқари, симдан тўкилган тўрвалару бўйни ингичка шишалардаги (херес, мадера) ёрликлардан ҳам билар эдим. Мен бу ёрликларни эрмакка гоҳ ундок, гоҳ бундоқ тортиб кўрардим. Дарвоқе, ўшандок шишалар уйимизда кун сайин кўпая борарди, чунки отам яна кўп ича бошлаган эди. Рождествода мен беқиёс хашаматни ҳам кўрдим: нукул ғалла, ўт-ўлан, дала йўли, юк арава, мўрисиз уй, чиптақақуш ва каноп кўйлақларни кўриб ўрганган кўзлар, жимжитликка, тўрғай навосига, жўжаларнинг чийиллашига, товуқларнинг бабағлашига одатланган қулоқлар учун черков гумбазидан оч бинафшаранг паға-паға булутлар узра очик қафтларини олдинга чўзганча дағдаға-ла боқиб турган оппоқ соч-соқолли Саваоф, тарам-тарам нақшлар билан безатилган заррин меҳроб, олтин қопламага

¹ Наби Алимухаммедов таржимаси.

солинган санамлар, байрам олдидан қиялатиб мўл-кўл қўйилган ва бир-бирига туташган ҳолда олтинранг гулханга айланганча чарсиллаб ёнаётган ингичка мум шамлар, дьячок ва паномарларнинг қаттиқ товушда бевартиб қуйлашлари, кашшиш ва дьяконларнинг кўркем ибодат либослари, рухонийларнинг улуғвор, бироқ тушунарсиз тилда ҳитоб қилишлари ва дуо ўқишлари, одамларнинг саждага бош эгишларию хушбўй тутаткилар тутатишлари, манқалдан юқорига ўрлаётган дуднинг кумуш ҳалқалари – буларнинг бари шоҳоналиги, дабдабалию тантанаворлиги билан юракни ҳаяжонга солар эди.

Бундан ташқари, мен жуда қашшоқлашиб қолган дворян оиласида катта бўлдим. Албатта, руслардаги ғалати ишқибозликни тушунмайдиган европалик киши буни ҳам қаердан ҳис қилсин? Бу ғалати ишқибозлик фақат дворянларгагина хос эмас эди. Ростдан ҳам, рус деҳқони нима сабабдан гадоилардек муҳтожликда кун кўради? Ахир, унинг бепоён Россиямизда Европа деҳқонининг ҳатто тушига ҳам кирмаган бемисл бойлиги бор-ку! Рус деҳқони ялқовлиги, мудроқлиги, ҳаёлпарастлиги ва ҳаётидаги ҳар қандай бесаранжомликни заминдордан (гарчи у шусиз ҳам йилдан-йилга қашшоқлашиб бораётган бўлса-да) ақалли бир қарич ер тортиб олиб беришмаганига боғлайди. Нима сабабдан савдогари очкўзларча юлғичлик қилиш ўрнига шу лаънати юлғичликни болаҳонадор қилиб сўқади, маст бўлиб олиб ўзининг бадбахтлиги, маълунлигидан аччиқ кўзёш тўкиб дейди қилади. Нима сабабдан у кизикқонлик билан орзу-ҳаёлга берилиб, ўз хоҳиши-ла Айюбга, дайдига, фақирга, телбага айланмоқчи бўлади. Умуман, не сабабдан шундоқ кўз олдимизда Россия бу қадар ночор аҳволга тушди, жуда қисқа вақтда ҳалокатга юз тутди?

Менинг қариндош ва яқинларим ичида фақат онамнинг кўзёшлари, ғам-андухлари, рўзаю дуолари, ҳаётдан воз кечишга ташналигини ҳарқалай тушуниш мумкин эди: унинг юраги ҳар доим зўр ҳаяжон билан тепар эди. У Худонинг шоҳлигини бу дунёда деб билмас ва гўзал, айни чоғда, фоний ва аянч бу дунё ҳаёти нариги дунёнинг боқий ва шукуҳли ҳаёти учун атиги бир имтиҳон эканига сира шубҳа қилмас эди. Бошқаларчи? Бизнинг залолатга ботган қўшниларишимиз, қариндошларишимиз, отам, Баскаковлар-чи? Баскаков ўз ҳаётини не қўйга солганини илгарирок айтган эдим. Хўш, серғайрат, кучли, олийҳиммат, мард, бироқ осмондаги эркин қушдек беғам отам-чи, у ўз ҳаёти ва мулкини қандай аҳволга солди?! Бизнинг ўзимиз, Арсеньевлар уруғининг аввалги шон-шуҳрати-ю мол-давлатининг ночор қолдиғига меросхўрлар-чи, биз нима қаромат кўрсатдик? Николай акам Сашкани ва қишлоқдаги ҳузур-ҳаловатни деб гимназияни ташлади. Георгий акам бўлса, таътил кунларининг барчасини Лавровлару Чернишевскийларни ўқиш билан ўтказди. Ўзим ҳам улардан сира фарқ қилмаганимни мана бундан билса бўлади: бир кун Николай акам менинг келажаким қандай бўлишидан башорат қилиб қолди: “Ҳай, майли, – деди у ҳазиллашиб, – биз буткул қашшоққа айландик, сен энди бирор ерда ўқийсан, кейин хизматга ёлланасан, оила қурасан, бола-чақа кўрасан, оз-оздан пул тўплайсан, уй сотиб оласан”... Мен ўша ондаёқ бундай келажакнинг бутун даҳшати ва тубанлигини ҳис қилиб, йиғлаб юбордим.

XVII

Каменкадаги ҳаётимизнинг сўнгги йилида мен умримда илк марта оғир дардни бошдан кечирдим. Ўшанда атиги оғир хасталик деб кўя қолинадиган нарса, аслида, нариги дунёга бориб қайтиш эканини англадим. Мен кеч кузда ётиб қолдим. Ҳа-я, нима бўлган эди ўзи ўшанда? Мен бирдан руҳий ва жисмоний қувватим заифлашганини пайқадим. Бундай пайтда инсоннинг ҳар беш сезгисига ақл бовар қилмас ўзгариш юз берар экан. Тўсатдан менда яшаш истаги йўқолди – ҳаракат қилишдан, сув ичишдан, овқат ейишдан, қувонишдан, қайғуришдан, ҳаттоки энг яқин кишиларимни севишдан ҳам совиб кетдим. Мен кеча-кундуз тўшақда беҳушдек ётар, тушим бузилган ёки ҳаёлим чалғигандагина хушимга қайтгандек бўлардим. Бу туш ва ҳаёллар аксарият жуда хунук, бемаъни бўлар эди. Улар бу дунёнинг бутун дағаллигини ўзида мужассам этгандек туюларди. Бу туш ва ҳаёллар бир-бири билан беомон курашар, сўнг иситма аралаш алаҳсираш пайти кўздан ғойиб бўлар эди. (Менингча, худди шундай манзаралар инсонда дўзах азоблари ҳақидаги тасаввурлар шаклланишига асос бўлган). Ўша дақиқаларни жудаям аниқ эслаб қолганман. Хушим ўзимга қайтганда, баъзан устимда мижжа қоқмай ўтирган онамни арвоҳ шаклида кўрар, баъзан эса ётоқхонадан ваҳимали гира-шира омборхонага тушиб қолгандек бўлар эдим. Керавотнинг бош томонига қўйилган шам ёруғида минглаб жирканч шарпалар, киёфалар, ҳайвонлар, ўсимликлар олов тўлкинида муаллақ липиллаб турарди! Мен ана шу дўзах сафаридан яна ерга, унинг оддий, азиз ва кадрдон ғамхонасига қайтгач, самовий тиниклик, ҳаловат ва меҳрга тўликиб юрдим. Негадир бирдан қора нонга иштахам очилиб қолди. Ўша вақтларда кишлоқча одатга кўра, қора нон ейиларди. Қора нондан таралган хиднинг ўзиёқ мени жуда шодлантириб юборар эди.

Мен тузалгандан икки ойча кейин, Святки байрами ўтгандан сўнг синглим Надя вафот этди. Бу йилги Святки байрами жуда қувончли ўтди. Уйимиз эртаю кеч меҳмонга тўла, ароқ дегани дарёдек оқар, отам эса тўхтовсиз ичар эди. Онам бахтли эди: бутун оиламиз жам бўлган кунлар онам шундай қувнок бўлиб қоларди. Святки байрамида эса Георгий акам таътилга келарди. Шодликка лиммо-лим ана шу тўс-тўполон кунларда тўсатдан Надя касал бўлиб қолди. Шунинг арафасида ҳам Надя бикки оёқчалари билан бутун уйни ларзага келтирганча дукиллаб чопар, мовий кўзлари, қийқирик ва қулғилари билан ҳаммани ўзига ром этган эди. Байрам тугаб, меҳмонлар тарқади, акам ҳам жўнаб кетди. Надя эса ҳамон беҳуш ётар, бутун вужуди ёнар эди. Болалар хонаси байрамдан олдинги холига қайтган эди: деразаларга парда осилган, нимқоронғилик ҳукм су-рар, шамчиноқ ожиз липиллаб турар эди... Нега энди Худо оиламиз қувончи бўлган шу синглимни дардга чалинтирди-я! Уйдагиларнинг бари ғамда қолган, руҳи сўник эди. Бироқ ҳеч ким бу азоб-укубатлар бир кун оқшомда энагамиз фарёд чекканча, ошхона эшигини бирдан тарақлатиб очиб, Надя ўлаётгани ҳақидаги мудҳиш хабарни айтиши билан якун топади, деб ҳаёлига келтирмаган эди. Ҳа, қалбни ларзага солувчи “Ўляпти!” деган сўзни мен илк бор қор босган далалар орасида ёлғиз сўппайган кўрғонимизда, изғиринли бир оқшомда эшитдим. Оқшом ўтиб, тун чўккач, уйимизни

бир он ўз домига тортган телбаларча тўс-тўполон босилгач, мана бундай манзарага гувоҳ бўлдим: залдаги стол устида, шамчирокнинг хира ёруғида Надя ясатилган қўғирчоқдек жимгина ётар, унинг консиз юзида ҳеч қандай ифода акс этмас, қоп-қора киприклари ним юмилган эди... Бутун ҳаётим давомида бундан дардлироқ ва сеҳрлироқ тун бўлмаган эди.

Баҳорда эса бувимиз вафот эди. Ажойиб май кунлари эди. Онам қўйлақда озиб-тўзган, юзи рангпар, афтода бир ҳолда очик дераза олдида ўтирарди. Шу пайт омборхона ортидан нотаниш бир киши отда чиқиб келди-ю, онамга шошиб бир нималар деди. Онам кўзларини катта-катта очиб, енгил, заиф овозда хитоб қилгандек бўлди-да, кафтлари билан дераза рахини шапатилади. Қўрғон ҳаёти яна бирдан кескин ўзгариб кетди. Ҳамма ёқда тагин ғала-ғовур, шовқин-сурон кўтарилди. Бирок бундай бесаранжомлик энди менга таниш эди. Хизматкорлар отларни араваларга қўшишга, онам билан отам эса кийинишга шошилди. Худога шукрки, улар биз болаларни ўзлари билан олиб кетишмади...

XVIII

Надянинг вафоти мен илк бор ўз кўзим билан кўрган ўлим бўлиб, бу айрилиқ изтироби мени узок вақтгача ҳаёт суронларидан узиб қўйди. Аслида, мен ҳаёт нималигини энди-энди англаётган эдим. Мен ўзимнинг ҳам бир кунмас-бир кун, ҳамбатга, ўлишимни англаб қолдим. Надяни олиб кетган ажал мени ҳам олиб кетиши муқаррар эди. Умуман, ер юзидаги барча тирик мавжудот, шак-шубҳасиз, ўлимга маҳқум. Надяни кабристонга олиб кетишаётганда кўрганимдек, ҳамманинг ҳам лаблари аввал қораяди, кейин... чирийди. Менинг ваҳимага солинган, изза этилган ва хўрлаб ҳақоратланган қалбим Худодан имдод ва нажот сўраб илтижолар қиларди. Тез орада менинг бутун фикр-хаёлим Яратганга пинҳона илтижолар қилишда бўлиб қолди. Бутун олам узра ёйилган ажал қўланкаси ичидан менга йўл кўрсат, шафқат қил дея бетўхтов дуолар ўқир эдим. Онам жон-дили билан эртаю кеч ибодат қиларди. Энагамиз мени ҳам ибодатдан паноҳ топишга ундарди:

– Қароғим, Худога чин дилдан илтижо қилиш керак. Авлиёлар, бузруқлар қандай берилиб дуолар ўқигани, рўзалар тутгани, риёзат тортганини эсла! Наденька учун кайғуриш гуноҳ, унинг учун шодланиш керак, – дерди энага кўзларида ёш билан, – у ҳозир жаннатда, фаришталар орасида юрибди...

Мана, янги, маҳзун бир дунёга кадам қўйдим: мен эзилган, қийналган авлиё ва шаҳидлар ҳақидаги чақа пулга сотиладиган китобчаларни ютоқиб ўқишга киришдим. Уларни менга Виселки қишлоғилик Павел деган этиқдўз шаҳардан келтириб берарди. Шаҳарга эса у этиқдўзлик асбоб-анжомларини харид қилгани тушарди. Павелнинг қулбасидан чарм ва ачимсиқ елим ҳидигина эмас, зах ва мағор иси ҳам анқиб турарди. Шу тариқа, бир умрга хотирамда мағор иси ўзи юпқа, лекин харфи йирик-йирик китобчалар ҳиди билан қоришиб кетди. Мен бу китобларни фавқулудда шавқ билан қайта-қайта ўқир эдим. Ана шу қоришиқ хид хар гал менга ўша йилги ғалати қишни эслагани: мен мажусийлар томонидан оғир қийноқларга солинган илк насронийлар, томошагоҳларда йиртқич хайвонлар нимта-нимта қилган норасида қизлар, қонхўр падарлари

кўли билан боши олинган нилуфар гулидек соф маликалар, тақимини ўпувчи узун сочлари билан яланғоч баданини яширганча жазирама Йордан саҳроларида зино қилгани учун Худодан мағфират сўраб ёлборган мисрлик Марьям, қоронги кечаларда шайтоний кўркув, васваса ва ҳақоратларга тўлиб-тошган Киев мағоралари ва уларга ҳар он кўздан ёш тўкиб, ибодат қилиш учун ўзини тириклай кўмган зоҳидлар ҳақида телбаёна завқ билан маънос ҳаёллар сурардим. Мен бу манзараларни тасаввуримда жонлантириш истаги билан нафас олардим. Шу тариқа кўрғондаги ҳаётдан буткул узилиб қолдим. Ўзимнинг илоҳий-афсонавий оламимда кезиб юравердим. Бу оламда мен қайғу аралаш қувончларимга, ўз-ўзимни бешафқат азоблашларга, қийнаш, эзишларга кўмилиб яшадим. Мен ўзим ҳам қачондир бир вақт зоҳидлар сафига кўшилишимга ишонардим. Шу максатда бўш хоналарга пинҳона кирар, соатлаб тиз чўкиб ўтирар, аркон қирқимларини бир-бирига боғлаб “жанда” тўкиб олган эдим. Фақат сув ичиб, қора нон ердим...

Бундай аҳвол киш охиригача давом этди. Баҳорда бу кайфият мени ўз-ўзидан тарк эта бошлади. Куёшли кунлар бошланди, кўш табақали дераза ойналари қизиди. Энди ойналарга хийла жонланиб қолган пашшалар қўнарди. Бу вақтда пашшалар билан кўнгилни овутмасликнинг иложи йўқ эди. Ўз-ўзингни азобга маҳкум этиб, узоқ тиз чўкиб ибодат қилишлар энди аввалгидек завқ бахш этмай қўйганди. Мана, апрель ҳам етиб келди. Куёш киздирган кунларнинг бирида ойналарида нур жилваланаётган кишки ромларни шарақ-шурук қилиб чиқариб олишди. Бутун уйда жонланиш, тартибсизлик бошланди, ҳаммаёқ мой сурилган зиғирпоя толаси ва яна аллабалолар билан ифлос бўлиб кетди. Шундан сўнг ёзги дераза табақалари баҳор ҳавосига ланг очиб қўйилди. Хоналар тоза ва ёқимли дала ҳавосига, ердан таралган енгил хидга тўлиб кетди. Аллақачон учиб келган гўнқарғаларнинг викор тўла узун кичқириклари янгради. Окшом чоғи жимжит сўнаётган куёш яллиғи узра баҳорги кўк булутлар тўплана бошларди. Даладаги ховузда қурбақалар ўзининг мудроқ, ҳаёлчан ва оромбахш вақир-вуқурини баралла қўярди. Зулматнинг қуюқлашиши эса баҳор тунида иссиқ ёмғир ёғишидан дарак берар эди. Шунда бизнинг умидларимизни ҳар гал саробга айлантирувчи она ер мени эркалаб, яна иссиқ оғушига тортди...

XIX

Ўша йил августида мен илк бор бошимга кўк гардишида қумуш нишон бор қартуз кийдим. Энди аввалги Алёша йўқ эди. У эрлар гимназиясининг биринчи синф ўқувчиси Алексей Арсеньевга айланган эди.

Қишда бошдан кечирган жисмоний ва руҳий хасталигимдан ёзга келиб биронта ҳам из қолмади. Мен осойишта ва қувноқ ҳаёт кечири бошлагандим. Бундай ҳаёт бизни ёз бўйи тарк этмаган ажойиб, иссиқ ҳавога ҳам, ўша фасл кўрғонимизда ҳукм сурган ширин турмушимизга ҳам жуда мос эди. Ҳатто онамиз ва энагамиз учун ҳам энди Надя ажойиб хотирага, жажжи фариштага айланган эди. Уларнинг назарида, Надя энди жаннатда мангу фароғат оғушида юрарди. Онамиз билан энагамиз Надяни кўмсарди, албатта. Бироқ энди улар синглимни нафақат ғам-андух, балки лабда табассум билан эслар эди. Улар Надяни эслаб йиғлаган пайтлари

хам бўларди. Лекин бу йиғи ҳам аввалгидек эмас – кўзёшписиз ўтарди. Бувим эса бутунлай унутлиб кетди. Унинг ўлими ҳатто кўрғонимизда кайфият кўтарилишига ҳам сабаб бўлди: биринчидан, Батурино энди бизнинг ихтиёримизга ўтдики, бундан оиламизнинг моддий аҳволи барунгидан хийла ўнгланди. Иккинчидан, кузда ўша ёкка кўчиб ўтадиган бўлди. Бундан эса барчамиз ич-ичимизда қувонмоқда эдик. Ахир, одамлар кўчаётганда ҳар доим қувонишади-ку! Улар энди ҳаётимизда яхши томонга ўзгаришлар бўлади, деб ишонишади. Ё шунда қадим замонлардаги кўчманчи аждодлар билан бизни боғловчи ғайришуурий хотиралар жонланиб қолармикан?

Онамнинг ҳикоясига қараганда, у билан отам Батуринога шошилинич жўнаганида, мен бувимнинг кўрғонида қандай воқеа юз берганини кўз олдимга аниқ келтирган эканман: май кунларидан бири, саранжом-сарашта ховли, ёғоч устунли эски уй, зал деразаларида тўқ кўк ва тўқ қизил ойналар... Зал деразаси олдига иккита стол ёнма-ён қўйилган, унда хашак устига тўшалган чойшабда боғичи бор кунгура оқ қалпоқ кийган кампир қўлларини кўкрагига босиб жонсиз ётибди. Кампирнинг бош томонида озода кийинган, ёши ўтинқираган бир роҳиба тик турганча ерга қараб баланд ва аломат овозда дуолар ўқимокда. Унинг овозини отам аччиқ кино билан “Нақ фариштанинг овози!” деган эди. Бу кино тез-тез эсимга тушар ва ҳар гал эса тушганда ўша овоздаги воқимали, сеҳрловчи ва айни чоғда нохуш алланимани ҳис этардим. Кўз олдимга келтирган манзарамнинг ўзи ҳам менга нохуш туюларди. Аммо у атиги нохуш кўринар, бундан ортиқ эмас эди. Сабаби – ана шу нохушлик ўрни, гарчи бу гуноҳ саналса-да, қувонч билан тўлдирилган эди: энди бувимизнинг кўрғони бизники бўлди, Худо хоҳласа, мен бу ерга биринчи синфни тугатиб, таътилга келаман ва ўшанда отам менга кампирнинг отларидан бирини совға қилади. Бу от мени шу қадар яхши кўриб қоладики, битта ҳуштак чалишим билан қаерда бўлсам, ўша жойга чошиб келади.

Ўша ёзда мени онам, Оля, Баскаков ва бошқа барча қадрдонларимдан айрилиб, бегона шаҳарда якка-ёлғиз бошдан кечиражак эртанги ҳаётим кўрқувга соларди. Ахир, мени мундир кийиб юрадиган каттикқўл ва шафқатсиз муаллимлар дарс берадиган гимназия деган жойга юборишмоқда эди-да! Онамга ва Баскаковга қараб туриб, юрагим сиқилиб кетарди. Мени кўрганда уларнинг ҳам юраги сиқилар эди. Шунда ўз-ўзимга қувонч билан бундай дер эдим: ахир, ҳали бунгача қанча вақт бор! Бу олдинда мени имлаб турган келажакка энди шодлик билан қарай бошлардим. Мен гимназист бўламан, форма кийиб юраман, шаҳарда яшайман, ўртоқлар орттираман, улар орасидан содиқ дўст танлайман. Бу янги ҳаётимда ҳаммадан ҳам кўпроқ руҳимни кўтарган ва ҳавасимни кўзгаган одам акам Георгий бўлди. У кўзимга ғайриоддий бир ҳилқат бўлиб кўринарди: акам ёшларга ҳос озғинлиги ва соғломлиги, пешонасининг ялтираб туриши, кўзларининг порлаб боқиши, яноғининг қизиллиги билан шундай таассурот уйғотарди. У ҳозир кимсан Москва императорлик университети талабаси эди. Акам мен кирмоқчи бўлган гимназияни олтин медаль билан тугаллаган эди.

Мана, гимназияга қабул имтиҳонидан ҳам ўтдим. Бу муҳим кунга мени уч йил тайёрлашган эди-да! Мендан дастлаб эллик бешни ўттизга кўпайтирса неча бўлиши ва амаликиталиклар кимлигини айтиб бериш-

ни сўрашди. Кейин эса “кор оппок, аммо таъмсиз” деган гапни “тўғри ва чиройли” ёзиб беришни ҳамда “Тонгги ол шафакка бурканди уфк...” шеърини ёздан айтиб беришни сўрашди. Лекин шеърни ҳали ўқиб тугатмасимданок, “Кўй-қўзилар барра ўтлоқ бағрида” деган жойига келганимда тўхтатишди. Малласоч муаллимга (у олтин гардишли кўзойнак таккан, бурун катаклари кенг киши эди) бу шеър яхши маълум шекилли шоша-пиша бундай деди:

– Бўпти, жуда соз! Етади, етади. Кўриниб турибди, яхши ёд олганинг...

Акам ҳақ бўлиб чиқди: дарҳақиқат, “ҳеч кандан кўркинчли жойи йўқ экан”. Ҳаммаси мен кутганимдан ҳам осон бўлиб чиқди. Шунақаям тез, шунақаям осон ҳал бўлдики бари... Ваҳоланки, мен катта маррадан ўтган эдим!

Илк сафаримда эртақдагидек сеҳрли кўринган шаҳар йўли ҳам, шаҳарнинг ўзи ҳам бу гал кўзимга ўшандагидан буткул бошқача кўринди – ҳеч нимаси билан мафтун қила олмади. Фаришта Макоил черкови орқасидаги меҳмонхона кўримсиз туюлди. Тош ётқизилган каттакон ховли тўрисидаги, баланд тўсиқ билан ўралган, уч каватли гимназия менга аввалдан танишдек эди. Ҳолбуки, мен бунақа катта, покиза ва сершовқин бинони илгари ҳеч кўрган эмасман. Гимназиянинг бири йирик кизғиш-сарик, бошқаси тим қора тугма қадоғлиқ фрак кийган, аммо бари ҳам бирдек басавлат муаллимлари ҳам, ҳаттоки сиртлонга ўхшаб кетадиган директори ҳам энди ғаройиб ва кўркинчли кўринмади.

Имтиҳондан сўнг отамга “Ўғлингиз гимназияга қабул қилинди. Дарслар биринчи сентябрдан бошланади. Унғача таътил берилади”, деб айтишди. Отамнинг елкасидан тоғ қулагандек бўлди, у мени имтиҳон қилишаётганда “Ўқитувчилар хонаси”да ўтиравериб, жудаям зериккан эди. Нафақат отамнинг, балки ўзимнинг ҳам елкамдан тоғ қулагандек бўлди. Хуллас, ҳаммаси қутилганидан зиёда эди: имтиҳондан ўтиб, ўқишга кирдим, олдинда – уч ҳафталик озодлик! Аслида, бундан уялишим керак эди: туғилганидан то ҳозиргача нукул эркинликда юрган бола энди бирдан тутқунликка ташланибди-ю, бор-йўғи уч ҳафтага озодликка қўйиб юборилибди. Ўзимча бир нарсани ҳис қилиб турардим: Худога шукрки, яна уч ҳафта озодликда бўламан. Бу уч ҳафтанинг охири йўқдек туюларди.

– Энди тезда тикувчига учраймиз-да, ундан тушлик қилгани ўтамиз! – деди қувониб отам гимназиядан чиқаётганимизда.

Биз калтабақай бир одамнинг ёнига бордик. У мени бидиллаб гапиришию ҳар бир гапни савол билан, яна ҳафа бўлгандек бир оҳангда чўзиб тугатиши, айниқса, мендан гимназия формаси тиқиш учун бичим олаётгандаги чакконлиги билан лол қолдирди. Кейин шапка тикиладиган устахонага кирдик. Устахона деразаларини чанг қоплаган, шаҳар офтобида қуйиб ётарди. Ҳамма ёқда шляпа қутилари сочилиб ётгани ва матою елим ҳиди устахонани тутганидан одам аранг юрар, нафаси бўғилар эди. Хўжайин бу қутиларнинг бир нечасини иххиллаганча титқилаб чиқди-да, охири дарғазаб бўлиб бошқа хонага, юзида захиллик ва толиққанлик ифодаси акс этган аёлга қараб, бизга тушунарсиз тилда бир нималар деб бақирди. Бу киши ҳам, анави чеварга ўхшаб, яхудий эди-ю, лекин бошқача тоифасидан эди: эгнига ялтироқ қора жун матодан узун камзул, бошига эса шу матодан бостириб шапка кийган, ўзи девдек, кўкрак ва

қўлтиклари гўштдор, кўзини ҳам ёпгудек қоп-қора баркаш сокол қўйган бу киши кўрқинчли ва мотамсаро киёфада эди. У ниҳоят менга жуда ажойиб бош кийими танлаб берди. Унинг кизагида иккита кумуш навда ялтираб турарди. Мен уйга шу бош кийимида қайтдим. Ҳамма ўзида йўқ хурсанд эди. Онамнинг қувончи эса ҳамманикидан ошиб тушарди. Отам ўшанда қойилмақом лукма ташлаган эди:

– Амаликиталикларнинг сенга нима кераги бор?!

XX

Августнинг сўнги кунларидан бирида отам баланд кўнжли этигини кийди, патронга тўла белбоғини боғлади, ов халтасини елкага илди, деворда осиглиқ турган қўшотар милтигини олди, мен билан севимли тозиси – кўнғир тусли ёқимтой Жальмани чақирди-да, ҳосили ўрилган жавдар даласи йўлидан ов қилгани ховуз тарафга жўнади.

Отам эгнига олача ёнёқа қўйлак, бошига оқ картуз кийиб олган эди. Мен эса ҳаво иссиқ бўлишига карамай, гимназия кийимида эдим. Новча, бакуват отам олдинда енгил, тетик одим ташлаб борарди. У жавдарнинг ўроқ остида қолган сариқ тупларини шитир-шитир босганча, папирос тутатиб кетарди. Мен бўлсам, орқароқда, ўнг томонда илдам борардим. Ов қоидалари худди шундай юришни тақозо этар, мен эса бу қоидаларга риоя қилишдан хузурланардим. Отам ҳуштак чалиб қўйса бас, Жальма дарров думини тез-тез, енгил ликиллашиб, кулоғини динг қилар, кўзи билан атрофни кузатар ва бурни билан хид олар эди. Эпчил илдамлаб олдимизга тушиб оларди-да, ҳаммаёқни қидиришга тушарди. Кенг далалар хувиллаб ётар, ҳамон ёздагидек ёруғ ва қувончга тўла эди. Гоҳ қилт этган шабада эсмай, ҳаммаёқни жазирама тутар, шунда чигирткалар чириллаши кулоққа чалинарди. Гоҳ қуруқ гармсел келар, бизни ёнлаб ўтиб, тупроқ йўлни чангитар, чангни чирпирак қилиб, кичик қуюн ҳосил этарди-да, бир ёқларга суриб кетарди. Биз Жальманинг хатти-ҳаракатларини зийраклик билан кузатар, ит эса бир зайлда хид олганча олға силжир, бизни ҳам ортидан аста-секин эргаштириб борарди. Вақти-вақти билан Жальма бирдан тек қотар, сўнг бўйинини олдинга чўзиб ва олдинги ўнг оёғини кўтариб рўпарадаги бизга кўринмас ўлжага тикилиб қоларди. Отам секингина “Бос!” – деб қўярди. Бунга жавобан ит ўша заҳоти олдинга ташланар, потраган товуш овози эшитиларди-да, итнинг тагидан каттагина бедана учиб чиқиб, беш кадам ҳам учар-учмас, отамнинг ўқидан яна жавдарзорга қуларди. Мен чоғиб бориб, беданани кўтариб олар ва отамнинг ов халтасига солиб қўярдим.

Шу тариха биз аввал жавдар, сўнг картошка даласидан ўтиб, ховузни ҳам ортда қолдирдик. Бу ховуз биздан ўнг томонда, мол подаси тап-тақир этган тепаликлар ён бағрида жимирлаб ётарди. Яланг тепаликларда гоҳ у, гоҳ бу ерда беватан гўнқарғалар гўё ўй сураётгандек жим қўниб турарди. Отам уларга боқиб, “Мана, гўнқарғалар ҳам қачон учиб кетишни маслаҳат қилгани тўплана бошлашибди”, деб қўйди. Бу гапдан сўнг мени яна айрилиқ яқинлиги кийнай, азоблай бошлади. Мени нафақат тугаб бо-раётган ёз билан хайрлашиш, балки қалбимга яқин ва ардоқли мана шу далалар, шу овлоқ ва қадрдон гўшалар билан жудолашиш кутиб турар эди. Ахир, худди шу ерда менинг сирли ва бедахл гўдақлик ва болалик даврларим ўтди.

Сўнгра биз озгина чапрокка юриб, Заказга қараб йўл солдик. Қоп-қора шудгор марзалари бўйлаб бордик. Бу далалар ҳали ҳам отамнинг мулки эди. Унда серкесак қора тупроқ устида бир тўриқ тойча сихмола тортиб борарди. Бу тойчани ҳали ингичкаоёқ қулунлик чоғида менга совға қилишган, ўшанда унинг думчаси учи шойидек фатила-фатила эди. Энди бўлса, менадан сўроксиз, ноинсофларча сихмолага солишибди. Иссиқ шабоба эсар, офтоб нур сочар эди. Офтоб шашти ёздагидан бироз пасайган эди. Бўйи чўзилиб қолган тойчоқ (унинг бўйчанлиги ҳали ғалати, яъни ёш отларга хос эди), шудгорда итоаткорона қадам босганча, шатак қайишни тортиб борар, унинг ортида эса сихмола гоҳ биланглар, гоҳ сакрар, шу тарика темир тишлари билан кесак майдаларди. Тойчоқни икки кўллаб қайиш жиловга ёпишган ўсмир бола чипта кавушли оёғини аранг судраганча ҳайдаб борарди. Мен бу манзарага узоқ тикилиб қолдим, қалбим алланечук ғуссага тўлди...

Заказ каттагина дала ўрмони бўлиб, у овсаррок бир заминдорга тегишли эди. Заминдор бутун дунёни ўзига душман фаҳмлаб, Рождество кишлоғи яқинидаги кўрғонига, худди калъага беркингандек, биқиниб олганди. Кўрғонни баджаҳл итлар кўриқлаб турар эди. Заминдор Рождество ва Новоселки кишлоғидаги деҳқонлар билан тез-тез судлашар, уларни ишга ёллашда ҳеч муросага келолмас эди. Шу сабаб катта-катта ғалла майдонлари ўрилмай қолиб кетар ёки кеч кузгача далада чириб ётар, охири қор остида нобуд бўларди. Ҳозир ҳам аҳвол худди ўшандай эди. Биз Заказга мол подаси туёқлари остида пайхон бўлган ўриксиз сап-сарик сули даласидан ўтиб борардик. Бу далада ҳам Жальма яна бир нечта беданани ҳуркитиб учирди. Мен тагин чопиб бориб, ўққа учган беданаларни кўтариб келдим. Сўнг Заказни ёнлаб, тарик далаларидан юрдик. Тарикнинг донга тўлиқ жигарранг бошоқлари офтоб нурида шойидек ялтираб турар эди. Улар оёқларимиз остида шитирлаган заиф овоз чиқарарди. Отам ёқаларини ечди, бўғриқиб кетди. “Куёш ёнди-ряпти, томоғим қақради, Заказдаги ховузга борамиз”, деди у. Далани ўрмондан ажратиб турган зовурдан ўтиб, ўрмонга, унинг ёруғ, хушхаво, яшил барглари сарғая бошлаган, лекин ҳамон кувнок ва мафтункор оламига кирдик.

Ўрмонда қушлар сийраклашиб қолган эди. Фақат қораялоқлар гала-гала бўлиб, кувнок кичқариб, ҳар ерда учиб юрарди. Ўрмон бўм-бўш ва кенг эди. Дарахтлар яккам-дуккам, шунинг учун куёш нури тушиб турар ва узоқ-узоқларни кўрса бўларди. Биз қари қайинлар остидан борар, кенг ялангликлардан ўтар эдик. Ялангликларда бакувват, сершоҳ эманлар савлат тўкиб турарди. Уларнинг барги ёздагидек тигиз ва кўм-кўк эмас, сарғая ва тўкила бошлаган эди. Биз эманларнинг олачалпоқ соясида баргиҳазон исини туйганча борардик. Сирпанчиқ, курушқоқ ўт-ўланлар узра қадам босар, нигоҳимиз олдинга қадалган эди. Баъзи ерларда яна-ям очикроқ ялангликлар жимирлаб турар, улар ортида эса ёш заранглар сариқ баргларини ҳилпиратиб турарди. Ховузга бориладиган сўқмоққа чикқанимизда панжасимон баргли ёнғок буталари остидан, шундоқкина оёқларимиз тагидан тилларанг-сарик лойхўрак отилиб чиқди. Бу қадар барвақт пайдо бўлган “меҳмон”ни кўриб, отам ўзини шунчалик йўқотиб қўйдикки, оқибатда шошилиб отган ўқи нишонга тегмади. Лойхўрак қаердан пайдо бўлганига хайронлиги аримаган ва ўқи тегмай қолганидан

аччиқланган отам ҳовуз ёнига бориб, унинг бўйидаги тўнкага ўтирди-ю, ховучида сув олиб ича бошлади. Кейин роҳатланганча тўйиб нафас олди-да, лабларини енги билан артиб, кирғокка ёнбошлади ва тамаки тутатди. Ҳовуз суви тиник ва тотли эди. Қуш ва ҳайвонлардан бошқа ҳеч ким якин йўламайдиган ўрмон ҳовузлири сувига етадиган сув бормикан! Ҳовузнинг осмондек фусункор тубида унинг бўйидаги қайин ва эманларнинг даладан эсган шабодада оҳиста шитирлаётган учлари акс этиб турарди. Отам қўлларини боши тагига қўйиб, кўзларини юмди-да, мудраб кетди. Жальма эса аввал ҳовуздан сув ичди, кейин унга шалоп этиб ўзини отди, ва бошини сув тепасида тутган ва шалпанг қулоқларини осилтирган қўйи озроқ сузиб кўрди, охири кўккис орқасига бурилди-ю, кирғокка тез сакраб чиқиб, бизга сув сачратиб силкинди. Энди у узун кизил тилини осилтириб, отамнинг ёнида чўнқайиб ўтирар, гоҳ савол назари билан менга қараб қўяр, гоҳ сабрсизлик билан атрофга назар ташларди. Мен зерикиб ўрнимдан турдим-да, дарахтлар орасида санкиб кетдим.

XXI

Ўрмондан нарида, дарахт таналари ва сарғиш барглари ортида кенг далалар кўзга ташланарди. Улардан сўнгги ёз кунларидаги ҳарорат, ёруғлик, хузур таралиб турарди. Ўнг тарафдаги дарахтлар ортидан, мовий осмонда катта оқ булут йиғилиб-тўпланиб устимизга сузиб келарди. Бир неча қадам ташлагач, мен ҳам ерга – ўт-ўланлар устига чўзилдим. У ер-бу ерда бўй чўзган дарахтлар гўё куёш нурига чўмилганча сайр этиб юргандек кўринар эди. Япроқлардан сирға таққанча, икки опа-сингилдек, бир-бирига суяниб ўсган кўш оққайин соясида мен ҳам қўлларимни бошим остига қўйиб, гоҳ дарахтлар ортида иссиқдан жимирлаган далаларга, гоҳ бояги булутга термулиб ётардим. Даладан қуриган ўт-ўлан ва жазирама иси уфуриб турар, нурга чўмган дарахт баргларининг шабода қаёққадири олиб кетаётган мудроқ шитирлаши қулоққа чалинарди. Бу овоз гоҳ кучаяр, шунда олачалпоқ соялар ҳам ҳаракатга келар, ерда ва дарахтларда нур тасмаси ярқираб кўринарди. Дарахт шохлари эгилиб, кўз олдимда куёш ва осмон намён бўлар эди.

Ўшанда нималарни ўйлаган эдим? Умуман, ўй эдими улар? Турган гапки, мен гимназия ҳақида, у ердаги ғаройиб кишилар – муаллимлар ҳақида ўйлар эдим. Назаримда, улар бутунлай бошқача одамлар бўлиб, асосий вазифаси болаларни ўқитиш ва қўрқувда ушлашдан иборат эди. Шуларни ўйлаганда, қалбимни мубҳам даҳшат камраб оларди: нега мени жонажон уйимдан, Каменкадан, мана шу ўрмонлардан ажратиб, ўша одамларга қулликка топширишмоқчи? Хаёлим мени шудгорда сихмола тортиб юрган тойчоққа етаклаб кетарди. Юрагим ғаш тортиб, бундай деб ўйлардим: дунё нақадар ёлғонга тўла-я, мен тойчоқни ўзимники деб юрсам, бир оғизгина рухсат сўрамай, ўз мулкидек сихмолага қўшишибди. Тойчоғимнинг оёқлари ингичка эди, ҳамма тойчоқлардек салгинага титрар, хурқир эди. Бироқ, шунга қарамай, жуда қувноқ ва ишонувчан эди. Тойчоғимнинг кўзлари худди қора гилосдек эди. У онасига жуда боғланиб қолган, уни кўрган заҳоти эркаланиб кишнар, бошқа вақтларда эса эркин ва беғам юрарди. Бир ажойиб кунда менга тойчоқ совға қилишди, уни буткул ихтиёримга топширишди. Мен анча вақтгача теримга сиғмай

хурсанд бўлиб юрдим. Нукул тойчоқ хақида, у билан иккаламизнинг келажагимиз, бир-биримиз билан дўст бўлишимиз хақида ўйлардим. Тойчоқни менга ҳаё қилишгандаёқ бизнинг орамизда яқинлик пайдо бўлган деган фикрда эдим. Кейин тойчоқни секин-аста унута бошладим. Қарангки, бошқалар ҳам тойчоқ меникилигини эсидан чиқарибди. Наҳотки, тойчоқни унутганим каби, кейинчалик Баскаковни ҳам, Оляни ҳам, ҳатто бугун мени ўзи билан овга олиб чиққан, шу мурувати сабаб уни ҳаммадан-да яхши кўриб кетаётган отамни ҳам унутиб юборсам! Менга ҳар бир гўшаси таниш ва қадрдон Каменка ҳам – гўё бу йиллар ҳеч қачон бўлмагандек – хотирамдан кўтарилиб кетадими? Мана, орадан икки йил ўтибди, қани бугун ўша ғўр ва беғам тойчоқ! Энди у уч яшар от, қани унинг аввалги эркию озодлиги? Ана, унга бўйинтурук солиб, сихмола судратишяпти. Ахир, тойчоқнинг бошига тушган савдо менинг бошимга ҳам тушмайдами?!

Менга амаликиталикларнинг нима кераги бор? Шулар мени даҳшат ва таажжубга солар эди. Лекин кичкина бир бола бўлсам, кўлимдан нима ҳам келарди?! Қайин ортида оқ булут сузар, бошқа шаклга кириб борарди. Булут ўзгармаслиги мумкинми, ахир?! Нурга чўмилган ўрмон шитирлар, мудроқ бир гувраниш билан қаёққадир қочаётганга ўхшарди. Қаёққа, нима учун? Уни тўхтатишнинг иложи борми? Мен кўзларим юмуқ ҳолда аранг хис килар эдим: буларнинг бари туш, таъбири йўқ туш! Мен далалар ортидаги олис шаҳарга жўнашим шарт, чунки келажагим ўша ерда эди. Ўтмишимни эса Каменкада қолдириб кетишим керак! Окшомга сари яқинлашаётган мана шу кун ҳам, фикрларим, орзуларим, туйғуларим ҳам – барча-барчаси туш! Маҳзунми, аламлими, қайғулими – ҳаммаси туш! Йўқ, ҳар қалай, бахтли, қувончли туш!.. Бу фикримни тасдиқлагандек, орқа томонимда бутун ўрмонни ларзага солиб гумбурлаган ўк овози эшитилди. Ўқ кетидан қаттиқ чинқириқ ва аккиллаш садоси янгради. Афтидан, бу қораялоқлар галасининг товуши ва Жальманинг қувончдан хуриши эди. Милтикни мизғиб олган отам отган эди. Мен барча ўйларимни унутиб, отамнинг ёнига чопдим ва у отиб туширган, конга беланган, аммо танаси совмаган, порох хиди анқиб турган қораялоқларни теришга киришдим.

(Давоми келгуси сонда)





Мирнўлат МИРЗО
(1949–2018)

СОДИҚ ДЎСТ ЁДИ

Мирпўлат Мирзо шеърляти, публицистикаси, ва таржималари ҳақида адабиётшунос олимларимиз, унинг мухлислари томонидан кўпгина мақолалар битилган. Унинг ҳаёт, муҳаббат, дунё сир-синаотлари қаршисидаги чуқур ўйларга тўла дилхуш оҳанглар таратувчи шеърлари, ўқиган киши ҳаёлларини алғов-далғов килувчи турли мавзулардаги очерклари, Мухтор Авезов, Аҳмад Заки Валидий, Ҳалима Носирова, Абдулла Орипов, Суннатилла Анорбоев каби ёрқин сиймолар ҳақидаги мақола ва суҳбатлари бу зотларнинг энг эътиборли жиҳатларини қаламга олгани билан ажралиб туради.

Шулар ҳақида ўйлаб ўтириб, беназир олимимиз Наим Каримовнинг Мирпўлат ижоди ҳақида ёзган мақоласи ёдимга тушди. Олим инсон умрини уч фасл: баҳор, ёз, кузга қиёслайди. Инсон умрининг баҳори бепоян уммондек сокин ва секин оқишини таъкидлайди. Бу фасл инсоннинг ўқиш-ўрганиш фасли эканини, боғини турли мевали дарахтлар билан билан безаш пайти эканини, умр ёзини ана шу боғингизга кузак шамоллари оралаб қолганида сезиб қолишингизни жуда чиройли ташбеҳлар билан ифода этаркан ёзади: “Камина умрнинг сўнгги фаслини яшаётган кишилардан бири сифатида шундай мушоҳадаларга берилар эканман, теварак-атрофимдаги ўз баҳори ва ёзининг ҳар дақиқасини зое кетказмай, бир қарич бўш ери ҳам қолмаган боғига янги-янги ниҳоллар экиб, мевага кирганларидан эса сават-сават ҳосил олаётган кишиларга ҳавас билан қарайман. Менда шундай ҳавас туйғуларини уйғотаётган ёш дўстларимдан бири шоир, драматург, публицист, таржимон ва ношир Мирпўлат Мирзодир.”

Мазкур таъриф ростдан ҳам Мирпўлат Мирзонинг адабиётимиз хазинасини турфа рангдаги, турфа ифор таратувчи, ўзига хос оҳанг ва мазмунга эга асарлар билан бойитганидан далолатдир.

Мен Мирпўлатнинг шеърлари, публицистик мақолалари, умуман, унинг барча асарлари билан яхши таниш бўлган бир дўстиман. Унинг ижтимоий мавзуга йўғрилган, одамни ўйга толдирадиган, севги-муҳаббатни куйловчи дилгир шеърлари, файласуфона хулосаларга бой публицистикаси хусусида кўп гапиришим мумкин. Айтайлик, Мирпўлат Мирзо шўро даврининг сўнгги йилларида халқимиз “Ўзбеклар иши” деб ном олган бўҳтон билан айбланиб турган бир пайтда уларга қарши дадил чиқишлар қилди. Жумладан, матбуотда унинг “Ўзбеклар иши” номли шеъри чоп этилди. Мазкур шеърида шоир бир тўда мўлтонининг касрига бутун бир халқни бадном этиш фожиасини очиб беради:

*Магар қабиҳ иши бўлмишдир ошкор,
Бир тўда мўлтони амалдор, бекнинг,
Наҳот бағри хун халқ бунда гуноҳкор,
Наҳот ишидир бу хоксор ўзбекнинг?!*

Ахир, қирғин йиллар не-не оч-юпун,
 Бағрида етимлар сақласаю жсон –
 Ўзбек ўз фарзандин тўйдирмоқ учун
 Наҳотки, меҳнатсиз топган бурда нон?!
 Лекин сиз ўзбекнинг иши нелигин
 Билмоқ истасангиз чинакам,
 Қадим далаларга марҳамат, келинг,
 Унда асл халқни кўрасиз ҳар дам.
 Унда бош кўтармай заҳмат чекар эл,
 Меҳнат бонг уради унда ёзу қиш;
 Унга нигоҳ ташлаб лаззат топмас дил,
 Унда ҳукмрондир ҳар қачон ташвиш.
 Унда тер тўқади гўдаклар ҳатто,
 Унда ризқин терар кампирлар, чоллар.
 Уқубатлар зада қилганда гоҳо
 Ўзига ўт кўяр унда аёллар...

Ана шундай. Мирпўлат Мирзо халқнинг бошига тухматлар, ёлғонлар ёғилиб турган бир пайтда унинг дилини изҳор этди. Унинг юрагидаги катим-қатим дардларни ёниқ сатрлари билан кўтариб чиқди. Мирпўлат ижодида юқоридаги каби охидан тутун ўрлаган шеърлар кўплаб мавжуд. Юқорида айтганимдай, камина ушбу мухтасар мақолада Мирпўлат Мирзонинг ижодидан кўра, унинг инсоний фазилатлари ҳақида, нафақат ҳаётда юз бераётган воқеа-ҳодисаларга нисбатан, айни пайтда шахсий турмушда, ёр-биродарлар даврасида ҳам ҳозиржавоб, танти, меҳрибон, одамнинг кадрига етадиган бир шоир, бир дардкаш эканини таъкидламоқчи эдим. Биз Мирпўлат билан бир неча ўн йиллар давомида бир даврада бўлдик. Унинг дилтортар суҳбатларини, ҳозиржавоблик билан айтган сўзларини бугун ҳам эслаймиз, тўпланган пайтларимизда, гўё у ҳозир эшикдан кириб келаётгандек туюлаверади.

Мирпўлат Мирзо билан қачон ва қай тартибда танишганим ёдимда йўқ. Унинг шеърларини матбуотда ўқиб юрган бўлсам-да, аммо ўзи билан шахсан таниш эмасдим. Устоз Абдулла Ориповнинг: “Мирпўлат Мирзаев деган шогирдим бор, бир пайти келса таништириб қўяман”, деган гапларини ҳали-ҳали эслаб юраман. Кейинчалик, Абдулла ака бизни таништириб улгурмай ўзимиз танишиб олдик чоғи. Битта мавзеда – Қорасув даҳасида яшай бошлаганимиздан сўнг эса бир-биримиз билан жуда кадрдон бўлиб кетдик.

Мирпўлат содик дўст эди. Шундай бўлдики, менинг рафикам каттик касал бўлиб ётиб қолди. Касалхонадан чиққандан сўнг ҳам муолажага қатнашга тўғри келди. Мен учун ташвишли ана шундай кунларда у биздан доим хабар олиб турди. Касал одамни автобусма-автобус етаклаб юриш қийинлигини сезган Мирпўлатнинг машинасида аёлимни бир неча ҳафта давомида муолажага олиб бориб турдик. Бу юмушларни бирон марта бўлсин оғир олмади. Аксинча, ширин гап-сўзлар билан далда бериб, эр-хотиннинг кўнглимизни кўтарарди. Кейин билсам, Мирпўлат Мирзо нафақат бизга, умуман, ҳар қандай одамга ҳам оқибатли, меҳрибон инсон экан. Мен у туғилиб ўсган Сайрам кишлоғида бўларканман, унинг муштипар онаси, серғайрат, дилкаш ва Мирпўлатнинг ўзи каби ҳозиржавоб ака-укалари билан танишганимдан сўнг дўстимни янада теранроқ ту-

шуна бошладим. Ундаги одамларга бўлган самимий муҳаббат ана шу қадимий маданият марказларидан бири бўлган Сайрам шаҳрининг маданиятли оиласида шаклланган экан. Ушбу шаҳарда мавлоно Сарёмий каби Шарқнинг тилга тушган алломалари яшаб, ижод қилган. Бу қутлуғ масканга Аҳмад Яссавийдек буюкларнинг назари тушган. Унинг падари бузруквори Иброҳим отанинг сўнгги қароргоҳи ҳам ана шу шаҳри муборақдадур. Ва яна бу жой кўплаб улуғлар қаторида йиғирманчи асрнинг Имом Бухорийси деб ном олган аллома, ўзбекдан чиққан биринчи маршал Алихонтўра Соғунийнинг ҳам қадамжолари бўлиб, бу ердаги Иброҳим ота қабростонида унинг оталари Шоқирхонтўра мангу кўним топганлар.

Мирпўлат Мирзо ана шундай кўпни кўрган шаҳарда ва меҳнаткаш оилада 1949 йил, 20 августда дунёга келди. Ундаги инсонга, эл-юртга бўлган меҳр-муҳаббат ўша шаҳарнинг урф-одатлари, анъаналари асосида тарбияланди. Юқорида домламыз Наим Қаримов айтганларидек, у ўзининг келажакда мўл ҳосил беражак боғларини ўша маданиятли одамлар орасида барпо этди. Шу жойда яна домланинг сўзлари ёдга тушади. У ўзининг Мирпўлат Мирзо ижодига бағишланган мақоласида шундай ёзади: “Умрнинг шу сўнгги фаслини (қуз фаслини – Ё.Х.) бошидан кечираётган барча кишиларда, менимча, фақат битта армон бўлади. Бу, баҳор чоғида ёшликнинг нашьаю наъмоларига берилиб оз ўқигани, оз билим олгани, оз ниҳоллар эккани ёки умуман элмагани. Бу армон оддий армонлардан эмас, балки қузнинг қолган қунларини кемирвучи, инсонни сўнгги бекарга қоксуяк қилиб етказувчи қонхўр армондир.”

Домланинг юқоридаги калималарини ўқир эканман, Мирпўлатнинг юрак хасталигига учраб, олис Ҳиндистонга бориб, шифо топган пайтларини эслайман. Балки бу хасталик Наим Қаримов айтган армонларнинг оқибати эмасмикан?! Бу хасталик янги ташкил этилган “Жаҳон адабиёти” журналининг ташвишларидан бино бўлмаганмикан?! Бу беоромлик жўжабирдай оиланинг камхаржлигидан юзага чиққан бўлса не тонг?!

Мирпўлат Мирзо серфарзанд эди. Шу боис кўп ишлади, тинимсиз меҳнат қилди. Айниқса, қардош халқлар ва рус адабиёти вакиллари-нинг асарлари таржималари устида кўп ўтирди. “Жаҳон адабиёти” журналининг у бош муҳаррир ўринбосари бўлиб ишлаган йиллардаги сонларини варақласангиз, бунга гувоҳ бўласиз. Мазкур журналда унинг “Қалбимдасан, Ватан”, “Ватан қадр” (2007й. № 9-сон, 2008 й. № 9-сон) каби туркум шеърлари қаторида, Расул Ҳамзатов, Ояр Вақитис, Б.Ахмадулина, А.Ахматова, Константин Бальмонт, Абай, Ўлжас Сулаймонов, Н.Ўразалин каби ўнлаб шоирлардан қилган таржималари чоп этилди. Айни шу йилларда унинг публицистик маҳорати ҳам юз кўрсатди. Шоирнинг “Меҳрга муҳтож хилқат”, “Муҳташам кўприқлар диёри”, “Райҳон иси” каби манзумалари дунёга келди. Буларнинг барчаси машаққатли меҳнат, уйқусиз тунларнинг ҳосиласи... Касаллик ҳам! Қадимгилар “меҳнат билан дард чекти” деб бекорга айтишмас экан.

Мирпўлат Мирзонинг 80-йилларда ёзган “Ҳижронда” деган бир шеър бор:

Мен сафарга жўнаб кетганда,

Биладан,

уй қолар ҳувиллаб.

Шаҳар узра шом қўниб, сени

дилгир гўша қарши олару
юрагингни чирмар бир гусса.

Остонадан ҳатлаб паришон,
ёққанигда даҳлиз чирогин,
хоналарни тинтиб-ахтариб,
жажжи қизим тинмай бидирлар,
сўраб менинг нечун йўқлигим.

Юпатасан эркалаб уни,
кўгирчоқлар қиласан ваёда,
сўнг ўзинг ҳам юпанмоқ бўлиб,
нимагадир уншай бошлайсан,
лекин унмас юмушинг сира.

Мен сафарга жўнаб кетганда,
орамизга тушганда ҳижрон,
шундоқ кечар сенинг ҳар шоминг –
руҳингни тарк этар фароғат
ва сезмайсан
уй бурчидаги
кўзгу юзин босар чанг-губор...

Мазкур шеърни шоир, гарчи бу ҳақда таъкидламаса ҳам, сезиб туриб-сиз, суюкли рафикаси, фарзандларининг онаси, меҳрибон аёл Саёҳатхонга бағишлаган. Мирпўлат оилапарвар, вафодор эр эди. Давраларда нима гаплар, қандай мавзулар гапирилмайди, дейсиз. У билан шунча дўст бўлиб, бирон марта бўлсин оғзидан аёллар ҳақида ножўя сўз эшитмаганман. Ҳозир ёдимда йўк, муҳаббат ҳақида бир шеъри бўларди. Давраларда ўша шеърини ўқиса, шеър сўнггида "Мен сизни шундай севаманки, просто не возможно" деб тугатарди. Ҳа, шундай, Мирпўлат иштирок этган давра ҳазил-мутойибадан холи бўлмасди. Уни эслаб ёзипману, ҳозир кўчадан кириб келаётгандай, дарвозага қарайман...Ҳа, шундай, яхши инсон ёди ўчмасдир!

Ёқубжон ХЎЖАМБЕРДИЕВ

Харри МАРТИНСОН

(1904–1978)

Рус тилидан
Мирпўлат МИРЗО
таржималари

ЎШАНДА

Гумбурлади қалдироқ сармаст,
Ва тунд шамол эсиб шу асно –
Жала қуйиб берди басма-бас,
Уст-бошимиз қилиб шалаббо.

Сузар экан булутлар тоғ-тоғ,
Биз турардик айвонда хушҳол.
Ора-сира чақнаган чақмоқ
Ёритарди бугдойзорни ол.

Уй-уйига ошиқар қизлар,
Кўк юзида жазава, танглик.
Дўл ўйнади ўтлоқлар узра
Йирик-йирик тангалар янглиг.

ЛИ ДИ МАСЛАҲАТИ

Дунёни кезаркан, деганди Ли Ди:
қолган бўлса агар энг сўнги пулинг,
нон сотиб олгин ва харид қилгин гул.
Нон – қорнинг учун.
Харид қилган гулинг
Яшаш – эзгу, деган фикрингга далил.

МУҲАББАТ ЎРМОНИ

Оқ қайин бу –
севимли заминнинг
байрам либосидаги жига.
Унинг бошига мағрур қўндирилган телтақдир
қарагайнинг шох-шаббалари.
Эски кўмир жарлиги –
ўрмондаги сайхонликнинг қора юққан
дудогига ўхшар,
бўсага ташина, осмондаги булутлар
сари талпинган.
Бу жарлик – Аннанинг гунча лабларидир
маймунжонни еб, қон рангини
юқтирган.
Қайтар у уйига
ўрмоннинг кўм-кўк хошиясин ёқалаб,
оппоқ қордек тишлари гирдидан.
Тутар елинларни унинг қўллари
ва ўша он куйлар челақлар.

ОЧИҚ СОҲИЛ

Яланғоч соҳилга урилар тўлқин.
Қуриб-қовжсираган сув гиёҳлари
оёқлар остида синар –
болалар ўйнар бунда,

асрлар тегирмонида тўғралган қоялар
қумини қориб,
кулчалар ясарлар.
Соҳил улкан,
тўлқинларнинг гувранишлари
сизмас инсон ҳис дунёсига.

ЁВВОЙИ ГУЛЛАР

Инс-жинслар завол топар ясмин гунча очган чоқ,
Лекин уни маҳв этар қақраган ташина дудоқ,
Ғойиб бўлар гулдондан, тугаркан сўнгсиз фироқ.

Ёввойи, бўз чечаклар маҳкуммас бунга асло,
Зеро, асл гўзаллик бўлса ҳам мужассам, жо,
Ҳасрату севгиларга эмас улар ошино.

Барқ уриб гуллар турфа алафлар-ла ёнма-ён,
Тиллашарлар дашт ила биларлар бир кун қаён –
Изгиринлар элтишин, қиш кириб келгач шоён.

Дидимиз билан бизнинг иши йўқ уларнинг ҳеч,
Сирлашарлар яккаш шўҳ еллар билан эрта-кеч.

Бир тутам умрлари кечгай бамисли эртақ,
Ўрнида қолар сўнгра ёлғиз чўпу чўкиртақ.

Улар яшар хилватда, билмай ҳеч дунё гамин,
Уларнинг бешигию бошпанаси – шу замин.

ЯХЛАГАН СЎЗЛАР

Аёз музлатар сўзларни ва нарсаларни.
Лекин сўзлар ўз қувватин йўқотмас асло.
Яхлаб ётсалар-да, чўмганча гарчи
узоқ уйқу оғушига, ўлмастар зинҳор.
Давр яна ёнганида аланга ичра
мисли қақнус тугилган тонг сурури каби
улар яна тирилгайлар қушлар бўғзида.

ОЖИЗЛИК

Ўрмоннинг қоронғи кунжидан бир кун
болта толиб олдим,
ерга бўғзигача урилган.
Қолдирди бу менда шундоқ таассурот –



кимдир қуррамизни
иккига бўлиб ташламоқчи бўлган ғзабдан.
Ҳаддан ортиқ бўлган қаҳри унинг, ҳа,
фақатгина панд берган болта.

КОИНОТ СОАТИ

Вақт тоғларин ютиб юборар уммон,
Улар вақт наҳрига қулар бегумон.
Барглар шовиллаган жой бўлар унгу,
Ўрмонлар гуркирар денгиз ўрнида.
Соат чиқиллайди, сўнмас асло нур,
Саноклар ҳисоби ҳадсиздир жуда.
Денгиз тубидаю чўққида йироқ
Коинот соати бир хилдир бироқ.

МАКТУБ

Қора изғиринлар манзилга илдам
Югурдилар хатни дастида тутиб.
Шу тун етиб келди ўлик қўл билан
Ўликлар юртидан битилган мактуб.

Оқариб учди у зулмат бағрида
Арчазорлар оша, қирлар оралаб.
Ошиб ўтди тахтадеворлар узра,
Ёлиқ дарчаларга босиб ўтди лаб.

Устидаги муҳр – рўй-рост дўзахдан,
Ичида ёзувлар – дилни қилар хун:
“Мен ажал дастига тушмасдим ҳеч ҳам,
Бўлсайдим сен билан ақалли бир кун”.



Набижон БОҚИЙ

ХОРАЗМЛИК ОЛМОНЛАР¹

Кизим Узро бонуга багишлайман

*Хоразмни қазсангиз агар,
Ер остидан дунёлар чиқар...*

Матназар АБДУЛҲАКИМ

Олмонияга Хоразмдан олтмиш-етмиш оила кўчиб бориб, муқим яшаб қолиши мумкинми? Мактаб куриб, масжид тиклаб, урф-одатларини сақлаб қолиши, мусулмон ўзбек сифатида ҳалол тер тўкиб, ҳаёт кечирishi мумкинми?

Бундан деярли 140 йил муқаддам насроний динининг меннонит мазҳабига мансуб олтмиш-етмиш немис оиласи Хива хонлиги тасарруфидаги Оқмасжид қишлоғига келиб ўрнашади. Улар эътиқодини сақлаб қолади, ҳалол меҳнат қилиб ҳаёт кечиради. Мактаб курадилар, ибодатхона тиклайдилар. Эллик беш-олтмиш йил Хивадан ўн икки чақирим наридаги унумдор ерларда эмин-эркин ризқини терадилар. 1935 йилда большевик-шўравийлар аёвсиз равишда уларни Сибирь ўлкасига бадарға этади...

Ушбу эссе-тадқиқотимиз яқин ўтмишда бағрикенг халқимиз гувоҳлигида юз берган ўша унутилмас воқеалар тўғрисида.

ЭСКАРТМА

2014 йили баҳор мавсуми охирларида Хоразмга бордим. Аниқроғи, май ойи бўйи воҳада бўлдим. Урганчдаги вилоят архивида салкам юз йиллик тарихий ҳужжатлар яп-янги муқовалар орасида ниҳоятда авайлаб сақланаётган экан. Шоир Эргўлат Бахт билан 1927–1932 йилларга алоқадор минглаб эски жилдтахламаларни титкилаб ўтириб, фавқулдда кизиқарли ҳужжатларга дуч келиб қолдим.

Аслида, камина Хоразмга махсус сафар килиб, ўрганаётган мавзу “хотин-қизлар озодлиги” (паранжи ташлаш кампанияси) билан боғлиқ эди. Кутилмаганда архивдан Хива шаҳри жанубида (ўн икки чақирим нарида) жойлашган Оқмасжид қишлоғида яшовчи “менуитчи” (“меннонитчи”) немислар тўғрисида 1928 йили маҳаллий партия ходими ёзиб қолдирган ҳисоботга дуч келиб, э-э вох, ростакамига ҳайрат бармоғимни тишлаб қолдим. Сўнгра шу қишлоқда яшаган “менуитчи” немислар тўғрисида архивда канча ҳужжат бўлса, ҳаммасидан нусха олдим.

Биз немисларнинг насроний эканини яхши биламиз. Лекин улар қайси мазҳабга мансуб: католикми ёки протестант? Бу саволга олис овуларда яшайдиган ўзбеклар дадил жавоб бера олмайди. Лекин бир вақтлар “мен-

¹ Айрим қисқартиришлар билан эълон қилинмоқда – таҳр.

нонитчи” немислар билан битта кишлоқда ёнма-ён яшаган ўзбекларнинг авлодлари тақдир тақозоси билан Овруподан Хоразмга келиб қолган ўша мухожирларни ҳозиргача ниҳоятда меҳнатқаш ва ҳалол инсонлар сифатида эҳтиром ила эслайди.

Дарвоқе, май оғи охирларида зарур ишларим борлиги сабаб Тошкентга қайтдим. Ёз чилласида эса олмончани сув қилиб ичган Узро қизим ҳамроҳлигида яна Хоразмга бориб, тарихий йўқламани қолган жойидан давом эттирмоқчи бўлдим. Аммо шароит тақозоси билан қизим бу сафарда менга ҳамроҳлик қилолмади, натижада битта ўзим изланишларимни поёнига етказдим.

Рисола ёздим. Менингча, қизиқиб ўқилса керак. Яна қайдам, ҳакам ўзингиз, ўқувчим.

Н. Б.

МЕННОНИТЧИЛИК ТЎҒРИСИДА

(Википедия эркин энциклопедиясидан олинди)

Меннонитчилик – насронийларнинг протестант мазҳабига мансуб диний оқим бўлиб, унга Менно Симонс (1496–1561) асос солган. Менно Симонснинг миллати голланд бўлган. XIV асрнинг 30-йилларида меннонитчилик пайдо бўлади; ўша кезлар Голландияда ислохотчилик ҳаракати бошланади, бу ҳаракатда радикал ва муросасоз анабаптистлар ҳам қатнашади. Меннонитчилар куч ишлатмаслик, қаршилиқ кўрсатмаслик ғоясини дастуруламал этиб олган бўлиб, шунга кўра, улар қўлларига қурол олмайди, ҳарбий хизматдан бўйин товлайди. Меннонитчилик давлат манфаатларига мос келмагани учун ҳам сиёсий норозиликдек кўринади. Ҳокимият маъмурлари меннонитчиларни ҳарбий хизматга сафарбар этмоқчи бўлса, улар эмиграцияни маъқул кўрган. Яъни, ўзлари яшаб турган мамлакатни оммавий равишда ташлаб чиқиб кетган. Улар илк бора XVI асрнинг 40–50-йилларида шундай ҳижратни амалга оширган. Дастлаб Голландиядан Шимолий Олмонияга, сўнгра Ғарбий Пруссияга кўчиб ўтадилар. 1560 йилда меннонитчилар иккинчи марта оммавий равишда кўчади. Бу сафар Англия, Франция, Олмония ва Польшага кўчиб борадилар.

XVIII асрнинг иккинчи ярмида қиролича Екатерина Иккинчи тақлифига биноан меннонитчиларнинг катта қисми Россияга кўчиб келади.

Менно эсини таниган чоғларида кишлоқда католик руҳонийси эди. Реформация даврида ислохотчиларнинг кўплаб китобларини мутолаа қилади. Хусусан, Мартин Лютер асарларини ўқийди. 1531 йилда Леуварденда анабаптистлар қатл этилишига гувоҳ бўлади. Ноҳақ қатл этилган одамларга ачинади. Сўнг анабаптистлар ҳақ эканига ишонч ҳосил қилади, бунга Инжили шарифдан далиллар топади. Меннонинг укаси ҳам анабаптистлар сафига қўшилиб кетади. 1535 йилда анабаптистлар ишғол этган Доккума яқинидаги ибодатхонага ҳарбий кучлар ҳужум қилади, ҳужум чоғида Меннонинг укаси ўлдирилади.

Ички рухий тўлғонишлардан сўнг Менно 1536 йилда католик мазҳабидан ошқора юз ўгиради ва анабаптистлар сафига қўшилади. У анабаптистларнинг асосий ғояларини қабул қилади. Лекин черковнинг сиёсий, жанговар йўналишини қабул этмайди. Ҳатто анабаптистлар раҳнамоси бўлмиш Иоанн Лейденский таълимотига қарши асар яратади. Иоанн Лейденский ҳукмдорликка даъво қилса, Менно эса уруш-жанжалсиз тинчгина яшашни тарғиб қиларди. У анабаптистларнинг “хаворий”лари-дан бўлмиш Обби Филип томонидан қайта чўқинтирилгач, “элкезар даъватчи” фаолиятини бошлайди. Тез орада Кёльнда, жанубий Олмонияда, Мекленбургда ўз атрофига йирик жамоаларни бирлаштиради. 1543 йилда барча меннонитчиларнинг епископи рутбасини олади.

Буёқ Литва князлиги вилоятларида ҳам ўз таълимотини беш йил тарғиб қилади. Болтик бўйида “Троица тўғрисида” номли асосий асарини яратади.

Меннонитчилик таълимотининг ўзига хос томонлари шулардан иборат: дунёда Тангри салтанатини тиклаш учун черковнинг соф ва илоҳий асосини яратиш керак; таълимотнинг асосий манбаи Инжили шариф эканини сўзсиз тан олмоқ лозим; Троицанинг илоҳий аҳамиятини эътироф этмоқ даркор...

Бундан ташқари, худди баптистлар каби балоғат ёшига етган одамларгина чўқинтирилади, токи одамлар онгли равишда диндор бўлсин, дунёвий қирлардан фориғ бўлсин. Судлашув, қасамёд, ҳарбий хизмат рад этилади. Меннонитчилик ўзининг тинчликсеварлиги, мурасасозлиги билан фаркланиб туради. Ҳеч қачон зўравонликка, ёвузликка даъват этмайди. Ҳар бир мустақил қавм бошқаларга боғланмаган ҳолда ҳаёт кечирилади. Қавмнинг ўзи диний раҳнамосини, таълимот ҳомийсини сайлаб олади. Қавм муаммоларини ҳал этиш учун черковнинг “умумий йиғилиши” чақирилади, йиғилиш қарори “диний раҳбарлар конвенти” томонидан тасдиқланади. Конвент қавмнинг расмий ҳокимият олдидаги вакили ҳисобланади.

XIX асргача меннонитчилик ҳаракати доимий курашлар тарихидан иборат бўлган. Ташқи “душман” – католиклар билан протестантлар бўлса, ички “душман” – меннонитчилар орасида пайдо бўлган фиркалар эди.

Менно Симонс вафот этгач (1561 йил), Голландияда меннонитчилар ўн йил давомида қаттиқ таъқиб этилади. Катта ёшдаги одамлар чўқинтирилгани, қасамёд рад этилгани, ҳарбий хизматдан бўйин товлангани учун халқ уларни нафақат черковга, ҳатто давлатга ҳам душман деб ҳисобларди. Бу пайтларда намунали меннонитчилар энг қадимий насронийлар каби ҳаёт кечиришни, яъни қабила бўлиб яшашни афзал кўрарди. Шундай бўлса-да, улар орасида ҳам “масъала талашув”лар бўлиб турарди. Масалан, “Фақат ибодатхонада одамлар бир-бирининг оёғини ювиши керакми ёки хусусий уйларда ҳам бировнинг оёғини ювиш жоизми?” деган “масъала” юзасидан қизгин тортишувлар бўлиб ўтган.

Голландиялик меннонитчилар 1795 йилда ҳуқуқий жиҳатдан католик ва ислоҳатчиларга тенглаштирилади.

1847 йилда Пруссияда меннонитчилар ҳарбий хизматга мажбуран чиқариладиган бўлади. Шу боис уларнинг катта қисми Русияга кўчиб ўтади.

Украинага илк бора 1789 йилда 228 меннонитчи оиласи кўчиб келади. Уларга эътикод эркинлиги берилган, ҳарбий хизматдан озод этилган. Ўн йил давомида солиқлардан қисман озод қилинган, ҳар бир оилага 65 десятинадан ер берилган.

1874 йилда Русияда меннонитчилар ҳарбий хизматга мажбуран жалб этилиши тўғрисида фармон эълон қилинади. Оқибатда Русиянинг турли вилоятларида истиқомат қилаётган меннонитчилар Америка қитъасига кўчиб кета бошлайди.

1885 йилда бир гуруҳ меннонитчилар Туркистонга кўчиб келиб, Хива хонлиги ҳудудида ватан қуради.

Кўчирма: “Туркистонда Русия ҳукмдорлари мазҳабчи немисларга – меннонитлар билан адвентиларга тоқат қилишади, зуғум ўтказишмайди; улар диний урф-одатларини бемалол амалга оширишади. Уларнинг хўжаликлари бадастир эди. Мустамлака асорати остида қолган мазлумларга улар ҳар томонлама ўрнак этиб кўрсатилади. Шу боис меннонит мазҳабидаги немисларга махсус кўрғончалар барпо этиб яшашлари учун рухсат берилади. 1919 йилда улар бешта кўрғонча барпо этган эди (*Центральная Азия в составе Российской империи. Европейский университет в Санкт-Петербурге. Факультет истории. Новое литературное обозрение. 2008 г. Стр. 257*).

Бу маълумот Русия империяси “меросхўрлари” томонидан тайёрлангани ва талқин қилинган. Унга танқидий ёндашиб, мулоҳаза учун мавзу сифатида қараш лозим. Қолаверса, Туркистон генерал-губернаторлиги ҳудудида яшаган меннонит немислар ва бошқа сектантчи-мазҳабчилар тўғрисида гап кетяпти. Хива хонлиги ҳудудидаги меннонит немислар бевосита мусулмонлар қуршовида ҳаёт кечиради. Санкт-Петербургда нашр этилган “Янги адабий шарҳ” да эса Оқмасжидда истиқомат қилган немислар тўғрисида лом-мим дейилмайди.

Биз Оқмасжидда туғилган ёки Хива хонлигида яшаган меннонит немисларининг дунёдаги турли мамлакатларга сочилиб кетган авлодлари билан ҳамкорликда ўз эътиқоди сабаб мисли кўрилмаган азоб-уқубатларни бошидан кечирган инсонлар тўғрисида тўлақонли тадқиқот-китоб яратишни ўз олдимизга эзгу мақсад этиб қўйганмиз. Худо хоҳласа, мақсадимиз рўёбга чиқса, китобхонлар изланишлар самарасидан баҳраманд бўлажак. Омин.

* * *

Ўзбекистон (большевиклар) компартияси Хоразм округи қўмитаси
Ўзбекистон КП МК ҳузуридаги Партия тарихи институтининг партия архиви

Фонд № 2

Рўйхат № 3

Жилдахлам № 572

1928 й. 23 январда бошланган

1928 й. 27 августда тамомланган

20 варақ

ОҚМАСЖИД ҚИШЛОҒИДА НЕМИСЛАРНИНГ “МЕНУИТЛАР” КОЛОНИЯСИНИ ЎРГАНИШ НАТИЖАЛАРИ ТЎҒРИСИДА ҲИСОБОТЛАР, КАМБАҒАЛЛАР БИЛАН ИШЛАШ ҲАҚИДА

23/ I - P

Янгиариқ райони Оқмасжид қишлоғида Шўроларга қайта сайлов ўтказиш учун тарғибот-ташвиқот кампаниясига доир сафар яқунлари

1927 йил 30/XII куни Хор. округ сайлов кўмитасининг топшириғига кўра биз ўртоқ Тоҳиров билан биргаликда фақат немислар яшайдиган Оқмасжид қишлоғида Қ. Шўросини барпо этиш мақсадида тадқиқот ўтказдик. У ерда бўлганимизда шу нарса аниқландики, Оқмасжид ижтимоий ва сиёсий ҳаётдан батамом ажралиб қолган немислар яшайдиган ўрамга (коллония) ўхшайди, Совет ҳокимиятидан ном-нишон ҳам йўқ. Оқмасжид, аҳолининг айтишича, “немисларнинг коллонияси” экан; бу ерда 35та хўжалик бўлиб, жами 165 нафар жон бор. Кўпчилик деҳқончилик билан машғул, айрим кишилар хунармандчилик билан шуғулланади. Қишлоқнинг барча аҳолиси “менуитлар” деб аталадиган диний мазҳаб-секта аъзоларидир. Улар 43 йил муқаддам Мадраимхон (*Муҳаммад Раҳимхон Иккинчи (Феруз) – Н.Б.*) даврида Хоразмга келиб қолган. Ҳарбий хизматдан кочиб бу ерга келганлар. Хон уларга шу қишлоқда яшашга рухсат беради, диний урф-одатларига аралашмайди, лекин хунармандларидан ўз эҳтиёжи йўлида фойдаланади.

Улар ўзларининг диний эътиқоди бўйича қўлга қурол олишни ва умуман ҳарбий хизмат ўташни гуноҳ ҳисоблайди; ҳозир ҳам ҳарбий хизматдан озод қилинган эканлар. Оқмасжид қишлоғининг деярли барча аҳолиси тўқ ҳаёт кечиради, улар бадавлат кишилар. Ҳар бир оилада 5-6 та сигир, 3-5 тадан от ва каттагина ҳажмда ер-мулк бор. Даромад ҳисобидан ўз хўжаликларини янада ривожлантиради, маданийлаштиради. “Кирхе” деб аталадиган ўзларининг ибодатхонаси бор: ҳар якшанба куни тоат-ибодат қилиш учун “Кирхе”га боришади. “Менуитлар” мазҳаби русларнинг “евангелистлар” сектасига ўхшайди. Ҳозир ҳам улар эскича йил ҳисоби бўйича ҳаёт кечиради, ўзларининг диний байрамларини эски сана бўйича нишонлайдилар. Ёшлар ота-оналари таъсири остида консерватив (эскичасига) ҳаёт кечиради, жамиятга аралашмайди, сиёсатдан узоқ юришади. Ҳар бир хонадонда ўзларининг диний маросимларини нишонлаш учун шарт-шароит бор.

Ўзларининг гапларига кўра, қабила (“община”) бўлиб ҳаёт кечиринишади, ҳеч кимга тобе эмас, ҳеч кимга бўйсунмайди, уларни “давлат ичида давлат” дейиш мумкин.

Қабиланинг тепасида бошқармаси бор. Бошқарма аъзолари қабила оқсоқоллари ҳисобланади, улар фуқаро Тейвса, ўзбекчасига Отабой, пастор, ўқитувчи – оқсоқолнинг ўғли ва сув масалалари бўйича вакил – “мироб”. Мана шу бошқарма Оқмасжид қишлоғининг раҳбариятидир.

Қабила бошлиғи 27 йилдан буён ўз мансабида ўтирибди, аҳоли орасида жуда катта обрў-эътиборга эга. У Совет ҳокимиятини ёмон кўради. Тин-

масдан қабиланинг мустақиллигини, Совет ҳокимиятига бўйсунмаслик кераклигини тарғиб қилади. Ёнгинасида ўзбекларнинг Қишлоқ Шўроси бўлса-да, улар билан ҳеч қандай алоқа ўрнатилмаган, уларни тан олмайди, ҳокимият ўрнида кўрмайди уларни. Ҳар қандай ижтимоий масалани мустақил ҳал этадилар; ўзбекларнинг Қишлоқ Шўроси билан боғлиқ қандайдир муаммо пайдо бўлиб қолса, уларни ўз ҳузурларига бош эгиб келишга мажбур қилишади ва муаммони Отабой оқсоқол орқали ҳал қилишади. Маданият соҳасида улар жуда орқада қолиб кетган. Деярли ҳаммаси немисча саводхон, 14 ёшгача ўзларининг мактабларини тамомлайдилар, бироқ ижтимоий-сиёсий жиҳатдан ҳеч қандай билимга эга эмас. 14 яшар болалар учун мактаб бор, немис тили грамматикасини шу ерда ўрганишади, шунингдек, диний урф-одатлар ҳам ўргатилади.

Эркаклар ўзбеклар билан кўпроқ мулоқот қилиб юргани боис ўзбек тилида жуда яхши гапиришади, қисман ўрисча ҳам биладилар. Лекин аёллар фақат немисча саводхон. Отабойнинг ўғли ёлланма ўқитувчи ҳисобланади, у болаларни ўқитгани учун ҳар ойда 45 сўм маош олади.

Ҳар бир хонадонда шахсий кутубхона бор. Кутубхона ўнлаб немисча рисоладан иборат, диний мавзуларда ёзилган китоблар кўпроқ. Отабойдан бошқа ҳеч ким газеталарга обуна бўлмайди. Отабой Сибирдан келадиган “Крестьянин” (“Дехкон”), немисча “Дер Ландман”, Россияда таъқиқланган “Гинденбург” органи “Дифосише цайтунг” (Олмонияда, Берлинда чиқади) газеталарини мунтазам олиб туради. Биринчи газетани ёқтирмайди, чунки “Крестьянин” хаддан ташқари қизил, большевикпараст газета, лекин иккинчи газетани мириқиб мутолаа қилади.

Дала ишлари қизгин тус олган чоғлари ҳар бир хўжаликда биттадан ўзбек-батрак доим банд бўлади; унинг қорнини тўйдиришади, ҳар куни 50 тийиндан ҳақ тўлашади. Отабойнинг хонадонида ҳам уч-тўртта ўзбек-батрак доимий иш билан таъминланган. Улар на “Кўшчилар” ширкатига, на бошқа шўравий ташкилотга аъзо, ҳеч қандай шартнома тузмасдан ишлайдилар.

Немислар билан суҳбат чоғида маълум бўлдики, улар Қишлоқ Шўроси барпо этилишини асло истамас экан, ҳаммаси Отабойни қўллаб-қувватлайди. Улар бир овоздан: “Биздан давлат нимани талаб қилса, бажо келтираемиз, лекин қабиламизнинг ички ишларига ҳукумат аралашмасин, агар ҳокимият биздан оқсоқолимиз Отабойни қайта сайлашни талаб этса, яна барибир уни сайлаймиз, бизга бошқасининг кераги йўқ”, дейишади. Уларнинг фикрича, фақат Отабой қабиланинг талаб ва эҳтиёжларини қондириши мумкин.

“Агар ҳокимият биздан солиқ тўлашни талаб қилса, биз тўлаймиз, бош тортмаймиз, биринчи бўлиб тўлаймиз. Лекин ҳукумат бизнинг ҳаётимизга ҳам, урф-одатларимизга ҳам аралашмаслиги керак”, дейишади. “Нима учун кооперацияга аъзо бўлмадингиз?” деб савол бердик. “Биз большевиклар билан иложи борича камроқ алоқа қилишни истаймиз. Агар кооперацияга аъзо бўлсак, ҳукуматнинг ҳар қандай топшириғини бажаришга мажбур бўламиз. Биз ўз зараримизга ишлашни истамаймиз”, деб жавоб беришади. Уларнинг норозилигига яна битта сабаб шундан иборатки, Эдилбўйи немисларига мактабларда диний қонунларни ўқитиш ҳукумат томонидан ман этиб қўйилган. Бу ҳақда улар аниқ маълумотга эга.

Оқмасжид аҳолиси деярли ёппасига бир-бири билан қариндош бўлиб

кетган. Шу боис баъзи бирлари Эдилбўйи немисларидан келин олиб келишади, фақат улар ҳам меннонит (*архив ҳужжатида “менуитлар” деб ёзилган – Н.Б.*) мазҳабига мансуб бўлиши лозим.

Ёшлар билим олишга мутлақо қизиқмайди, улар олға интилмайди, фақат хўжалик ишлари билан машғул; бозор кунлари Хива шахрига ўз маҳсулотларини сотишга келишади. Шунингдек, ёшлар баъзан оталарига қўпилиб қишлоқларга устачилик қилгани чикиб кетишади. Улар кўпинча дурадгорлик билан машғул бўлишади. Немислар қўли гул уста ҳисобланади.

Байрам кунлари ёшлар танишлари хонадониди тўпланиб, чиройли ўтиришлар уюштиради, жўр бўлиб диний кўшиқлар ижро этишади, уй-рўзгор, хўжалик ишлари мавзусида суҳбатлашиб ўтиришади. Шунингдек, қишлоқда расм бўлган ҳар хил ўйинлар билан машғул бўлишади.

Ёшлар ота-оналарининг чизиғидан чиқмайди, уларга сўзсиз итоат этади, динни қаттиқ ушлади, кексалар билан баробар барча диний урф-одатларни беками кўст адо этадилар, ўз вақтида албатта ибодатхонага борадилар. Улар ижтимоий ёки сиёсий ташкилотлар тўғрисида ҳеч қандай тасаввурга эга эмас, тасаввурга эга бўлишни ҳам исташмайди.

ЯКУНИЙ ТАВСИЯЛАР

Оқмасжид қишлоғида яшайдиган немисларни жамоат ишларига ва сиёсий ҳаётга жалб этиб, Қишлоқ Шўросини барпо этишга замин ҳозирлаш учун куйидаги тадбирларни амалга ошириш лозим:

1. Оқмасжидда ёз мавсумида немисларнинг хонадониди ўттизтача ўзбек батраклари ишлайди; улар орасида тарғибот ва ташвиқотни кучайтириб, қишлоқда батрақлар қўмитаси ташкил этиш керак, токи бу қўмита батрақларнинг меҳнат шароитини яхшилаш учун шартнома тузин. Ҳозир эса қишлоққа тез-тез бориб, улар билан суҳбат ўқазиб, ташкилий ишлар чорасини кўрмоқ даркор. Жуда эҳтиёткор бўлиш керак, акс холда иш берадиган хўжайинлар батрақларнинг шўравий ширкатга аъзо эканини сезиб қолишса, меҳнат шароитини яхшилаш тўғрисида гап очган шоввозларни шу заҳоти ишдан ҳайдаб юборадилар, натижада батрақлар бир парча нонидан ҳам бенасиб қолади.

2. Қишлоққа комсомолларни тез-тез жўнатиб, сиёсий мавзуларда ўзбекча суҳбатлар ўтказилишини таъминлаш керак, немис ёшлари ўзбек тилида яхши гапиради ва тушунади. Шу йўсин комсомол ячейкаси ташкил этиш учун замин ҳозирланади. Бу ишни Оқмасжид қишлоғига яқин бўлган Янгиариқ район комсомол ташкилоти амалга ошириши мумкин.

3. Немис тилида ёзилган бир нечта китобни Оқмасжидга олиб бориш керак. Улар партиявий мавзуда бўлиши шарт эмас. Фақат мавжуд тузумга хайрихоҳ бўлса бас. Ўша китоблар ёшларни тўплаб баланд товушда ўқи берилса, маданий-оқартирув йўналишида суҳбатлар ўтказилса, ёшларнинг маданият даражаси кўтарилиб, уларни ота-оналари таъсиридан ажратиб олиш мумкин.

4. Бу йил Қишлоқ Шўроси барпо этишга шошмаслик керак, келаси йили шу ишни амалга ошириш учун замин ҳозирлаб қўйиш керак. Чунки ҳозирги шароитда Қишлоқ Шўроси барпо этиш жуда қийин, мақсадга мувофиқ ҳам эмас. Қолаверса, Шўро қабила орасида ҳеч қандай таъсир кучига ҳам, обрў-эътиборга ҳам эга бўлмайди.

Сизнинг 1927-7/ХІІ да № 2/085 сонли сўровингизга жавоб

МАЪЛУМОТНОМА ОҚМАСЖИД ҚИШЛОҒИНИНГ АҲВОЛИ

Шўроларга қайта сайлов ўтказилиши муносабати билан Янгиариқ райондаги Оқмасжид қишлоғида тарғибот кампаниясини ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида

1927–30/ХІІ куни Хоразм округ сайлов қўмитаси томонидан берилган топшириққа кўра мен ўрток Тохиров билан бирга асосан немислар истиқомат қиладиган Оқмасжид қишлоғини баҳоли кудрат ўрганиб чиқдим. Мақсадимиз – у ерда Қишлоқ Шўроси барпо этиш учун замин ҳозирлашдан иборат эди. Биз сафар чоғида шуни аниқладикки, Оқмасжид қишлоғи немислар яшайдиган колонияга ўхшар экан. Жамият ҳаётидан ва сиёсий воқеалардан ташқарида туради, Шўро (Совет) ҳокимиятидан асар ҳам йўқ. Оқмасжид – аҳоли ибораси билан “немис колонияси” дейиладиган қишлоқда 35 та хўжалик бўлиб, унда 165 нафар жон бор. Одамлар асосан дехқончилик билан машғул, қисман хунарманд касиблар ҳам бор экан. Қишлоқнинг ҳамма аҳолиси “менуитлар” диний мазҳабиغا (секта) мансуб бўлиб, Хоразмга Мадраимхон даврида, бундан 43 йил олдин келганлар. Улар ҳарбий хизмат қилишдан бош тортиб кўчиб келган. Хон уларнинг диний урф-одатларига аралашмаган, лекин ўз эҳтиёжи учун улардан хунарманд сифатида фойдаланган.

Уларнинг диний эътиқоди бўйича қўлга қурол олиш ҳам, ҳарбий хизмат қилиш ҳам гуноҳ ҳисобланади. Ҳозиргача улар ҳарбий хизматдан озод қилинган. Оқмасжид қишлоғининг барча аҳолиси бой-бадавлат, ўзига тўқ ҳаёт кечиради.

Ҳар бир оилада 5–6 та сигир, 3–5 тадан от бор ва ер-мулклари ҳам кўп. Даромад ҳисобидан ўз хўжаликларини ривожлантиради, маданийлаштиради. “Кирхе” деб аталадиган ибодатхонаси бор, ҳар якшанба куни у ерга бориб ибодат қилиб қайтишади. “Менуитлар” мазҳаби русларнинг “евангелистлар” сектасига ўхшайди. Ҳозир улар эскича йил ҳисоби бўйича ҳаёт кечиради, ўзларининг диний байрамларини ҳам эскичасига нишонлайдилар. Ота-оналари таъсири остида бўлган ёшлар ҳам ўта консерватив – эскичага муккасидан кетган, жамоат ишларига ҳам, сиёсий ҳаётга ҳам интилишмайди. Ҳар бир уйда ўзларининг диний шиорлари бор. Масалан, “Бизнинг йўлимиз сизнинг йўлингиз эмас”, “Худо – муҳаббат дегани”, “Парвардигор, ўзинг бизга мададкор бўл” ва ҳоказо. Улар ана шу шиорларга қараб сажда қилишади. Ўзларининг гапларига қараганда, улар қабила бўлиб яшайди, ҳеч кимга тобе эмас, ҳеч кимга бўйсунмайди. Айтиш мумкинки, “давлат ичида давлат”.

Қабиланинг тепасида бошқарма туради. Бошқарма таркибида қабила оқсоқоли фуқаро Тейвса, ўзбекчасига Отабой, пастор, ўқитувчи – оқсоқолнинг ўғли ва сув ишлари бўйича вакил – “мироб”. Улар бу қишлоқнинг асосий раҳбарияти ҳисобланади.

Аҳоли билан суҳбатлашиб амин бўлдики, улар Қишлоқ Шўроси бар-по этилишига қарши, ҳаммаси Отабойга тарафдор. Улар айтадики, “Биз давлат нимани талаб қилса, бажо келтирамиз, лекин қабиламизнинг ички ишларига ҳукумат аралашмасин. Агар ҳокимият оқсоқолимиз Отабойни қайта сайлашни талаб қилса, биз яна оқсоқолимиз учун овоз берамиз, чунки бизга бошқаси керак эмас”. Уларнинг фиркича, фақат у қабиланинг талабини қондириши мумкин.

Ёшлар билим олишга ҳам, тараққиётга ҳам интилмайди, улар фақат ўз хўжаликлари билан овора. Улар жамоат ташкилотлари ва сиёсий уюшмалар борлигини ҳам билмайди ва билишни ҳам истамайди.

* * *

Бутун дунё йўқсуллари, бирлашингиз!

Ўзбекистон Коммунистлар (большевиклар) партия Марказий кўмитаси

1927 й. 7/ХП

Самарқанд шаҳри

Советская кўчаси, 15

Махфий

ХИВА ок Ўз КП(б)

Ўз.КП/б/ тақсимот кўмитаси немисларнинг менуитчилар колонияси бўлмиш Оқмасжид кишлоғи – Хива шаҳридан 12 км. нарида жойлашган – аҳоли тўғрисида, колонияни ўрганиш бўйича ўтказилган тадбирлар ҳақида маълумот беришингизни сўрайди.

Ўз. КП /б/ Марказ Кўм.

Тақсимот кўмитаси мудири муовини

/имзо/

Толпиго

Котиб

/имзо/

Карев

КМ-2

(Бланканинг чап томонида араб имлосида ўзбекча ёзилган матн ҳам бор – Н.Б.)

* * *

КАМБАҒАЛЛАР БИЛАН ИШЛАШ ТЎҒРИСИДА

16/VIII 28 й.

Ўтаётган 1928 йилнинг бошларида кишлоқ хўжалиги, истеъмолчилар кооперацияларига қайта сайловлар ўтказилди. Мироблар сайланди. Баҳорда кредит бериш кампанияси ўтказилди. Иккинчи округ партия конференцияси қарорлари асосида кишлоқларда олиб борилаётган ишларни янада кучайтириш учун округ кўмитаси томонидан жойларга (райкомларга) камбағаллар орасида мажлислар ўтказиш борасида амалий

кўрсатмалар (директивалар) берилди. Бунда камбағаллар билан ишлаш жабҳасида тўпланган тажрибалар ҳисобга олинди.

Хоразмда илк бора камбағаллар орасида ишлаш 1926 йилнинг охириларида – 1927 йилнинг бошларида йўлга қўйилган эди. Ўшанда Шўроларга қайта сайлов ўтказиш кампанияси бошланганди. Қишлоқ камбағалларини фаоллаштириш борасида ўша ишлар ижобий натижалар берди. Камбағалларнинг Шўролардаги позицияси мустаҳкамланди, уларнинг жамоат ишларида, сиёсатда фаол бўлиши таъминланди. Ташкилий жиҳатдан бир қатор камчиликлар бўлишига қарамасдан, ижобий ютуқларга эришилди.

Округ кўмитаси кўрсатмаларини камбағаллар онгига етказиш вазифаси бевосита райком ва партия ячейкаларининг вакиллари зиммасига юклатилди, унда қишлоқ жамоат ташкилотлари – “Кўшчилар” ширкати, комсомол ва батрак кўмиталари ҳам иштирок этди.

Ўтган давр мобайнида камбағаллар орасида ишлаш борасида сезиларли натижаларга эришилди, улар жамоат ишларига фаол аралашадиган бўлди, камбағаллар хўжалиги тобора юксалиб бормоқда.

Округдаги умумий хўжаликларнинг 35 фоизи камбағаллар хўжалиги бўлиб, улар қишлоқ хўжалиги солиқларидан озод қилинган, камбағалларга кредит берадиган фонд сезиларли даражада кўпайтирилган, пахта етиштирадиган камбағалларнинг хўжаликлари ижтимоий жиҳатдан мақсадга мувофиқ равишда муҳофаза этиладиган, оқилон равишда кредит тақсмоти билан таъминланадиган бўлган.

Олтита районда 147 та ширкат раҳбарлари, еттита районда 239 та мироблар, олтита районда 127 та истеъмолчилар кооперацияси раҳбарлари сайланди. Еттита районда баҳорги кампания чоғида 159 та кредит бериш ҳолати муносабати билан камбағаллар иштирокида мажлислар ўтказилди.

Қуйидаги жадвал районлар бўйича ўтказилган мажлислар кўрсаткичини ифодалайди:

№	Районлар	Ширкат раҳбариятига сайловлар	Мироблар сайлови	Истеъмолчилар кооперацияси раҳ. сайлови	Кредит кампанияси	Жами
1	Ҳазорасп	53	26	16	26	121
2	Янгиарик	15	43	23	19	100
3	Гурлан	32	56	38	23	149
4	Боғот	15	25	15	15	70
5	Хонка	18	31	-	27	76
6	Ғазавот	14	16	16	11	57
7	Манғит	-	42	19	38	99

Рақамлардан кўриниб турибдики, райком ходимлари мироблар сайлови чоғида камбағаллар иштирокида энг кўп мажлис ўтказди. Баҳорги кредит бериш кампанияси чоғида эса мажлис 80 фоиз камроқ ўтказилди.

Мироблар сайлови чоғида аҳолининг ижтимоий таркиби қуйидаги жадвалда яққол ўз аксини топади:

№	Районлар	Фоиш кўрсаткичлари		Миробларни қайта сайлаш	
		Батрақлар	Камбағаллар	Ўртақоллар	
1	Ҳазорасп	3,7	74,2	22,1	
2	Янгиариқ	28,3	56	15,7	
3	Гурлан	46,7	48,5	4,8	
4	Боғот	9,6	68,3	22,1	
5	Хонқа	2,8	22,7	74,5	
6	Газавот	20,4	59,3	20,3	
7	Манғит	6,8	49,8	43,4	

Жадвалда Хонқа районида ўртақоллар қатлами ниҳоятда фаол бўлганини яққол кўриш мумкин.

Кичик шарҳ: камбағаллар тўғрисидаги маълумотлар, сайлов ва сайловчилар борасида қайд этилган фикр-мулоҳазалар ўша пайтда Оқмасжид немислари қандай муҳитда яшаганини яққол кўрсатади. Биз-ку, Совет Иттифокида биринчи беш йиллик (1927–1932 йиллар) аҳоли бошига мисли кўрилмаган мусибат (колхозлаштириш, “Хужум” кампанияси, сургунлар...) олиб келганини жуда яхши биламиз. Лекин ҳар йили Хивага турист сифатида Европадан, хусусан, Олмония ёки Швейцариядан келиб-кетадиган меҳмонлар Оқмасжидда “менуитлар” мазабига мансуб немислар ўз эътиқодини сақлаб қолиш учун қандай қийинчиликларни бошидан кечириб, қай ҳолатда тенгсиз курашга бел боғлаганини, ҳойнаҳой, билмасалар керак.

ОҚМАСЖИД. ҚАДАМБОЙ ОҒА ХОНАДОНИДА

Биз Оқмасжид кишлоғида Қадамбой оға Сариев хонадониди давра куриб ўтирардик. Мезбон оқ-корани танийди, кишлок зиёлиси:

– Немислар атрофи баланд пахса девор билан ўраб олинган кўрғонда истикомат қиларди. Олди тарафида дарвоза, орқа тарафида яна битта дарвозаси бор эди – дейди Қадамбой оға.

– Деворнинг баландлиги қанча эди? Баландмиди? – деб сўрайди Рўзимбой Ҳасан.

– Йўқ, унчалик баланд эмас эди. Тахминан, 1,7-2 метрча келарди.

– Улар неча одам эди? Кўпмиди? – деб яна савол беради Рўзимбой.

– Уларнинг аниқ сони немислар чоп этган китобда кўрсатилган. Яқинда немислар яна келади, улар ҳар йили май ойи охириларида келиб, Оқмасжидни зиёрат этиб, ўзбек болаларига совға-саломлар улашиб кетади. Ўтган йили ўзлари чиқарган русча ва инглизча китоб бериб кетишди. Ҳовва. Чамаси, 55-60 оила истикомат қилган.

– Мен бир жойда ўқиб қолдим, немислар иккита етим болани асраб олади. Шу болалар немисча ўрганади. Ўтган асрнинг 70-йилларида Олмониядан келган туристлар ўз миллатдошларини сўраб-суриштиришади. Биласиз, 70-йилларда Фарбий Олмония ҳамон бизнинг душманимиз ҳисобланарди, Шарқий Олмония эса бизга дўст эди. Туристлар ҳам Шарқий Олмониядан келган бўлса керак. Хуллас, ўша туристлар билан немисчани ўз она тилидек яхши биладиган иккита ўзбек чол бийрон-бийрон савол-жавоб қилади. “Бу тилни қандай ўргандингиз?” деб

сўрашганида, “Бизни маҳаллий немислар 30-йилларда асраб олган”, деб жавоб беришган эмиш. Шу гап ростми, ёшулли? – деб яна савол беради Рўзимбой.

Мен диктофонни дастурхон четига қўйиб, тугмачасини босганим заҳоти дастлаб зўр иштиёқ билан гапира бошлаган уй эгаси жайдари охангдан расмий “тил”га кўчади. Ёнимда ўтирган шоир Эрпўлат Бахт мийиғида кулиб кўяди (кейинчалик у “Мезбон кўрқиб кетди”, дейди).

– Йак, мен эшитмаганман. Мустақилликдан сўнг ота-боболарини суриштириб келадиган немисларни биламан, бошқасини билмайман. Келадиган немислар мактабга боришади. Мактабда ўзимизди немислар ясаб бериб кетган иккита парта сақланиб қолган, ўша партага бешта бола бемалол ёнма-ён ўтирса бўлади. Бошқа парталарга иккитадан бола ўтирса, эски парталарга бешта бола сиғади. Ўзларинг мактабда кўрасизлар. Ҳовва.

– Улар қишлоқнинг тўй-маъракаларига қатнашганми? – деб савол беради Рўзимбой.

– Менинг отам ҳам, қайнотам ҳам қари одамлар эди; уларнинг ҳикоя қилишича, Окмасжидда яшаган немислар дим (ўта) ҳалол экан...

Мехмонхонага уй бекаси кириб:

– Иссиқ овқат тайёр, миймонлар, сузиб келаверайми? – деб сўрайди.

Хонтахта атрофида биз беш киши эдик: Хиванинг Саят қишлоғидан Сотимбой (касби бўйича – меъмор), Шовотнинг Чигатойовулидан Сарвар (касби бўйича – тарихчи), Боғотнинг Атовидан шоир Эрпўлат Бахт ва камина – Эрпўлат билан икки ҳафта мобайнида Урганчда, Хоразм вилояти архивида “Хужум” кампаниясига алоқадор (асосан 1927–1932 йилларга доир) ҳужжатларни титкилаб ўтирганда тасодифан Окмасжидда яшаган немислар тўғрисидаги ҳисоботга дуч келиб қолиб, ниҳоятда ҳайратланганимдан ёр-дўстларни отлантириб шу қишлоқда “давра суҳбати” ташкил этган муаллифингиз. Орамизда, айниқса, журналист дўстимиз Рўзимбой Ҳасан фаол эди. Бешовимиздан Сотимбойгина илгари ҳам Окмасжид қишлоғида бўлган, шу ерликлар “Рўзимат немис” деб атайдиган мўсафидга Наманганда йигитлик бурчини ўтаб юрган аскар набирасидан салом келтирган, шу баҳонаи сабаб билан Окмасжидда бир замонлар немислар истикомат қилганини эшитиб “дим таъсирланган”.

Хонтахтага дастурхон ёзилди, чой-нон қўйилди. Эрпўлат билан Сотимбой чойнақларни ёнига тортиб, чой шопирди. Мезбоннинг ҳай-ҳайлашига карамай, ҳаммага бир пиёладан чой узатди (мезбон ўзи хизмат қилмоқчи бўлди-да).

Уй бекаси мехмонхонага киргач, узилиб қолган суҳбат яна давом эттирилди.

– Демак, немислар ҳалол бўлган... Хўш, кейин-чи? – дейди Рўзимбой.

– Ҳа, улар дим ҳалол бўлган... Немис оксоқолининг исми Отто бўлган, фамилияси эса Зегерсми, Бигерсми... Отто ўзбек тилида эркин сўзлашган, бизникилар уни Отабой деб атаган. Немислар ўзбек йигитларини ўз хўжаликларига ишлатган, немислар қўлида ўйнаб-қулиб мардикорчилик қилган. Агар иш берувчи билан мардикор ўртасида жанжал чиқиб қолса, дарҳол Отто – Отабой аралашиб муаммони ҳал этиб берган. Мардикорни ишлатган одамнинг ўрнига ўзи иш ҳақини бериб юбораверган, кейин иш берувчидан жарима ундириб олган бўлса керак. Балки ўртада бузилмас фонд бўлгандир, қайдам.

– Немислар ўзбеклар билан куда-анда бўлганми? – деб савол беради Рўзимбой.

– Йак, бўлган эмас... Бириси бизнинг битта гизимиз билан муомала этиб қўяди... Ёшлар кони кизиб турган бўлса, нималар қилмайди дейсиз, ҳовва! Улар меннонит-немисларнинг удумини бузган йигитни ўз жамоасидан чиқариб, радди маърака этиб қўйган... Лекин, умуман олганда, немислар ўзбекларга гиз ҳам барган амас, биздан гиз ҳам олган амас... Ҳовва. Аммо шу битта иш бўлган...

– Немис йигитни хоҳлаб қолган кизнинг исми нима?

– Гизнинг одини биламан, аммо уни ёзиб ўтириш шарт амас; ёшлигида шўх бўлган момонинг ақтиқ-набиралари тирик хали, эшитиб қолса хафа бўлади. Ҳовва.

– Марҳумларни каерга дафн этишган? Қабристонлари сакланиб қолганми?

– Мен қабристонларини ўз кўзим билан кўрмаганман. Ўтган асрнинг 30-йилларида немислар Оқмасжиддан кўчирма этилгач, орадан қирқ йиллар ўтиб, қаровсиз қабристон чўкиб-чўкиб ер билан баробар бўлиб қолади. Сўнг эски қабристон ўрнига қовун экилади; пайкалга бостириб сув қўйилади, шунда эски қабр ўринлари ўпирилиб, чуқалоқ бўлиб қолади... Кўриниб қолган суяклар устига яна тупрок тортиб қўйилади. Мен немислар қабристонни каерда жойлашганини биламан. Ҳовва.

– Немислар ўзларининг кўрғонида қандай яшаган?

– Уларнинг ибодатхонаси бўлган, мактаби бўлган, ҳатто телефонлари бўлган экан. Ҳовва. Мусулмонлар билан куда-анда бўлмаган. Ўз жамоасида узатиш ёки уйлантириш учун гиз ёки йигит топилмаса, Орол бўйида яшайдиган немислардан келин ё куёв топганлар.

– Орол бўйларида ҳам немислар яшаганми?

– Факат Волга (Эдил) бўйларида эмас, Орол бўйларида ҳам немислар яшаган.

– Шунақами?

– Ҳовва. Кўрғонда ёш келин-куёвга жой топилмаса, Оқмасжиднинг ўзбеклар яшайдиган қисмидан янги уй қуришган. Уйлари пахсадан тиклашган. Томни худди шифер қиладигандек қиялатиб ёпишган, устини сомон сувок қилишган; ёмғир ёғса, томни тешиб ўтмасди, пастга оқиб тушиб кетаверарди.

– Черепица қоплашар экан-да?

– Йак-йак, черепица қоплашмасди, лекин томлари қиялама... Деразаларга ойна ўрнатишни аввал немислар бошлаб берган. Улар қурган уйлар яқинларгача ҳам сакланиб қолган эди. Деразалари ташқарига очиларди, ташқарида дераза устидан ёпиб турадиган эшикчалари бўларди. Қорбўрондан, қаттиқ шамолдан деразани ўша эшиклар ҳимоя қиларди. Ёнатрофимиз – Қорақум; Шўркўлнинг нариги томонлари – бепоён сахро. Ҳовва. Хуллас, улар маданиятда анча илгарилаб кетган эди.

– Картошка, помидор, бодрингларни Хоразмга улар олиб келишган, дейишади.

– Ҳовва. Бодринг ўзимизда бўлган, шекилли. Лекин картошка билан помидорни бизга немислар олиб келишган. Кўрғончаларида узумдан мусаллас (вино) ҳам тайёрлашган. Улар шолидан юз сентнердан, картошкадан эса беш юз сентнердан ҳосил олган. Сигирлари ҳар қуни қирқ литр

сут берарди. Қишлоғимизда немислардан қолган говмуш-сигирлари бор хонадонлар кўп эди. Елинлари чотига сигмайдиған зотдор сигирларни ўзим ҳам кўрганман. Ахир, мен ҳам ёш эмасман, етмишга яқинлашиб қолдим.

– Нима бало, улар сигирларини ҳам ҳайдаб келганми?

– Билмадим, сигирларини ҳайдаб келганми ёки ёпиқ вагонларга ортиб келганми, у ёғини аниқ билмайман. Аммо серсут сигирлари бўлган.

– Айтишларича, Мадрайимхон немисларга Оқмасжидда яшашга рухсат бераётиб, чўчка бокмасликни шарт қилиб қўяди, – дейди Рўзимбой.

– Лекин, немислар дарё бўйидаги тўқайлардан келиб кишлок оралаб юрадиған ёввойи қобонларни отиб йўқотади. Ёввойи қобонлар илгари экин-тикинни пайхон этиб, кишлок хўжалигига кўп зиён етказарди. Ҳозир тўқайларда қобон қолмаган, – дейди Сотимбой.

– Тўқайлар ҳам киш қаттиқ келганда кесиб йўқотиляпти.

– Дўғри, дўғри...

– Янглишмасам, немислар 1865 йилда Оқмасжидга келган, – дейди яна суҳбатни асил ўзанига буриб мезбон. – Ўша пайтларда Туркистоннинг генерал-губернатори фон Кауфман – немис бўлган-да! Улар фон Кауфманни қора тортиб, Туркистонга келиб қолади.

Аслида, Константин Петрович Кауфман аллақачон руслашиб кетган, православ мазҳабиға мансуб насроний бўлиб, қатта боболари немис бўлгани учун меннонит сектасига алоқадор миллатдошларига қайишадиган, ён босадиған инсон эмас эди. У 1882 йилда вафот этган. Меннонит немислари Туркистонга, хусусан, Хива хонлиги худудига 1885 йилда келади (бу ҳақда архив ҳужжатларида аниқ маълумот бор).

Дарвоқе, Қадамбой оға хонадонида меннонитларга доир воқеа-ҳодисалар халқ хотирасида қандай сақланиб қолган бўлса, ўша ҳолда диктофонга ёзилиб, қоғозга туширилди.

– Улар дастлаб туркманлар яшайдиган овулларга жойлашмоқчи бўлади. Туркманлар немисларнинг қизларини ўғирлаб кетиб, ўзларига келинчак-хотин қилиб олаверади. Шундан кейин улар фон Кауфманга мурожаат этиб, Хива хонлиги худудидан сиёсий бошпана сўрайди, – деб изоҳ беради тусмолдан Рўзимбой, – хон яшашга рухсат беради.

– Улар дастлаб ҳозир Хива кишлок хўжалиги коллежи бўлиб турган жойга тушади, аммо бу ерда одамлар уларга кўп азият етказди, шундан сўнг улар Оқмасжидга кўчирилади. Оқмасжид халқи мусофирларга меҳрибон бўлади. Халқ уларга тегинган эмас. Аксинча, улар ўрнашиб бойиб кетгач, маҳаллий аҳоли уларнинг эшигида ишлаган, молини боққан, томорқасига қараган. Менга дарс берган устозим юз йил умр кўрди. Ўша муаллимнинг ҳикоя қилишича, тўққиз яшар чоғида акаси-отаси уни немислар кўрғониға ишга юборган экан. Устозимнинг исми Вафо эди. Отаси Полвон бўлган, ҳамма уни Полвон бува дерди... Немисларнинг оқсоқоли Отто-Отабой Вафонинг отаси кимлигини сўраб, уйига келади ва: “Полвон, сен бизни орқаваротдан “кофир” деб маломат қилиб юрасан, аслида, биз эмас, ўзинг кофир экансан! Сен тўққиз яшар болангни боқолмай қопсан, мурғакни ёш чоғидан ишлатиб қўйибсан... – дейди жони ачишиб.

– Лекин мен уни ишлатмайман, ҳозирдан майиб бўлиб қолишини истамайман. Майли, Вафо бизникида юраверсин, қорнини тўйдираман, устбошини бутлаб бераман, ўзим ўқитаман; мусулмонча ҳам, немисча ҳам

саводини чиқараман, ҳовва!” деб болани парвариш қилади. Шу гапларни айтиб Вафо муаллим юм-юм йиғлар эди. Илойим, худойим раҳматига олган бўлсин! – деб юзига фотиҳа тортади мезбон. – Оқмасжидда яшаган немислар бизнинг халқимизда мунис хотиралар қолдирган, ҳовва. Немислар бизнинг одамларни ишлатган бўлса, аввал оғзаки шартнома тузиб, келишиб, сўнг ҳақини берган; молини боктирса ҳам, солма қаздирса ҳам ҳеч кимни норози қилмаган. Ҳақини тўқис берган.

– Ўтган асрнинг 30-йилларида кўрғонларида кино кўйишар экан. Ён-атрофдан одамлар йиғилиб келиб, кино кўриб кетишар экан. Шу гап ростми?

– Йак, мен бу гапни энди эшитяпман.

– Хоҳловчиларни суратга туширишар эмиш...

– Билмадим. Оқмасжидда яшаган немислар тўғрисида биздан кўп билдиган одам бўлмаса керак. Қолаверса, ҳар йили май ойининг охирида Олмониядан бир автобус бўлиб туристлар келади. Биз билганларимизни уларга айтамыз, улар билганларини бизга айтишади. – Туристлар ҳеч кимнинг уйига кирмайди. Кўчадан келиб, кўчадан кетишади, – дея сўзида давом этади Қадамбой оға. – Йак, мактабга киришади. Парталарни кўришади. Илгари ўн беш-йигирмага парта бор эди, ҳозир фақат иккита қолган. Ўша парталар бугун табаррук бўлиб кетишини билганимизда ҳаммасини ғилофга ўраб сақлаб қўярдик. Ҳовва! Бизда Искандар Юсупов деган раис бўларди. Ўша одам ўн бешта партани колхоз гаражга олдиради. Парталарга катта одамлар ҳам бемалол сиғарди. Улардан ҳайдовчилар, гаражга келиб-кетадиган бошқа одамлар фойдаланади. Мен мактаб директори бўлиб турган чоғларим “Бизда ҳам эски парта хотира бўлиб қолсин, ёшулли!” деб иккитасини олиб қолганман. Партага ўтириш чоғи ён томондан ўтилади, ўтаётиб гужумдан ясалган тахта-остонага оёқ қўйилади; ўша тахта-остона емирилиб, асил ҳолатининг учдан бир қисми қолган. Пойабзал билан тахтани емириш учун юз йил вақт камлик қиладими ёки кўпми? Ҳали-замон ўзларинг бориб немислардан қолган ашёвий далилни ўз кўзларинг билан кўрасизлар.

– Немислардан бошқа ҳеч нарса қолмаганми?

– Қолган. Кўп нарса қолган. Фақат бошқа ашёвий далиллар одамларнинг кўлларида. Агар Оқмасжидда яшаган немисларга музей ташкил этилса, мен дарров одамлардан тарихий ашёларни йиғнаб берардим...

Мезбон бизни немислар жўнатган элчилар гуруҳими, музей ташкил этиш учун Маданият вазири жўнатган вакилларми, деб ўйлади чамаси. Шу боис куюк меҳмон килишга ҳам шай эди.

– Ёшулли, одамларнинг кўлларида нималар қолган? – деб сўрайди Рўзимбой.

– Немислар ўз қўли билан ясаган жавон бор, пардаси бор, сепарати бор, “Зингер” деган машинаси (тикув) бор. Хуллас, одамларда кўп важлар бор.

– Буюмларини немислар сотиб кетганми ёки текинга ташлаб кетганми? – деб яна савол беради Рўзимбой.

– Қандай сотади? Сотмаган! Мен уларнинг қандай қилиб бу ердан кетганини айтиб бераман, – дейди мезбон. – Уларнинг ҳаммаси 1935 йил 18 июнь куни сургун этилган.

– Ҳаммасими? – деб лукма ташлайди Эрпўлат. – Нахотки!

– Ҳаммаси сургун этилган, – деб такрорлайди мезбон. – 1935 йил 18 июнь, “л” эмас, “н” ойининг ўн саккизинчи куни сургун қилинган.

– Олмония билан уруш бўлиши муқаррар бўлиб қолгач, Окмасжид немислари мамлакат ичкарасига суриб юборилган, деб эшитганман, – дейди Рўзимбой.

– Э-э, у пайтларда Ҳитлер энди ҳокимиятни қўлга олган, Иккинчи жаҳон уруши бошланишига анча бор эди. Қолаверса, Окмасжид немислари ҳарбий хизмат қилишни эътиқодга хилоф деб биларди, қўлига қурол ушламасди.

– Бўлмасам, нима учун улар сургун қилинган? Қаёққа кетишган?

– Бировлар Қарағандага дейди, бировлар Тожикистонга дейди. Яна бировлар Қозоғистон билан Тожикистон чегарасидаги одам яшамайди-ган чангалзорга элтиб ташланган, дейди. Менга қаранг, Қозоғистон билан Тожикистон чегарадоши?.. Ишқилиб, немислар гадейтопмас жойга элтиб ташланади. Немислар ниҳоятда меҳнаткаш бўлган. Устига устак, дим онгли эди. Улар қаерга борса ҳам, нонларини топиб ерди, оч қолмасди.

– Умри қувғинда ўтган халқ-да, – деб луқма ташлайди Рўзимбой.

– Немисларнинг учта бошлиғи бўлган. Биттаси – Отто, Отабой ҳам шу киши, бириси – унинг боласи, яна бириси – мулласи. Уларга “қолхоз бўласан” дейишади. “Йақ, биз қолхоз бўлмаймиз. Сен ерни ўлчаб бер, норма қўй, сўнг шуни бизлардан сўраб ол! Ерингни ўлчаб бер, нима эк десанг, шуни экамиз. Лекин бизга ҳеч ким иш буюрмасин, нима қилиш кераклигини ўзимиз биламиз. Режани бажармасак, ундан кейин, майли, чора кўрасан”, дейишади Шўро ҳукумати вакилига. “Йақ, биз айтганни қиласан, қолхозга кириб ишлайсан”, дейди Шўро ҳукумати вакили. “Йақ, қолхозга кирмаймиз”, дейди немисларнинг етакчилари. Сўнг учисини қамаганлар. Яна учисини бадарга қилганлар. Шундан кейин ҳам немислар қолхозга аъзо бўлишни истамайди. Охири ҳаммаси ёппасига сургун қилинади.

– Ҳеч ваз олдирилмаганми? – деб сўрайди Рўзимбой.

– Йақ, ҳеч ваз олишга улгуришмаган... Акам айтар эди, палов пишган экан; палов товоқларга сузиб дастурхонга қўйилган, палов устида турган гўштлар хали майдаланмаган... Шу пайт ўн саккизта ҳарбий юк машинаси Окмасжидга кириб келади.

– “Полуторка” (бир ярим тонналик) юк машиналари келган бўлса керак-да?

– Ҳа, шундоқ, – дейди мезбон. – Ҳар кимга фақат бир қоп ваз олишга руҳсат берилади. Нон оласанми, латта-путта ёки кимматбаҳо буюм оласанми – ихтиёринг, дейилади. Қуролланган аскарлар ҳавли-жойларга бостириб қиради. Ҳеч ким ортиқча ҳаракат қилолмайди. Немислар қурол кўтаришни ҳаёлига ҳам келтирмасди, улар насронийларнинг мўъмин-қобил мазҳабига мансуб қавм эди. Қоплар битта машинага юкланган, одамлар эса бошқа машиналарга жойлаштирилган. Қишлоқдошлар ғойибона хайр-хўшлашиб қолаверган.

– Мол-ҳол қолиб кетганми?

– Ҳаммаси қолиб кетган.

– Немислар қурган уй-жойлар нима бўлган?

– Ён-атрофдан уйсиз-жойсиз йўқсуллар кўчириб келиб жойлаштирилган. Улар бу уйларда илгари кимлар яшаганини ҳам билмасди.

- Ўша уйлардан бирортаси сақланиб қолганми?
- Ҳаммаси бузилиб кетган. Агар бирортаси сақланиб қолгандами, жуда ажойиб музей бўларди. Биз Оқмасжид Олмониядан келадиган туристлар учун кадамжо бўлишини билганимизда немислардан қолган уй-жойларни кўз қорачиғидек асраган бўлардик. Э-э, хом сут эмган бандамиз-да! Ҳовва.
- Пойдеворига тош ёки карвич терилмаган бўлса керак, шу сабаб кирк йилга етиб-етмасдан кулаб тушган, – деб тусмол қилади Рўзимбой.
- Йак, немислар ҳамма ишни пухта қиларди. Мен яхши эслаيمان, уларнинг уйлари юз йилдан ортик турди. Яна туриши мумкин эди. Лекин қишлоқ бош режа (“Генплан”) асосида қайта қурилган вақтларда (1970-йиллар) кўп уйлар бузилиб кетди. Ана, немислар ясаган мактаб парталарини кўринг: юз йилдан ортик вақт ўтган бўлса ҳамки, болалар ўтириб ўқияпти-ку! Бирорта миҳ ишлатмасдан парта ясаганлар. Тахталар бир-бирига шундай ўйиб ёпиштирилганки, чимилдикқа кирган келин-куёв ҳам бир-бирига бундай қаттиқ ёпишмаса керак. Ҳовва.
- Ойдаи турибди.
- Ҳовва, ойдаи турибди. Миҳ-сих урилмаган. Айтишларича, катта дошқозонда алифни қайнатиб, унга парта ясаладиган тахталар бўктириб қўйилар экан. Алифни роса шимиб, тўйиниб қолган тахталар юз йил эмас, лофи билан, минг йил ҳам ўз ҳолатини йўқотмасдан тураверар экан.
- Немисча ҳисоб-китоб – бор имкониятдан оқилона фойдаланиш дегани-да.
- Ҳовва. Немислар ясаб берган копу-эшиқлар ҳалигача одамларнинг уйларида бор. Хоннинг Нуруллобойдаги саройини ҳам шу немислар дузатган-қурган дейишади.
- Мезбон ана шундай дейди-да:
- Чой ичаверинглар, – деб бизни яна дастурхонга манзират этади. – Эй, болалар, чой опкелинглар, ахир!
- Хўп, хозир, – деган сас эшитилади долондан.
- Қайси фандан дарс бергансиз? – деб сўрайди Эрпўлат.
- Мен тил ва адабиёт фанидан дарс берганман.
- Қайси уруғдансиз, сиз ҳам найманми? – деб сўрайман.
- Йак, биз туркмандан, – дейди мезбон. – Отим Қадамбой Салиев, Салиев Қадамбой. Ҳовва. Бизлар туркманларнинг “сарӣ” уруғиданмиз.
- Қайси мактабда ишлагансиз?
- Шу ўзимизнинг 8-мактабда ишлаганман.
- Немисларнинг ўрнига туркманлар олиб келиб жойлаштирилганми?
- Йак, туркманлар бор-йўғи уч хўжалик бўлган... Асосан ўзбеклар жойлаштирилган.
- Туркманларни хон Хива атрофига жойлаштирган. Ҳозир Қалъажик (Боғот) тарафда, Найман тарафда туркман элатлари бор. Қалъажик ёнида асосан Маридан келган туркманлар яшайди, ҳозир ҳам ўзаро борди-келди қилиб туришади.
- Туркманда сув кам бўлгани учун серсув жойларга келтирилган, – дейди Қадамбой оға. – Мен туркманларнинг келиш сабабларини аниқ билмайман-у, лекин акам-отам, “Биз уруш-жанжалдан қочиб келганмиз”, деб кўп айтарди... Марҳум Жуманиёз Шариповнинг “Хоразм” китобида бор-ку, агар бировнинг уйини ўғирлашга аҳд қилинса, тўртта туркман-

ча сўзни ўрганиб олиб, кечаси товушини баланд қўйганча, ўша сўзларни қайта-қайта хитоб қилиб, қўлга илинган нарсани ўмариб кетишар экан. Эртаси куни эл-юртга: “Фалончининг уйини туркманлар босди!” деб гап таркалади. Қарабсизки, ким ўғри – ёвмуд ўғри, ким ўғри – така туркман ўғри! Мабодо ўша ўғрилар туркман бойларини тунамочки бўлса, кечаси ўзбекчалаб бақир-чақир қилишар экан. Қарабсизки, икки халқ бир-бирига ёвлашиб ётаверади, ўғри-каззоблар эса маишат қилаверади.

– Демак, немислар ҳар йили келиб шунчаки айланиб кетишар экан-да? – деб гап мавзусини яна асил ўзанига буради Рўзимбой.

– Ҳа, улар кўчаларимизда айланиб юришади, болаларга совға-салом беришади. Фотоаппаратларида одамларни, манзарали жойларни суратга туширишади.

– Олмониядан турист бўлиб келадиган немислар илгари Окмасжидда яшаган немисларнинг авлодими? – деб сўрайди Эрпўлат.

– У ёғини билмадим, Худойим билгувчи, – дейди Қадамбой оға. – Биздан кетган немисларнинг маркази ҳозир Канадада эмиш. Лекин Хивага ҳар йили новча битта немис туристларни бошлаб келади. Бошлиғи – ўша новча немис бўлса керак. Айтишларича, ўша пайтларда меннонит-немислардан икки юз минг киши Русияга кўчириб келтирилган экан. Ҳовва.

– Улар қиролича Екатерина замонида кўчириб келтирилган, – дейди Рўзимбой.

– Лекин генерал Скобелев миллий қахрамон даражасига кўтарилган 1870 йилда Русияда немисларга қарши кампания бошланиб кетади: “Немислар – русларнинг энг ашаддий душмани! Немислар Русиядан ҳайдаб чиқарилсин!” Дарҳақиқат, рус подшолари ҳам, буюк князлар ҳам немис қизларига уйланишни расм қилган экан-да! Гўё немис хотин-қизлари рус подшоларини йўлдан уриб, рус халқини жар ёқасига келтириб қўйган эмиш. Хуллас, генерал Скобелев етакчилик қилган миллатчилар тазйиқи остида Русиянинг марказий шаҳарларида яшовчи немислар ёпасига Волга-Эдил дарёси бўйига кўчирилади. 1917 йилдаги большевиклар инқилобидан сўнг Эдилбўйи немис автоном республикаси ташкил этилади. 1937-38 йилларда Сталин оммавий қатли ом уюштириб, кўплаб немисларнинг ёстиғини қуритгач, Эдилбўйи автоном республикасини ҳам тарқатиб юборади.

– Демак, немислар Россияга уч юз йил мукаддам келиб қолган.

– Ҳовва.

– Хивадан кетган битта немис Тожикистонга бориб қолади. У хотира китоби ёзади. Қамалади. Озодликка чиқади. Оди ҳам Шульцми, Шварцми – шунақароқ. Унинг ёзишича, меннонит немислари дастлаб Швецияда яшаган, сўнг Олмонияга ўтадилар. Олмониядан қувилгач, Русияга ўтишади. Меннонитлар келган чоғларда Русия билан Туркия ўртасида Қрим уриши (тахминан, 1850 йиллар бўлса керак) авжига чиққан эди. Бошпана берган рус подшоси янги фуқаросидан аскар ўрнида фойдаланмоқчи бўлади; меннонитларни Қрим урушига сафарбар этмоқни мўлжаллайди. Меннонитлар қўлига қурол олишдан бош тортади. Шахсан Александр Иккинчи номидан вакил келиб илтимос қилса ҳам, меннонитлар урушда қатнашишга рози бўлмайди: “Эътиқодимиз бўйича биз ҳарбий хизматни ҳаром деб биламиз. Ҳазрати олийларига узримизни етказиб қўйинлар”, деб жавоб беради. Шундан сўнг улар хали одам яшаб обод этилмаган

Орол бўйларига сургун қилинади. Ҳовва. Улар дастлаб Кегайли атрофларида яшайди. Туркманлар отда қий-чув кўтариб бостириб келишар эканда, немисларнинг бўй етган қизларини опқочиб кетишар экан. Бечора диндор немислар кўлларига таёқ олиб, ўзини босқинчилардан химоя қилишга ҳам қодир бўлмайди. Чунки уларнинг эътиқоди зўравонликка қарши куч ишлатишга изн бермас экан. Чамаси, немислар охири Хива хонига арз этиб келади, вазиятни англаган хон уларни энг хавфсиз бўлган Окмасжид кишлоғига кўчириб келтиради.

– Тўғри айтдингиз, Рўзимбой. Бу кишлок Отажон тўранинг мулки ҳисобланган. Отажон тўра эса Хива хонлигида подшодан кейин турадиган иккинчи шахс бўлган. Отажон тўра мулкига ҳеч ким бостириб киришга журъат этолмаган.

– Отажон тўра – хоннинг укаси эди.

– Ҳовва.

– Меннонит немислари тинч-тотув ҳаёт кечири бошлаган. Ўзлари ясаган хунармандчилик буюмлари, етиштирган кишлок хўжалиги ёки чорвачилик маҳсулотларини Хива бозорларига олиб бориб бемалол сотаверган. Ишнинг кўзини биладиган немислар тез орада бойиб кетади. Чунки немислар йўқни йўндирадиган тадбиркор халқ бўлади!

– Ҳовва.

– Хивадаги шифоҳонаю почтахона биноларини ҳам Окмасжидда яшаган немислар қурган. Маълумки, Ислохўжа ислохотчи ҳукмдор бўлган, у немисларни қурилиш ишларига жалб этган. Бундан ташқари, Хива хонлигида илк бора суратқашлик хунарини малакали даражада эгаллаган Худойберган Девоновнинг устози ҳам Паннер исмли окмасжидлик немис бўлган. Ҳовва.

– Паннерни ўзбекча қилиб Паноҳ бобо дейишади, шекилли.

– Ҳовва. Девоновга суратқашликни ўша немис устози ўргатган.

– Хивада Худойберган Девоновнинг уй-музеи бор экан, лекин у ерда узтозининг фақат номи бор-у, сурати йўқ экан.

– Биз ҳам Окмасжидда яшаган немислар ҳаётини акс эттирадиган музей ташкил қилиш учун дим кўп югурдик. Бирок, барибир, музей очолмадик. Изиндан қолмай кўп югурдик, барибир бўлмади. Хиваликлар музей очди, шекилли? – деб тусмол қилади Қадамбой оға.

– Йўқ, Хивада Окмасжидда яшаган немисларга бағишлаб ҳеч қандай музей очилгани йўқ, – дейди Эрпўлат Бахт. – Қолбуки, музей очилгани ҳақида газетادا хабар ўқигандим, телевизорда ҳам эълон қилишган, ҳатто интернетда ҳам ёзишган эди. Ҳайронман, одамларни алдашдан нима фойда бор экан.

– Ҳовва, телевизорда гапиришганини ўзим ҳам эшитганман, – дейди мезбон. – Директорлик давримда музей очиш учун расмий идораларга учрашсам, э-э вох, балога қолаёздим! Роса тергов қилишди. Охири директорликдан бўшаб, зўрға қутилдим. Ташаббус кўтариб бўлмас эди. Нега бунақа қилишади, ҳайронман. Ахир меннонит немислари маҳаллий халқ билан тинч-тотув яшаган, уларнинг бизга фойдаси теккан бўлса теккан, асло зарари тегмаган. Шундоқ бўлгач, нима учун музей очилишига руҳсат беришмайди?

– Етти-саккиз йил олдин Олмониянинг Ўзбекистондаги элчиси Матис Майер Хоразмга келиб, журналистларни йиғнади, – дейди Рўзимбой. –

Урганч шаҳар ҳокимиятида учрашув бўлди. Бўйи икки метр бор экан. Биргалашиб суратга тушдик. Ҳовва. Ўтириб, ундан-бундан гаплашдик. Сўнг мен унга савол бердим: “Олмонияда Окмасжидда яшаган меннонитчи немислар тўғрисида билишадими?” “Мен бугун Хивага бордим, – деди Майер, – менга меннонитчи немислар ясаган нақшинкор эшикларни кўрсатишди. Жуда қувондим”. Сўнг менга визиткасини берди. Мен меннонитчи немислар тўғрисида маълумот тўплай бошладим, аммо бошлаб қўйган ишимни охирига етказолмадим, қолиб кетди. Майер ҳам Олмонияга қайтди, ваколат муддати тугаб қолди.

– Хива шаҳар ҳокимияти ҳам музей очишга кўп уринди, лекин юқоридан рухсат ололмади, шекилли. Агар музей очилса, Олмония барча харажатларни кўтаришга тайёр эди.

– Немислар ҳисоб-китобни яхши кўрадиган халқ. Туристларни бошлаб келадиган новча немис: “Сизлар аввал музей ташкил этинглар, ҳокимият қарорини бизга кўрсатинглар, сўнг биз сизларга пул берамиз”, деган. Ҳовва.

– Агар Окмасжидда меннонитчи немисларга бағишланган музей очилса, Окмасжид ҳам туристлар йўналишига киритилади. Сўнг Боғотдаги Қалъажик ҳам сайёҳлик маршрутига киритилиб, йўллар тузатилади, меҳмонларга хизмат кўрсатадиган манший тармоқлар ривожланади, – дейди Рўзимбой Ҳасан. – Анча одам иш билан таъминланади.

– Ҳовва. Ҳозир Урганчда туризм бошлиғи ким? – деб сўрайди мезбон.

– Ҳозир Одилбек туризмнинг бошлиғи, – дейди Рўзимбой.

– Шу йигит дим ажойиб одам экан! У музей ташкил қилиш учун кўп уринди, лекин, афсуски, қўлидан ҳеч нарса келмади. Кимлар унга қаршилиқ этди, билмадим. Ғайратли йигит экан, кам бўлмасин.

– Музей очиш учун олдин ҳокимиятдан рухсат олиш керак, – дейди Рўзимбой. – Билишимча, туризмни ривожлантириш учун Хивада 29 та меҳмонхона қурилиши керак. Ҳозир меҳмонхона қурилиши кимошди бўлиб ётибди. Тадбиркор йигитлар кўп, агар Окмасжидда туристик тўчка очиладиган бўлса, қўл бўйида мўъжазгина меҳмонхона барпо этилади. Ҳовва. Тўйхонадан кўра меҳмонхона кўпроқ фойда келтиради.

– Тошкентлик битта опа Окмасжидда яшаган меннонитчи немислар тўғрисида китоб ёзган экан, – дейди Рўзимбой.

– Лекин ёзилиб турган китобларда нотўғри жойлари кўп, – дейди Эрпўлат.

– Нимаси нотўғри экан? – деб сўрайди Қадамбой оға.

– Масалан, Окмасжидда яшаган меннонитчиларни “немис” дейишадди. Аслида, улар немис тилида гаплашса ҳам, ўзлар немис эмас, – дейди Эрпўлат. – Уларнинг интернетда ўз сайтлари бор...

– Нега бўлмаса уларни “немис” дейишади? – деб сўрайди Қадамбой оға ҳайрон бўлиб.

– Йак, улар немислардан бошқача миллат, – дейди Рўзимбой.

– Ирланд бўлса керак, – дейди Эрпўлат. – Уларнинг асл келиб чиқиши ирланд.

– Шошманг, Эрпўлат, улар меннонит бўлгани сабаб расмий доиралар томонидан таъқиб этилиб, охири Олмонияга сиғмасдан Ирландияга чиқиб кетган бўлиши ҳам мумкин, – дейман.

– Улар Норвегияда ҳам яшаган, – дейди Рўзимбой.

– Россияда ҳам яшаган... Лев Толстой 1893 йил 23 май санасида ўз кундалигига “Йўлда меннонитлар билан суҳбатлашилди”, деб қайд этиб қўяди. Толстой бобо ўша куни тўнғич кизи Тая билан Ясная Полянадан Бегичевка туманига боради; очликдан азият чекаётган одамларга ёрдам уюштиради. Йўл-йўлакай эса меннонит мазҳабига мансуб қавм вакиллари учратиб қолади. Чамаси, улар рус тилида сўзлашган бўлса керак. Демак, очарчилик авж олган жойларда ҳам меннонитлар бўлган.

Билдимки, Эрпўлат меннонитлар немис эмас, ирланд бўлганини зўр бериб исботламоқчи бўларди. Улар ирланд бўлса, нима учун немисча гапиради?

– Бўлмаган гап, улар немис! – дейман чой хўшлаб. – Ҳартугул, Қадамбой оға, мен ўз кўзим билан кўрган архив ҳужжатларида Окмасжидда яшаган меннонитчилар немис дейилади.

– Немисларнинг кийимлари қанақа бўлган? Ҳар ҳолда чўгирмани бошларига кўндириб, чопон кийиб юришмаган бўлса керак! – дейди Рўзимбой.

– Йак, ўзларининг миллий кийимлари бўлган. Қишлоғимизда бировнинг уйида немисларнинг кийим-кечаклари сақланиб қолган. Музей масаласи қўзғалиб қолгач, ўша ҳамқишлоғимиз немисча кийим-кечакларни экспонат учун сотмоқчи бўлиб юрган эди, – дейди мезбон.

– Аслида, музей очиш учун аввал давлат томонидан қонуний асосда ер ажратилади, сўнг иморат қурилади. Музейбоп иморат тайёр бўлгач, аҳолидан экспонатлар сотиб олинади, – дейди Рўзимбой. – Музей шунақа ташкил этилади.

– Биз Олмониядан келадиган немис туристларининг ёшуллисига “Музей очмоқчимиз” десак, “Менга ҳокимиятнинг қарорини кўрсатинг!” деди. “Бўпти, кейинги келишингизда ҳокимият қарорини чиқартириб қўяман”, дедим. Кейинги йил келганда ёшулли: “Хўш, ҳокимият қарори қани?” деб сўради. “Хивада немислар музейи ташкил этиляпти. Иккита жойда бир хил музей ташкил этиш мақсадга мувофиқ бўлмаса керак”, дедим. “Хивада музей ташкил этилса ҳам, ёшулли, биз барибир Окмасжидга келишга мажбурмиз. Чунки бу ерда ота-боболаримизнинг хоки ётибди”, деди немис мусофир. Дим онгли экан.

– Ҳозир илгари немислар яшаган кўрғон ўрнида нима бор? – деб сўрайди Рўзимбой.

– Улар яшаган жойда дастлаб пахта пункти бор эди, сўнг пионерлар лагери жойлаштирилди. У пайтларда Окмасжид кишлоғи Хива тумани тасарруфида бўлган. Сўнг Янгиарик райони ихтиёрига берилди. Шундан кейин немислар қурган иморатлар бузилди. Эски иморатлардан ажойиб ёғочлар, тахталар чиқди. Катталигини айтмайсизми?! Кучоққа сиғмасди! Илгари Окмасжиддаги ҳар бир ҳовлида қирк-эллик туп гужум бор эди. Улкан гужумлар кучоққа сиғмасди. Ҳовва. Сизлар гужумзорларни кўрмагансиз. Кейин қуртлаб кетди, ҳаммаси қуриб қолди... Бизнинг немислар нисбатан баландлик жойларда истикомат қилган. Умуман, бизнинг қишлоқ бошқа жойларга қараганда хийла тепаликда жойлашган. Далаларга чиқирда сув чиқариларди. Чиқир – чиғир – чархпалак от қўшиб ҳаракатга келтириларди. Мен ўзим кўрганман, чиқирни от айлантирарди. Чиқирни эшак билан айлантирса ҳам бўларди. Далаларнинг учдан икки қисми чиқир билан сув ичарди. Ҳовва, – дейди мезбон.

– Оқмасжиднинг ўзи қаерда? Оқ мрамрдан қурилгани учун Оқмасжид дейилганми? – деб савол берамиз.

– Бу ерда ҳеч қачон оқ масжид бўлган эмас. Ҳовва.

– Бўлмасам, қишлоқнинг оти қандай пайдо бўлган?

– Масжид бўлган, лекин оқ эмас. Масжид номи ҳам, қишлоқ номи ҳам, аслида, “Ҳакмасжид” бўлган. Нажмиддин эшон, Сайфиддин эшон, яна битта эшон боболаримизнинг нафаси дим ўткир бўлган. Ҳа, эсладим, яна бир эшонимизнинг оти Фазлиддин бўлган. Ҳовва. Айтган гаплари албатта ижобат бўлган, доим ҳақ гапни айтган. Ҳовва. Умуман, эшонларимизнинг каромати тўғрисида ҳар хил ривоятлар кўп. Масалан, ривоятда айтилишича, бир киши Қумдан бир арава ўтин олиб келаётган пайтда арава гупчаги ғарс этиб синади. Шунда аравакаш “Агар арава омон-эсон уйимга етиб борса, бир арава ўтинни эшон бобомизга ҳадя этаман”, деб ният қилади. Арава омон-эсон уйгача етиб боради. “Ай, гупчак синмаган экан-ку, мен чакки ният этибман”, дейди аравакаш. Ўтинни уйига кириштириб кўяди. Эртасига ўтинчининг араваси ростдан ҳам синади; кора терга ботганча гупчакни тузатиб, коронги тушганда бир арава ўтинни эшон бобонинг ҳовлисига ағдаради. Эшон бобо эса ташқарига чиқиб, аравакашнинг қўлини қаттиқ сиқади-да: “Кеча нима учун ўтинни олиб келмадинг?” деб сўрайди. “Кечирасиз, эшон бобо, эшак лойдан ўтгач, сиз ҳам эсимдан чиқиб кетибсиз”, деб узр-маъзур қилади аравакаш. Хуллас, қишлоғимиз эшон боболар шарофати туфайли “Ҳакмасжид” деб ном чиқаради, – дейди Қадамбой оға.

– Биз ҳозир Хива томондан қишлоққа кириб келдик, – дейди Сотимбой. – Муволишдаги уй ёнида бензовоз машина турибди. Шу уйда гўк кўзли битта мўйсифид яшарди, оди ҳозир ёдимда йўк. Ўша одамди “фалончи немис” дейишарди. Нима учун шундай дейишарди? Унинг немисларга қандай алоқаси бор?

– Биринчидан, у киши немислар каби ниҳоятда ҳалол бўлган. Иккинчидан, немислардан қолган молларни йиғнаб, ферма ташкил этади. Ўзи ҳам немислар қўлида ишлаган. Шунинг учун уни “немис” деганлар, – дейди мезбон.

– Ўша “немис” ҳозир ҳаётми?

– Ҳаёт. Тўксон ёшни коралаб қолган.

– Гурунг этса бўладими?

– Гурунг этса бўлади.

– У немисларнинг қўлида ишлаганми?

– Асосан отаси немисларнинг қўлида ишлаган. Отаси “Абдураим немис” эди, ўзи ҳам отаўғил сифатида “Рўзимат немис” бўп кетган. Ҳовва.

– Насиб этса, Қадамбой оға, келаси сафар Немис бобони ҳам албатта зиёрат этамиз.

Эрпўлат хонадон соҳибига шеърини тўпламини дастхат ёзиб тақдим этади.

Демак, биз Оқмасжидга яна қайтиб келамиз.

Тошкент – Хива – Тошкент,

2014 йил 17 май

РЎЗИМАТ НЕМИС

Оқмасжид кишлоғида бир нечта Қадамбой, бир нечта Сотимбой, яна бир нечта Рўзимат исмли одамлар бор. Кўшни кишлокдан тўй-маъракага хабарчи келиб: “Фалончининг уйи қайси?” деб сўраб қолса: “Фалончидан тўрттаси бор, сенга қайси бири керак?” деб савол беришади. “Рўзимат бобо герак чиқар”, дейди хабарчи. “Рўзимат босмачи геракми, болчи Рўзимат геракми, ковунчи Рўзимат геракми ёки Рўзимат немис геракми?” деб ўсмоқчилаб савол берилади. Хабарчи бошини қашлайди. “Саятга бориб, қайси Рўзимат гераклигини сўраб келишим керакка ўхшайди-ку, ёшулли!» деб кулади. “Йак, Саятда қайси Рўзиматнинг хеш-акрабоси борлиги шу ерда аниқланса, оворагарчиликка ҳожат қолмайди. Бирорта Рўзиматдан аниғини билиб олиш мумкин”, деб маслаҳат беришади.

Англашилган бўлса, бизга Оқмасжидда яшайдиган саксон олти яшар “Рўзимат немис” керак эди. Саятлик оғайнимиз Сотимбой бундан йигирма йил бурун шу киши хонадонига Наманган шаҳридан омонат салом опкеп берган. Яъни, ҳарбий хизматда бўлган неварасидан бобосига салом етказган, ўшанда Оқмасжидда Рўзимат немис истиқомат қилишини билиб олган. Камина Оқмасжидда 80 йил муқаддам яшаган меннонитчи немислар тўғрисида сўраб-суриштириб юргангани эшитган Сотимбой дўстимиз от йилининг адоғида Саятда истиқболимизга пешвоз чиқиб, бизни Оқмасжидда умргузаронлик қилаётган Рўзимат немис хонадонига бошлаб борди.

– Нариги Рўзимат боболар ҳам немислар тўғрисида кўп гапларни билладими?

– Ҳовва! – дейди Рўзимат немис. У бизни меҳмонхонасига жойлаштириб, чой-пой тайёрлаш учун келин-кизларига кўрсатма беради. Чуқур нафас олиб, хонтахтанинг пойгаҳ томонига – мезбон ўрнига астойдил ўрнашиб олади. Гапини давом эттиради: – Қалта элатлик туркманлар немислар кўчиб кетганидан сўнг Оқмасжидга келиб жойлашган. Ҳовва...

– Демак, немислар тўғрисида одамлар оғзида қолган гап-сўзларни иссиқ пайтида эшитган эканлар-да!

– Ҳовва. Мен бўлсам, 5-6 яшар чоғларимда немисларни ўз кўзим билан кўрганман, уларнинг гапларини ўз қулоғим билан эшитганман, – дейди Рўзимат бобо.

Хонтахтага дастурхон ёзилади, нон-чай келтириб қўйилади. Сотимбой дўстимиз дарҳол мезбон қўлидан чойнак-пиёлани олиб, чойни шоппиради, шамасини тиндириб, бир пиёладан чой қуйиб узатади.

– Уларни яхши биласизми? – деб сўрайди Сотимбой.

– Биламан, лекин чала биламан, – дейди Рўзимат немис. – Беш-олти яшар бола нимани билиши мумкин? Лекин уларнинг қиёфаси кўз ўнгимда туради, гаплари қулоғимдан кетмайди.

– Уларни бир кунда кўчириб кетган, дейишади. Шу гап ростми?

– Йак, уларни НКВД бир кунда опкетмади, – дейди бобо.

– Ие, бизга бошқача айтишган эди-ку, – дейман хайрон бўлиб. – Ҳарбийлар келиб, бир кунда ҳаммасини машиналарга босиб, қий-чув қилдириб кўчириб кетган, дейишган эди.

– Йак, аввал буларди оқсоколи Отабойни Шўро идорасига чакириб, “Одамларингни кўндиргин, сизлар ҳам колхоз бўласизлар”, дейишди. Отабой – Отго одамлар билан маслаҳатлашиб, колхоз бўлишга рози бўлмади.

– Ўзинг раис бўласан, дейишса ҳам кўнмайдими?

– Йак, иймон-этикодидан қайтмайдиган одамлар эди улар. Одамлар бир ёқадан бош чиқариб, битта гапда каттиқ турса, ҳукуматнинг кўлидан ҳам ҳеч нарса келмас экан...

Маълумки, Шўро ҳокимияти ўзини мустақамлаб олганидан сўнг халқ хўжалигини планли асосда ривожлантириш дастурини ишлаб чиқади. 1927–1932 йилларга мўлжалланган биринчи беш йиллик режасига кўра, қишлоқ хўжалиги соҳасида ёппасига колхозлаштириш тадбири амалга оширилади. Бу мавзуга бағишланган бадиий фильмлар ҳам, бадиий асарлар ҳам жуда кўп. Лекин ҳозирги авлод 80 йил олдин нималар рўй берганини тасаввур ҳам қилолмайди. Ҳолбуки, шу мавзуга алоқадор “Обид кетмон” (Абдулла Кодирӣ) ва “Кўшчинор чироқлари” (Абдулла Каххор) романларини марок билан ўқиш мумкин.

Якин ўтмишимизга хаёлан саёҳат қилиб қайтаман. Рўзимат немис лўлаболишни қўлтиғига қисиб, ёнбошлаб олади.

– Оёқ панд беряпти, узатиб ўтирмасам бўлмайди, – дейди хижолат тортиб.

– Бемалол, ёшулли, бемалол, – дейди Сотимбой.

– Тагин меҳмонларнинг кўнглига бошқа гап келмасин. Беодобчилик қилган бўлсам, узр.

– Ҳечқиси йўқ, – деймиз.

Рўзимат немис ҳикоясини давом эттиради:

– Биздан тухум сўрасанг, майли, тухум берамиз. Лекин товукларимизни колхоз мулкига қўшмаймиз, – дейишади. – Қанча шоли ё буғдой бериш керак бўлса, дон ҳам топширамыз давлатга, аммо ўзимиз колхозга аъзо бўлмаймиз... Шўро ҳукумати ҳар хил найрангларни ишлатиб кўради: немис ёшларини йўлдан уриб, уларни комсомол ташкилотига аъзо этмоқчи бўлади, бироқ ёшлар катталарнинг чизган чизиғидан чиқмайди. Ишқилиб, катталарини машинага босиб Урганчга олиб кетишади. Жами тўққиз киши мелисахонага элтиб камалади. Катталар қамалгач, Шўро ҳукумати вакиллари немисларни тўплаб мажлис қилади: “Хўш, энди колхозга аъзо бўласизларми-йўқми?” деб сўрашади. “Аъзо бўлмаймиз”, деб битта гапда туриб олишади немислар. “Нега колхозга аъзо бўлмайсизлар?” деб сўралади. “Боши бўлмаган гавда гаплашадими?” деб сўрайди немислар. “Нега ундай деяпсизлар?” дейди Шўро вакили. “Бизнинг бошимизни Урганчга элтиб қамадиларинг, лекин гавдамиз озодликда қолди. Гавдамиз ҳам ўша бошга бўйсунди. Бошимизни озод қилинглар ёки бизни ҳам қаманглар”, деб шарт қўйилади.

Мажлис бир неча кун давом этади. Немислар Шўро ҳукумати вакилларининг яхши гапига ҳам, ёмон гапига ҳам кўнмайди: “Биз колхоз бўлмаймиз!” деб туриб олади.

– Колхоз бўлмасангиз, ҳаммангиз кўчиб кетасиз! – деб шарт қўяди ҳукумат.

– Бўпти, кўчсак кўчиб кетаверамиз, – дейишади немислар.

– Эртага сизларни машиналарга ортиб, Окмасжиддан кўчириб юборамиз, – дейди ҳукумат вакиллари.

Эртаси куни пешин маҳали йигирматача “Полуторка” юк машинаси Окмасжидга қаторлаштириб қўйилади. Немислар тугунчаларини машиналарга ортади. Бола-чақалари билан машиналарга ўрнашиб олади.

– Улар уй-рўзғор буюмларини, мол-ҳолини ташлаб кетса ҳам, тиллоларини опкетяпти, бошқа жойга бориб яна мол-ҳол килиб рўзғорини бутлаб олаверади, – дейди НКВД ходими.

– Биз Ватанимизни ташлаб кетяпмиз, ўртоқ! Тиллога Ватанни сотиб олиш мумкинми? Бўғчамиз кўзингга қимматбаҳо матаҳдек кўринаётган бўлса, ма, ол! – деб бўғчаларини НКВД ходимининг башарасига улоқтиришади.

Немислар уста деҳқон эди: эллик-олтмиш йил давомида мош, кунжут, ловия каби экинларнинг маҳаллий ҳосилдор навларини яратишади. Улар сара уруғларни олиб кетишади.

Айрим маълумотларга қараганда, немислар Тожикистонга элтиб ташланади. Ўша пайтларда Фарғона водийсидан ҳам тажрибали деҳқонлар оммавий равишда Тожикистонга қўчирилади. Ҳозир Тожикистонда “фарғоначи” деган элат пайдо бўлган. Окмасжиддан қўчириб юборилган немислар ҳам обикор ерларга жойлаштирилади. Дастлаб, мош, ловия, кунжут экиб мўл ҳосил олишади. Кейин пахта экиш учун етмиш гектар ер ажратиб берилади. Аста-секин ўзларидан раис сайлаб, немисларнинг колхозни пайдо бўлади. Бутун мамлакатда қишлоқ хўжалиги колхозлаштирилгандан сўнг улар ҳам ноилож жамоа хўжалиги бўлади.

Орадан беш-олти йил ўтгач, Германия билан СССР ўртасида уруш бошланиб кетади. Меннонитчи немислар уруш йиллари ҳам деҳқончилик билан машғул бўлади. Улар урушга сафарбар этилмайди.

Орадан йигирма йил ўтгач, 1953 йилда Иосиф Сталин ўлганидан кейин немислар бирин-кетин Окмасжидга келиб, ўзлари яшаган қишлоқни зиёрат этиб кетадиган бўлади.

1954 йилда Рўзимат немис Тожикистондан келган икки нафар немисни Хивага эргаштириб боради. Меҳмонлар Полвон пир мақбарасини (Пахлавон Маҳмуд) зиёрат қилади. Хон пойтахти зиёрат қилинган, кечки пайт Окмасжидга қайтишади. Қишлоқ марказида этикдўз устахонаси бор эди. Шу устахонада Эрмон исмли этикдўз билан ўткан-кетгандан суҳбатлашиб ўтиришади. Бир пайт соч-соқоли оқариб кетган мўйсафид келиб, меҳмонларга обдан разм солади. Бу киши Саятдан 30-йиллардаги очарчилик даврида Окмасжидга қўчиб келиб қолган Мақсуд исмли темирчи эди. У немисларни таниб қолади, улар йиғлаб-сиктаб қўришишади.

– Сизлар каерга кетдиларинг? Йўлда қийинчилик бўлмади? – деб сўрайди Мақсуд темирчи кўзёшларини артиб.

– Э-э, жўра, бошга тушган мусибатни мард Худодан кўради, номард эса йўлдошидан... Биз Худодан кўрдик. Бошимизга тушган мусибат учун одамлар айбдор эмас. Насибамиз Тожикистон томонларга сочилган экан, начора! – дейди ёши улугроқ немис.

Эрмон этикдўз ўзига тўқ хунарманд бўлиб, немислар қўчирма қилинган кунлари бир юмуш билан Ҳазораспга кетган экан. Окмасжидга келган шу немислардан биттаси ундан эски пул ҳисобида беш юз сўм қарз олган экан. Немис чўнтагидан беш юз сўм чиқариб узатади.

– Бўйнимда қарзим билан ўлиб кетсам, жўра, киёматда жавоб беришимга тўғри келади. Мана, қарзимни опкелдим, қарз муддати чўзилиб кетди, рози бўлинг, – дейди.

– Э-э, йўқ, бошларингга қанча мусибат тушди, мен мингдан-минг розиман! – деб Эрмон этикдўз пулни олмайди.

– Йўқ, мен атайлаб қарзимдан қутуламан деб Тожикистондан келдим! – деб туриб олади немис.

Эрмон этикдўз бир тахлам пул орасидан бир дона беш сўмликини тортиб олади.

– Эртага уйимга борасизлар, мен қўй сўйиб меҳмон қиламан, – дейди.

Эртаси куни немислар яна Тожикистонга қайтиб кетишади.

Кейинчалик ҳам немислар жуфт-жуфт бўлиб Оқмасжидга зиёратга келиб туришади. Мақсуд темирчи эса ўтган асрнинг 60- йиларида яна Саят кишлоғига кўчиб кетади ва 70- йилларда оламдан ўтади. У паст бўйли, миқтидан келган киши бўлган.

Мақсуд темирчининг ақтиқлари ҳозир Тошмасжид кишлоғида истиқомат қилади.

Оқмасжидда немисларнинг алоҳида мазори бор эди. Улар кўчиб кетганидан кейин ҳам мазор сақланиб қолади. Фақат орадан ўттиз йил ўтгач, қолхоз қатта боғ барпо этади. Немисларнинг мазори ўша боғ ичида қолиб кетади.

Немисларнинг хўжалигида ўзбек йигитлари мардикорчилик қилган. Иш қўпайган мавсумда ўзбек йигит бирорта немиснинг уйига иш сўраб борса, аввало, ошхонага опкириб, олдига ҳар хил овқат қўйилар экан. Меҳмон ошхонада ёлғиз қолдирилиб, хонадон эгаси ташқарига чиқиб кетаркан. Ора-орада эшик тирқишиданми ёки деразаданми меҳмоннинг овқат ейишини кузатиб турар экан. Орадан бир соат ўтгач, мардикорнинг овқат ейишига қараб ишга олиб қоларкан. Агар мардикор овқатни яхши емаса: “Жўра, майли, сен уйингга боравер, иш бўл қолса, ўзимиз чақирамиз”, деб яхши гап билан кузатиб қўяркан. Чунки яхши овқат емайдиған мардикор оғир ишга ҳам ярамайди.

Рўзимат бобонинг гувоҳлик беришича, немислар яхши одам бўлган экан. Улар қўни-қўшниларида ўзларида бор нарсани қизганмаган. Меҳмондўст бўлган.

Немислар Оқмасжид халқига деразага ойна қўйишни, уй ичига печка қуришни ўргатади.

Дарвоқе, немислар кўчиб кетгач, Отабой – Оттонинг битта ити кишлоқда қолади. Ўн йил давомида ўша ит Отабой – Оттонинг уйи атрофида юраверади. Ит ҳақиқатан ҳам вафодор бўлар экан. Ит кундуз куни қорин дардида кишлок оралаб кетарди. Кечки пайт эса Оттонинг уйига келиб, полнинг остига кириб ётарди.

Немисларнинг хонадонида албатта соғин сигир бўларди. Ҳар бир сигирга алоҳида исм қўйиларди. Лотта, Жамла деган исм айтилса бас, ўша сигир “мў-ў” деб подадан ажралиб чиқар эди. Немислар кўчиб кетгач, уларнинг сигирлари қолхоз фермасига олинад ва то 70-йилларгача сут тайёрлаш бўйича вилоятда илғор хўжаликлар қаторида юради.

Тахминан, XIX асрнинг 83-йилида меннонитчи немислар Хива хонлиги худудига келади. Дастлаб улар Хиванинг нариги томонига жойлашади. Қорақумдан чанг-гўзон кўтарилса, одамлар бир-бирини танитай қолар эди. Шу боис улар хон хазратларига арз этиб, ўзларини Оқмасжидга кўчиришини илтимос қилади. Улар Оқмасжидда дехқончилик, чорвачилик, ҳунармандчилик учун қулай шароит борлигини аниқлаган.

Немислар хон замонида ҳам ўзларининг мактабига, ибодатхонасига эга бўлган. Биров қайтиш қилса, маййит бир-икки кун ибодатхонада сақланган, одамлар маййит билан хайр-хўшлашган. Кейин маййит мазорга олиб бориб, дафн этилган.

Рўзимат бобо 1929 йилда туғилган. Ҳозир Окмасжидда ўғиллари, ақтиқлари, човлиқлари яшайди.

Невара-чевараларга немислар хақидаги гап-сўзлар афсона бўлиб туюлади. Ёш болалар суҳбатимизни ҳайратланиб эшитишар эди.

Дарвоқе, немислар ростгўй одамларни яхши кўрарди. Улар ҳавойи гапларни ёқтирмаган. Айтайлик, биров тўй қилмоқчи бўлса, немислардан қарз сўраб боради. “Ўн минг сўм қарз бериб тургин, жўра. Бир ойдан кейин қайтариб бераман”, дейди тўй бошлаб кўйган одам. Бир ойдан сўнг ўн минг сўм қарзни қайтариб бўлмаслигини немис яхши билган. Шунинг учун меҳмоннинг олдига чой-нон қўйиб: “Менда пул нима қилсин! Мен банк эмасман-ку!” деб кузатиб қўйган. Агар одам ўз ахволини рўй-рост айтиб, немис танишидан ўн минг сўм эмас, юз минг сўм қарз сўраса ҳам топиб берган. Чунки немислар лафзга вафо қилишни ёқтирган. Ҳатто ўн-ўн беш йилдан кейин қайтариб бериш шарти билан ҳам қарз беришган.

Боғотлик шоир Эрпўлат Бахт армияда Қарағанда (Қозоғистон) шаҳридан борган меннонитчи немислар билан хизмат қилган экан. Москва телевидениесидан Хива миноралари кўрсатиб қолинса, немис солдатлари қий-чув қилишиб: “Ана, бизнинг юртимизни кўрсатишяпти!” деб суюниб кетишар экан.

Окмасжидни немислар бағрига босиб олиб чиқиб кетгандек туюлади.

Рўзимат немис беш-олти яшар чоғида немислар дастурхонидан туз тотган. Ўша туз ҳақи ҳамон немисларни миннатдор бўлиб эслайди. Немисларнинг овози кечалари тушига киради, ўзи ҳам баъзан немисча қичкириб уйғониб кетади.

– Бобо, хайрли тушлар кўринг! Кеч ёқтилик, ёшулли!

ПИРЖОН ЁВМУД

1930 йилда туғилган. 85 яшар. Узоқ йиллар Окмасжид мактабида директорлик қилган. Қотмадан келган, жиккак киши. Боғбон. Томорқасида ҳатто ёнғоқ кўкартириб, ҳосил олади. Хоразм тупроғида ёнғоқ ўстириш кийин.

– Қасбингиз нима, бобо?

– Ўқитувчиман. Қирк йилдан кўпроқ математикадан дарс бердим. Ўттиз йил давомида завуч, директор ўринбосари, директор бўлдим. Нафақахўр бўлиб ўтирганимга чорак аср бўлди. 1990 йилда пенсияга чиқдим. Тинч ўтирмайман. Эрта баҳордан кеч кузгача боғдан чикмайман. Йигирма туп хар хил мевали дарахт бор. Сув бўлмади, ғўс-ёнғоқлар қуриб кетди. Бир туп ёнғоқдан икки-уч коп ҳосил олардим. Ўн икки фарзандим бор. Ҳовва. Қирқ ақтигим бор, қирқ иккита човлиғим бор. Шуларнинг тўй-хашамларига бориб, тўрга чиқиб ўтираман. Улардан бирортаси ўрис юртга кетмоқчи бўлса, олдимга келиб оқ фотиҳа сўрайди. Фотиҳа бераман. Омон-эсон қайтиб келса, тагин олдимга келиб оқ фотиҳа сўрайди. Яна фотиҳа бераман. Ишқилиб, ҳаётимиз ўтиб турибди. Нолийдиган жойимиз йўқ. Лекин ўн йил бўлди, окма газ келмай қолди. Баллонли газ

бор, овқатни газда пиширамиз. Сувни насосда ер остидан тортиб оламиз. Ховва.

– Ана энди немислар тўғрисида гапириб беринг.

– Немислар 1883 йилда бу ерга келган. У пайтларда фон Кауфман Туркистон ўлкасининг генерал-губернатори эди (аслида, фон Кауфман 1882 йили вафот этади, ammo бетоб ётган чоғлари Гандимиён шартнома-си имзоланган 1873 йилдан буён қўғирчоқка айлантириб олган “ошно-си” Мадрайимхондан ер-мулк сўраб олган бўлиши мумкин). У намунали хўжалик, намунали кишлоқ барпо этиш учун Сибирь томондан бир юз йигирма нафар немисни кўчириб олиб келган. Улар “Бир ёнимиз кум, бир ёнимиз сув бўлган четрок жойдан бизга ер беринглар”, деб илтимос қилади. Фон Кауфман Хива хонига мурожаат этиб, немислар кўрсатган жойдан ер ажратиб беришни сўрайди. Шундай қилиб, улар Окмасжидга келиб жойлашади. Бу немислар тинч яшашни хоҳлайдиган диний оқим вакиллари эди. Улар қўлига қурол олиб ўқ отмаган, бировга заррача озор бермаган. Жуда уста деҳқон бўлган. Ердан картошка, бодринг, баклажон, помидор олишни халқимиз шу немислардан ўрганади.

– Улар қачон сургун қилинган?

– 1935 йилнинг 10 май куни немислар Окмасжиддан кўчириб юборилган. Ўша йили эрта баҳорда Тошкентдан Бозоров деган бир журналист келган. Бозоров немислар тўғрисида мақола ёзади. Мақолада айтилишича, Бозоров Окмасжидда уч мингга яқин немисни кўради. Немислар болаларини уйлантирмоқчи бўлса, аввало, болаларига атаб уй қураётган. Келин янги уйга туширилган. Келин-куёвнинг рўзғори бутлаб берилган. Кейин ўғли отасидан бир дона гугурт сўраб келса, пулга берган; мустақил рўзғори бўлган ўғли ўзининг аравасини ўзи тортиши керак эди.

– Пиржон бобо, ўзингиз немисларни кўрганмисиз?

– Кўрганман немисларни.

– Улар қанақа эди? Чиройли бўлганми? Соғлом эдимми?

– Немислар сарғишроқ бўларди. Хушсуврат бўларди. Покиза эдилар. Мен ота-онамга эргшиб хорозга-тегирмонга борардим. Жўхорини хорозга олиб бориб, ун қилиб қайтардик. Хороз ёгалари немислар эди. Ўшанда немис болаларини ҳам кўрардим. Янглишмасам, 1930 йилдан кейин Окмасжидда туғилган немислар ҳозир ҳаёт бўлса керак. Ҳозир гоҳ-гоҳ немислар турист бўлиб Окмасжидга келиб қолади. Балки ўшалар орасида Окмасжидда яшаган немисларнинг неvara-чеваралари ҳам бордир.

– Уйлари қанақа бўлган?

– Уйларининг тўсинлари кўриниб турарди. Тўсин устидан васса бостириларди, васса устига бўйра тўшаларди. Ёғочни қурт еса, дарҳол дорилаб қуртни ўлдиришарди. Ёғочларни оҳақлаб қўйшарди. Оҳақланган ёғочларни қурт емасди.

– Тўйларида қатнашганмисиз?

– Беш яшар бўлганман. Беш яшар бола тўйларга аралашмайди.

– Қелинни қаердан олишган?

– Ўзларидан олган. Улар узоқдан келин олиб келмаган.

– Нима учун колхозга киришмаган?

– Бола-чақалари билан колхозга аралашиб кетса, ахлоқан бузилиб кетишдан хавотир олишган бўлса керак. Улар билимдон бўлган. Урганчдаги ёғ заводида ҳам немислар муҳандис бўлган. Қўлларидан келмайдиган

иш бўлмаган. Шўро ҳукумати уларни сиёсатга қарши деб қоралаб юборади.

– Бизнинг тўй-хашамга қатнашганми?

– Қатнашган экан. Лекин мен кўрмаганман.

– Немисларга босмачилар қандай қараган?

– Босмачилар Оқмасжидни босган пайтда немислар улардан: “Ёшуллингиз ким?” деб сўрайди. “Кўрбошимиз бор”, дейишади. Немислар кўрбоши билан гаплашиб: “Қанча пул керак сизга? Биз сиз айтган пулни йиғнаб берсак, кейин бизни безовта қилмайсизми?” деб сўрайди. “Йўқ, безовта қилмаймиз”, деб кўрбошидан сўз олгач, айтилган пулни йиғнаб беришади. Кейин босмачилар немисларни безовта қилмайди. Немислар вазиятга қараб ҳаракат қилган.

– Рўзимат бобони халқ нима учун “немис” дейди?

– Унинг отаси Абдураим жуда чаққон, уздабурон одам эди. Абдураим немислар орасида юриб уларнинг тилини ўрганайди. У немислар билан ўзбеклар орасида таржимонлик қилиб юради. Ўшандан кейин Абдураимнинг ўғли Рўзимат тўғрисида ҳам “фалончи немис” деган гап тарқаб кетади. Лақаб ҳам отадан болага мерос бўлиб қолади.

– Немислар Оқмасжидга охириги марта қачон келди?

– Икки йил олдин. Улар Голландия, Дания, Белгия каби кичкина мамлакатлардан келади. Германиядан ҳам келишади. Улар орасида Оқмасжидда туғилган бирорта немисни учратмадим.

– Немисларга боғлиқ яна бирорта воқеа эсингизда йўқми?

– Тожикистондан бу ерга Муродов деган одам келади. У Оқмасжидга 1934 йилда келади. Шўро ҳукумати уни кишлоқ хўжалигини ривожлантириш учун жўнатади. Шўро ҳукуматининг қизик одатлари бор эди: Фарғона водийсининг аҳолисини Тожикистонга дехқончиликни ривожлантириш учун оммавий равишда кўчирма қилади, Тожикистондаги ишончли ходимларни эса Хоразмга юборади. Муродов Хивага келгач, бир йилдан сўнг Оқмасжид немислари ёппасига машиналарга юкланиб Тожикистонга сургун қилинади. Машинада кетаётган битта немис йўл-йўлақай қичқириб боради: “Оқмасжид, эллик икки йил сенинг тузингни едик. Берган тузинг учун биздан рози бўл! Оқмасжид, сендан розимиз! Сен ҳам биздан рози бўл!” Шу гапни Муродов менга гапириб берган.

– Нима учун бу кишлоқ Оқмасжид дейилган?

– Битта масжид оқ сувоқ қилинган. Масжид оқ бўлгани учун кишлоқ ҳам шу ном билан айтилиб кетган.

– Оқмасжидлик немислар тўғрисида бирорта китоб ўқиганмисиз?

– Китоб ўқимадим. Лекин қариндош-уруғларимиз донишманд одамлар эди. Афсус, улар оламдан ўтиб кетди. Худо раҳмат қилсин. Немислар тўғрисидаги ишончли маълумотларни мен улардан эшитганман.

– Пиржон бобо, ҳозир сиз айтиб берган гапларни мен давлат архивида ўқиганман. Шунинг учун савол берапманки, сиз бу гапларни қаердан ўқиб олгансиз?

– Йақ, мен ўқиганим йўқ. Қариндош-уруғларимдан эшитганман, одамлардан эшитганман. Умуман, бизнинг халқимиз немислар тўғрисида бир оғиз ҳам ёмон гап айтмайди. Чунки ҳеч ким улардан ёмонлик кўрмаган.

– Оқмасжидда немисларни яхши биладиган яна кимлар бор? Бирорта кампир борми?

– Кампирлар билмайди, улар уйда ўтирган, кўчадаги гапни билмаган. Қишлоқда битта мен, битта Рўзимат немис бормиз.

Шундай қилиб, Пиржон бобо билан суҳбатимиз поёнига етади. Биз долонда ўтирдик. Бу ерда асли ёзда ўтириш керак. Ёзда салқин бўлади. Кеч кузда суякларимиз қақшаб кетди. Мезон хижолат бўлиб, ичкарига тақлиф қилди. Биз кўнмадик, “Ёзда келамиз”, дедик.

Пиржон бобо дуо қилиб, бизга фотиҳа берди. Биз оқмасжидлик танишларимиз билан хайр-хўшлашиб йўлга тушдик.

Оқмасжид кишлоғи ораста, батартибдек кўринади. Бу ерда ҳамон немисларга хос бўлган покизалик, батартиблик сақланиб қолган.

2015 йил 27 февраль

ФАРҒОНАЧИ КОМИЛ БОБО

1930 йилда Хива депарасига Фарғонадан агроном-ҳосилот команди-ровкага келади. У киши шўравий-большевикларни 1918 йилдан 1922 йилгача зир титратган машҳур кўрбоши Шермухаммадбек етишиб чиққан Гарбува кишлоғига қўшни Қоратепадан эди. Қоратепа ҳозир Фарғона вилоятининг Ёзёвон тумани ўрамига қиради; 1930 йилда у Марғилон ўрамига кирган бўлса керак. Агроном-ҳосилот Хоразмда уйли-жойли бўлади, бола-чака қилади. Унинг тўнғич фарзанди Комил бобо 90 ёшни қоралаб қолган, ҳозир Оқмасжид кишлоғида меннонит немислари бир пайтлар истиқомат қилган эски кўрғон ўрни рўпарасидаги ховлида – кўчанинг нариги бетида яшайди. Гарчанд Комил бобо Оқмасжид немислари депортация қилинган 1935 йилда ёш бола бўлган эса-да, бироқ айрим лавҳалар бир умр хотирасига муҳрланиб қолади, отаси гапириб берган воқеалар ҳам умрбод эсидан чикмайди.

– Чамамда, 1932 йилда, яъни биринчи беш йиллик (1927 – 1932 йиллар) охирида немислар Шўро ҳукумати тазийқи остида Оқмасжидда алоҳида қолхоз бўлади. Ўзларига ажратилган далаларга пахта экадилар. Шартнома тузилади. Кузда шартномада ёзиб қўйилган миқдорда пахта етиштириб, давлатга топширилади. Сўнг пайкалдаги фўзапояни ўриб олиб, ўз томорқаларига келтириб, ғарам этиб қўядилар. Фўзапоя кўрақлари ғарамда турган жойида оппок бўлиб очилиб кетади. Шўро ҳукумати вакиллари Оқмасжид кишлоғини оралаб юриб, немисларнинг оқсоқол-раиси Отто – Отабойни саволга тутадилар: “Таксир, пахта ҳосилини йиғиб-териб олдиларингми?” “Ҳовва! – дейди Отто бобо. – Шартнома бўйича режани дўндириб қўйдик. Пахта пайкалларини янги йил ҳосили учун ҳозирлаяпмиз. Ҳовва...” Милтик кўтарган милиция ходимларини ҳам эргаштириб юрган Шўро ҳукумати амалдорлари бир-бирига маъноли қараб қўяди. Шўро раиси яна савол беради: “Пахта стратегик хом ашё эканини биласизми, ёшулли?” “Йақ, билмайман”, дейди Отто бобо. “Билиб қўйинг, пахта стратегик хом ашё ҳисобланади”, деб таъкидлайди Шўро раиси. “Бўпти, билиб қўйдим”, деб жавоб беради Отто бобо жиддий қиёфада. “Бундан ташқари, пахта ўзбекларнинг миллий ифтихори ҳисобланади”, деб илова қилади. “Ҳазиллашманг, ёшулли, Навоий билан Мангуберди ёки Гёте билан Бах миллий ифтихор бўлиши мумкин. Бироқ, чақалоқларнинг кети артиладиган пахта қандай қилиб миллий ифтихор бўлсин!” деб ёқасини ушлайди Отто бобо. “Ия, пахтамизга болаларнинг

кетини ҳам артяпсизларми! – деб кўзларини олайтириб юборади Шўро раиси. – Милиция, ушла контурни!” деб буйрук беради. Милиция дарҳол милтигини чотига қисиб, Отто бобонинг кўлига кишан солади. “Пахта-ни мол-қўйга ем қиладиган, миллий ифтихоримизни топтайдиган контур қамокқа юборилсин!” деб қичкиради Шўро раиси. Отто бобо шартнома бажарилганини, ўсимлик миллий ифтихор бўлмаслигини раисга ҳам, терговчи билан судьяга ҳам тушунтира олмайди. Отто бобонинг ёнини олган яна тўртта немис ҳам қамокқа олинади. Томоркаларга ғарам этиб қўйилган ғўзапоярлар шартнома режасини бажармаган қолхоз аъзолари томонидан бир чанок қолдирмай териб олинади. Дарҳол ҳукуматга яхши кўришиб қолиш илинжида юрган шоир долзарб мавзуга мос шеър ёзиб, Хивада вақти-вақти билан чоп этиб туриладиган “Инқилоб кўёши” газетасида нашр эттиради. Шундай қилиб, немислар қолхоз ташкил этган биринчи йилиёқ Шўро ҳукуматининг мунофиқона сиёсати билан очик тўкнашади. Отто бобони қамокдан озод этиш учун оммавий ҳаракатлар бошланади. Оқибатда Оқмасжид немислари ёппасига Шўро ҳукуматининг душмани экани очилиб қолади. Немисларни битталаб жазолашдан наф бўлмаслигини кўрган шўравийлар Отто бобони қамокдан озод этиб, бирийўла Оқмасжид немисларини ёппасига депортация қилиб юборишга қарор қилади.

Хулласи калом, Комил бобо Оқмасжид немислари Шўро ҳокимиятининг ғайриинсоний сиёсатининг қурбони бўлганини куйиниб гапириб беради.

2017 йил 9 февраль,

Оқмасжид – Саят – Урганч – Богот – Ҳазорасп – Тошкент

ҚАЕРДАСИЗ, ХОРАЗМЛИК ОЛМОНЛАР?

1883 йили Хоразм хонлигига кўчиб келиб, Хивадан 12 чақирим наридаги Оқмасжид қишлоғига жойлашган, шу гўшада эллик беш-олтмиш йил яшаб, маҳаллий аҳоли билан дўст-қадрдон тутинган, бироқ, таассуфки, 1935 йили Шўро ҳукумати томонидан оммавий депортация қилинган меннонитчи немислар ҳаётига доир излай-излай топганларимиз ана шулардан иборат. Хоразмни кўзда ёш билан тарқ этган меннонитчи немислар сўнгра қаердан паноҳ топди, тақдири қандай бўлди? Афсуски, бу ҳақда бизнинг қўлимизда айтарли маълумот мавжуд эмас. Демак, улар ҳақидаги изланишларимиз хали давом этади. Дарак беринг, қаердасиз, хоразмлик олмонлар?





Исажон СУЛТОН

(1967 йилда туғилган)

РОБИЯ БАЛХИЙ ҚИССАСИ

Бу – “Зайнул-араб”, яъни “Араб зийнати” деб ном олган, тоза руҳи қора ер зулматидан само сари нурдай отилган гўзал Робия ҳамда Афросиёб ботири Бектош қиссасидир. Шунингдек, инсонлар дин учун эмас, дин инсонлар бахт-саодати учунлигининг ибратли, хузунли ривоятидир.

Робия гўзаллигини таъриф этишга кимнинг ҳадди сиғар экан? Ахир, у етти қават парда остида махфий эди. Отаси, Балх амири Абдуллоҳ ибн Кааб “Қизимнинг зулфининг икки толаси учун Машҳаду Балхни бахш этишга тайёрман” деди, бироқ бу сўзи билан не ишларга йўл очиб берганини ўзи билмай қолди. “Ё Аллоҳ! У қандай зулф эканки, ёруғ дунёнинг икки шаҳри тортиқ бўлиб кетса?” деб ўйлашди одамлар. Не-не шаҳриёрлар, амиру беклар уни сўраб келаверишди, бироқ Кааб қизини ҳеч қайсисига бермади. Илми борлар айтишдики, бу иш худди Парвардигор жаннатни етти қават парда остида тутганига ўхшайди, уни эса, факат махрамлар кўра оладилар. Шу боис, бизлар ҳам бўлиб ўтган ишларнинг зоҳиригаю у эрка араб оҳусининг кишилар наздидаги таърифига назар ташлай оламиз, холос...

Робия қиз гулларни жуда севарди. Гуллар эса унинг гўзаллигини таъкидлаш учун яратилгандай эди. Настарин унга тонгги, бинафша тунги либос бўлишни орзуларди. Наргис – хушчоғ маҳалидаги қабоси, печакгул – рўмоли остидан бойлайдиган сочбоғи бўлгиси келар, қора тун унинг бурқаси, тун бағридаги юлдузлар бир нигоҳининг мазмунини ифодалашни орзу қилишарди. Бол унинг сўзларининг таъмини ўзига сингдириб олишни хоҳларди. Камон унинг қоши олдида арзимас бир нарсаман деб ўйласа, қалдирғоч ўз қанотига қараб, Каабнинг қизи олдида мен ҳеч нима эмасман деб изтироб чекарди. Киприги олдида Дамашқ ханжари оддий тикандай бўлиб қоларди. Тонгги ёки тунги сабо унинг нафасига, мусаффо тоғ жилғаларининг жилдираши эса қулишига тақлид қиларди. Ахир, ўзи ҳам ўзига боқиб “Субҳ шаббодасида қийикдан олинадиган ёқимли нофа мушқидан асар ҳам йўқ эди, жаҳон нима сабабдан мушқ бўйини олди?” деб ҳайратланмадимиз?

Араб шоирларидан бири дебдики, Кааб сулоласи бир денгиз эди, тақдир ундан бир қанча жавоҳирларни сохилга улоқтириб юборди. Ин-



соният осмонига Робия бинти Каабни Зухал қилиб кадаб қўйди. У шундай юлдузки, чакнаганида бошқа юлдузлар уятдан бўзаргайлар. Сен уни узоқдан кўриб Зухал демоқдасан, мохиятига етсайдинг, балки Коинот дер эдинг! У фалакнинг шундай жавохирларига етиб бордики, арабу ажам эркаклари заковатда ва фасохатда унга якин ҳам кела олишмади, Робия бинти Кааб уларнинг барчасининг устидан қулиб кетди. Улар эса бундан саодатманд бўлдилар, чунки шоир айтганидай, “Мен бу холдан бахтиёрман, чунки шоҳ назарига тушдим”.

Ҳинду Рум ошпазлари, Дамашку Шероз қандолатчилари, Хуросон шарбатчилари унга ўз санъатларини кўрсатгиси келарди. Чўмилгиси келса ховузига сут қуйиларди, ширинлик егиси келса мураббо ирмоғи оқизиларди. Отаси “Қизим ёз жазирамасида муздай шарбат ичсин” дея атай “яхчол” дейиладиган музхона қурдирди, у шундай эдики, кунга терс бир жойга ертўла казилиб, остига камиш босилиб сувалгач, кишда сув тўлдириб музлатилиб, усти ёпиб қўйиларди. Терскай бўлгани учун муз ёзда ҳам эримасди. Ўнлаб жориялар амир қизининг хизматига шай эдилар. Гўзаллигидан ташқари, отда ёки араблар “талиқ” деб атайдиган уруш туясида жанг қилишни, ёй тортиш, қилич чопиш хунарларини ҳам ўрганди. Шиддати шунчалар эдики, шунқор парвозию энг тезчопар отларнинг олиши ғайрати қаршисида ожиз эди.

Шундай малак эди Робия бинти Кааб.

У ўн бир ёшидан ғазал бита бошлади. Гўзалликларни кўра-кўра улғаяётган нозик қалб уларни дунёга янада жилолантириб, ўз чиройига тўйинтириб ҳаё этмоқ истарди. Шу боисмикин, жаҳон мушк бўйини олиб Аржанги Моно, яъни Моний нақши бўлди, кўкдаги булут ердаги гулнинг рангини Лайли либосига ўхшатиб кўз ёш тўқди? Урушларда чиникқан, кофирлару мардудлар конини селдай оқизган жасур Кааб у ғазалларни кизчасини кучоклаб, бошини бошига қўйиб биргалашиб ўқир, ўқиган чоғида кўзлари севинчу шукронадан намланиб ҳам оларди.

Қизи битган ғазалларни Хуросоннинг машхур шоири Абу Абдуллох Рудакий ихтиёрига ҳавола қилишга ундаган ҳам оталикнинг буюк меҳри бўлса ажабмас. Чунки таъкидланганидек, кизлару аёллар – эркаклар орномусининг тимсоли, бениҳоя қийматли жавохирлардир, шу сабабдан уларнинг борлиғию ҳатто овози ҳам махфий тутилади. Робиянинг гуллару боғу бўстонлар ҳақидаги байтлари кекса шоирни шунчалар ҳайратга солардики, ўқиб бўлиб, хайрату мактов тўла мактубларини Балхга йўллар, улар етиб келиб, амир Кааб дил бўстонини чаман қилиб яшнатарди.

Абдуллох ибн Кааб Балху Қаздорда шундай тартиб жорий қилдики, мамлакатда бўрию қўй, арслону той ёнма-ён, бежавотир яшар эдилар. Ҳар ишда адолат жорий бўлсин деб шайхулислим билан бирга бозорларни айланар, нарх-новони сўраб-суриштирар, инсофсизлик қилганларга жазо тайинлар, одиллиги боис ўлка гуллаб-яшнарди. Кишилар амир Кааб ҳаққига тинмай дуо қилишарди.

Аммо чархи кажрафтор калами само лавҳул-маҳфузига не ишларни ёзганини ким билибди, дейсиз? Саодатли кунларнинг бирида ажал ёйчиси Каабнинг жон қушини аниқ уриб олди. Ҳеч ким у онни ортга сура олмади. Амирнинг қуёшдай боши салтанат осмонидан куйига думалаб кетди. Жони чиқишини билгач, – зеро, шоир айтгани каби, “Нега келди, нега кетди, билмаслар...” – суюкли фарзанди Ҳорисни чорлаб, “Эй жонимнинг

парчаси, кўзимнинг оку қораси ўғлим! Синглингни сенга омонат топширдим. Уни не-не киборлар, неча беклар, амирлар, шахриёрлар сўраб бош уриб келишди, лекин мен бермадим. Сен бер, тенгини толиб узат”, деди.

Бу сўзни айтгач, деди:

*Камони Ҳақни тортгувчи башар йўқ,
Нечун келгай, нечун кетгай, хабар йўқ.*

*Нечун келгай, буни ҳеч кимса билмас,
Нечун кетгай, даги билгувчи бўлмас..*

Шундай деб, ажал элчилари қаршисида зор-зор йиғлаб ўлим рукуъ-сига кетди, уни юборган Аллоху акбарга таслимият саждасини адо этди ҳамда мўминликнинг оқ либосига ўралиб, кўзининг оку қораси ила абадиян видолашди.

Кааб тупрокка берилганида Робиянинг оху зори кўқларга сиғмади. Ота меҳри канчалар кўқларни тўлдиргувчи эса, қиз меҳри ҳам у само остидаги денгиздай эди. “Жонимнинг Каъбаси отам” дея ўзини ўтга-чўкка урди. Шум ажалнинг қилмишларига ким кўникибдики, Робия кўниксин? Бирок, Тангри таоло иродасига тан бериб, азиз қиблагоҳининг куёш чехрасини соғина-соғина яшайверди.

Қулларнинг бирида тақдир куши бу сулола бошига келиб каттик кичкирди ҳамда қанотини улар узра ёйиб, не машъум ишларга рўпара килди.

* * *

Абдуллох ибн Кааб Ҳақ раҳматига қовушганидан сўнг, шоҳ Наср ибн Аҳмад салтанат равнаки учун қилган хизматлари юзасидан Каабнинг ўғли Ҳорисни Балх амири этиб тайинлади. Салтанат тожи энди ўғил бошида порлади, амирлару лашкарбошилар унинг айтган сўзини қулоқ қокмай адо этишга байъат қилишди.

Абдуллох ибн Кааб ўғлининг олим бўлишини истарди. Бирок, Ҳориснинг ғайрати ҳамда ўзгирлигига илм озлик қиларди, у ғалаба қозонишни, шиддатли урушлар гирдобидида оқишни ва у ердан ғолибу фотиҳ бўлиб чиқишни орзуларди. Сабаби: у ёшлигида заифгина, юзида тиртиги бор болакай бўлиб, тенгдошлари уни кучсизлиги боис масхаралаб юришарди. Ҳар масхараланганида уйига қайтиб, боғ четидидаги ҳаммомга кириб яшириниб олар, у ерда маломатдан эзилиб юм-юм йиғлар, киздирилгану эндиликда совий бошлаган ҳаммом ҳарорати ва ислари аро қаҳру ғазабда лов-лов ёниб ўтли қасамлар ичар, сўнг ўзига келиб қайтиб чиқарди. Келажақда енгилмас ботир бўлиб етишишни, ўзининг куч-қудратини ўзгаларга шу тарика кўрсатиб қўйишни орзуларди. Мад-раса тахсили кўп давом этмади, Кааб ўғлини лашкарбошилар орасига кўшди.

Ҳорис лашкарга қўшилган маҳалда гоҳ у ерда, гоҳ бу ерда исёнлар содир бўлар, жанговар бўлуқлар бўйсунмас элатларни бўйсундириш, уларни исломга қайтариш ниятида йўлга отланишарди. Илм оқиллар учундир, тоғу тошларнинг жоҳил кишиларини ваъзу насиҳат ила йўлга солиб

бўлармиди? Шу сабаб кўп ишлар тиг ва ўлим кўркинчи орасида содир бўларди. Дунёга ислом дини келганига бор-йўғи бир неча аср бўлган, оддий кишилар унинг ҳақиқатини англаёлмай, яширинча тоғу тошлардаги махфий ибодатхоналарига чиқиб олов ёқиб, ўз эътиқодларида давом этишар, ўлимдан кўркишгани боис, ўзга динни қабул қилишганини, қалбларида эса ўз динларига содиқ қолишганини айтиб, санамлари қаршисида ялиниб-ёлвориб тавба қилишарди. Шундай бўлса-да, кичик урушларни ҳисобга олмаса, мамлакатларни қамраб олгувчи ва ёшу қари хонумонини бирдай қуйдирувчи улкан амир урушлар содир бўлмас, бу ҳам шох Наср ибн Аҳмаднинг ҳамда амир Каабнинг оқиллиги боис эди.

Ҳорис ибн Кааб тахтга ўтириш маросимида катта базм тўплади. Хурмат-эътиборга сазовор аъёнлар, олимлару шоирлар, лашкарбошилар, беклару баҳодирлар, урушларда донғи чиққан ботирларнинг бари шунда эдилар. Табриз қуробиялари, Машҳад ҳолвалари, Ҳалаб қадойифлари пайдар-пай етказиб туриларди. Чухралар Жаузжон, Шибирғон, Кандаҳор чоғирларини кетма-кет ташишарди. Сарик тусли саҳбо, сутдай оқ софчаш, яшил райҳоний, майи ноб, афсар, қондай қирмизи муғона, хира тусли Кофуристон бодаси, кишмишли киштиий, ҳатто беадабларча “кишти ҳалолӣ” деб номланган, рангу тусидан гулобга ўхшаш Ҳирий чоғиригача олиб келинарди.

Булар қадахларга кетма-кет қуйиларди. Чолғучилар қуйларни шундай чалишардики, кишилар ўзларини йўқотиб, қайда эканликларини унутиб қўйишарди. Уд садолари ила шундай шеърлар айтилардики, кишилар унинг сеҳрига махлиё бўлиб ёқа йиртишарди.

Ёт назардан узоқ бир болохонада Робия ўз энагаси билан базмни томоша қилар экан, айни чоғда қисмат ёйчиси уни ишқ ўки билан чунон урдик, аввалги Робиянинг кулини кўкларга совориб юборди. Ўрнида қакнусдай бўлиб, янада малоҳатли ўзга Робия яралиб чиқди.

Тангри таоло ҳар нарсанинг жуфтини мукамал қилиб яратмадимиз? Бирок бу гал тун кундузни қувалаб етмоқ истади. Ой куёш ортидан югурди. Чолғу қуй ортидан чопди. Денгиз соҳилга бош урди, соҳил эса, ихтиёрида шунча сув бўлатуриб ташналиқдан фиғон чекди. Гул булбулга интилди, зеро, булбулсиз унинг умрида маъно қолмади. Робиянинг нигоҳи ўз озодлигининг қотили, тик қадли мағрур Бектошга тушди-ю, ўзини тугал унутақолди.

Айтадиларки, бу иш Робиянинг ихтиёридан ташдаги иш эди. Унинг қисмати тақдир қалами ила кўкда ёзилганди.

Ажаб, маликани ўзига ром айлаган туркий йигит ким эди?

* * *

Андхўй-у Маймадан Афросиёбгача, Чоч элларидан Хўқанду Марғиёнагача, ундан нари доvon ортигача ёйилиб кетган ёйиқларда яшайдиган туркийлар жангу жадал усталари, ҳеч нимадан тап тортмаслигино ботирлиги билан донг таратишган эди. Айни замонда бу юракли эл орасида илму урфон юлдузлари чакнаган бўлса-да, туркий йигитларнинг илмга ҳуши йўқроқлари отамерос жанг ҳунарини танлар, отга минса, гўё у билан бирга туғилгандай қапишиб ўтирар, баъзилари эгарни айлантириб, чопа кетаётган от ёнига тушиб, ўша ҳолича қамон отишарди. Бир отдан бошқа

отга сакраш, хатто орада салт бир от эса, учинчисига сакраб ўтиш ёки хавода айланиб ўқ узиш уларнинг жўн ишлари эди. Шу сабабли шоҳ Наср ибн Аҳмад черикни тоғу тошларга ёйилиб кетган қабила сарбозларидан эмас, туркийлардан тузишни маъкул кўрарди. Бу аскар тезкор, шиддатли, ўзгир ҳамда чидамли эди. Салтанатда уруш чакмоғи чакнамаган кезларда черик Балх теграсига ёйилиб тин олар, ов билан машғул бўларди.

Наср ибн Аҳмаднинг юришларидан бирида Амир Кааб ҳам бор эди. Мовароуннаҳр даштларидан бирида ўқлари самони қорайтириб, куёшни тўсувчи улуғ жанг бўлиб ўтди. Икки кеча-кундуз давом этган муҳорабада амир Кааб зафар шаробини тўла сипқориб, ғалаба бурғусини чалди ҳамда бошка асирлар қаторида туркий беклардан бирининг ўғлини ҳам тутқун қилиб ола келди. Чакқону зийраклиги маъкул келиб, уни саройга хос кўрикчи қилиб тайинлади. Амир хизматида у ёй тортиб ўқ уриш, қилич ўйнатиш, найза отиш каби хунарларни ўргана-ўргана, моҳир аскар бўлиб етишди. Айни дамда фатила сочлари елкасига тушган бу кўркли йигит Ҳорис ибн Кааб ёнида май косаларини узатиб турарди.

Борлиги ила Робия умрининг мусаффо осмонида чакмоқ чакнатган йигит мана шу Бектош эди.

Султонларни кўкдаги юлдузлар қаторидаги тахтидан улоктириб жулдур кийимли гадоёга айлантирувчи, кишилар ҳазар қиладиган муфлис гадоёларни ҳеч кимнинг ақли етмас бир йўсинда етти иклимга султон айлагувчи, наъраси кўкни бузгувчи арслонларни куёнга, одамлар хонадонидан дон-дун ўғирлаб кун кечирувчи сичқонларни филга ҳукмдор қилувчи эй иши номальум фалак! Арабу форсу туркийни бир ерга келтириб, қай бири ўзининг не эканини билолмай турган маҳалида довдиратиб қўйган эй чарх! Боғу роғларни, шоҳ саройларинию фақир кулбаларини бирдай вайрон қилувчи у мудҳиш қисмат селини шу мусаффо гулчечак бўстонида бурмасанг не бўлгай эди? Ерларнинг тубларидаги кўзсиз куртга қадар Тангри таолонинг ризку марҳамати етиб турган эди-ку, етти кат парда ортидаги у қандга сувни нечук юбординг? Тоза-мусаффо у зам-замни қай ўзанларга бурдинг? Ишқ оташи ила кўз ёш селобини бир вужуд ичра қай тарз қон қилиб югуртирдинг? Марҳаматлару неъматлар оламида бир маромда оқаётган умр дарёсига не тўғонлар солдинг?

Ҳа, қисмат булутлари сурилиб келиб, ишқ чакмоғи ишқсиз қақроқ тупроқларни аямай қамчилади. Етилган ерларга мухаббат ёмғири ёғди. Қақроқ ердан турфа гул-чечак униб чиқди, уларнинг рангу туси, ифори турли-туман бўлиб, баҳор ҳамда жонланишнинг ҳаётбахш манзараларини ҳосил қилди. Айтадиларки, бир малика туғилгани он Тангри таоло унинг шахзодасини яратмиш бўлгайдир. Робия ўзининг бемисл заковати ила ўз тақдирининг жаллодини таниди.

Илми ҳозик эгалари айтадиларки, ишқ бир хасталиқдир. Каабнинг кўзининг оқу қораси Робия шу дардга мубғало бўлди.

Ишқда инсоннинг ўзлиги қолмагайдир, руҳи бошқа бир руҳга кул бўлгайдир. Не тонгки, бек ўғли Бектош асир эди, фалак бир айланди-ю, араб маликасини унга асира қилиб қўйди. Одамлар Парвардигори бу ишни ҳеч бир лашқарсиз, ўқсиз-камонсиз содир қилди.

У дард бу масъума қизчани йиқитди, рангини саргайтирди, хаёлини тарқатиб, ҳар тарафга сочиб юборди. Суюкли синглисининг дардга чалинганидан қайғурган Ҳорис ўз боғига табибларни чорлади. У маҳалда Балхда аёл табиб йўқ эди, эркак ҳақимлардан бир нечтаси келиб тўскич ортидаги Робияга Суман оркали турли саволлар беришди. Сўнгида қиз бола вояга етиш даврида шундай ишлар бўлиб туришини айтиб, балх анори, тоғ ёнғоғи ва бодомча мевасидан маъжун тайинлаб кетишди. Бирок бу – худди сувсиз қақраган ер қолиб, бошқа ерни суғориш билан баробар эди. Робиянинг дарди зўраверди.

Орадан бир қанча вақт ўтиб, ичидаги олов тобора гурлаб, жисму жонини ёкиб юборишини англаб етгач, ишонган энагаси Суманга ўз сирини очди.

Суман ўз маликасининг ҳолатини англади, унинг қошида тиз чўқди, шаънига мактовлар айтиб, сўнг деди:

– Маликам, бир қошиқ қонимдан кечинг! Ихтиёрингиз қошу кўзим устига, бироқ, бу ишнинг орти кесик эканини мендан яхшироқ биласиз.

– Эй Суман, – деди Робия. – Зарб тегмаса, сас қандай чиқсин? Ахир, даф¹ ҳам зарб егани боис ун чиқаради. Камиш ўз холича ҳечдир, бироқ, бағри тилинсагина нола қилади. Мен бир соз эдим, тақдир созандаси ҳар кўйда чалса, қандай қилиб ихтиёрим ўзимда қолсин?

Буни эшитгач, Суман бисотидаги ширин сўзларини айтиб маликага тасалли берди, Робия унга бир мактуб битди. Унда шундай ёзилган эди.

“Бир денгиз бор эди, суви Замзамдай тоза, Қулзумдай беғубор, Кавсардан сув оларди. Тангри таоло амри ила гоҳ тўлқинланиб, гоҳ тўфонлар кўтариб мавжуд эди.

Бирок у ўз соҳилига етишишга ҳар қанча уринса-да, кирғокка ҳар қанча бош урса-да, неъматларидан баҳраманд бўлолмай, пушаймонлик ила ортига қайтар эди.

Соҳил эса қаршисида шунча сув бўлатуриб, сувсизликдан қақрарди. Эй биродар, золим фалак денгизу соҳилни ёнма-ён яратиб, уларни бири-бирига етолмайдиган қилиб қўйганини кўрмаяпсанми?

Эй Тангримнинг кули, айтдиларки, ошиқ – машуқнинг қўлидаги создир. Фалак созандаси уни чалганида қандай куй чиқаришини сен қайдан ҳам билардинг?”

Шу каби сўзлар битилган ҳамда Робия сурати чизилган мактубни қўйнига солиб, Суман саройга йўл олди. Бир иложини қилиб мактубни Бектошнинг қўлига етказди. Бектош уни ўқиб, тугал маънолари онгига етиб боргач ҳамда сўз амир Ҳорис ибн Каабнинг синглиси ҳақида эканини билгач, фалакнинг ишларига лолу ҳайрон қолди. Суратни кўргач эса, қалбига у ўтнинг бир парчаси ловуллаб туташди.

“Бу башар иши эмас, фалак ишидир. Йўкса, қулнинг қулга не ҳадди бўлсин? – дер эди мактуб эгаси. – Магар сенинг фатила сочинг чавгон эса, бошим у чавгонда тўп бўлақолсин! Эй жонимнинг қотили, бу ишнинг мазмунини тугал англа, агарки қаҳр этсанг ҳам ҳеч бок йўқ, ҳатто қаҳрингга ҳам жоним тасаддук...”

Бу ўтлиғ мактубни ўқиб, Бектошнинг ҳам ҳуши бошидан учди, сўнг:

– Эй ялмоғизлар онаси, – деди. – Қиличим кескир, ёй ўқим нишонга бехато уради, бироқ амирнинг сўзи ундан чандон кескир, унинг ўқи яна-

¹ Ногорасимон чолғу асбоби.

да ўлимчилроқдир. Мен мағрур бек боласиман, амир курагига тиг уриш менинг ишим эмас.

Суман шу хабарни олиб изига қайтаверди.

Шундан сўнг Робия билан энага ўртасида шундай суҳбат бўлиб ўтди.

– Эй ҳусн аро ягона, заковатда танҳо маликам, – деди Суман. – Мен бу ишнинг оқибатидан қайғуга чўммоқдаман. Мўътабар сулолангизнинг зиллол булоғи лойқа ажам сувига ҳеч аралашурми? Чор атрофдаги барчанинг маломатига нишон бўлмасангиз деб қўрқаман.

– Эй ҳийлагар Суман, – деди Робия. – Юсуф кул эди, Зулайҳо уни кўргач, ўзини тамом унутди. Ҳабаш Билол ҳам кул эди, Тангри унинг мартабасини шундай кўтардики, фирдавсда пайғамбар ёнидан жой олди. Ҳар ким оламлар сарварини Исроил авлодларидан келгай деди, у эса курайшдан чиқиб келди. Кул киму султон ким, сен менга бунинг сирини тушунтира оласанми?

Робиянинг бу сўзларидан сўнг Суманнинг айтар сўзи қолмади, бироқ бу ишни тақдир ечимига ҳавола қилишни маъқул кўрди.

* * *

Кекса фалак бу асов, эрка араб қизи олдига ўзининг махфий сирларини дур қилиб сочиб юборди.

Бу гўзал боғи анвор ичра ўзининг пайдо бўлишини шундай таърифлади:

*Бас эй! Айёми гул ҳулёга ўхшар,
Чаман Аржанг каби ишиога ўхшар.*

*Сабо Чин оҳуси мушкин уфурса,
Ажаб рамзу ажаб маънога ўхшар.*

*Булут йиғлар бўлиб Қайс, чунки у гулнинг
Эғнида либоси Лайлога ўхшар.*

*Тутар ашқига лола лаългун жом,
Дема жом, ул шафиқ маъвога ўхшар.*

*Қадаҳ ич тўхтамай, дунёсидан кеч,
Бу дунё ишқи зўр уқбога ўхшар.*

*Кийиб нарғис кумуш гулбаргдин тож,
Ҳусравидек буюк подшога ўхшар.*

*Қабо киймиш магарким осмонранг,
Бинафша зоҳиди тарсога ўхшар...¹*

Шу шеърни битиб, яна Суманни чорлаб, Бектошга етказишни буюрди.

Бу ғазалнинг сўнг байтининг маъносиёқ умрларга тенг эди. Бинафша оч мовий либос кийди, унинг бу либосни кийишдаги ихтиёри ўзида эди-ми? Йўқ, баҳор туфайли шундай бўлди. У мовий либоси билан само ран-

¹ Нодира Афоқова таржимаси.

гига таклид килди, шу қиёфасида зоҳиди тарсога ўхшаб қолди. Мен ҳам бинафша каби ишқ либосини кийган бўлсам, имонимни тарк этиб тарсо қизига ўхшаб қолдимми?

Мактуб Суман бурқаси катида ўз манзилига йўл олди. Бектош дедики:

– Оллоҳ-оллоҳ, бундай ажойиб сўзларни мен башар оғзидан сира эшитмаган эдим. Сен не-не ишларни кўра-кўра кўзи пишиб кетган ёсуман кампирсан, менга йўл кўрсат. Ёки тўппа-тўғри амир қошига бориб, бошимни кундага қўйин-у, бор гапни очик-ойдин айттай.

Суман дедики:

– Эй жасоратли бек ўғли Бектош! Кошки сен бунинг мазмунини англаган бўлсайдинг! Лекин сени нега маломат қилайин, ахир даввора олимлари ҳам у маъноларга ета олмайдилар. Сен бу ишнинг аввалию охирига разм солсанг, муддаони англаган бўлгайсан. Бир гул чаманда очилсаю чаман унинг рангини олса ҳамда зоҳиди тарсонинг либосини кийса, – ахир, мовий ранг мотам тимсоли эмасми? – бунинг не эканини англамадингми? Фалак бу ишнинг бир чорасини рўпара қилмагунча сабр қил.

* * *

Бу орада тақдир ёйчиси яна бир кулфат ўқини камонга жойлаб, отишга шай турганди.

Ҳорис ибн Кааб саройдан ўз боғига қайтмоқда эди.

Ташқи ҳовлини Балх аҳли “берун” деб атайдди. “Андарун”, яъни ички ҳовли аёллар, жориялар ҳамда канизлар қисми. Ички ҳовли чоғроқ бўлсада, жаннат боғларидан кам эмас. Ҳар тараф гулу гулзор, Балх тути, Хуросон ўриги, нарида қашанги ангури дейилган қора узумлар, гилос, нок, олмаю бодомча ҳам гул очган, ифори ҳар ёқни тутган маҳал.

Робия баҳорий мушк иси анкиган шу сўлим боғда, кичик супада тонгла битган ғазалини Суманга ўқиб берарди.

Ғазал шундай эди:

*Ки эй, боди сабо, боргил, гузар қил,
Чу мендан турки яғмога хабар қил.*

*Дегилким, ташнамен, уйқумни олмиш,
Олиб уйқум, мени ғамларга солмиш...*

Шу маҳал амир ўз боғига кирди. Берунни бир кўздан кечириб, гуломларга у-бу юмушларни буюриб, синглисидан хабар олгани андарунга йўналди. Чаман оралаб бир оз юргач, Робиянинг овозини эшитди. У ўқиган ғазал қулоғига киргани он маъноси онгида чақин ҳосил қилиб, ғазаб оловини ўша заҳоти ловуллатди. Мусибат ўқи нишонга аниқ тегди. Супага чопа келди ҳамда жон-жаҳди билан:

– Ҳой сен, гумроҳ, не дединг? – деб кичкирди.

Робия шеър оға қулоғига етганини ўша заҳоти англаб, таъзим қилиб айтдики:

– Отамнинг ёдгори оғам, бу шеър нега сизни бунча ғазабга солди?

*Ки эй, боди сабо, боргил, гузар қил,
Чу мендан сурхи саққога хабар қил.*

*Дегилким, ташнамен, уйқумни олмиш,
Олиб уйқум, мени ғамларга солмиш...*

Яъни, бизга ҳар куни сув олиб келадиган мешкобчимиз Сурхи Сакко кеча келмади. Туни билан ташналиқдан ёниб чиқдим ҳамда тонг маҳали шуни битдим.

Бу сўзни эшитиб, Ҳориснинг ғазаби бир оз босилди. “Мешкобчига ўн дарра урингиз!” дея изига қайтса-да, шубҳаси кетмади. Жориялардан бирига Робиядан кўз-қулок бўлиб туришини буюрди.

* * *

Азалдан фалак токига ёзилган ҳодисалар кетма-кет рўй беради.

Кунларнинг бирида мамлакатга Синд дарёсининг у ёғидаги эллар кўшини тортгани хабари келди. У кўшинининг филлари ҳамда ўргатилган маймунлари бор эмиш. Лашкарбошисини “макрач” дер эмишлар, чериги қизил салла ўраб, белига лунги боғлар эмиш.

Ҳорис ибн Кааб у кўшиннинг эгаси кимлигини, Хуросон устига қай мақсад ила юриш қилганини фаҳмлар эди. Бу ишни пухта ўйлаб, ақл таразусига солиб кўриб, дедики: “Ҳар хайвон оловдан кўркқай. Уни учига мой шимдирилган латта боғлаб ёқилган ўқ ила ургайсиз. Аллох тадбирлидир”.

Шоҳ Наср ибн Аҳмадга хабар бериб, кўмак юборишини сўраса-да, ёрдам етиб келишини кутмай, сабрсизлик билан кўшинни олиб чиқиб, жанг майдонига тизди. Ёв кўшини кўрингач, отлиқлар дарёсини улар устига окизди.

Ҳорис кўшинининг асосий қисми туркийлар эди. Аввал ҳам айтганимиздай, улар – чаққон, от устида шамшоддай ўтирадиган, ҳеч нимадан кўркмай, ўлимга типпа-тик бораверадиған жанговар аскарлардан иборат эди. Ҳориснинг айтгани бўлди, безатилган филлар устида беш-олти киши ўтириб олган ҳамда кичик камонларидан ўқ уза-уза келишарди. Филларнинг териси қалин бўлгани сабаб ўқ ўтмасди. Ҳориснинг тадбири иш берди, мой шимдирилган латта боғланган ўқлар ёндирилиб отилгач ҳамда филлар устидаги кажавалар ёна бошлагач, оловдан кўрккан у хайвонлар ўкира-ўкира ҳар тарафга қоча бошлашди. Митти маймунчалар филлар важоҳатидан кўркқувга тушиб митти кўзчаларини мўлтиратиб шафқат сўраб чийиллашарди. Шу талотўп асносида Ҳорис кўшини ёв устига селдай окди.

Бу жангда Бектош ҳам бор эди. Бир қанча ёвни йиқитиб, саваш-сўқишда ўзининг ҳам бошига ўқ тегиб, отидан йиқилганида тўсатдан унинг тепасида юз-кўзини рўмол билан ўраб олган кимдир пайдо бўлди. У Бектошни даст кўтариб, отига ўнгарди-да, жанг майдонидан четга олиб чиқиб, ерга ётқизди, қакраган лабларига сувдонидан сув олиб тутди. Ўша ердаги кишилар чопиб келишаётганини кўриб, яна ўша шиддати ила отига сакраб минди-да, хануз давом этаётган жангу жадал тўзони орасида кўздан йўқолди.

Бу орада Наср ибн Аҳмад ўн минг кишилиқ кўшини билан етиб келди. Жанг амир Ҳориснинг ғалабаси билан тугади. Бебош ёв сон-саноксиз жонсиз аскарини майдонда қолдириб, шарманда бўлиб ортига қочди.

Ўликлар йиғилиб, майдондаги қурол-яроғлар терилиб, ярадорлар арваларда ўрдугоҳга олиб келинганида, жангтоҳда тўсатдан пайдо бўлган номаълум аскарни эслаб қолишди. Бирок у аскар ерда ҳам, кўкда ҳам йўқ эди. Уни ҳеч ким танимади, кимдир ҳатто кўкдан тушган малак бўлса керак, деб хаёл қилди ҳамда шундай деди: “Эй сен биродар, фариштани сиймосиз дединг, сиймосини кўрмадинг, бирок у қилган барча ишларни нечук тан олдинг? Оламда сенинг нигоҳингдан махфий қанча ишлар рўй бермоқда, уларни кўрмаганинг учун йўқ дея оласанми?”

* * *

Бектош жангда яраланганидан буён Робия ҳам ўқ еган қушдай типирчиларди.

*Ул бошким, сарвари тожи кибордир,
Не истар унда ўқ, унга не бордир?*

деб фиғон урарди.

*Не бўлди сенгаким, қонларга ботдинг,
Мени бу чорасиз гамларга отдинг?*

*Ғамингда шам каби андоқ қуярмен,
Кўзимдан сел каби ёшлар қуярмен...*

Доя Суман мактубни олиб яна йўлга чиқди. Бектош бир чодирда ётар, бошида табиблар парвона эдилар. Фурсатини топиб, мактубни унга топширди. Бектош уни ўқигач, дедики, “Агар бошимда бир яра бор, вале қалбимда минг яра бор. Бу оламда менга бир хабиб-махбуб йўқ, якка-ёлғиз эдим. Ўзининг марҳамати билан мени султон қилди. Бундан ортиқ саодат борми?”

Сўнг доядан сўради:

– Қалбиму бутун вужудим унга интилмоқдадир. Ой юзини бир кўрмоққа, қўлларида бир тутмоққа зору интизорман. Сен ундан сўрачи, нега ёник сўзлари билан ўзига ошиқу шайдо қилди, аммо мен билан хилватда бир кўришишга рози бўлмади?

Суман жавоб қилди:

– Ҳой гумроҳ! У Аллоху ақбар измидан сира чиқмагай. Унинг сенга бўлган ишқи буюк ишққа баҳонадир. Сенга шу бас эмасми? Шундай сирдан огоҳ қилса-ю, сен унга тамаъ қиласанми?

Бектош деди:

– Дегилки, марҳамати мени хаётга қайтарди, бундан сўнгра ёруғ оламда у бор эса, мен ҳам бордирман, вале у йўқ эса, ўша заҳоти мен ҳам йўқ бўлгайман!

Шундай деб, бу мактубни ҳам бошқа мактублар кўзининг оқу қорасидай сақланаётган сандиғига солди.

Қайда оташ ёнса, сира махфий қолмас. Ичдан қизий-қизий, қирмизи гулхан бўлиб лов-лов ёнгайдир, аввал ўзини, сўнг теҗрасидагиларни қуйдириб кул қилгайдир.

Уруш сабабли шоҳ Наср ибн Аҳмад ҳам Балхга келган ҳамда ғалаба нашидасини тотиб, ўлка гўзалликларига махлиё бўлиб бир қанча муддат шу сўлим маконда қолиб кетган, ҳатто Балхни пойтахт қилиш хаёлига борган эди. Бундан унинг аъёнлари хавотирга тушиб, Абу Абдуллоҳ Рудакийга ўтинишдики, шоҳга Бухоро таърифини қилгайсиз, шундай таъриф қилинганки, амир Балхни тарк этиб, Бухорога қайтсин дея.

Абу Абдуллоҳ Рудакийнинг эътибори шоҳ наздида ғоят юксак эди. Шундан сўнг у ўзининг машҳур “Қасидаи Бухоро”сини битди ва шоҳ ҳукмига ҳавола этди. Қасида чанг созининг ушшоқ навоси йўлида битилган бўлиб, шундай эди:

*Жўйи Мўлиён иси келгай буён,
Эсга тушгай ёди ёру меҳрибон.*

*Ҳам Амунинг қумлари, қумлоқ йўли,
Пойимизга ёйилур бахмалсимон.*

*От белидан паст тушар Жайҳун суви,
Дўст висолини хаёл қилган замон.*

*Эй Бухоро, шод бўл, мангу яша,
Шоҳ борур бағринга яйраб шодмон.*

*Шоҳ агар ойдур, анинг осмони – сен,
Ой борур осмон – Бухорога томон.*

*Шоҳ агар сарвдур, унинг бўстони сен,
Сарв борур бўстон – Бухорога томон...¹*

Шоҳ уни ўқиб беҳад мутаассир бўлди, кўзларидан дув-дув ёши оқиб айтдики: “Бу қасидани ўқигач, Бухорога ялангоёқ кетишга ҳам розиман”. Рудакийга икки минг динор совға қилди ҳамда ғалаба нашидаси боис пойтахт Бухорода улуг зиёфат тузишини маълум қилди.

Абу Абдуллоҳ Рудакий кўнгли юмшоқ киши эди. Ўша кунни у аввал маъжусийлар ибодатхонаси бўлиб, кейинроқ масжидга айлантирилган “Етти гумбаз” масжидини зиёрат қилди. Ундан чиқиб, нуқра томчилар сачратиб оқаётган Балх дарёси бўйлаб келаркан, сўлим бир бокка кўзи тушди ҳамда ёнидагилардан унинг кимнинг боғи эканини сўради. Кишилар унинг Каабга тегишли эканини айтишга, “Ё Аллоҳ! Ахир, амир Каабнинг бир қизи бор эди, башар кўрмаган ажойиб ғазаллар битарди. Ҳол сўраб ўтсам гуноҳ бўлмас”, дея боғ дарвозасини тақиллатди. Берун эшигидан чиққан гуломга ўзини таништириб, муддаосини баён қилди. Гулом

¹ Самандар Воҳидов таржимаси.

бир оздан сўнг қайтиб чиқиб, Робия бинти Кааб девор ортига келишини, доя орқали сўзлашишини айтди. Абу Абдуллоҳ Рудакий Робия келганини билиб, ундан ҳол-аҳвол сўради, ғазаллари билан қизикди. Шунда ярадор Бектошни ўйлаб ичу таши куйиб турган ҳамда ота қадрдони таширидан севинган Робия бир байт айтди, байт шундай гўзал эдики, Рудакийнинг эси оғди, уни ўша заҳоти ёдлаб олиб, Кааб хонадонига садоқатини изҳор қилиб хайрлашди.

Шундан сўнг шоҳ Наср ибн Аҳмад ўз кўшини билан бирга Бухорои шарифга азимат қилди.

Рудакий йўл-йўлакай у ғазални хаёлан такрорлар ва аклига ишонмас эди. Араб шеърда бундай фасоҳатга эришиш умри шеър ила кечганларга ҳам насиб этмаган. Шоир шеър жилваларидан ҳамда сўз бўстониинг гўзаллигидан беҳад завқланарди.

Бир неча кун ўтиб, зиёфат соати етиб келди. Унга кўшни салтанатлардан ҳам олийнасаб киборлар чорланган, ҳар кимга ўзининг муносиб ери, хизматчилари тайин қилинган эди. Ҳарир Чин пардалари тутилган шийпонларда созандалар бирин-кетин алмашар, Шероз сози ўрнини гоҳ Дамашқ конуни, гоҳ Рум зурнаси садолари олар, удчи удини шундай чалардики, кўкда учиб кетаётган кушлар тўхтаб қоларди. Май қадахлари бирин-кетин чархи даввора каби алмашиб турарди. Бунда оқиллар девона, девоналар эса оқиллик даъво қилишарди. Масхарабозлару ҳуққабозлар ўзларининг ҳунарини намоён этиб шоҳ назарига тушишга интилишарди.

Шоҳ зиёфатида шоирлар сон-саноксиз эди. Ҳар бири юлдузликка даъво қиларди. Шу базму жамшид аро Рудакийга ўтинишгач, у бир неча кун аввал ёдлаб олган шеърини шундай ўқиди:

*Ошиқлигимни оё, сен фитнаси мусалсал,
Дерсен гуноҳ, на дерсен, сўрса далил ал-Азал?*

*Жаннат недир сенингсиз, дўзах сенинг-ла жаннат,
Сенсиз асал ҳам заҳар, сен бирла огу афзал.*

*Ҳуснинг-ла кибр этурга андиша қил, тўлин ой,
Пинҳона ўлса мумкин сунбул аро мукамал.*

*Йўқ иштибоҳ, демишлар дониш эли, муҳаққақ:
“Фаман таккабур явман фи баъд из-за зал”¹.*

Бу ғазални эшитган шоирларнинг бари хайрат бармоғини тишлаб қолишди. У ғазалдан сўнг ҳеч ким бошқа ғазал ўқишга ботинолмади. Барча бу ажойиб санъат кимнинг қаламига мансуб эканини сўрашарди.

Шунда Абу Абдуллоҳ Рудакий:

– Эй шоҳлар шоҳи Наср ибн Аҳмад олий ҳазратларининг аъёнлари, лашкарбошилари, ботирлари, беклари, олимлари, боёнлари! Тингланг, тупроғингизда олтин гул унди! У – амир Абдуллоҳ ибн Каабнинг қизи Робиядир. Жаҳонда иккинчи Робия Адавия кабидир. Бир туркий хизматкорга ошиқ бўлиб, шундай ўтлиғ шеърлар битадир! Унинг шеърини эшитган

¹ Нодира Афоқова таржимаси

шеърят арслонлари мушукдек бўлиб колгайлар, миёвлаб ўзларига афв сўрагайлар. Унинг шеъри қаршисида назм бургути чумчуқ кабидир.

– Зайнул-араб! Зайнул-араб! – деб қичкиришарди ўздан кетган кишилар.

Шоҳ зиёфатида Ҳорис ибн Кааб ҳам бор бўлиб, Рудакий унинг бу ерда эканидан беҳабар эди. Ҳорис ибн Кааб мактовларни эшитгани сайин ковоғи уйилиб, дам-бадам кўли бикинидаги ханжар дастасига борарди. “Бас қилинг! Номаҳрамни мактамоқ ҳамда у битган шеърни ўқимок қай шариятда бор?” деб ҳайкиргиси келса-да, у қичкириқ бўғзидан нари ўтолмасди. Сингисини макташганида Ҳориснинг ғазоби ўзанидан тошиб чиқди. Ор-номус ўтида чунон ёндики! Шармандалиқдан ерга киргудай бўлса-да, ўзини мастликка солиб, ҳеч нимага эътибор бермагандай кўрсатди. Сўнг Бухорода қолишга ортиқ тоқати етмай, ўша заҳоти Балхга жўнади.

Етиб келиб, ўз боғига кирганида ташки ҳовлидагилар унинг авзойини кўриб тумтарақай қочинди. Ўша важоҳати ила ички ҳовлига кириб борди.

– Робия! – деб қичкирди у, кўз олди қоронғилашиб.

Наргис қабоси ила настарин рўмолини бошига сола чошиб чиққан Робия ақасининг авзойини кўриб, катта қора кўзлари хавотирга тўлиб, сўради:

– Эй ота-онамнинг ўғли! Сизга не бўлди?

– Бу беюзликни нечун қилдинг? Нечун у кекса шоир ила сўзлашдинг? У ғазалда кимга хитоб қилдинг?

Робия Ҳорис ғазабининг боисини дарҳол англаган, шу сабаб унга “Эй ота-онамнинг ўғли” дея хитоб қилиб, ўзининг заифа бир сингил эканига ишора қилган эди.

Бирок Ҳорис буни англари вазиятда эмас эди.

– Отамнинг дўсти... – дея олди Робия.

– Ота дўсти номаҳрам саналмасми?

– Оғойи, мен у улуғ киши билан сўзлашмадим, – деди Робия. – У ўз сўзларини Суманга айтди, Суман менга етказиб турди. Мен у билан етти қават девор ортида, етти қават парда остида туриб сўзлашдимки, сасимни ҳам эшитмади.

– Сасингни эшитмади, бироқ қалбингни тинглади! – деб ҳайкирди Ҳорис. – Билиб қўй, эй отамнинг ақсиз ёдгори! Ташинг номаҳрам эса, ичинг номаҳрам эмасми? Айт, бу нидо дафтари кимга атаб битилди?

Бўлар иш бўлган эди.

– Сен менинг мағрур бошимни эгдирдинг, номусларга ўлдирдинг! – деди Ҳорис ибн Кааб.

Сингисига ортиқ сўз қотмади, қайрилиб унинг ёнидан кетди ҳамда боғда бир оз тентираб юриб, болалигидан таниш ҳаммом олдидан чиқди. Кўп ўйлашиб ўтирмай, унинг ичига кириб, беркиниб олди.

Салкин ҳаммом уни бир оз тинчлантирди. Бу ерга ташқаридан товушлар кирмас, сув ва зах иси келиб турарди. Ҳорис муздай мрамарга кўксини бериб ётди. Ёдига болалигида рўй берган нохуш воқеалар, маломату ҳақоратлар тушиб, алам ва пушаймондан юм-юм йиғлади.

Ҳорис ҳаммомда экан, хосдаги Робия Суманга деди:

– Фурсатини топиб оғойимга билдиринглар, ортиқ бу ишни махфий тутишни истамайман.

– Акангизга билдирсак, барчамизнинг бошимиз кетгайдир, – деди доя Суман. – Сизга аввал айтган эдим, энди ҳам айтаман – унутинг уни. Қонун доруғаси, шариат ҳимоячиси хонадонидан бундай иш чиқиши маломатга сабаб бўлгайдир.

– Мен гуноҳ содир қилмадим, Танграмнинг бир қулига кўнгили бердим, холос, – деб жавоб қилди Робия. – У билан ҳатто сўзлашмадим. Акамга айтинг, Бектошни озод қилсин ҳамда мени унга берсин. Мен ўз хурриятим доирасида сўзламоқдаман.

– Маликам, мен бу сўзни оғойингизга айта олмайман, – деди Суман, дағ-дағ титраб. – Чунки ғазабланган ор-номус арслони барчамизнинг устимизга етиб келиб, панжа уришга чоғланди. Хизматкорларингизнинг бир қошиқ қонидан кечинг, бироқ ўтинаманки, сиз ҳам бу ҳақда сира оғиз очманг.

* * *

Ҳорис ибн Кааб саройга кириб келди.

Амирул-мўминининг феъли бузуклигини кўрган ҳар ким четланиб йўл берарди. Ҳорис ўз ҳузурига шайхулисломни чорлатди. Шайхулислом етиб келгач, такаллуф қилиб ўтирмай, ўша заҳоти ундан сўради:

– Бир уйда турмушга узатилмаган болиг заифа бўлса, отаси вафот қилса-ю, оғасининг қўлида қолса, заифанинг масъулияти кимда бўлгай?

– Оғасида бўлгай, – деб жавоб қилди шайхулислом, гап нимада эканини дарҳол фаҳмлаб. Чунки Кааб хонадонидаги гап-сўзлар аллақачон ҳар тарафга ёйилиб бўлган, уни шайхулислом ҳам эшитган эди.

– Бу ўринда заифанинг хурлиги қайгача-ю, оғойининг ҳукми қай ергача?

– Заифанинг хуррияти шуки, ўзи истаганини маълум қилиш ҳуқуқига эга, – деб жавоб қилди шайхулислом. – Шу боисдан, ҳар ҳолатда заифадан истаги бор-йўқлиги сўралгай. Бу ўринда сўровчи хоҳ шоҳу хоҳ ҳукмдор бўлсин, заифа истамаса, зинҳор мажбурланмагай.

– Оғойининг ҳукми-чи?

– Оғойи унинг ҳимоячиси, бошидаги соябони, номусининг кўрғонидир.

– Оғойига жазо ҳаққи берилгаймидир?

– Ҳа, ота ўрнида қолгани учун айб қилса, жазо ёки ҳад бериш оғойининг ҳуқуқидир.

– Уни турмушга узатса-чи, оғойининг ҳуқуқи не бўлгай?

– Заррача ҳуқуқи қолмагай, – деди шайхулислом. – Фақат қони бир экани, ота ёдгори деган рутбаси боис ҳурматлангайдир. Бу шундайки, хожаши “Оғанг уйга кирмасин” деса, у уйнинг остонасидан бир одим ҳам ўтолмагайдир.

– Тушундим, – деди Ҳорис баттар тундлашиб. – Энди айт-чи, бир қулнинг ҳуқуқи не бўлгай?

– Қул тамомила хојасининг изнидадир. Истаса озод қилур, истаса қуллигича қолдирур. Бироқ ҳар доимо адолатини жорий қилгайдир.

– Тушундим, боравер, – деди Ҳорис ибн Кааб.

– Эй Абдуллоҳ ибн Каабнинг шон-шарафли ўғли! – деди шайхулислом. – Отангиз ҳам, сиз ҳам Аллоҳнинг дини учун кўп ишлар қилдингиз. Ғазабингиз қайнаб-тошаётганини кўриб турибман. Худо ҳаққи, ўзингизни қўлга олинг.

– Ҳаддингдан ошма! – деб жавоб килди Ҳорис. – Сен бор-йўғи шайху-лисломсан. Сен Тангрининг олими эсанг, мен унинг киличидирман!

Мўътабар сулоланинг кизи туркий бир ажамга кўнгил кўяр эканми? Бу не ишки, кулни озод қилиб, ҳур киши сифатида синглисини унга берсин? Араб ажамга қачон қиз берибди? Орасидан пайғамбар чикқан сулола кимлиги ноаниқ бир кишини ўз қонига қўшар эканми?

* * *

Шундан сўнг яна бир иш содир бўлдики, у ишни билгач, буларнинг бари ҳақиқатан ҳам тақдир ўйини эканига ишонч ҳосил қиласиз.

Бектош бўлугида зоту наслининг тайини йўқ бир навкар ҳам бўлиб, у худбинлару шухратпарастларнинг энг тубанларидан эди. Бутун фикру ўйи амир назарига тушиш эди, унинг саховатидан баҳраманд бўлиш учун ҳар ишдан тоймасди. Чунки шоир айтгани каби, “У назар қилса, бойқуш ҳам булбулга айланур”. Бектошнинг амир чаргасида обрўси ошгандан-ошиб бораётганидан аламзада бўлган шу навкар бир куни Бектошнинг кичик сандиғини доим авайлаб юришига диққат қаратди. Ҳирсу ҳавас шайтони унинг ногоза қонида югурди, онгига кириб олиб, у сандиқда қийматли дур-жавохирлар бўлса керак, деб шивирлади. Навкар ҳасад бармоғини тишлай-тишлай, ўз кулбасида гир-гир айланди, ҳасад ўтига чидаёлмай, сандиқни ўғирлаш режасини тузди. Ниҳоят бир куни Бектош саройга кетгани маҳал туйнукдан ичкари кирди, ашёлар орасида яшириб қўйилган сандиқни топиб, бир амаллаб очган эди, ичида бир қанча ўроғлик қоғоздан бошқа ҳеч нима йўқлигини кўриб фиғони фалакка етди. Шу дамда фалак масҳарабози унинг қўлига Робиянинг биринчи мактубини тутқазди, у киши ўрамни очиб кўриб, суратдаги Робияни дарҳол таниди, шеърни ўқигач эса, гап нимада эканини англаб етди-да, қувонганидан сакраб юбораёзди. Ҳа, бу дуру жавохир уни амир саховатига элтувчи пиллапоядан бўлак нарса эмас эди. Ғазалларни олиб амир ҳузурига ўқдай учди.

* * *

Ҳар ишга адолатни жорий қилмоқнинг йўли қандоқ бўлсин?

Ҳорис ибн Каабнинг боши қотган эди.

Онги унга “Хиёнат содир бўлди” деб қичкирар, интиком шайтони теграсида қуондай ўралашарди. Ҳа, суюкли сингил ила ҳақир кул ундан яширинча тил бириктиришибди. Ҳорис ҳар иккисига ҳам шоён ишонган, садоқатига заррача шубҳа қилмаган эди. Бироқ унинг кенг кўксига кетмакет ханжар санчилди, бирини ўз синглиси, бирини ишончли навқари Бектош урди.

Агар бу иш шундай давом этса, Мовароуннаҳру Хуросонда Ҳорисни энг ҳақир кишилар ҳам мазахлаб кулгайлар. Бу ишнинг ечими не? Инсон кадр қиймати шунчаларки, гуноҳкорнинг жазоси бир тиғ уриш билан хотима топади, бошлар қуйига юмалайди. Бироқ томирида бир отанинг қони оқаётган жону жигарга қандай жазо берилсин? Ҳорис ибн Кааб уйига келиб-кетар, ҳеч ким билан сўзлашмасди. Авзойи тобора тундлашиб борар эди.

Ҳасадчи навкар амир ҳузурига шу вақтда етиб келди. Аввалига унга ичкарига киришга изн беришмади, ҳайдаб юборишди. Навкар амир синг-лисига алоқадор муҳим бир сирни билишини айтгач, Ҳорис уни ичкари олишларини буюрди. Навкар Ҳорис ҳузурига чувалчангдай судралиб кирди, ер ўпа-ўпа, ўзининг амирга шоён садокатидан, унинг ор-номуси йўлида жонини фидо қилишидан ва шунга ўхшаш нарсалардан роса валдиради, сўнг битикларни икки қўллаб тутқазди. Амир уларни очиб кўргач, ҳамма ишни тушуниб етди.

– Бу сотқиннинг тилига чўғ босингиз! – деди жаҳл билан. Зоҳиран хиёнат учун жазо белгилаган бўлса-да, аслида навкар бу сирни бировга айтиб қўйишидан, улусга ёйилиб кетишидан хавотирланди.

Робия ички ҳовлидан ҳеч чиқмас эди. Акаси билан ҳам ортиқ сўзлашмади. Дедики:

– Модомики шундай экан, унга айтинг, мени тириклай ерга қўмсин!

Илми бўлса эди, Ҳорис ибн Кааб бу сўзнинг мазмунини англаб етган бўларди. Чунки Робия рисолат аввалида норасида кизалоқларнинг тириклай ерга қўмилиши воқеасини эслатди. “Тириклай қўмилган ҳар бир киздан қандай гуноҳ сабабли ўлдирилгани сўралганида” қавлини келтириб, ўзининг гуноҳсизлигига ишора қилди. Шунингдек, унинг бу сўзида “Агар сенинг наздингда гуноҳкордай кўринаётган бўлсам, ўзингни қўлга ол ҳамда истиғфор айт, ахир, кўрмадингни, Тангри таоло имон келтирганлар ўтмишидаги ўша дахшатли гуноҳларни ҳам афв қилиб юборди” деган ҳамда бошқа яна бир қанча маънолар мавжуд эди. Бироқ Ҳорис буларни қандай англасин? Бу муборак дин заифаларнинг ҳақ-ҳуқуқини мукамал қилиб берди, бироқ Ҳориснинг қалласига сулоласининг ор-номусидан бошқа нарса кирмас эди.

Бу орада махфиячи жория Робия битган яна бир ғазални амирга келтирди. Амир уни ёйиб кўз югуртиргач, гўё бошига тоғлар йиқилди, кўз олди қоронғилашиб, шундай наъра торгдики, ҳар кас тумтарақай қочди.

Робия битган эди:

*Эй! Сени ҳам бир менингдек ошиқ этсин Раббано!
Тошдилу номехрибонга айласин зору гадо.*

*Токи дарди ишқу ҳажру гамки, захрин тортқасен,
Токи ошиқ қадрини шунда билурсен ишқ аро.¹*

Ҳорис бошини чангаллаб анча ўтирди, сўнг:

– Робияни чорлангиз! – деди бўғиқ овозда.

Робия оғойиси ҳузурига аввалгидек таъзим қилиб кирмади. Бошини тик кўтариб, мағрур кириб келди.

– Сулоламиз юзини ерга қаратдинг! – деди Ҳорис, бўғиқ овозда, Робияга қарамай.

– Тангрим олдида юзим ёруғдир! – деб жавоб қилди Робия.

– Мен сулоламиз, дедим!

– Мен Тангрим дедим!

– Ўз-ўзингга ҳукм ўқидинг, энди бу ишнинг гуноҳи мenden кетди!

– деди Ҳорис. Сўнг ғуломларга буюрди: – Ҳаммомни ўтдай қиздилинг,

¹ Нодира Афоқова таржимаси

буни ичкарига ташланг! Жаҳаннам азоби қандай бўлишини билиб қўйсин! Анави кулни эса кудукка отинг! Мен хали унинг кўзига мил тортириб, оёқ-қўлини тескари кестириб, инсон акли етмас кийноқлар ичида ўлдиргайман!

* * *

Бектошни уриб-сўкиб, зиндон ёнидаги суви куриб қолган кудукқа ташлашди.

- Мен не қилдим?
- Ўзинг билмайсанми? Амирнинг синглизин билан сўзлашибсан?
- Худо ҳаққи, бир оғиз сўз айтганим йўқ!
- Ёлғон сўзлама!
- Мен сира ёлғон сўзламайман!

Бектошнинг сўзлари рост эди. У Робияга бир оғиз сўз қотмади. Робия ҳам Бектош билан сўзлашмади. Бироқ оламда яна бир луғат бор, Ҳорис шубҳасида ҳақ эди: Робия ўз калбининг титроқларини қоғозга тўккан эса, Бектош сўзларини унга Суман етказган эди.

Ҳукм ижро этилди.

Ҳориснинг синглизига берган жазоси ҳад, яъни адаб ўрнида эди. Шу боис у ерда бир қанча муддат қолсин, сўнг чиқариб олингиз, оловни куйдирадиган даражада ёкмангиз, деб айтган эди. Лекин Ҳорис бу ҳукмининг заифлигидан хомушланди. Балхда турли миш-мишлар урчиб кетди, воқеани ўз кўзи билан кўрмаган, ўз қулоғи билан эшитмаган қанчадан-қанча кишилар амирул-мўъминин синглизининг бу ишидан лол қолиб сўзлашарди. У бу сўзларга акли гоҳ ишониб, гоҳ ишонмас, онги дам ёришиб, дам ғазаб олови ўраб олар, елкасидаги шайтон “Ўлим! Ўлим!” деб қулоғига шивирларди.

Шундай бўлди, олов ёкилди. Робияни ичкарига қамаб, ҳаммом эшигига киши чиқолмас қилиб қулф урилиб, тамбалаб ташлашди.

Ҳаммом ўчоғига болут, ханжак деган узок ёнувчи ўтинлар қалаб, оловни гуриллатиб ёқишди.

Бироқ ичкаридан улар қутган сас-садолар, тавба-тазарру ёлворишлари келмасди. Ҳаммом кизигани сайин жимжитлик орта борарди.

Бу иш пешин вақти содир бўлди. Тоқати тоқ бўлган Ҳорис ибн Кааб аср вақтида ҳаммом эшигини очишларини буюрди.

Эшик очилди.

Қирганлар турган жойларида қотиб қолишди.

Балх тоғларининг эрка кийиғи, отасининг омонати, шеърят осмонининг юлдузи, фасоҳат ҳамда нафосатда эркақлар устидан қулган Робия бинти Кааб ўз томирини кесиб, ҳаммом деворини лолагун ғазаллар билан тўлдириб ташлаган ҳамда настарин қабосини жойнамоз қилиб тўшаб, сажда қилган ҳолича жонини Ҳаққа топширган эди.

У бош қўйган жой юқорисиди, нафас олиб бўлмас жаҳаннам оташида қон ила битилган шу ёзувлар қирмизи тус олиб, иссиқда қотиб қолган эди:

*Жаҳони ишиқ аро уч йўл эрур чун,
Бири отаи, бири кўз ёи, бири хун.*

*Берармен бўйлаким оташга бардош,
Кўзимдан гаҳ қон томгай, гаҳи ёш.*

*Тилармен, ўт мени ёндирсин асру,
Вале жонимдасан, ўт ёндирурму?*

Ҳорис ибн Кааб синглисига берган ҳад жазосининг бундай хотима топишини кутмаган эди.

Шунингдек, яна бир ҳолат унинг ақлига етиб келмади: инсон вужудини қайноқ қон тарқ этаркан, тана совий боради. Шу сабабли, Робия чехрасида азобли қийноқдан асар ҳам йўқ, муз вужудга жаҳаннам оташи ўз ҳукмини ўтказга олмаган, оқ чехраси ўзи севган нилуфарлардай бўлиб турарди.

Буни кўрган барча аччиқ-аччиқ йиғламоқдан ўзини тиёлмас, жориялар ҳам, қуллар ҳам хўнграб йиғлашарди.

* * *

Ёзуқлар бўлсин сенга, эй Ҳорис ибн Кааб! Отанг адолат қуёши эса, синглинг фасоҳат тўлин ойи эди. Эй воҳ, қуёшу ой бирдай ботди. Бу ажойиб зилол қора ерга сингиб кетди. У асирни озод қилсанг-у, бек даражасига кўтарсанг, синглингни унга берсанг-у, умринг охиригача уларнинг иззат тўрида юрсанг не бўлмай эди? Мана энди, боғингнинг у ажойиб гули қора тупроққа қоришиб, чаман ўз илоҳасидан, жаҳон ўз мушкидан махрум бўлди. Йўқ-йўқ, нега мушк бўлсин, ахир, у зийнат эди-ку? У зийнатни кимдир келиб, ўзи билан шундай диёрларга олиб кетдики, уни энди ҳеч кимса кўролмади! Жоҳилият Ҳориси яна бир қизни ерга тириклай кўмди! Устида ҳукм қиличини ўйнатди, ғазаб манжанағига солиб, жазо оташига отиб юборди.

Фалак кажрафторининг сўнг иши шу бўлди. Робия бинти Каабни тупроққа берар эканлар, Бектошнинг қудуқдан чиқиб қочгани хабари келди. Ҳорис ҳар ёқни тинтиб, уни излаб топишни буюрди. Бирок Ҳориснинг сўкир ақли яна узоқни кўролмади. Туркийнинг мағрур ўғли бу ишни шундоқ қолдирсинми? Кишилар Бектошга Робиянинг ўлими хабарини етказишганида, фотиҳ султон лашкарининг бургути, не-не ўлимларни писанд қилмаган шу йигит хушдан кетиб йиқилди, ўзига келгач эса, ёқасини йиртиб шундай фиғон кўтардики, атрофидагилар ҳам унга қўшилиб зор-зор йиғладилар. Шундан сўнг Бектош кескир қиличини қўлига олди, Балх кўчаларидан от суриб бориб, қаршисидан чиққан кўриқчилару бекларни хасдай сочиб юборди. Ҳорис ибн Кааб уйига тўфондай бўлиб кириб келди. Ҳорис ибн Кааб уни кўриб:

– Сен, эй қул... – деган эди, Бектош қаҳру ғазаб билан ҳайкирди:

– Ҳой аҳмоқ! Туркийдан қул чиққанини қайда кўрдинг?

Шундай деб, унинг бошини танасидан жудо қилди. Сўнг, ақлдан озган каби, кесилган бош қаршисида ўтириб, яна хўнг-хўнг йиғлади. Шундай қилиб, Ҳорис ибн Кааб ҳам Тангри таоло адолати сари йўл олди.

Бир сулола ер юзидан мана шундай супурилиб кетди.

Бектошнинг ёруғ оламдаги сўнгги иши шу бўлди. Фалак муншийси ниҳоят бу ишлардан қаноат ҳосил қилиб, мусибатлар ва тасодифлар

оқимини Кааб сулоласи ирмоғига қўшиб “Зам! Зам!” дея тўхтатди, зеро, араблар ўз туяларини шундай деб тўхтатишади. Сал аввал Робия умр Зам-замининг суви ҳам худди шундай тўхтаган эди. Ходисалар туяси ўз манзилига етиб келди, унинг устидаги юк эса нақ ажал юки бўлиб чиқди.

Бектош Робия бинти Кааб қабри устига борди, унга ўзини ташлади, кўзидан ёши дарёдай оқиб тазарулар килди. Ер остида ётган насти-риндай пок Робия унинг келганини билдимикин? У дунёдан ким хабар олақолибдики, Бектош олсин? Булар устида энди ажал куйчиси ўз рубо-бини чалди, истаган оҳангига ўйнатди. Не ажабки, шу ердаги яшил маъво аро хунхор гўдакдай бўлиб, бир дона қизғалдоқ униб чикқан экан. Шундан сўнг Бектоши замон ҳам ўша кўнғир ер узра ўз жонига қасд килди.

* * *

Оламлар Парвардигорига ҳамду санолар бўлсин! Унинг расулига – икки дунё саодати хабарчиси бўлмиш коинот сарварига салавотлар бўлсин!

Олимлар имоми, қуддуса сирруху Фаридулдин Атторга саломлар бўлсинки, бу хикоятни ғоят гўзал тарзда англатди ҳамда авом кўзидан махфий сирларини ошкор килди, ўткинчи кўз билан эмас, имон кўзи ила қаратди ҳамда мажозий ишқ рўёбини мукамал билдирди.

Шоирлар сарвари Авфийга саломлар бўлсин, ки ул “Аржанги Моно”ни ўз “Луббул-албоб”ида шундай таърифлади: “Каабнинг кизи, заифа бўлишига қарамасдан, донолиги ила дунё эрларининг устидан кулди. Икки жанг майдонининг сувораси ҳамда ҳар икки сўз майдонининг маликаси эди – араб абъётида қудратли ҳамда форсий шеърда тенги йўқ устоз эди...”

Яна, Абдурахмон ибн Жомийга саломлар бўлсин, Робиянинг кўзёшларга, оловларгаю қизил конларга чулғанган абъёти унинг юксак эътиборига сазовор бўлди, лойик бўлмаса, сазовор бўлурми эди?

Туркий абъёт боғининг кишвари Ризоқулихонга саломлар бўлсин, “Бектошнома”ни ёзди, жоҳил кишиларга ошиқлару орифлар макomini билдирди ҳамда сулолалар мукаддаслиги аро қаро ердан қизил кондай бўлиб униб чикқан бир гулдан хикоя айлади.

Умрлар денгизининг бебаҳо дуру жавохири, олам зийнати Робия бинти Каабнинг мусаффо руҳига саломлар бўлсинки, инсонлар дин учун эмас, дин инсонлар учун эканини ўз қисмати ила англатиб, барчанинги устидан қулиб кетди.

Шунингдек, унинг падари бузруквори, фотиҳул-мўъминин Абдуллоҳ ибн Каабга саломлар бўлсин, у бир саховат дарахти эса, фарзандлари унинг шохлари каби эдилар. Шўрлик отанинги гуноҳларини Тангри таоло афв айласинки, бир шоҳида булбул сайраса, бошқа шоҳида қузғун макон айлади.

Ҳамда унинг шафқатсиз, заиф ўғли Ҳорис ибн Каабга...

Не тонгики, иш шу ерга келганида қалам синди, сиёҳ тугади. Ҳорис ибн Каабга атаганимиз дилимизда колдию тилимизга чикмади.

Яхшиси, “Зайн-ул-араб” деб ном олган, гўзал руҳи қора ер зулмати-дан само сари нурдай отилган соф қалбли Робия бинти Каабнинг сўнг сўзларини эслай қолайлик:

Кўзим ёши ила ёр пойин ювармен,
Қизил қоним-ла қўл жондин ювармен.

Бу қонимдан тунимни кун этармен,
Ҳама ошиқ юзин гулгун этармен.

Бу оташдан ёнишлар ичра ҳар он,
Этарман етти дўзахни намоён.

Бу кўз ёшимки, тўфондир талотум,
Берурмен селу ёмғирларга таълим.

Бу қонимданки чун дарё этурмен,
Шафақларга қизиллик ўргатурмен.

Бу оташким менинг жонимдадур, бас,
Жаҳаннам ўтлари андин олур дарс.

Не дуч келса ёқиб кул этди оташ,
Кўнгилда ёр хаёли қолди яккаш.

Юрак қонимни, эй офтоб жамолим,
Симирдинг бўйлаким, бўлсин ҳалолинг.

Насибим келди ашк, оташ ва қондин,
Ки мен дилхаста кетдим бу жаҳондин.

Менга сенсиз ҳаёт маҳшар, қиёмат,
Кетармен энди бас, сен бўл саломат...¹



¹ Фаридулдин Аттор "Илоҳийнома"сидан, шоир Жамол Камол таржимаси



ЖАДИДЛАР ҚАНДАЙ ИЖТИМОЙ ТУЗУМНИ ОРЗУ ҚИЛГАНЛАР

ёхуд уларнинг давлат тўғрисидаги қарашлари

XIX аср охири – XX асрнинг биринчи чорагида Туркистонда фаолият кўрсатган ижтимоий-сиёсий оқим – жадидлар тўғрисида адабиётларда ҳар хил қарашлар мавжуд. Бундай қарашларнинг айримларида Туркистон жадидлари маърифат ва маданиятда жузъий ислохотлар ўтказишдан юқори кўтарила олмадилар, уларнинг сиёсий мақсадлари чекланган, давлат тўғрисидаги тасаввурлари тиниклашмаган эди, деган фикр илгари сурилади. Ҳақиқатан ҳам, Туркистон жадидлари ижтимоий тузум, давлат тўғрисида муайян концепцияга, аниқ қарашга эга бўлмаганларми? Ҳақиқатан ҳам, уларнинг давлат тўғрисидаги тушунчалари эътибор беришга арзимайдими? Бу саволларга жавоб қайтаришдан олдин юзаки бўлса-да, жадидликнинг моҳиятига назар ташлайлик.

Кишилиқ жамиятининг кўп асрлик тарихи хилма-хил ҳаракат, таълим, сиёсий оқим ва фиркаларни вужудга келтирди. Бунинг асосий сабаби башариятнинг адолатли, инсонпарвар жамият куриш учун, зулм ва зўравонликдан, куллик ва мустабидликдан, тенгсизлик ва жаҳолатдан қутулиш учун тинимсиз изланиши эди.

XIX асрда феодал қолоқлик Шарқни ғарблиқ мустабидларга қарам бўлишга олиб келган сабаб миллий зулмдан қутулиш учун озодлик кураши асосий ижтимоий дастур ҳисобланарди. Озодлик, мустақиллик, эрка феодал қолоқликдан, жаҳолатдан қутулгандагина эришиш мумкин бўлган. Бунинг учун жамиятдаги мавжуд тузумни тубдан ислох қилиш лозим эдики, шундай тараққийпарварлар қотиб қолган, даққи қучлар, яъни “қадим” (эски)ларга қарши турувчи “жадид” (янги)лар сифатида майдонга келди. Шу боис жадидлар Мисрда ҳам, Туркияда ҳам, Туркистонда ҳам сиёсий оқим тарзида пайдо бўлди. Тўғри, уларнинг шаклланганлик, тараққий топганлик даражаси бир хил эмасди. Чор Россияси томонидан босиб олинган ўлкаларда ҳам XIX аср охирига келиб миллий-озодлик ҳаракатлари охир-оқибатда жадидларни тарих саҳнасига чиқарди. Миллий истибдод занжирига тушган халқ ва элатлар қудратли империя чангалдан фақат бирлашиб ҳаракат қилгандагина қутулишлари мумкин эди. Бунинг учун, энг аввало, миллий онгни уйғотиш, миллатнинг ўзлигини англаб етишувига эришиш лозим эди. Ана шундай фикрга биринчилардан бўлиб қримлик Исмоил Гаспринский келди. У мазлум халқларда миллий гуруҳ ва миллий ўз-ўзини англаш, ватанпарварлик, она-юртга муҳаббат туйғуларини шакллантириш – уларни миллий-озодлик курашига тайёрлашнинг пойдевори деб билди. Мазлум халқларни эрк ва озодликка элтиш, моддий ва маънавий ночорликдан қутқариш йўлларини излар экан, И.Гаспринский бир хулосага келди: 1895 йили ёзган мақоларидан бирида

“илм-фанни тараккий эттириш ва уни такомиллаштириш учун, энг аввало, янги ҳамда мутлако ўнғай ғоя зарур”, дейди у. Шу боис туркий кавмлар, умуман, Россия мусулмонлари, энг аввало, асрий жаҳолатдан, феодал колокликдан кутулиб, дунёвий илмларни, замонавий фан ва техникани эгаллаб, тараккий топган миллатлар даражасига кўтарилиши лозим деган ғояни илгари суради. Бу ғоя эса инсоннинг дунёкараши, савиясини шакллантирадиган таълим-тарбия тизимини ислох этишдан иборат эди. Натижада, у мусулмонлар оламида янги бўлган “усули савтия тадрижия”ни жорий этишга киришди ва қутилган натижаларга эришди. Бу усулни Гаспринский Кавказдагина эмас, Туркистонда, Волга бўйида ҳам жорий этишга ташвиқ қилди. Мазкур ўлкаларда ҳам унинг тарафдорлари, издошлари юзага келди. Туркистонда Маҳмудхўжа Бехбудий, Мунаввар қори, Абдулқодир Шақурий, Фитрат ва бошқалар унинг ҳаммаслақлари эди. Гаспринскийнинг бу янги ва ўнғай ғояси маърифатни эгаллаш ғояси эди. Худди шунингдек, унинг турли жамиятлар тузиш, миллий манфаатни химоя қиладиган матбуот юзага келтириб, ундан бош мақсад йўлида фойдаланиш, анжуманлар (съезд ва конгресслар) ўтказиш каби ғоялари ҳам туркистонлик ҳаммаслақлари томонидан қўллаб-қувватланди.

Айни пайтда, жадидчилик юзага келган вақтда бу ҳаракатга қўшилмаган ҳолда Россия императорига илтимосномалар ёзиб, муайян енгилликларни қўлга киритишни мақсад қилиб қўйган гуруҳ ҳам бўлган. 20-йилларнинг кўзга кўринган тарихчиларидан Е.Фёдоров архив хужжатлари асосида Ўрта Осиёда, жумладан, Тошкентда маҳаллий халқ орасида ана шундай гуруҳ бўлганини қайд этади ва бу гуруҳни “исломчилар гуруҳи” деб атаб, унинг фаолиятига қуйидагича баҳо беради: 1905 йил январь воқеалари муносабати билан тошкентлик бойлардан айримлари биронтасининг уйига йиғилишиб, мусулмонлар учун мустақил маҳкамаи шаръия ташкил қилиш, вақф мулкларини қайтариб олиш, қозилар ҳуқуқини тиклаш, ўлганларни Тошкент шаҳри ичидаги қабристонларга кўмиш учун рухсат берилишини сўраб “окпошшо”га ариза ёзганлар. Уларнинг сиёсий характердаги энг катта илтимоси мусулмонлар истикомат қиладиган эски шаҳар учун алоҳида идора (маъмурият) ташкил этилишини сўраш бўлган. Мазкур аризаларни чор ҳукумати эътиборига етказиш 2-Давлат думасининг Тошкент эски шаҳар қисмидан сайланган аъзоси Обид Қориевга топширилади. Бироқ бу ариза ва шунга ўхшаган бошқа хатлар беқибат қолдирилган. Мазкур исломчилар гуруҳи “... Ўрта Осиёдаги ўзбеклар ва киргизлар (козоклар – Б.Д.) орасида ва Бухорода бўлган бошқа оқимга душман эдилар. Бу оқим “Таржумон” газетасининг таъсири остида вужудга чиққандур ва унинг исми “жадидчилик”дир”. Биринчи гуруҳ кейинроқ бориб уламолар гуруҳи (фирқаси)ни ташкил қилган бўлса, кейингиси жадидчилик оқимини вужудга келтирди. Уламолар ва жадидлар айрим ҳоллардагина ўзаро келишган бўлсалар-да, аксари ҳолларда бир-бирига муҳолифатда, ҳатто душманлик кайфиятида бўлдилар. Шу тариқа, “эски”лик кўпроқ уламолар гуруҳида намоён бўлди. Жадидлар ҳам “қадим”лар, ҳам мустабидларга қарши туришига тўғри келди. Демак, жадидларнинг миллат эрки ва озодлиги, уни моддий ва маънавий жиҳатдан юксалтириш йўлидаги курашлари улар номи билан боғлиқ сиёсий оқим моҳиятини ташкил этади.

Шу ўринда алоҳида таъкидлаш зарурки, Туркистон жадидлари сиёсий савиялари, кураш тажрибаларига кўра Волга бўйидаги, Кавказдаги, ҳатто Алаш Ўрдадаги жадидларга қараганда ҳам орқароқда эди. Бунинг сабаби, аввало, татарлар, бошқирлар, кавказликлар ва козоклар туркистончиларга қараганда Россия мустабидлигига илгарироқ тушиб, ўз ҳақ-хуқуқлари йўлида эртароқ кураш йўлига кирган эдилар. XIX аср охирида Туркистонда содир бўлган бир ҳодиса ҳам бу ердаги жадидларнинг ҳадик аралаш фаолият кўрсатишларига сабаб бўлганди. Бу ҳодиса нималигини қайд этишдан олдин таъкидлаш лозимки, Туркистон XIX аср иккинчи ярмида Россия томонидан забт этилгач, ўлка халқлари мустабидлик занжирига солинган эди. Эркесвар аждодларимиз оёқларига миллий мустабидлик кишани урилганига осонликча кўникиб қўя қолмадилар: улар озодлик учун кураш олиб бордилар. XIX асрдаги Пўлатхон бошчилигидаги кўзғолон, Дукчи эшон кўзғолони, Тошкентдаги “вабо исёни”, Зарафшон ва Фарғона водийсидаги мустабидларга қарши кўтарилган ғалаёнлар бунинг ёрқин мисолидир. Мана шу исён ва кўзғолонлар ичида 1898 йил май ойида бўлиб ўтган Дукчи эшон (Муҳаммадалихон) кўзғолони икки жиҳатли билан эътиборга лойик. Биринчиси, мустабид чор ҳукумати энди маҳаллий аҳоли эрк, истиқлол учун бош кўтаролмайди, деб қаттиқ ишониб юрган пайтда мазкур кўзғолон содир бўлди. Кўзғолонга мустабидлар назарида “саводсиз”, “жохил ва нодон” бир руҳоний – эшон бошчилик қилди. Минглаб кишилар унинг кетидан эргашиб озодлик, мустақиллик курашига отланди. Бу воқеа мустабидларни ўзлари Туркистонда юргизаётган сиёсатга муайян “тахрир” киритишга мажбур қилди. Мустабидлар халқни буткул нодонликда, жаҳолатда тутиб туриш ўта хавfli эканига амин бўлдилар. Оқибатда улар халққа маърифат бериш керак, фақат бу русларга нисбатан илиқлик ҳиссини уйғотадиган тизим асосига қурилган бўлсин, деган тўхтамга келдилар. Бунга рус тили, маданиятини юзакигина ўргатиш, уларга рус турмуш тарзини сингдириш орқали эришиш мумкин, деган хулоса чиқарилди. Мустабидлар назарида, схоластика асосига қурилган эскича таълим усулини ҳам қисман ўзгартириш керак. Токи у ердан ўзларига қарши фанатик жохил оломон пайдо бўлмасин. Шу тариқа ўтган XIX аср охири – XX аср бошларида чор маъмурлари маҳаллий аҳоли учун рус-тузем мактабларини кўпайтиришга мажбур бўлди, катта ёшдагиларни ҳам рус тилига ўргатувчи бепул кечки курслар очишди.

Дукчи эшон воқеаси эрк, мустақиллик учун ёниб юрган маҳаллий халқлар вакилларига ҳам ўзига яраша сабоқ берди. Қудратли, замонавий қуроолларга эга мунтазам армияси бор салтанат – Россия чангалидан онгсиз, уюшмаган ҳолда ибтидоий қурооллар билан қутулиб бўлмайди.

Гарчи Япония масофа жиҳатидан Туркистондан жуда узоқда бўлса ҳам, 1904–1905 йиллардаги рус-япон уруши ўлка халқларининг дилида умид учқунларини қайта алангалантирди. “Россия қудратли, улкан салтанат бўлса, нега ўзидан кичкина Япониядан енгиләпти?” “Демак Россия биз ўйлагандек мустаҳкам эмас экан”, “Эшитдингларми, японлар ҳам мусулмонлар эмиш?” “Японлар ҳам туркийлар экан”, “Японлар келиб Туркистонни руслардан озод қилишармиш...” Бундай миш-мишлар кўчакўйда, бозорларда, чойхона ва гап-гаштакларда кучаяди. Маҳаллий аҳоли Россияни ҳам енгадиган куч борлигига ишона бошлайди. Муҳими, миллий-озодлик йўлига кирган курашчиларнинг юрагига далда бахш этади.

XX аср бошларида шундай катта бир тарихий воқеа ҳам содир бўлдики, у туркистонлик жадидларга зиммаларида турган вазифаларни амалга оширишда муайян шарт-шароит яратиш учун омил бўлди. Бу 1905–1907 йиллар рус инқилоби, Эрон ва Хиндистондаги инқилобий ҳаракатлар эди. 1905 йили инқилобий ҳаракатлардан таҳликага тушиб қолган Россия императори Николай Иккинчи 17 октябрь манифести деб аталган ҳужжатга қўл қўйишга мажбур бўлди. Мазкур манифестга кўра, Русия фуқароларига сўз, матбуот ва жамиятлар тузиш эркинлиги ваъда қилинганди. Россия истибдодига тушган миллат ва элатлар юзга келган “зиғирдек” имкониятдан фойдаланиб қолишга ўрганиб қолгандилар. Ушбу имконият ҳам самарасиз қолмади. Улар 1906 йилнинг 14 июнидан бошлаб дастлабки миллий газета “Тараққий”ни чиқара бошладилар.

Газета деярли барча сонларида подшо бошлиқ Россия ҳокимиятини тажовузкор, маккорона сиёсат юритаётгани учун танқид қилди. Порахўр, қобилиятсиз кишиларга мансаб, лавозим бермаслик ғоясини илгари сурди, миллий истибод асоратига тушган миллатларнинг ҳақ-ҳуқуқларини химоя қилди. “Тараққий” ҳукумат томонидан ёпилгач, “Хуршид” газетаси унинг йўлини давом эттирди. У ҳам маъмурулар томонидан чиқишдан тўхтатилгач, “Шухрат” мазкур газеталар анъаналарини давом эттирди.

Айтиш керакки, туркистонлик жадидлар чиқарган газеталар Боғчасарой ва Волга бўйида чиққан жадидлар газеталари тажрибаларига таянди. Кўзга кўринган туркистонлик жадид сиймолари ҳам кримлик, Волга бўйилик маслакдошларидан сиёсий савияларини оширишда кўмак олдилар. Таниқли олима Ингеборг Балдауф ёзади: “Ўрта Осиё жадидлари биринчи навбатда татар жадидларидан ўрнак олдилар... Ўртаосиёлик кўпгина муаллимлар ва публицистлар Қозон, Уфа ва Оренбург шаҳарларидаги жадидлар билан яқиндан танишиб олган, ҳатто Истанбул ва Кавказдаги жадидлар билан ҳам алоқа ўрнатган эдилар”.

Гап бу ерда маориф соҳасида кетса-да, комил ишонч билан айтиш мумкинки, сиёсий таълим соҳасида ҳам худди шу ҳолни кўриш мумкин. Чунончи, самарқандлик машҳур жадид Маҳмудхўжа Бехбудий таржимаи ҳолини ёзган унинг замондоши Ҳожи Муин шундай дейди: “Ҳижоз сафаридан (1899 йил. – Б.Д.) Бехбудий афанди Боғчасаройда чиқадурган “Таржумон” газетасини олдуруб ўқуй бошлади. Иккинчи ёқдан, турлик илмий, фанний китобларнинг мутолааси билан маълумотини кенгайтирди. Оз вақтда дунё сиёсатидан ва замон аҳволидан хабардор бўлди.

Шу тарих, матбуот ва китобларнинг таъсирида туркистонлик зиёлиларнинг сиёсий онги ошиб, уларда сиёсий воқеаларга муносабат билдириш рағбати пайдо бўлди. Уларнинг сиёсий жиҳатдан етилувида ички Россия жадид лидерларининг ҳам маълум даражада хиссаси бўлди. Туркистонлик жадидларнинг 1905–1906 йилларда бўлган умум Россия мусулмонлари съездларида иштирок этишлари уларнинг сиёсий такомиллида ўзига хос мактаб бўлди. Шуни ҳам айтиш керакки, Россия мусулмонлари қудратли ва ёвуз империя исканжасидан қутулиш учун энг аввало бирлашиб ҳаракат қилиш кераклигини англаб етдилар. Натижада, миллий истибод занжирига боғланган мусулмон халқлари бир жамият атрофига уюшиш мақсадида бутун Россия мусулмонларининг съездини ўтказиш учун ҳаракатни бошлаб юбордилар. Ҳаракат ўз натижасини берди. 1905 йилнинг 15 августда Нижний Новгород шаҳрида, Ока дарёсидаги Гус-

тав Струве номли кемада бутун Русия мусулмонларининг (“мусулмонлар” сўзи бу ерда диний мансубликдан ҳам кўра кўпроқ этник мазмунга эга) биринчи съезди бўлди. Унда туркистонликлар ҳам иштирок этдилар. Русия мусулмонларининг 1906 йил 13-23 январда бўлиб ўтган 2-съезида эса “Бутун Россия мусулмонлари союзининг устави” қабул қилинди. Ушбу съездлар чор маъмурлари ва охранинг каттик кузатуви остида ўтган бўлишига қарамай, мустабидлик оғусини тотиб келган мусулмон халқларида мустақиллик, эрк, озодлик туйғусини уйғотмай қолмади. Улар вақти келиб Туркистонда ҳам мустақил давлатчиликни тиклаш умидини уйғотди. Шундай ҳолатда мазкур съездлардаёқ Россиянинг, шунингдек, мустабидлик исканжасига тушиб қолган халқларнинг бўлажак давлат тузуми қандай бўлиши керак деган масала илк бор муҳокамага олиб чиқилди. Мазкур съездлар туркистонлик делегатларда ҳам мамлакат усули идораси ҳақида мушоҳада туғдирмай қолмади.

Бутун Россия мусулмонларининг съездларини диққат билан кузатган Махмудхўжа Бехбудий: “Ҳозир Русия давлати(нинг) тарихи ҳукмронлиги(ни) ноқис эканлигига ҳар бир хабарлик киши иқрор этар. Давлат қонунларини(нг) ислоҳ ва тажидида ҳар ким мойилдур”, деб ёзди. Мустабидлар томонидан “туземец” ёки “сарг” деб камситилиб келинган халқдан чиққан бир киши Россиядаги ҳокимият тизимида камчилик мавжуд демоқда. Бунинг устига, у Россия қонунларини ислоҳ қилиш, янгилаш фикрини бермоқда. Дарҳақиқат, буни фавқуллода жасорат ва сиёсий жиҳатдан етилиб бориш натижаси, дейиш мумкин. Махмудхўжа Бехбудий “Хайрул умури авсатухо” сарлавҳали мақоласида Россия сиёсий харитасида юзага келган партиялар ҳақида тушунтириш беради. Булар: а) буйрукратияи мустабид /монархистлар, ҳукумат партияси/; б) машрутаи авомия /кадетлар партияси/; в) иштирокиюни оммавий /социал-демократлар партияси/; г) Русия мусулмонлари иттифоқи. Буйрукратияи мустабид фиркаси монархия тузумини ёқлайди, бинобарин, у эски тарздаги ҳукумат тарафдори. Эски тарздаги ҳукумат эса, идораи мустақила. “Идораи мустақила қўл остидаги фуқароларни ҳар қанча ҳукумат одамлари ва тўраларга яқин ва муносабатлик ўлса ҳам, аҳволи сиёсий, диний ва дунявий ва олияси дуруст бўлмай, кундан-кун таназзулдадур”. Махмудхўжанинг бу фикри Россия давлат тузуми бўлган “идораи мустақила” пировардида тараққиётга эмас, таназзулга олиб келади деган ҳукми тасдиқлапти. Бехбудий социал-демократик партия ҳақида ёзди: “Буларни бошлуча муроди ҳозирги барча зақун, мулкият қондаларини бутун бузуб, мол ва ерларни ҳамма халойиқ ўртасига муштарак қилиб, анинг манфаатини бутун халойиқ ўртасида мусовий этмоқчидур. Бойлик ва камбағалликни йўқ қилиб, дунё моли(ни) роҳатидан ҳаммани баробар фойдалантируб, масъуд ва роҳат умр ўтказмоқиға ва ҳар ким ўз истикболидан амин бўлмоқиға зақун ва қоида жорий қилмоқчидурлар. Буларни пруграмини жорий бўлмоқиға ҳозирги асримиз мусоид эмас. Балки неча асрларга таваккуфи бордур... Ҳар ҳолда, бу партияни муроди мумкин лойиқиё ёинки хаёлийдек қўрунуб, бу тоифаға қўшулмоқ биз мусулмонлар учун ниҳоятда зарарлиқдур”. Бу гаплар 1906 йилда ёзилаётганини назарда тутсак, Бехбудийда ҳодисалар истикболини кўра билишдек истесьод бўлган деб ўйлайсан киши.

Бехбудий умум Россия мусулмонлари съездларида ташкил этилган “Иттифоки муслимин” партияси ҳақида бундай дейди: “Қарорларининг ижмоли, Туркия газеталаридан маълум бўлишига қараганда, Русия мусулмонлари диний ва илмий вазҳдан алоҳида бир партияни махсусадурлар. Аммо сиёсий ва умумий талаб ва маслақлар тўғрисида кадетларга қўшилтурғонга ўхшайдурлар”. Маҳмудхўжа Бехбудий “Иттифоки муслимин”ни Туркия газеталари кадетларга яқин дейишларига эътироз билдирмайди, бу унга кадетлар партиясининг дастури маъқул келганидан бўлса керак. У кадетлар партияси, унинг дастури ҳақида ёзади: “Бу фирка ҳақиқатда ўрта фиркадур. Мўътадил ал-мижоз халқлар бу партияни хоҳлагандурлар... Фақат саломатлик ва амният букун кадетлар хизби соясида ватанимиз Русияга жорий бўлса керак...” Бехбудий бу партиянинг мусулмонларга маъқул бўлишини уларнинг ҳар нарсанинг ўргачасини маъқул кўриши билан изоҳлайди. Яна шуни қўшимча қилиш мумкинки, мусулмонлар, жумладан, туркистонликлар азалдан подшоҳлик тузумини маъқул билиб, одил подшоҳ фуқароларни бахтли қила олади, деб ҳисоблаганлар. Бу Маҳмудхўжа Бехбудийнинг илк сиёсий фикрлари эди. Ижтимоий вазият ўзгариши баробарида унинг қарашларида ҳам тадрижий силжиш кузатилади. Ҳар ҳолда, Туркистонда бўлажак давлатчилик масаласи февраль инқилобидан сўнггина бутун долзарблиги ва кўлами билан кун тартибига қўйилди.

1906 йилда Бехбудий Гаспринский таклифи билан “Туркистон маданий мухторияти лойихаси”ни тузиб берган. Мазкур лойиҳа Бехбудийнинг XX аср бошларида Туркистонда амалга оширишни мўлжаллаган бошқариш тизими тўғрисидаги тасаввурларини акс эттиради. Шуни ҳам айтиш керакки, Бехбудийнинг фикрлари асоссиз эмасди. 1906 йили Россия Давлат думаси қабул қилган “Миллий-маданий автономия” тўғрисидаги қонун бу фикримизнинг исботидир.

1917 йилги февраль инқилобини Русия мусулмонлари, жумладан, Туркистон халқлари ҳам бениҳоят катта қувонч ва умид билан кутиб олдилар. Улар тасаввурида хуррият содир бўлганди: ҳадемай, эркинлик озодлик, истиклол қўлга киритилиши тайин эди.

XIX асрнинг иккинчи ярмида қўлдан чиқарилган ватан мустақиллигини қайта тиклаш уфқлари гўё кўриниб қолган эди. Дарвоқе, 6 мартда Туркистонда ҳам хуррият эълон қилинди. Петербургда тузилган муваққат ҳукумат Туркистонни бошқариш учун 8 кишидан иборат комитет юборди. Булардан 4 нафари мусулмонлар бўлган – М.Тинишбоев, С.Мақсудов, Давлатшин ва А.Букайхоновлар.

1917 йилнинг 16 апрелида иш бошлаган Туркистон мусулмонлари курултойида Туркистон ўлка ижроия кўмитаси аъзоси Крепс бундай деганди: “Мусулмонлар! Сиз бутун ер юзидаги мусулмонларнинг хури бўлдингиз!.. Эски ҳукумат сиз ила сўйлашганда, сабий бола ила сўйлашгандек сўйлашар эди. Сизни ҳамиша бир ёш боладек кўруб ўқсутар эди. Ҳозирги ҳукумат (муваққат ҳукумат – **Б.Д.**) ўзининг азиз фарзандидек кўруб, сағир бола эмас, кабир киши ила, қул эмас, озод киши ила сўйлашгандек сўйлашур. Ҳам шундай муомила қилур”. Бу баландпарвоз сўзларни эшитган бечора мусулмон делегатлари қандай туйғулар ичра фарқ бўлишганини тасаввур қилиш мумкин.

Ҳар ҳолда, февраль инқилобидан сўнг бир-бири билан боғлиқ икки масала кун тартибига қўйилмоқда эди: бири – Россиянинг бўлажак

давлат тизими қандай бўлиши керак: иккинчиси – Туркистоннинг усули идораси энди қай йўсинда бўлмоғи лозим? Бу икки масала февраль инқилобидан сўнг Россия мусулмонлари, жумладан, Туркистон мусулмонлари қурултойларида кенг муҳокама этилди.

Улар бу масалада икки хил давлат тузимини кўрардилар: бири подшоликнинг тикланиши: иккинчиси – республика бошқаруви тизими.

“Русиянинг бутун онгли қисми, асрлардан бери ҳар турли зулм ва жабрлар остинда эзилган қисми, ва шул жумладан бутун мусулмонлар, ҳеч шубҳасиз, Русия идорасининг мундан сўнг жумҳурият асосина қурулувун тилар”, – деб ёзган эди Оренбургда турк-татар ўрта тилида чиқадиган “Вакт” газетаси.

Ушбу газета муҳбири подшолик тузумининг ярамаслигини шундай муҳокама аралаш тушунтиради: “Энди биз нима қилишимиз керак? Романовлар ўрнига янги подшоҳ қўйиш керакми? Бунда, албатта, самодержавие ҳақида сўз бўлиши мумкин эмас. Янги подшоҳ халқ тарафидан сайланиб қўйилчак ҳам маршрутга (машрутит – конституция. – Б.Д.) садоқат билан эмин этакчақ туб халқ кўлинда бўлуб министрлар кабинети парламентдаги халқ вакиллари билан тузилачак. Яъни чин маъноси билан маршрутӣ подшоҳ, (конститусионный монархия) бўлачак. Шулай бўлғоч, бундай подшоҳликдан бизга не зарур?” Шу боис жумҳурият (республика) тузумини талаб этиш керак.

Айни пайтда, Россия фуқаролари, жумладан, мусулмонлари олдида қандай жумҳурият бўлмоғи керак деган масала ҳам турарди. Бу масалада ҳам икки фикр туғилди. Шу ўринда мазкур масалага туркистонликлар қандай ёндашганини кўриб ўтайлик. Улар бу масалани қурултойларда кизғин муҳокама қилган эдилар.

Умум Туркистон мусулмонларининг I-қурултойи 1917 йилнинг 16-17 апрель кунлари Тошкентда ўтказилди. Унда Россиянинг ҳамда Туркистоннинг келажакдаги усули идораси қандай бўлиши юзасидан ҳам ўзаро фикр алмашилади. Чунончи, депутат Серали Лапин Россия усули идораси 2 хилда бўлиши ҳақида фикрлар борлигини гапириб, бири – демократик республика, иккинчиси – федератив республика экани, иккинчи хил усул идора қарор топса, Туркистонга мухторият берилиши кўзда тутилажаги тўғрисида тўхтади.

Депутатлардан “Қори Самеъ, Тугусев, Фарид, Заки Валидий, Маҳмудхўжа Бехбудий афандилар, яна бир неча зотлар узун-узун сўзлаб, ҳозирга берилган хурриятдан фойдаланиб, ўзимизга афтонумия олиб қолишимиз керак! Ҳозирги вақтни кўлимиздан берсак, иккинчи вақт афтонумия оламиз деб, кўб талафотлар берурмиз, кўб қонлар тукурмиз” деб қаттиқ туриб олишди, дея ёзган эди қурултойдан ҳисобот тайёрлаган журналист Мирмуҳсин Шермухаммедов.

Съездга Қозондаги Марказий “Шўроо ислом” ташкилотидан вакил бўлиб келган “Вакт” газетаси таҳририяти аъзоси Кабир Бакир сўзга чиқиб, Туркистонга автономия бериш эрта, ҳозирча халқ жумҳурияти учун ҳаракат қилмоғимиз керак, автономия олиб ҳалокатга учрамайлик, дейди. Унингча, Туркистонга автономия берилса ҳам, барибир, уни бошқарадиган маҳаллий кадрлар йўқ. Шу боис мавжуд аҳвол билан ҳисоблашиш керак.

Хуллас, шу икки хил фикр атрофида баҳс кетиб, съезд улардан биронтасини ҳам қабул қилолмайди. Туркистоннинг усули идораси қандай

бўлишини ҳал этиш учун съезд 9 кишидан иборат бир хайъат сайлаш билан кифояланади.

Кейинчалик бу хайъат 13 кишига етказилади ва сентябрь ойига бориб хайъат тузган дастурини тақдим этади. Бу ҳақда биз сал қуйироқда тўхталамиз. Ҳозир эса, мазкур масалаларнинг Россия микёсидаги аҳамиятини эътиборга олиб, умум Россия мусулмонларининг Москва ва Қозонда бўлиб ўтган съездларида ушбу масалалар қандай муҳокама қилинганига мурожаат этайлик.

Москвада 1917 йилнинг 1-11 майида бўлиб ўтган умум Россия мусулмонларининг 1-съездида мазкур масала юзасидан икки хил фикр юзага келиб, делегатлар шу икки турли фикр атрофида қаттиқ мунозарарага киришдилар. Бунга съездда ушбу масала юзасидан бир-бирига муқобил икки маъруза қилингани сабаб бўлди. Биринчи маърузачи Аҳмадбек Цаликов Россиянинг усули идораси унитар демократик республика (марказлашган демократик республика) тарзида бўлсин, деган фикрни қувватлаб, қуйидаги резолюцияни овозга қўйиш учун тақдим этади:

“а) Мамлакатнинг идораси адам марказият ва парламентарная демократическая республика ҳамда Қофқоз, Туркистон сахро ва вилоятлари ва Сибирда кенг идораи мухтория усули узринда бўлурга тевиш.

б) Русия мусулмонларина маданий-миллий автономия таъмин этилсун.”

А.Цаликов ва унинг тарафдорлари тасаввурича, Россияда, гарчи марказлашган (унитар) демократик республика қарор топган тақдирда ҳам, у тоталитар тузумдан йироқ бўлиши керак эди. Мамлакатда парламентнинг мавжуд бўлиши, демократик ҳуқуқларнинг устуворлиги, марказий ҳукуматнинг жойлардаги ҳокимият тузилмаларига каттагина ҳуқуқлар бериши назарда тутилганди. Россиядек улкан мамлакатда яшаётган турли миллатлар ўзларининг маданий-миллий масалаларини ўзлари ҳал этишлари, буларга марказий ҳукумат аралашмаслиги лозим эди. Бунинг учун турли миллатларнинг маданий-миллий маркази ташкил этилиши ва муайян миллат вакили мамлакатнинг қайси бурчагида яшамасин, унинг маданий-миллий муаммосини ушбу марказгина ҳал этиши кўзда тутилганди.

Иккинчи маърузачи Бокуда чиқадиган “Очиқ сўз” газетасининг муҳаррири Муҳаммад Эминбек Расулзода бўлиб, у федератив демократик республика тузиш ғоясини ўртага ташлаб, қуйидаги резолюцияни делегатлар эътиборига ҳавола этади:

“а) Русиядаги мусулмонларнинг манфаатларин, ҳуқуқларин энг кенг суратда таъмин этатурғон усули идора бўлса унда: теритурия (тупрок) ҳам миллият асосларина қурулгон қўшма (федеративный) халк жумҳуриятидир. Шунинг-ла баробар айрум бир ўрунда кўбчилик ташкил этмаган халқларга шахсий (персональный) миллий мухторият берилур.

б) Русия мусулмонларининг умумий диний ҳам маданий ишларин идора этар учун қонун чиғорув ҳақина молик бўлгон бир умумий марказий мусулмон муассиси тузилур” .

Шуни ҳам таъкидлаш керакки, миллий-территориал автономия талаб қилганлар ҳам мутлақо мустақилликни назарда тутолмаганлар. М.Э.Расулзода маърузасида уруш, сулҳ, темир йўллар, пул тизими, божхона хизмати, хорижий савдо каби масалалар марказий ҳукумат томонидан ҳал этилади, дейилганди.

Синчиклаб эътибор берилса, мазлум миллат (халқ)лар ўша пайтда Россиядан талаб этган мустақилликлари тўлиқ бўлмай, ярим мустақилликдан иборат эди. Уларнинг энг катта орзуси ўзлари махсус ҳудудга эга бўлиб, бу ҳудудга тааллуқли маҳаллий ва миллий, маданий масалаларни ўзлари мустақил ҳал этиш ҳуқуқига эришиш бўлган.

Кўрамизки, умум Россия мусулмонларининг 1917 йилда бўлган 1- съездида мазкур масалада, асосан, икки хил қараш атрофида баҳс юритилган: биринчи қараш – Россия унитар демократик республикаси бўлиб қолиши керак: унинг таркибида мусулмонлар ўзларининг миллий-маданий автономиясига эга бўладилар. Иккинчи қараш – Россия федератив халқ жумҳурияти бўлиб, турк-татар қавмлари яшаш жойларининг хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда ё миллий-маданий, ё миллий-территориал автономияга эга бўлишлари лозим. Жумладан, татар қавмлари Россия ҳудудида кенг тарқалиб яшагани учун уларга миллий-маданий автономия берилиши кўзда тутилган. Кавказ, Туркистон ва Сибирда ғуж бўлиб яшаётган маҳаллий аҳоли учун миллий-территориал автономия бўлиши маъқул кўрилган.

Умум Россия мусулмонларининг 1-съезди 271 овозга қарши 446 овоз билан иккинчи таклифни қабул қилган.

Туркистонлик вакиллар ҳар иккала съездда ҳам иштирок этганлар. Ўлка жадидларининг кўзга кўринганларидан бири адвокат Убайдулла Хўжаев ҳар иккала съездда ҳам сўзга чиқиб, Туркистондаги мавжуд аҳвол билан делегатларни таништиради, муҳокама этилаётган масалага уларнинг номидан муносабат билдиради.

1917 йил маргидан бошлаб Туркистонда ҳам турли фирқа ва уюшмалар юзага кела бошлади. “Шўрои исломия”, “Турк адами марказият (федералист)”, “Уламо” ва ҳоказо фирқа ва уюшмалар шулар жумласидандир. Булардан “Шўрои исломия” ва “Турк адами марказият (федералист)” фирқалари Туркистоннинг усули идорасини қўшма халқ жумҳурияти (федеративная демократическая республика) тарзида бўлиши керак, деб ҳисобладилар. “Уламо” жамияти ҳам бу фикрга кийинчилик билан қўшилганди. Бу ҳақда журналист Ҳоди Файзий бундай деб ёзганди: умум Туркистон мусулмонларининг иккинчи қурултойида уламолар келажакда Туркистоннинг усули идораси қандай бўлади, деган саволга “мусулмонбод давридагидек хон кўтарилсин”, деган таклифни илгари суришди. Ҳатто Марғилон уламолари ҳамда Наманган уламоларининг пешвоси Носирхон тўра Худоёрхоннинг бир неварасини топиб, хон қилиб кўтармоқчи бўлдилар. Лекин қурултойда жадидлар билан илғорроқ қарашдаги сўл уламолар бунга қаршилик кўрсатишди. Улар агар яна хон қилиб кўтарилса, халқ кўзғалади, деб огоҳлантирилганидан сўнггина уламолар жумҳурият (республика) масаласига бир шарт билан, яъни унинг шариатга бўйсунуши асосидагина рози бўлишади.

Энди туркистонликлар қўшма халқ жумҳуриятини қандай тасаввур этганликларини билмоқ учун “Турк адами марказият (федералист)” фирқасининг 1917 йил 11 сентябрда қабул қилинган маромнома (программа)сини кўриб ўтайлик.

“Турк адами марказият (федералист)” фирқасининг маромномаси 9 қисмдан иборат бўлиб, яхлит олганда демократик жамият асосларини ифода этган. Биринчи қисм “Давлат ва мухторият ташкилоти” деб

сарлавҳаланган. Унда фирканинг ўз олдига қўйган мақсади баён этилган: “Фирканинг мақсади:

1-Русияда маҳаллий ва миллий адами марказият (федератсия) асоси узра халқ жумҳурияти ташкил этмакдир.

2-Фирқа Туркистон, Қирғизистон, Қофқоз ва Бошқирдистон китъалари учун бошқа миллий ва маданий мухторият, Эдилбўйи ила Қрим тоторлари учун бошқа, Русияда яшайдурғон турк қавмлари учун миллий мухторият талаб қиладур.

Юқоридаги иктибосдан кўринадики, Русиянинг усули идораси ҳам, Туркистоннинг давлат тузуми ҳам қўшма халқ жумҳурияти бўлмоғи керак. Туркистондаги усули идоранинг хусусияти ҳақида “Турк адами марказият (федералист)” фиркасининг нашр афқори “Турк эли” газетаси бундай ёзганди:.. “ўзига хайрихох миллатлар ила бирлашкан ҳолда турклик бешиги бўлғон Туркистонга миллий-маданий ва ҳам ерлик мухторият (федератсия) олмақдур”.

Маромномага кўра, Туркистонда ташкил этилажак халқ жумҳурияти конун чиқарувчи органи – парламентиға эға бўлиши ва унга аъзолар синфи, дини ва мазҳабиға кўра мансублигидан қатъи назар, умумий, тенг ва яширин овоз бериш йўли билан сайланиши кўзда тутилган. Сайловда шариат доирасида хотин-қизлар ҳам иштирок қилишлари мумкин, дейилган.

Туркистон қўшма жумҳуриятининг нималарда мустақил бўлиши фирқа маромномасида бундай белгиланган: “Мухториятли китъалар дохийли масалалар (идоравий, молиявий, шаръий, маданий, адлий ва маориф ишлари)да мустақилдир”. Мухториятли китъалар кенг ҳуқуқ ва имтиёзларға эға бўлган вилоят, уезд ва ноҳия (участка)ларға бўлиниши режалаштирилган.

Маромномада Россия марказий ҳуқуқат ихтиёриға мамлакат мудофааси, пул чиқармоқ, бож ва хорижий мамлакатлар билан муносабатлар масалаларини ҳал этиш ҳуқуқи колдирилиши кайд этилган. Бундан шундай хулосаға келиш мумкинки, Туркистоннинг мустақиллиги, “Турк адами марказият (федералист)” фиркасининг маромномасиға кўра, нисбий бўлиб, юқорида зикр этилган каби муҳим масалаларни ҳал этиш фақат марказий ҳуқуқат ихтиёриға колдирилган. Демак, талаб этилаётган қўшма халқ жумҳурияти тўла мустақил бўлмай, балки Россия давлати доирасида, чегараланган даражадагиға бўлиши керак эди. Агар шу маромномадаги талаб амалға ошганда ҳам, ўша пайтда туркистонликлар дўпписини осмонға отган бўларди. Яна маромномада мухториятли китъаларда ватан мудофааси учун халқ милитсияси ташкил этилиб, ўша пайтда мавжуд бўлган ҳарбий ташкилотлар усули битирилув, дейилган.

Маромноманинг энг дадил моддаларидан бири – бу тил масаласидир. Тил ҳар бир миллатнинг биринчи ва асосий белгиси тарзида намоён бўлиши боис фирқа маромномасида ҳам бунга катта эътибор қаратилган. “Ҳар бир мухториятли китъанинг тили, – дейилади унда, – аксар халқнинг сўйлағон тили ва шеvasи бўлмоқ ила баробар вилоят ва санжоқларда (уезд) ерли халқнинг сўйлашадўрган тил ва шевалари ҳам истеъмол қилинур”.

“Турк адами марказият (федералист)” фиркасининг маромномасида Россияда яшайдиган барча турк миллати нажибасининг ҳамма қавмларига оид умумий масалаларни ҳал этмоқ учун миллий ва маданий иттифок ташкил қилиш кўзға тутилганди. Бу Россиянинг марказий шаҳарларидан

бири ёки Қозон, Уфа сингари турк кавмлари яшайдиган биронта шахарда барча турк кавмларининг миллий ва маданий масалаларини ҳал этадиган бир марказ ташкил этилишини ва унга турли қитъа (ўлка)лардан вакиллар сайлаб қўйилишини аниқлади.

Маромномада диний масалага уч модда ажратилган бўлиб, уларнинг моҳияти шундан иборат: Россияда яшайдиган бутун мусулмонларнинг диний масалаларини ҳал этмоқ учун сайлаб қўйиладиган шайхулисом бошчилигида бир диний ҳайъат юзага келтирилиши ва унга турли миллатлардан ўша миллат сонидан келиб чиққан ҳолда сайланадиган вакиллардан ташкил топиши лозим бўлган.

Фирқа ўз маромномасида илгари сурган жамият тизими демократик бўлиши кўзда тутилганди. Бу, айниқса, маромномадаги “Мухториятли китъалардаги аҳлият (фуқаролик) ҳуқуқи” қисмида ёрқин кўзга ташланади. Унда аҳоли қайси дин ва қайси мазҳабда бўлишидан қатъи назар, қонун олдида тенглиги: фуқароларга чин маъноси-ла виждон эркинлиги берилиши, биронта дин ва мазҳаб ҳукумат томонидан бошқаларидан устун қўйилмаслиги; ҳар бир фуқаро ўз фикрини айтиш, матбуот ёки бошқа нашр воситалари орқали баён этиш ҳуқуқига эгаллиги: фуқароларнинг юзага келадиган муаммоларни ҳал қилиш учун йиғинлар ўтказиш, жамиятлар тузиш ҳуқуқи бўлиши, буни(нг) учун “ҳеч қимдан руҳсат сўрамоққа эҳтиёж йўқлиги”, шахс эркинлиги, оила муҳофазаси дахлсиз бўлиши, тегишли маҳкамаларнинг қарорисиз биронта ҳам фуқаронинг уйига бостириб кириб тинтув ўтказиш, хат ва китобларини текшириш мумкин эмаслиги каби моддалар акс этган.

Маромномадаги маъсулиятли масалалардан бири – ер масаласи эди. Шу боис маромноманинг олтинчи қисми бутунлай ер масаласига бағишланганди. Мазкур тўрт моддадан иборат қисмнинг 1-моддасини олиб қарайлик.

“VI. ЕР МАСАЛАСИ:

1. Фирқа подшоҳлик мулкларини ва подшонинг хусусий ерларини ва кинязлар хонадони махсус ерларининг барчасини бадалсиз мусодара қилинуб, ҳосил мажмуидан лозим миқдорича экинчилик ила машғул бўлгон маҳаллий халқга сотмак ёки ижарага бермак тариқи ила тақсим этилуб, ер берилишини лозим топадур”.

Қолган уч модда хусусий ерлар тўғрисида бўлиб, Туркистонда жуда катта ер эгалари бўлмагани сабабли маҳаллий аҳоли қўлида бўлган хусусий ерлар ўз ҳолича, яъни эгалари қўлида қолдирилиши мўлжалланган. 3-модда Туркистонда бўлган ғалаён ва кўзғолонлар сабаб (Минг тепадаги Дукчи эшон воқеаси каби) кишлокларидан ҳайдалиб, ерлари бошқалар тасарруфига берилган ҳолатлар тўғрисидадир. Бу моддада мазкур ерлар ва кишлоклар аввалги эгаларига қайтарилиши шарт қилиб қўйилган. 4-модда эса, ҳукумат ва жамоат тарафидан мусодара қилинган вақф ерлари ҳам асл эгаларига қайтарилишини назарда тутди.

Маромноманинг “Ишчилар масъаласи”, “Адлия масъаласи”, “Маориф ишлари” қисмларида ҳам ўша даврда муҳим бўлиб турган масалалар ўз аксини топган.

Хулоса қилиб айтганда, “Турк адами марказият (федералист)” фирқасининг маромномаси Туркистон жадидларининг давлат тизими тўғрисидаги қарашлари ҳақида тўла тасаввур беради. Мазкур маромнома

Туркистон муслмонларининг IV ўлка курултойи томонидан 1917 йил 27 ноябрда Қўқон шаҳрида эълон қилинган Туркистон мухториятининг давлат тизимига асос бўлиши керак эди. Лекин Туркистон мухторияти эълон қилинган, унинг давлат тизимини мухториятчилар қонун йўли билан мустақамлашга улгуролмадилар. Курултой иштирокчилари мухторият эълон қилгач, тез орада умум Туркистон таъсис мажлисини қаиришга қарор қилганлар. Ана шу таъсис мажлиси Туркистон мухториятининг бўлажак давлат тизимини қонуний йўл билан белгилаши керак эди. Таъсис мажлиси очилгунча Туркистон мухториятининг давлат ҳокимияти Туркистон Муваққат Шўроси ҳамда Туркистон халқ бошқаруви ихтиёрида бўлмоғига қарор қилинганди.

Умуман, Туркистон мухторияти ҳужжатларини тайёрлаш ва тасдиқлашда иштирок этган илғор фикрли маҳаллий зиёлилар мазкур ҳужжатларнинг ўзига хос демократик ибтидо асосида бўлишига эришганлар.

Таниқли ўзбек публицисти Мирмуҳсин Шермухамедов “Туркистоннинг усули идораси ҳақинда” сарлавҳали мақоласида федерация барпо этиш Туркистон учун ҳали барвақтроқ, дейди. Негаки, “Русияда мальун эски ҳукуматнинг истибодоти умумият-ла емирилди, лекин Туркистонда истибодод энди қувватлайди... Ўзининг шахсий ва қисса манфаати учун диний ва миллий ҳуқуқларимизни оёқ остина олиб тобтағон провақатор уламолар ила буржуаз золим бойлардир... Яхши билинларки, агарда Туркистон ўзига мустақил идора бўлса, маалтаассуф ул вақт Туркистонда маданият, фунун ва маориф мутлақо емирилур. Чунки “Алҳамдулиллоҳ энди муслмонобод бўлди”, деб иш бошинда турувчи ақлли бошлар қиска киюм қийганларни, соқол қирғонларни, чоч, миҳ (мўйлов. – Б.Д.) қискартмоғонларни, янги усулда ўқуғонларни, русча сўзлаша билганларни “Булар бет қофир, буларнинг жазоси зиндон ё улум” деб миллатнинг энг суюқлу азиз болаларин қоронғу зиндон ёки дор оғочларинда бирмабир йўқ қилуб, ёшларнинг томирин қуритувлари бик маълум. Буларнинг қурғон плонлари ҳозирданук шул...”

Афсуски, бу башоратнинг маълум қисми Туркистон мухторияти эълон қилингандан сўнг рўёбга чиққанди. Мухторият эълон қилинганда тузилажак жумҳурият шарият асосидаги демократик характерда бўлиши керак эди. Лекин большевиклар билан тўқнашиб, фожиа бошлангач, уламолар урушнинг учинчи кунида Эргашни оқ қизга солиб хон қўтардилар...

Туркистон мухториятининг қонли фожиалар билан тугашида уламоларнинг хонликни қайта тиклашга бўлган ўринишлари ҳам муайян даражада сабаб бўлганди. Хонлик тузумига қайтиш, бунинг устига, Эргашнинг оломон қўринишидаги аскарларига умид боғлаш – булар мухториятчиларни муқаррар ҳалокатга олиб борувчи омиллар эди.

Туркистон мухториятчиларининг муайян қисмида бўлган сусткашликни ҳам қайд этиш лозим. Жумладан, қон тўқилмаслиги учун ниҳоятда эҳтиёткорлик билан иш қўриш тарафдори бўлган Маҳмудхўжа Бехбудий Қўқондаги курултой минбаларидан туриб бундай деганди: “Биз мухторият эълон этдик. Лекин бизнинг бу мухториятимизни бошқалар тасдиқ этарга тевиш, шуниси мумкин туғил, мана, сулҳ бўлур олдинда, шубҳасиз, бирор ерда сулҳ қунарсаси бўлур. Шунда бизнинг Туркистон ўлкасининг ҳам вакиллари бўлурға керак: олар бизнинг бутун ҳол ва аҳволимизни сўйласунлар, ҳақларимизни талаб этсунлар...”

Бу фикр, албатта, тўғри эди. Лекин эълон қилинган Туркистон мухториятини сиёсий, иқтисодий ва бошқа жиҳатлардан мустаҳкамлашга қаратилган кескин чораларни зудлик билан кўриш талаб қилинарди. Тарихнинг шундай дақиқалари бўладики, бир қарорга келиш ва бу қарорни мустаҳкамлаш учун дадил ва ўйланган ҳаракатлар қилиш лозим.

Жадидларнинг давлат тизими ҳақидаги қарашларини янада ойдинлаштирувчи ҳужжат – бу 1917 йили Фитрат томонидан тузилган ва Ёш бухороларлар фирқаси Марказий қўмитаси тасдиқлаган Бухорода “Ислохотлар лойиҳаси” бўлиши мумкин эди. Афсуски, “бу лойиҳа конституция масаласини олдиндан ҳал қилмай, мамлакатни бошқаришнинг монархия формасини ўзгартирмай, иккита асосий мақсадни кўзлайди. Конкрет таклифлар мана шу мақсадларни амалда руёбга чиқаришга қаратилган”.

Бу икки мақсад шундай иборат: “Бухорода ҳуқуқ асосига қурилган давлатчиликни жорий қилиш ўрта асрдан қолган Шарқ деспотизмининг европача маърифатли монархия билан алмаштириш ҳамда Бухоро меҳнаткашлар оммасининг фаровонлиги ва маданийлигини ошириш негизда Бухорони иқтисодий-сиёсий ва ҳарбий жиҳатдан мустаҳкамлашдан иборат эди”.

Лойиҳада парламент ташкил этиш ҳатто эсланмаган ҳам, “нозирлар сайланиб қўйилиши ва халқ олдида жавобгар эканлиги лойиҳанинг бирор жойида айтиб ўтилмаган. Шу сабабли бу лойиҳа ҳатто Бухоро шароитида ҳам талабга жавоб бермас эди”.

Жадидларнинг давлат тўғрисидаги қарашлари ҳаётда амалга ошмай қолишига болшевикларнинг Россия ҳокимиятини зўрлик билан эгаллашлари тўсик бўлганди. Маълумки, болшевиклар муваққат ҳукуматни қурол кучи билан ағдариб, ҳокимиятни ўз қўлларига олгач, таъсис мажлиси ўтказилишига турли баҳоналар билан йўл бермадилар. Таъсис мажлиси ўтказилгандагина халқ вакиллари Россияда қандай тузум, усули идора бўлишини қонуний белгиларди.

Хулоса қилиб айтганда, жадидлар Туркистонни, жумладан, Ўзбекистонни мустақил давлат ҳолида кўришни орзу қилдилар. Улар шу йўлда жон фидо қилган ҳолда кураш олиб бордилар. Бугунги Ўзбекистоннинг мустақил давлат сифатида шаклланишида, шаклшубҳасиз, уларнинг ҳам ҳиссаси бор.

*Бойбўта Дўстқороев,
филология фанлари номзоди,
доцент*



ҚОРА КВАДРАТДАГИ ОДАМ

Машхур рассом Казимир Малевичнинг “Қора квадрат” асари ХХ асрнинг мифлаштирилган ва ханузгача турли талкинларга сабаб бўлиб келаятган буюк тасвирий санъатидир. “Қора квадрат”ни мақоламиз аввалида тилга олишимизга сабаб шуки, унинг турлича талкинлари мақоламиз объекти бўлган бошқа миллатга мансуб маърифатли бир шахс ҳақидаги турли талкинлардир. Бошқа миллат вакилининг ўзга бирон халқ адабиётига ёки илм-фанига қўшган ҳиссасини англаб етганимизда, ўша бегона миллат вакилига хурматимиз ва муҳаббатимиз ортиши табиий. Жумладан, шу ўринда рус олимлари В.В.Бартольднинг Ўрта Осиё тарихи ва қўлёзма манбаларини ўрганишдаги тенгсиз ишларини, Е.Э.Бертельснинг Шарқ мумтоз адабиёт борасида амалга оширган сермахсул, чуқур тадқиқотларини эслаш kifоя. Шубҳасиз, бу олимлар яратган тадқиқотларга яқин бир асрдан бери мурожаат этиб келамиз. Аммо баъзан эҳтиросларга берилган ҳолда, уларни қоралаймиз. Сабаби – улар босқинчи, Ўрта Осиёга бостириб келганлар, Ўрта Осиё маданиятини, тарихини сохталаштирган эмишлар. Майли, ким сохталаштирган, ким бор ҳақиқатни рўй-рост кўрсатган – бу ҳақда ўрни келганда айтилар. Бундай ножониз гаплар фақат бизда эмас, бошқа мамлакатларда ҳам бўлган, чамаси. Америкалик фантаст ёзувчи Айзек Азимовнинг куйидаги гапи айнан биз ўртага ташлаётган баҳс ва вазиятга мос эканини алоҳида таъкидламоқчимиз: “Пархезкорларнинг биринчи қондаси: агар қандайдир таом лаззатли бўлса, демак, биз учун ўша таом зарарли”.

Эҳтирос, худди пархезкорларнинг ўзлари тўқиб чиқарган қондалари сингари, илм аҳли учун фақат зарар келтиради. Юқорида номлари айтиб ўтилган ва айтилмаган жаҳоншумул олимлар, зиёлилар қаторида Николай Петрович Остроумовнинг номи ҳам эътибордан четда қолиб келди. Биз уни кўкларга кўтариб, шаънига мадҳиябозик қилиш мақсадидан узокмиз. Остроумовнинг номи яқин 130 йилдан бери Туркистон зиёлиларига маълум. У “Туркистон вилоятининг газети” муҳаррири сифатида Туркистон халқларига маърифат улашиш учун кўп меҳнат қилган. Фақат шугина эмас, Н.Остроумов аяни пайтда адабиётшунос, фольклоршунос ва этнограф сифатида ҳам диққатга сазовор ишларни амалга оширган. Туркистон ўлкасида истикомат қилувчи ўзбек, козок, қирғиз халқларининг узок асрлик бадиий тафаккури маҳсули бўлган халқ оғзаки ижодининг турли жанрларига мансуб асарларни, этнографияга оид материалларни ёзиб олувчи, тўпловчи фидойи фольклоршунос ва этнограф сифатида ўз хизматларини кўрсата олди. Остроумовнинг Ўзбекистон Марказий архивидаги биз ўрганаётган бой фондида сақланувчи турли жанрга оид материаллар даъволаримизга далил бўла олади. Н.П.Остроумов араб, форс тилларини, арабча хатни ва ўзбек, козок тилларини жуда яхши билган, ўзбек адабий тилинигина эмас, балки ўзбек шеваларини ҳам мукаммал

ўзлаштирган тилшунос экани у ёзиб олган фольклор материалларида аниқ намоён бўлади. Остроумовнинг бу фазилатлари, табиийки, ўз даврида бошқа шарқшунослар эътирофига сазовор бўлган.

Барча халқлар зиёлилари маълум бир халқ маданиятини ўзининг уларга бўлган самимий муносабатида ифода эта олганлар. Жумладан, таникли тилшунос Константин Кузьмич Юдахин ўз хотираларида ёзишича, Николай Остроумов ҳеч қачон ерли халққа бепасанд муносабатда бўлган эмас, аксинча маҳаллий халқларга ҳурмат-эҳтиром ҳар доим унинг диққат марказида бўлган. Бу гап Остроумовни ўз кўзи билан кўрган, ҳамкор ва ҳамфикр олимники бўлгани боис изох ва шарҳларга ҳожат йўқ. Шунингдек, Остроумовнинг илмий бисотида “Исломушунослик”, “Шариат”, “Қуръон ва прогресс” каби ўнга яқин асарлари асосий ўрин эгаллагани маълум. Мана шу китоблари ҳам Остроумовнинг Туркистон мусулмонларига самимий ва ҳолис муносабатидан далолат беради, бизнингча.

Агар Н.Остроумов миссионерлик мақсади билан Туркистонга келганда эди, ислом ҳақида китоблар ёзмаган, Октябрь тўнтаришидан кейин Россиянинг Тамбов губерниясидаги ўзи туғилиб ўсган Сасово кишлоғига кетиб, 1921 йили у ердан яна Тошкентга қайтиб келиб ўқитувчилик фаолиятини давом эттирмаган, умрининг охиригача шу ерда яшаб қолмаган бўларди. Қадим Тошкентнинг, Туркистон халқларининг табиатиغا, одамларига бўлган чуқур ҳурмат ва муҳаббат уни яна Тошкентга қайтариб олиб келди ва умрининг охиригача – 1930 йилгача шу ерда яшаб қолди, шу ерда вафот этди ва Боткин қабристонига дафн этилди.

Яна бир далилни алоҳида таъкидлашни истардик: Остроумовнинг билим доираси фақат ислом ёки христианликка оид илмлар билан чегарланиб қолмаган. Ўзбекистон Марказий архивидан жой олган Остроумов фондидаги ҳужжатлар орасида буддавийликка оид материаллар ҳам мавжуд. Жумладан, *бурхан*, *бўдхисатв*, *Шақямуни* каби буддавийлик терминлари изохига оид бир неча саҳифа материалларнинг қўлёзмаси кирилл алифбосида ёзилиб батафсил таҳлил қилинган. Кирилл алифбосидаги бу қўлёзма хуснихат билан битилган. Бу материаллардан шуни англаш мумкинки, Н.Остроумов Ўрта Осиёнинг қадимий диний маданиятини ҳар томонлама, чуқур ўрганишни ва диншунослик соҳасида махсус лугат тузишни мақсад қилган кўринади. Қолаверса, Остроумов тўплаган турли динларга оид материаллардан англашиладики, диний бағрикенглик айнан унинг фаолиятида намоён бўлган. Бизнинг мақсадимиз Остроумовнинг исломушуносликка ёки бошқа динларни ўрганишга қўшган ҳиссасига баҳо бериш эмас, зотан, бу ишни исломушунос олимлар амалга оширишлари лозим. Биз Ўзбекистон Марказий архивида Н.Остроумов фондидаги ўнлаб йиғма жилддаги ҳужжатлар асосида бу зотнинг Туркистон ўлкаси халқлари маънавиятига қўшган ҳиссасини қисман бўлса-да, кўрсатишни мақсад қилдик. Хусусан, Н.Остроумовнинг ўзбек ва бошқа туркий халқлар оғзаки ижодини ўрганиш ва тўплаш ишларини сидқидилдан олиб боргани бизнинг эътиборимизни тортди.

Остроумов фондида араб алифбосида ёзиб олинган ўзбек тилидаги материаллар жамланган йиғма жилд бирмунча бой. Мазкур йиғма жилддаги эртаклар, Афанди латифалари, дostonларнинг қўлёзмалари диққатни тортади. Жумладан, “Алфомиш”, “Сайёд бача”, “Чўлак ботир” каби настаълик хатида хуснихат билан битилган эртаклар мазмунан такрорланмаслиги ва оригиналлиги билан ажралиб туради. Мазкур

эртак сюжетлари шу пайтгача нашр қилинган ўзбек халқ эртаклари орасида учрамайди. Бу жиҳатдан ҳам Остроумов фонди ўзбек халқ оғзаки ижоди фондини янги эртак намуналари билан бойитишга хизмат қилади. Айниқса, фонддаги “Алфамиш” номли эртак диққатни тортади. “Алпомиш” достони ўзбек, қозоқ, қорақалпоқ, олтой каби туркий халқларда қадимий қахрамонлик достони сифатида маълум. Аммо бу номдаги эртакнинг ўзбек халқ эртаклари орасида борлиги ноёб ҳодиса. “Алфамиш” эртагини Н.Остроумов ёзиб олгач, эртак сўнгида **“Бу афсона эртаги ва хикояни Хўқандли Ашурбиби Баротбой кизини(нг) сўзидан ёзилди. 1894 йилда 12 июнда Тошкент шаҳрида”** деган манба берилган (“Алфамиш” эртагини филология фанлари номзоди Маҳмуджон Шониёзов жорий алифбога ўгириб нашрга тайёрлади). “Алфамиш”, “Сайёд бача”, “Чўлак ботир” эртакларининг қўлёзмаларини солиштириш шунда кўрсатадики, дастхатлар бир одамники, яъни учала эртак ҳам Н.Остроумов томонидан ёзиб олинган. “Алфамиш” эртагининг сюжети “Алпомиш” достониникидан тамомила фарқли, худди сеҳрли эртаклар сюжетига ўхшайди. Эҳтимол, бу эртак контаминациянинг маҳсули бўлиши ҳам мумкин. Келгусида олиб бориладиган тадқиқотлар бу борада аниқ бир фикрга келишга имкон беради.

Остроумов ўзи сезмаган ҳолда туркий халқлар достонлари ҳамда достон қахрамонлари номи билан аталувчи эртакларни келгусида қиёсий ўрганишга йўл очиб берган. “Алфамиш” эртаги билан “Алпомиш” достони қиёсий фольклоршуносликка асос бўлувчи битта манба ҳисобланса, ўзбек, қорақалпоқ ва татар халқлари достони “Эдигей” билан Остроумов фондида сақланаётган қозоқ-қирғиз эртаги “Ақлли Идигей” (Идигей – *этик* демакдир) туркий халқларда достончилик ва эртакчилик анъаналарини ўрганишда муҳим воситалардан бири бўлади.

Қозоқ-қирғиз эртаги “Ақлли Идигей”да хикоя қилинишича, Идигейнинг бўйи ўсмаса ҳам, ақли соат сайин ўсиб, ғайритабиий образни ўзида гавдалантиради. Ақлли-фаросатли Идигей хақидаги шов-шувлар шохнинг ҳам қулоғига етиб боради. Идигейни шохнинг ҳузурига олиб келганларида, шох унинг ақлли ва донолигини шунчалик ёқтириб қоладики, шох уни ёнидан асло жилдиргиси келмайди. Идигейнинг ота-онасидан илтимос қилиб, уни саройда олиб қолади. Идигей шох саройида бир неча йил яшайди. Шох вақти-вақти билан унинг ақллилигини синашда давом этади. Бир куни шох Идигейга “Сенга бир топишмоқ айтаман, агар ўша топишмоқни ечсанг, сен ҳақиқатан доно ҳисобланасан.

Бурунги замонларда бир малика бўлган экан. У шунчалик гўзал эканки, йигитлар уни бир кўргандаёқ ошиқ бўлиб қолар экан. Маликага учта шаҳзода ошиқ бўлиб қолибди. Учала шаҳзода ҳам бир-биридан чиройли бўлгани учун, малика уларнинг қайси бирини танлашни билмай қолибди. Натижада малика қуйидаги шартни ўйлаб топибди: “Менга шундай совға олиб келинглarki, бошқа ҳеч кимда ҳозиргача бўлмаган бўлсин. Ким энг яхши совғани олиб келса, ўшанга турмушга чиқаман”. Шаҳзодалар дунёнинг турли томонларига тарқалиб кетибди. Бир йилдан кейин улар бир чўлда учрашиб қолибдилар. Уларнинг биттаси сеҳрли ойна топган экан. Ойнага қараб қанча узок масофада бўлса ҳам, юз бераётган воқеадан хабардор бўлиш мумкин экан. Иккинчи шаҳзода учар отни қўлга киритган экан. Учинчиси бир олмани топибди. Олманинг умр бахш этувчи хусусияти бор экан, ҳатто инсон жон бераётган бўлса ҳам, олма ўша одам-

ни ҳаётга қайтарар экан. Учала шахзода бошидан ўтган саргузаштларини бир-бирига айтиб берибди. Сўнгра “малика ҳозир нима қияпти экан” деб қизиқиб, биринчи шахзоданинг сеҳрли ойнасига қарабдилар. Учаласи ҳам маликанинг аҳволини кўриб даҳшатга тушибдилар. Маликанинг ранги оқариб кетган, жон таслим қилар ҳолатда тўшакда ётган экан. Унинг атрофида табиблар, хизматқору чўрилар уймалашиб турар эканлар. Шахзодалар учар отга миниб, кўз очиб юмгунча маликанинг ватанига етиб келибдилар.

Учинчи шахзода жон бераётган маликани кўриб йиғлабди. Ўзининг ҳадяси эсига тушиб қолиб, ҳаста маликанинг кўлига берибди. Малика олмадан бир тишлаган экан, ўша заҳоти кўзини очиб соғайиб қолибди. Эй Идигей, сенинча, малика шахзодаларнинг қайси бирини ортиқ деб билиши керак? Агар биринчи шахзодада сеҳрли ойна бўлмаганда эди, шахзодалар маликанинг ҳаста бўлганини билолмаган бўлардилар. Иккинчи шахзоданинг учар оти бўлмаганда эди, ҳаста маликага ёрдамга етиб келолмасдилар. Учинчи шахзоданинг шифобахш олмаси бўлмаганда эди, олдинги иккаласи ҳам ҳеч нарсага арзимас эди. Қани, айт-чи, ваъдага биноан малика кимга турмушга чиқиши керак ва нима учун?”

Митти Идигей шоҳнинг ҳикоясини диққат билан эшитиб, бир оз ўйланиб турибди-да, шундай дебди:

— Таксир! Менимча малика олма олиб келган йигитга турмушга чиқиши керак. Чунки у иккала шахзодага қараганда кўпроқ зарар кўрди: чунки малика шахзоданинг олмасини олиб тишлади, унинг бутун совғасига зарар келтирди, айни пайтда иккала шахзоданинг ҳадялари зарар кўрмай бутунлигича қолди.

— Сен ҳар доимгидай, ҳаксан, Идигей, — деб жавоб берди шоҳ. — Сен ҳақиқатан ҳам донишманд экансан.

Шу воқеадан кейин, Идигей аввалги вазирларнинг фитна ва иғволарига дучор бўлади. Шоҳ уни ўлимга буюради. Идигей шоҳга “Ижозат беринг, сизга бир афсона айтиб берай” деб бир шоҳ ва унинг қизи Қарлиғоч ҳақидаги афсонани айтиб беради. Афсонага кўра, шоҳ ўзининг донишманд маслаҳатчисига, кизим вояга етгунча эркак зотини кўрмай улғайсин, бунинг учун нима қилай, деб маслаҳат солганда, донишманд “Тақдирдан қочиб қутулиб бўлмайди” деб шоҳга, қизингиз саройда одамлар орасида улғайсин, деб маслаҳат берди. Аммо шоҳ донишманддан газабланиб уни жаллодга топширди.

Шоҳ Қарлиғочни кимсасиз оролга олиб бориб, ўша ерда кизига мустаҳкам қалъа қуриб берди, Қарлиғоч ўн етти ёшга киргунга қадар ўша ерда яшади, аммо тақдирдан қочиб қутула олмади. Қарлиғоч бир кун деразадан қараб денгизни томоша қилиб турган эди, чиройли бир йигит денгиздан чиққанини кўриб қолди, йигит ҳам қизин кўрди. Иккови бир-бирига ошиқ бўлиб қолиб, ҳатто бошларига ўлим келганда ҳам бир-бирига содиқ қолиш ҳақида қасамёд қилдилар. Орадан бир йил ўтгач, шоҳ амалдорлари билан Қарлиғочни саройга олиб келиш учун ўзи қурдирган қалъага боради. Қалъа эшигини очиб кирганларида, янада очилиб, гўзал бўлиб кетган Қарлиғочни ва унинг ёнидаги бир йигитни кўрадилар. Қарлиғоч кўлида чақалокни кўтариб турарди. Шоҳ донишманднинг “Тақдирдан қочиб қутулиб бўлмайди” деган ҳикматини эслади ва донишмандни ўлдиртирганидан пушаймон бўлди. Шоҳ Идигейнинг донолигидан яна бир марта мамнун бўлди. Идигей шоҳнинг кизига уй-

ланди. Шохнинг вафотидан кейин Идигей мамлакат шоҳи бўлди. Эртак сўнгида “Кичкина деманг бизни кўтариб урамиз сизни” ва “Тақдирдан қочиб қутулиб бўлмайди” ҳикматлари ана шу тариқа пайдо бўлгани ай-тилади.

Остроумов ёзиб олган ва қўлёзма ҳолида фондда сақланаётган “Сайёд бача” қиссаси (бу қиссанинг Остроумов томонидан қўйилган сарлавҳаси йўқ, қисса мазмунидан келиб чиққан ҳолда биз “Сайёд бача” деб номладик) ҳам мазмунан ва композиция жиҳатидан эртақлардан бирмунча ўзгача. Достоннинг дебочаси халқ қиссалариники сингари қуйидагича жумла билан бошланади: “*Бисмиллоҳир раҳмонир роҳийм. Аммо ровиён ахбор ва нақлон афсон ва муҳаддисон достони бўстон ва хўша чунон кирмон суханро босухан замкунем. Пораи аз хунем келгар каш кунем. Аммо ровийлар андоғ ривоят қилар эрдиларки, бир сайёд бор экан...*” Остроумов бу қиссани бирон қўлёзма ёки тошбосмадан кўчирган бўлиши мумкин. Чунки халқ қиссаларининг дебочаси юқорида келтирилган жумла-лар билан бошланмайди.

“Сайёд бача” қиссасида афсонавий мазмун етакчилик қилади. Жумладан, сайёд бача туғилгандан кейин “бир кун бир яшар, икки кун икки яшар... ўн кунда ўн яшар бўлди”. Қаҳрамоннинг бу тасвирини бир қатор достонлар ва қиссаларда, масалан, “Ўғузнома” достонида кўрамиз: Ўғуз хон туғилгандан кейин қирқ кунда улғайиб паҳлавон йигит бўлади.

Биз мазкур қиссанинг ва Остроумов фондидаги бошқа қисса ва эртақларнинг мазмуни ва матн тузилишига оид мулоҳазаларимизни бошқа бир сафар таҳлил қилиш ниятимиз бор. Зотан, бундай таҳлилни амалга ошириш учун кўп манбаларни жалб қилишга зарурат бўлади.

Остроумовнинг мазкур қиссасида Бухоро шевагининг элементлари аниқ кўзга ташланиб туради. Жумладан, матнда тожикча сўзларнинг ва тожикча жумла қурилишларининг учраши, *-да* ўрин-пайт келишиги қўшимчасининг ўрнида жўналиш келишиги қўшимчаси *-га* ишлатилиши шундан далолат беради.

Остроумов фондида ёзиб олинган бир қанча Афанди латифалари, мақоллар ва ҳикматли сўзлар ҳам сақланади. Латифаларнинг мундарижасига эътибор берсак, кейинги даврдаги латифалардан бир оз фарқ қилади.

Остроумовнинг ўзбек, умуман, Туркистон халқлари оғзаки ижодида бўлган муҳаббатини бошқа йиғма жилдлардаги афсона, ривоят жанрлари намуналари ҳам тасдиқлайди.

Остроумов фондининг биз ўрганаётган йиғма жилдларида асосан адабий материаллар кўпроқ ўрин эгаллайди. Бу материаллар орасида “Адабий илова” номли қисм алоҳида ўрин тутади. “Илова”да бир қатор ривоятлар, афсоналар бор бўлиб, аслияти козоқ тилида берилган ва рус тилига таржимаси ҳам илова қилинган. Аксарият ривоятлар шарқона панд-насихатга йўғрилган бўлиб, айримларида буюк донишмандларнинг ҳали биз эшитмаган ақл ва тафаккури тантана қилади, баъзи ривоят ва афсоналарда эса оддий инсонларнинг зукколиги ҳар қандай мураккаб вазиятдан чиқиб кетишга имкон яратади.

“Адабий илова”даги “Лукмони ҳаким” номли ривоят эътиборлидир. Ривоятда айтилишича, бир такводор сўфи донишманд Лукмони ҳакимга бундай эътироз билдиради: “Одамларнинг бошига келган қазо-балосига сиз келтираётган тиббий ёрдам – оғир гуноҳ, Худога шаккокликдан бошқа нарса эмас. Зотан, ҳар қанлай хасталик Худонинг иродаси билан келади,

одамлар Худодан келган хасталикларга қаршилиқ кўрсатмасдан, итоат этишлари лозим”. Лукмон такводорга, бу эътирозингга шарият китобидан далил келтир, деди. Уларнинг баҳсини эшитиб турган оломон ҳам Лукмон тарафига ўтди. Лукмон такводорнинг ночор аҳволда колганини кўргач, халқни тинчлантириб такводорга деди: “Раҳмат сенга сўфи, кучинг етмаса ҳам, зулмат гуноҳидан мени поклашга ҳаракат қилдинг. Мен сенга фойдали бир маслаҳат беришни ўзимга лозим кўрдим. Агар бирон ниятингни амалга оширмакчи бўлсанг, аввал ниятингни ақл билан мулоҳаза қил, мулоҳазаларинг асосли эканига ишонч ҳосил қилганингдан кейингина тилингга ва қўлингга эрк бергин. Сенинг сўзларингдан шуни англадимки, сен Аллоҳни яхши билмас экансан. Аллоҳ инсонни турли хис-туйғулар ва тана аъзолари билан қуроллантирган, буларнинг ҳар бирининг ўз вазифаси бор. Хуллас, қўл – жисмоний ишларни бажариш учун, оёқлар – юриш учун, кўз – атроф оламни кўриш учун, кулоқ – эшитганларимизнинг қайси бири яхши ва қайси бири ёмон экани тўғрисида ҳукм қилишимиз учун яратилган. Бу хис-туйғуларимиз ва тана аъзоларимизни етарлича ишлатмаслик Яратганнинг хоҳиш-иродасига хилофдир. Зотан, кўрмасдан, эшитмасдан ва юрмасдан Худога сажда қилиб бўлмайди. Бундан шундай хулоса келиб чиқадики, табиатдаги ҳамма ашёларнинг ўз вазифаси бор. Масалан, бир ўсимликда заҳар бор, бошқа бир ўсимликда заҳарни кесадиган куч бор. Буларнинг ҳаммасини биз билишимиз ва ҳаётга татбиқ қилишимиз керак”. Шундан кейин такводор сўфи Лукмони ҳаким олдида таслим бўлди. Бу ривоят орқали Лукмони ҳаким инсон ақли ва тафаккурини қудратли куч сифатида баҳолагани, ҳар турли бидъатлардан кўра инсоннинг фаолияти ва омилига эътибор бериш, ақлга суяниш зарур экани уқтирилади.

Остроумов фонди янги ижодкорларни юзага чиқаришда ҳам муҳим манбалардан бири бўла олади. Фонддаги қўлёзма саҳифалари орасида Исмаилов таҳаллусли шоирнинг настаълиқ хатида хусниҳат билан кўчирилган “уч галвир” радиопрограммаларининг қўлёзмаси диққатга сазовор. Бу қўлёзма сатирик ғазал бўлиб, унда бутун оғирлигини халқнинг зиммасига ортаган турли тоифа амалдорларнинг қилмишлари, юлғичликлари очиқ берилди. Ғазал саҳифа бўйлаб уч устун қилиб ёзилган:

Ҳазрат Занги атонинг бетартиб ва беқоида оқсоқол ва сарқору мирзо, мироб арбоблари хирож хирмонидин кафсан бидъат олгонлари

*Эшитинг, айтайин мен бир ҳикоят боши уч галвир,
Қаландар хожа сарқору қозоқ мирзодин уч галвир.
Худо раҳмат қилгай аввалда ўтган оқсоқолларни,
Бу икки маънисини йўқ оқсоқоллар бул ҳам уч галвир.
Ориғни боши қайси деса беш кунда тополмайду,
Бу аҳвол бирла, дўстлар, ҳасрато мироб уч галвир.
Темирчию подачи сартарошу сўфисини бир сўз,
Имоми нонвойидин бўлса қози бори уч галвир,
Масал ичра яна сўз борда эшишак қолса эшишакдин,
Қулогини кесар дегандек бил они арбоби уч галвир.
Булар бирла мабодо бирга хирмонга гадо келса,
Олиб ибрат у ҳам айтур: “Менга бергин уч галвир”.
Агарчи хирманини бори бўлса чаксан Хўқанд,
Буларга расм экан уйдин қўшиб олмоғи уч галвир.*

*Булар бирла чиқиб эрдим рафоқат далага танҳо,
Пир ургурлар қаторида манам ҳам олдим уч галвир.
Бу Исмат хастанинг сўзини бовар айласун балки
Агар кўрса гуноҳни(нг) хирманидин олгай уч галвир.*

Мазкур ғазал Муқимийнинг сатираларини эслатади.

Остроумов буюк мутасаввифларга, хусусан, Яссавийга ва Занги атога алоҳида ҳурмат бажо айлагани фонддаги ҳужжатлардан англашилиб туради. Бир ярим саҳифалик оқ қоғозга Яссавийнинг кимлиги, устозлари ҳақида битилган сатрлар Остроумовнинг Туркистон маънавиятига қизиқиши алоҳида бўлганини яна бир бор исботлайди. Яссавий ва Занги ато ҳақидаги мазкур саҳифалар Остроумовнинг дастхати деган фикрни қатъий қилиб айтмоқчи эмасмиз. Аммо улар юқорида биз айтиб ўтган эртаклар ва қиссанинг хат услубига жуда яқин. Бу қўлёзмаларни кўчирган одам бошқа кимдир бўлиб, Остроумовга тақдим қилган бўлиши мумкин. Шундай бўлганда ҳам, Остроумов буюк мутасаввифлар, хусусан, Аҳмад Яссавий ва Занги ато шахсига ва таълимотига, у орқали эса ўзбек халқининг ўтмиш маънавий ҳаётига қизиқиш билдирганининг бир исботидир. Мана ўша саҳифаларнинг дебочаси: *“Ҳожа Аҳмад Яссавий Ҳожа Юсуф Ҳамадонийнинг учунчи халифалари эканлар. Турклар ул кишини то Яссавий дерлар. Ул кишининг туғулгон ери Ясси шахри еридурким, туркларнинг машҳур шаҳарларидиндур ва қабрлари ҳам ул шаҳардадур. Соҳиби каромат ва улуг даражада эканлар. Ул киши ёш вақтларида Арслонбоб деган турк катталарининг машойихига манзур бўлган эканлар ва айтуларким Арслонбоб ҳазрати расулнинг ишоратлари билан Ҳожа Аҳмаднинг тарбиятига машғул бўлган эканлар ва Ҳожа Аҳмад Арслонбобнинг хизматларида баланд мартабаликни ҳосил қилдилар ва Арслонбобнинг тирикларида доим... ул кишининг хизматларида эрдилар...”* (Ф 10009. Д. 143, саҳифа 226) Мазкур парча Аҳмад Яссавийнинг бугунги замонлардаги китобларда ёзилган таржимаи ҳолига, эҳтимол, айрим янги маълумотларни кўшар, шу билан бирга тасавуф илми XIX асрнинг охириги чорагида Остроумовнинг эътиборини жалб қилгани ҳам мутахассисларда маълум бир фикрларга туртки берар. Ёки Аҳмад Яссавий ҳақидаги маълумотлардан кейин Занги ато ҳақида берилган маълумотларга эътибор қаратайлик. Занги ато ҳақидаги маълумотлар ривоят жанрини эслатади. Тасавуруларимиз тўлиқ бўлиши учун Занги ато ҳақидаги ривоятни тўлиқ келтиришни лозим топдик.

Занги ато – ул кишини Занги бобо ҳам дерлар. Ул киши Ҳақим атонинг халифаларидиндур ва туғулгон ва кўмулган ерлари Шош вилоятидадур ва қабрлари ҳам ул ердадур ва халойиқ ул кишининг қабрларининг зиёратига бородурлар ва муродларига етадурлар. Мавлоно Қози нақл қилурларким, ман бир вақт Занги атонинг зиёратига келсам муборак қабрларидин бир вақт овоз “Оллоҳ, Оллоҳ” эшитаман. Ул киши Арслонбобнинг набираларидиндур ва Тоғж Ҳожанинг фарзандларидур. Ва отоларининг хизматида тарбият топгонлар. Отоларининг вафотидин сўнг гайб ишорати билан Ҳақим атонинг хизматларида эрдилар. Ҳақим атонинг вафотидан кейин ул кишининг хотуниким, отлари Анбар онадур ва Бароқхоннинг қизидур, никоҳларига олдилар ва Занги атога Анбар онадин кўп фарзандлари бўлдилар ва ҳар қайсилари олим ва комил ва ҳар қайсилари кўп халқни яхши йўлга солдилар. Айтадурларким, Ҳақим ато қаро ранг эрдилар ва Анбар онанинг хотири шарифларига келган эканким, кошки Ҳақим қаро

ранг бўлмаса эрди ва Ҳаким ато айтибдурларким, мундин кейин мандин қаро ранги оқ одамга насиб бўлсин. Ул айтганлари рост келиб Занги атога хотун бўлган эканлар ва айтуларким, Ҳаким ато Хоразм вилоятида вафот бўлдилар. Занги ато Тошкандда эрдилар. Шул замон Хоразмга жўнадилар ва ҳеч ерда тўхтамадилар ва Ҳаким атонинг қабрларини зиёрат қилдилар ва аҳлларининг аҳволини сўрадилар ва Анбар онанинг иддаси, яъни тўрт ойду ул муддат ўтгандин кейин бир одам Анбар онани никоҳ қилмоқ хусусида юборди ва бул сўзни эшитиб Анбар оно айттиким, ман Ҳакимдин кейин эрга тегмайман, хусусан, Занги атодек лаби тўя лабига ўхшаган. Шул замон Анбар онанинг гардани қийшиқ бўлиб қолибдур ва ул борган одам бул ҳодисани Занги атога айтибдур. Занги яна ул одамни йиборибдур ва айтибдурким, эй Анбар, бир вақтда сен хаёлга келтирдингким, кошки Ҳаким қароранг бўлмаса эрди, деб ул вақтда Ҳаким ато сенга айтдики, тез вақтда мандин қаро рангга ҳамсухбат бўлурсан деб ул борган одам ул сўзни айтган замон Анбар онанинг эсида келди ва кўб йиғлади. Ва айттиким, розиман. Занги атони(нг) айтганларидек бўлсун. Шул замонки, уни туз олди ва ул кишининг никоҳига кирди (Ф 10009. Д. 143, саҳифа 227- 233). Навоийнинг “Насойим ул-муҳаббат” асарида Занги ато ҳақида бир жумлагина маълумот келтирилади ва “Анинг бобида ҳам кўп сўзлар манқулдир” сўзлари билан яқунланади (Алишер Навоий. МАТ. Тошкент, 2001, 425-б.). Навоийга ҳам Занги ато тўғрисидаги юқоридаги нақллар яхши маълум бўлган, чамаси. Навоийда Ҳаким ато ҳақидаги маълумотлар Занги атога караганда бир мунча кенгрок (Алишер Навоий. Юқоридаги асар.420-б.)

Шунингдек, Остроумовнинг маҳаллий зиёлилар билан ўзбек тилида ёзишмалари ҳам бор бўлиб, бу материаллар XIX аср охиридаги Туркистон адабий ва маданий муҳити ҳақида тасаввур ўгоштишга ёрдам беради. Қолаверса, Н.Остроумовнинг зиёли шахс сифатидаги киёфасини ва салоҳиятини, кизиқиш доирасини кўрсатадиган омиллар сифатида кимматлидир. Жумладан, 143-йиғма жилдда араб ёзувида ва кириллча харфларда турли мавзудаги мактублар асосий ўрин эгаллайди. Шулардан бири Остроумовнинг Сафо Аҳмаджон ўғли мактубига қайтарган ўзбек тилида араб ёзувидаги жавоб хатидир. Сафо Аҳмаджон бир материални ўзбек тилида босиб чиқаришни Остроумовдан илтимос қилган, Остроумов Сафо Аҳмаджоннинг хатини эътиборсиз қолдирмай, “...хатда ўтулуб ёзиб сўрагонингизни қила олмайман, русиё тилинда босилиб чиқаду”, деб жавоб қайтарган. Рус тилида босилиб чиқишига сабаб килиб “сорт тилинда босилиб чиққан газет жуда оз бўлгони”ни кўрсатади. Остроумовнинг жавоби анча мантқиқли эканини англаш мумкин. Русияда ўзбек тилида босилган мақолани ҳеч ким ўқимаслиги мумкин эди. Остроумовнинг мақсади – Сафо Аҳмаджоннинг рус тилида босиладиган мақоласидан кўпчилик хабардор бўлишини истаган.

Биз ушбу мақолада Остроумов фондидаги қўлёзма манбаларнинг ва айрим босма асарларнинг қисқа мундарижасини ўқувчилар эътиборига ҳавола қилдик. Келгусида бу маърифатпарвар одамнинг архивини тўлиқрок ўрганиб, кўпчиликнинг эътиборига ҳавола қилиш ниятимиз бор.

Насимхон РАҲМОНОВ,
филология фанлари доктори,
профессор

ИСЛОМ ҲАҚИДАГИ УЙДИРМАЛАР

Қуръон ҳижобга кириши ва динсизларни ўлдиршига мажбур қилмайди.

“Бир нафар бўлса-да, беғуноҳ одамни ўлдирган киши ҳеч қачон жаннатнинг исини тўймайди”, “Аллоҳнинг томонидан яратилган қалбни ўлдирма” дейилади муқаддас Қуръонда. Террористик актни содир этган кимса ўша заҳоти муслмонликдан ҳам, насронийликдан ҳам, яҳудоликдан ҳам мосуво бўлади. У – жиноятчи!” деб ҳисоблайди Қуръон маъноларининг рус тилига таржмони, 2010 йилдан эътиборан “Конфессиялараро келишув ва барқарорлик” халқаро фондининг президенти Валерия ПОРОХОВА.

– Нима учун бутун дунёдаги террорчилар исломни ниқоб қилишади. Ахир “ислом терроризми” деган тушунча осмондан тушмаган-ку...

– Дунё динларининг барчаси уларни ёйганлар номи билан аталган: буддавийлик, зардуштийлик, иудавийлик, христианлик. Ўз номидаёқ аниқ ва мукамал маънони мужассам этган ягона дин бу – исломдир. Ва бу сўз – тинчлик, хотиржамлик, хавфсизлик маъноларини англатади. “Ислом терроризми” (русчада “исламский терроризм” – тарж.) иборасини хоҳлаган тилга, жумладан, рус тилига таржима қилсак, “тинчликпарвар терроризм” ёхуд “хавфсиз терроризм” деган, филологик жиҳатдан ахлоқона, бориб турган мазмунсиз бир нарсага эга бўламиз. Бу эса мазкур иборани хар кадамда қўллаётган кишиларнинг хайрон коларли даражада саводсизлиги ва омилигидан яққол далолат беради.

Келиб чиқиши дворянлар оиласидан бўлмиш Валерия Михайловна Порохова 1940 йилнинг 14 майида, отаси “халқ душмани” сифатида сургунда бўлган узоқ Сибирнинг Ухта шаҳрида туғилган. Шўро ҳукумати унинг отасини отиб ташлаган. Ўтган асрнинг 50-йиллари охиридагина онаси Наталья Павловна Москвага қайтиб, ўттиз йилдан ортиқ Москва медицина академиясида дарс беради, оқила қизни вояга етказилади.

Валерия Михайловна Москва давлат чет тиллар педагогика институтида ўқиб, битирув диплом ишини мазкур ўқув юрти тарихида биринчи бўлиб хорижий тилда ҳимоя қилади. Ўқишни тугаллаб, 18 йил давомида Москва инженер-физиклар институтида дарс беради. Шу йиллар ичида Москва давлат университетининг фалсафа факультетида ўқиб, унинг нуфузли дипломига ҳам эга бўлади.

1975 йилда Москвада сабоқ олаётган суриялик талаба Муҳаммад Саид ал-Рашидга турмушга чиқади. 1985 йилда эри билан Дамашққа кўчиб бориб, ислом динини ҳамда Имон исмини қабул қилади. Шу йиллар ичида Москва давлат таржимасига жиддий киришиб, 1991 йилда уни якунига етказилади.

В.М.Порохова ҳозирга қадар жуда кўплаб миллий ва халқаро академияларнинг ҳақиқий аъзоси этиб сайланиши баробарида, турли нуфузли ташкилотларнинг ордён ва медаллари билан тақдирланган. Улар орасида, жумладан, Россия Табиий Фанлар Академиясининг “Фанни ривожлантиришдаги хизматлари учун” ордени (2000 йил), айни академиянинг “Ватан олдидаги хизматла-

– Лекин Сиз, харқалай, Қуръонда “жиход” – “динсизлар билан муқаддас уруш” деган тушунчалар ҳам борлигини инкор қилмасангиз керак?

– Аксарият ислом файласуфларида чинакам “жиход” – инсоннинг ўз нафсини ўлдирishi, унга қарши уруши сифатида талкин этилади. Шу нуқтаи назардан асл жиход – ўз нафсидан ғолиб келиш, руҳоний комилликка етишиш йўлидир.

“Жиход” тушунчасини ўзгача талкин этиш – уни инсоннинг руҳий чиникиш омилидан динсизларга, шу жумладан, ўзларининг қарашларига кўшилмайдиган мусулмонларга қарши қуроли кураш омига айлантириш – итоатсизлик, исён, фитна сифатида ислом динида қатъий қораланади. Қуръонда “Фитна қотилликдан ҳам каттароқ (ғуноҳ)дир” дейилган бўлса-да, бояги “жиходчи”лар унинг қонунийлигини даъво қилишади.

– “Уларни қаерда топсангиз, ўлдирингиз ва сизларни чиқарган жойдан уларни чиқарингиз”. Бу гаплар Қуръон оятларида бор-ку.

– Мазкур суранинг олдинги оятлари, билсангиз, бундай янграйди: “Сизларга қарши жанг қилувчилар билан Аллоҳ йўлида жанг қилингиз, (лекин) ҳаддан ошмангиз! Зеро, Аллоҳ ҳаддан ошувчиларни ёқтирмайди”. Кейин Сиз келтирган оят. Унинг давоми эса қуйидагича: “Фитна қотилликдан ҳам ашаддийроқдир. Улар (биринчи бўлиб) бошламагунча, Масжиди Ҳаромда улар билан урушмангиз. Агар урушни (Ҳаромда) бошласалар, у ҳолда уларни ўлдирингиз! Кофирларнинг жазоси шундайдир”. Кейинги оятларда эса мана бундай давом этилади: “Агар (ширк ва тажовузкорликдан) қайтсалар, бас, албатта, Аллоҳ кечирувчи ва раҳмдилдир”, “Динда зўрлаш йўқ, зеро, тўғри йўл янглиш йўлдан ажрим бўлди. Бас, ким шайтон (ёхуд бутлар)ни инкор этиб, Аллоҳга имон келтирса, демак, у мустаҳкам ҳалқани ушлабди. Аллоҳ эшитувчи ва билувчидир”.

– Раҳмак қараш эгалари бўлмиш исломчилар Сиз билан келиш-масликлари аниқ...

– Ваҳхобийларни назарда тутяпсизми? XVIII асрда яшаган Муҳаммад Абдул Ваҳхобнинг вазифаси ўз ҳудуди, миллий менталитети ҳамда ўз

ри учун” ордени (2002 йил), Эрон Ислом Республикаси Президенти Муҳаммад Ҳотамий томонидан тақдим этилган, мусулмон дунёсида ниҳоятда шарафли ҳисобланган “Муқаддас Қуръон хизматчиси” унвони (2003 йил), Швейцария Парламенти ва Европа Иттифоқи қарори билан берилган, дунёнинг энг нуфузли 1000 аёли қаторида 2005 йилдаги Тинчлик учун Нобель мукофотига номзодлик гувоҳномалари бор.

Ушбу суҳбатни нашрга тайёрлаётган пайтимизда В.М.Порохованинг вафот этгани ҳақида қайғули хабар келди. Таржимоннинг ислом маданияти ва илмига қилган хизматларини эътироф этиш, унинг серқирра фаолияти ва фидойи меҳнатлари ҳақида кўпроқ тўхталишимиз лозим.

Муҳтарама Имон опа амалга оширган Қуръони карим маъноларининг рус тилига таржимаси ҳозирга қадар 12 мартаба қайта нашр этилди. Мазкур таржиманинг қанчалар аслиятга яқин ҳамда шеърӣ услубда яратилгани борасидаги кўплаб эътирофлар ичидан биргина мисолни келтириш билан чекланамиз. У ҳам бўлса, машҳур шарқшунос олим Е.Э.Бертельснинг ўғли А.Е.Бертельснинг 1991 йили Москвадаги Адабиётчилар марказий уйида ўтказилган мазкур таржима тақдимидаги сўзидан кичкина парчадир: Қуръон рус тилида биринчи мартаба чинакамига янгради. Россия шарқшунослигининг Қуръоншунослик мактабида илк бор руҳоний иш амалга оширилди ва уни Валерия Порохова қиёмига етказиб уддалади...”

даври билан қатъий чегараланган эди: ўша худуд араблари қуръоний исломдан узоклашиб, турли адашиш ва айнишларга берилиб кетишганди. Ваҳҳоб уларни тўғри йўлга солиш, Худога қайтариш даъвоси билан чиққан. Мақсад, гарчи эзгу бўлса-да, бироқ уни амалга ошириш стратегияси шафқатсиз ва қонли тус олди. Шу сабаб ҳам ўз давридаёқ бу ҳаракат кескин қораланган. Бугун бу ўлик ва хавфли доктринани фақат маданий-маърифий, иқтисодий даражаси жуда паст мамлакатлардагина “муваффақиятли” қўллаш мумкин. Ўша ўлкаларда гўё динсизларга қарши қурашяпмиз, деб ўйланса-да, аслида инсонлар ҳаёт фаровонлигидаги кескин фарқларга қарши жанг бормоқда. Шунга кўра, динни шафқатсиз сиёсатдан ажрата билиш талаб этилади.

– **“Аллоҳнинг келинчақлари” деган шахидчи аёллар қаердан пайдо бўлишяпти? Уларни, ҳарқалай, чиллаки руҳоний етакчилари “ок фотиҳа” бериб, ўлим сари йўллашаётгани аниқ.**

– “Жаннатдаги кизлар” тўғрисида кўп гапирувчи “шайх” ва “мулла”лар, аслида, мусулмон қавмидан бўлмай, улар чинакам ислом кадриятларини тарғиб этишдан манфаатдор эмаслар. Пайғамбар Муҳаммад алайҳиссаломнинг исломда зўравонликка (террорга), ўз жонига қасд қилишга йўл қўйилмаслиги ҳақидаги ўлмас ўғитлари эса кўплаб ҳадислардан ўрин олган. Ўша Ҳадиси шарифларнинг бирида, жумладан, бундай дейилади: “Ўз жонига қасд қилган киши олов билан жазоланади ва бу олов ичида мангу қолади”.

Ислом ақидасига кўра, чин диндорлар фақат мусулмонлар эмас. Қуръонда христиан ва яҳудий қавмларига, муқаддас Китобга эга кишилар сифатида, ҳурматли муносабат мавжуд. Ва Яратувчи айтади: “Мен Худонинг номи янграб турадиган даргоҳлар – монастир ва черковларни, синегога ва масжидларни қолдираман”.

– **Исломда аёллар ҳуқуққа эга эмас, деган қараш мавжуд. Аёл тўртинчи хотин бўлиши ҳам, агар ажрашишни хоҳласа, ҳеч нарсасиз қолиши ҳам мумкин. Ҳатто масжидларда ҳам эркаклар билан бир сафда тура олмайдилар...**

– Бу қараш – бориб турган омилиқ, ғирт жаҳолатдан туғилган даққилиқ – стереотипдир. Ҳолбуки, аёллар ҳеч қаерда исломдагичалиқ ҳуқуқ ва имкониятларга эга эмас. Агар аёл бошдан-оёқ қора либосга ўралиб олган бўлса, билинги, бу рангнинг Қуръонга заррача ҳам алоқаси йўқ. Яратган айтади: “Биз сизга фойдаланишингиз учун турли хил рангларни муҳайё қилдик”. Ва аёллар “зеб-зийнатлар тақиб, энг чиройли либосларда” эрларига кўринишга буюрилган...

Дарвоқе, бугунги араблар кўпроқ Қуръоннинг тўртинчи сурасидаги куйидаги ояти қаримага амал қилишмоқда: “...Бордию (улар ўртасида) одил бўла олмасликдан қўрқсангиз, бир аёлга (уйланинг)...” Бу ерда гап кўпроқ мулкий тенглиқ, адолат хусусида бормоқда. Бинобарин, кўпхотинлилик фақат фавқулодда ҳолатлардагина амал қилади. Дейлик, хотин бепушт бўлса ёхуд эри билан руҳий ёки жинсий номувофиқликлар вужудга келган тақдирда. Ана шу ҳолатларда эр биринчи аёли билан оилавий ҳаётни давом эттирган ҳолда иккинчи бор уйланиши мумкин. Бироқ Шарқ мамлакатларида бундай никоҳлар салмоғи ниҳоятда кам. Сурия, Ливан, Иордания, Ироқ сингари аёллари эркин мамлакатларда эса, айрим истисноларни айтмаса агар, кўпхотинлилик деярли йўқ.

Яна бир кизик фактни айтаман сизга. Араб оиласидаги аёл ишга кирса, унинг топган пули оила бюджетига эмас, фақат ўз киссасига тушади. Кўринадики, мусулмон аёли насроний оила аёлидан кўра кўпроқ хукукка эгадир...

Масжидлардаги алоҳида бинолар масаласига келсак, бунинг изоҳи куйидагича: намозни адо этаётган аёлнинг рукуъга энгашган ёхуд саждага бош қўйган ҳолатига эркак кишининг кўзи тушиши ҳар икки томон учун нокулайлик туғдиради. Энг муҳим сабаби шу – исломдаги уят ва андиша хисси. Дарвоқе, аксарият масжидларнинг аёлларга ажратилган бинолари қалин гиламлар ва остидан истиладиган полларга эга эканини ҳам айтиб қўйишим керак.

– **Бироқ нега араб аёллари барибир хижобда юришади?**

– Ўйлайманки, бунинг сабаби иқлим билан боғлиқ. Эрим билан Амирликларга боргандик. Дубайдан Абу-Дабигача чўзилган 156 километрлик йўл куп-курук сахро ўртасидан ўтган. Машина ичи шунчалар чангга ботдики, кўяверасиз. Бизнинг эса бурнимиз, кўзларимиз, кийимларимизнинг ғижим жойлари кумга тўлиб қолди. Шунча кум қандай кириб келганини тушуниб бўлмайди. Мана шунинг учун ҳам арабнинг аёлу эркаги тўлиқ беркиниб юради. Лекин бу ягона сабаб эмас. Суриядаги бир дугонама мактанади: “Лера, теримга бир карагин – чинакам ипак дейсан!” Бир ҳафтагина очик юрган менинг терим бўлса сағрига айланиб улгурган...

Қуръонда аёлларга бундай деб буюрилади: “Бошингизни ва кўкрагингизнинг ўйик жойини рўмол билан беркитинг”. Шунингдек, шаффофлиги ва танани қисиб туриши эвазига шаҳват уйғотувчи кийимлардан барча инсонлар қайтарилади. У ёғини суриштирсангиз, Қуръон нозил бўлишидан анча аввал ҳам христианлар доим бошини ўраб юришган. Бунинг исботини рус мумтоз рангтасвир асарларида барча насроний кизларнинг боши жағи аралаш рўмол билан танғилган ҳолда тасвирланганида ҳам кўрамиз.

– **Сизнинг Қуръон ўғирмангиз “маънолар таржимаси” деб аталган. Бу айрим тушунчалар талқинида турли нуқтаи назарлар учраши билан боғлиқ бўлса керак-да?**

– Қуръон бугунги оғзаки араб тилидан жиддийгина фарқ қиладиган мумтоз араб тилида нозил бўлган. Бу эса сўзларнинг маъносини беихтиёр чалкаштириб юборишга олиб келиши мумкин. Талқинчининг илмий-маърифий даражаси ҳақида эса гапирмасак ҳам бўлади. Зеро, бу Абдий Китобнинг таржимони ўнлаб фанларнинг билимдони бўлмоғи лозим. Балки шунинг учундир, энг машхур олимлар ҳам ўзининг таржимаси аслиятга мос эканини даъво қилишган эмас. Қуръонни инглиз тилига ўғирган машхур таржимон, арабшунос олим Мармадьок Пиктал ҳам ўз вариантини “деярли мос” дея олган, холос. Бизнинг шарқшуносимиз Игнатий Крачковский эса ўз таржимаси Қуръон номи билан чоп этилишига мутлақо қарши бўлган. Шунинг учун, менинг меҳнатим ҳам “Маънолар таржимаси” номини олди.

Екатерина БИЧКОВА суҳбатлашди.

“Аргументы и факты” газетасининг
2013 йил 45-сонидан Раҳмон ҚЎЧҚОР таржимаси

ЕВРОПА РОМАНТИЗМИ ВА “МИНГ БИР КЕЧА” ЭРТАКЛАРИ

XVI асрда европалик савдогарлар ўз махсулотларини ҳинд зирavorлари, Хитойнинг ипак ва чиннилари билан айирбошлаш мақсадида Осиё мамлакатлари томон йўл олишди. Аввалига испаниялик ва португалияликлар Шарқ бозорида етакчилиқни қўлга олишган бўлса, XVII асрнинг ўрталарида Голландиянинг Иберия ярим ороли савдогарлари бу борада бошқалардан ўзиб кетишди. Бироқ, орадан кўп ўтмай, англиялик ва франциялик тижоратчиларнинг босими остида голландлар ҳам савдодан сиқиб чиқарилди.

Савдогарлар ўз саёхатлари давомида сеҳрли Шарқ эртаклари, дostonлари ва ҳикояларини тинглаб, уларга маҳлиё бўлиб қолишди. Натижада, инглиз ва француз тижоратчиларининг онгу шуурида, хаёлот оламида ўзига хос тўнтариш юз бериб, юртларига бир дунё таассуротлар билан қайтишди.

Жан Антуан Галланнинг 1704–1711 йилларда Францияда “Les Mille et une Nuits” номи билан босқичма-босқич чоп этилган “Минг бир кеча” араб эртаклари Европани ўзининг шарқона бадий жилолари билан мафтун қилиб қўйди. Бу ҳақда француз олими Пол Азар шундай ёзади: “Шаҳризода ўзининг тунги эртакларини ҳикоя қилишни бошлар экан, хаёлотнинг бепоён кенгликлари Арабистон, Сурия ва Шом мамлакатлари билан бойиди; У Шарқ халқларининг феъл-атвори ва урф-одатлари, уларнинг диний маросимлари, кундалик юмушлари, ёркин ва ранг-баранг ҳаёти ҳақида сўзлашни бошлаганида шундай бўлди. У қандай қилиб инсониятни ҳеч қандай мураккаб интеллектуал ғояларсиз ёки мавҳум асосларсиз мафтун этишни намоён қилиб, уларни эртақлар оламига шайдо қилди. Бутун Европа буни бажонидил тингларди”.

1690-йилларда Константинополда “Денгизчи Синдбод қиссаси” деб номланган қадимий қўлёзмага дуч келиб қолган Антуан Галлан 1701 йилда асарни француз тилида чоп этиради. Шундан сўнг таржимон XIV асрга тегишли “Минг бир кеча” қиссаларини ҳам таржима қилишга киришади. 1704 йилда араб қиссаларининг “Mille et Une Nuit” номли таржимасининг илк икки боби француз тилида чоп этилади. Қиссанинг сўнгги ўн иккинчи бобининг таржимаси эса 1717 йилда таржимон вафотидан сўнг нашрдан чиқади. Галланнинг муваффақияти сабаби шунда эдики, у асарни ўз замонаси китобхонлари дидига мослаб таржима қилди. Мутаржимнинг маҳорати ҳақида Хорхе Луис Борхес “Минг бир кеча” қиссаси таржимонлари” деб номланган китобида шундай ёзади: “Бу фактни инкор қилиб бўлмайди. “Минг бир кеча”нинг энг машҳур ва сўзга чечан мадҳиячилари – Кольриж, Томас Де Квинси, Стендаль, Теннисон, Эдгар Аллан По, Ньюманлар – Галлан таржимасини мутолаа қилишган эди.

Орадан икки юз йил ўтди ва ўнлаб яхши таржималар яратилди. Бирок Европа ва америкаликлар “Минг бир кеча” ҳикояларини ҳамон биринчи таржима асосида тасаввур қиладилар.

XVIII асрда француз тилидан инглиз тилига таржима қилинган “Минг бир кеча” эртаклари, гўёки англияликлар томонидан Европа адабиётига олиб кирилгандек нотўғри талқин этилди. Франция, нафақат Англияга Шарқ уруғларини сочди, балки Шарқ хаёлотининг инсоният билган ва билмаган билимлари ўртасидаги чегарани ҳам кашф этди. Бу ерда шарқлик миллат ва элатларнинг айна чегараси назарда тутилмапти, саёхатлар давомида содир бўлаётган адабий алоқалар ва “Минг бир кеча” туркум эртакларининг асл маъзини чақиш хусусида гап бормоқда. Франциялик шарқшунос олим Пирр Мартино таъкидлаганидек, “Шарқ бадиияти” деганда фақат Осиё эмас, балки мукаддас ерларни ўз ичига олмайдиган ҳадсиз ва шакл-шамойилсиз мамлакатлар ҳам тушунилади. Бу эса “Шарқ бадиияти” деганда битта жойни тушуниш керак эмаслигини англатади. Гарчи мукаддас ерлар, ҳақиқатдан ҳам, шарққа тегишли бўлсада, европалик китобхон ўзининг мукаддас ерлар билан боғлиқ диний қарашлари негиздаги адабий Шарқнинг ғайриоддийлигини ҳазм қила олмайди. Бундан ташқари, у ҳозирда завқ олаётган ўша “ғайридинлар” билан унинг аждодлари бу майдонда курашган”.

Охир-оқибат, “Шарқ бадиияти” шарқий Европа халқлари ва Ўрта Ер атрофидаги айрим мамлакатлар, ҳатто, Греция ва Африканинг шимолий худудларига ҳам кириб келди.

Галлан таржима қилган “Минг бир кеча” кассаларини француз тилига мутлақо аслиятдагидек ўгирилган дейиш мушкул. Таржимада кўплаб қискартириш ва ўзгартиришларни кузатган айрим адабиётшунослар асарга мутаржимнинг муаллифлик иши сифатида ҳам қарашади: “Галлан туғма ёзувчи эди. У ўз даврида Шарқ эртакларини фақат французларнинг дидига мослаб эмас, балки барча халқлар ва замонларнинг универсал китобсеварлари ўқий оладиган қилиб таржима қилди. Унинг баъзи таржималари қайта шарқ тилларига ўгирилиб, ижобий қабул қилинди. Уни содик таржимон деб бўлмайди, чунки эркин таржимадан сўнг, араб адабиётидан кўра, француз адабиётига яқин асар яратилганди”.

Шунингдек, Галлан таржима жараёнида фақат биргина асл нусхадан фойдаланмаган. Ўзи истамаса-да, турли қароқчилик йўли билан чоп этилган вариантларни ва бошқа манбаларни ҳам кўриб чикқан. Натижада, унинг “*Mille et Une Nuit*” кассаси аслиятдан анча фарқ қилиб, туркум кассалар рўйхатидан янги эртаклар ҳам жой олди. Улар сирасига ҳали-ҳануз машҳурлик шохсупасидан тушмай келаётган “Оловуддин ва унинг сеҳрли чироғи”, “Алибобо” кассалари ҳам киради¹.

Инглиз китобхонлари “Минг бир кеча” кассаларини катта завқу шавқ билан мутолаа қилди. Улар асарни французлардан кам кутиб олгани йўқ. Қиссанинг илк инглизча таржимасини қачон ва ким қилгани ноаниқ бўлса-да, 1707 йилнинг бошларида Галланнинг олти боблик асари асосида номаълум мутаржим томонидан инглиз тилига ўгирилди.

Айрим адабиётшунослар “Минг бир кеча” кассаларини биринчи марта инглиз тилига ўгирган таржимонни “The Grub Street Translator” номи билан аташади. Айнан у ҳозиргача араб кассалари учун инглиз адабиётда

¹ Mia Gerhardt, *The Art of Story-telling* (1963), p. 12.

фойдаланиб келинаётган “The Arabian Nights Entertainment” сарлавҳасини кашф қилган. Ҳаттоки бу ном асарнинг Калкуттадаги 1839–1842 йиллар нашри учун инглиз тилидан арабчага қайта ўгирилган¹. Галлан таржима-сидан тўккиз йил ўтиб, 1713 йилда эртаклар инглиз тилида тўртинчи бора нашрдан чиқди. Бу сўнгги вариант XVIII асрда ҳам деярли қўшимча ва ўзгаришларга юз тутмади.

“Минг бир кеча” киссалари англиялик ижод аҳлига ҳам чуқур таъсир қилди. Бўлажак адиблар болалик чоғларидан бошлаб, то вояга ет-гунларига қадар сир-синаотларга лиммо-лим Шарк эртаклари оҳангида улғайишди. Кейинчалик онгу шуурини қамраб олган ўша хаёллар таъсирида ўз асарларини ёзишди. Ижодкорларнинг бу борадаги фикр-мулоҳазаларига қисқача тўхталиб ўтамиз. Англиялик тарихчи Эдуард Гиббон ўз автобиографик асарида бундай дейди: “Мен Кингстон мактабини тамомлашимдан олдин, инсоният хулқ-атвори ва ғайритабиий мўъжизалар тасвири билан кўнгилини хуш этадиган икки китоб – Попнинг “Ҳомер” достони ва арабларнинг “Минг бир кеча” киссалари билан муфассал танишиб чиқдим”.

Ўз шарқона киссаси “Ватек” (“Vathek”, 1786) билан ном қозонган Уильям Бекфорд ҳам ёшлик пайтларида “Минг бир кеча”ни мутолаа қилади. Асар шоир хаётида нақадар муҳим роль ўйнагани ҳақида унинг биографик ёзувчиси шундай дейди: “У хикояларни ниҳоятда сабрсизлик билан қайта-қайта ўқиб чиқди. Асар унда шунчалар кучли таассурот уйғотгандики, охири лорд Чатам китобни ундан олиб қўйиш кераклиги ҳақида Леттисга кўрсатма берди. Эҳтиёт чорасини кўришга энди жуда кеч эди... Шарқона эртаклар ҳассос китобхоннинг онгига ўрнашиб бўлганди... Улар ёшгина қалбга аланга солиб, уни ўзига бутунлай асир қилди. Асарнинг таъсир кучи шоир умрининг қолган қисмида ҳам заррача камаймади...”

Бекфорднинг замондоши, Англияда романтизм даври асосчиларидан бири Уильям Вордсворт ҳам тенгдошлари қатори Шарк эртакларига маҳлиё бўлганди. Вордсворт “Муқаддима” (The Prelude, 1799-1805) поэмасида “Минг бир кеча” китобининг бир жилдини қандай қилиб авайлаб-асрагани ва қолган қисмларини топа олмай қанчалар тушқунликка тушганини эслайди:

*Митти сарғиш, қаноп жилд китоб,
Араб эртакларин мавҳум бир қисмин –
Ҳазинам мисоли асраб-авайлам
Янги ўлкадаги ҳамроҳларимдан.
Англадим, шу эрур кўнглим гавҳари,
Лек бу ов ўлжаси бўлинган тўртга –
Тўрт жилддан иборат эмишдир алар,
Ҳақиқат тобора бўлмишдир аён,
Аҳд-паймон туюлар базўр, дарғумон.
Мендан бойроқ одам йўқ эди гўё,
Лек ваъда саробга айланиб борар.
Тупладик бойликни кўп ва хўп, бироқ
Бирғаликда йиғдик, юрдик бегумон.*

¹ Ibid., p. 406.

*Шул китоб эгаси бўлмақлик учун,
Сарфлаб қанча ойлар,
Нафс қули бўлмай, сақладик –
Лек синди Тангрига содиқлигимиз.
Дерлар: Банда айтганлари бўлмайди рўёб¹.*

Кольриж 1801–1816 йиллар оралиғида яратилган сиёсий ва фалсафий очеркларидан иборат “Муносабат” (“The Friend”) номли асарида болалик чоғларидаёқ араб эртақларига меҳр қўйганини баён этади: “Беш ёшга тўлгунимга қадар ушбу эртақларнинг бир жилдини қайта ва қайта мутолаа қилиб, бутун хаёлиму ҳиссиётларим нима билан банд бўлганини тасаввур қилиш осон. Китоб, ҳали-хануз эсимда, ҳудожўй отамнинг ибодатхонаси яқинидаги меҳмонхона ойнаси бурчагида ётарди: тушунарсиз ваҳима ва кучли хоҳиш ичимда қоришиб, ўша китобга қарашга, то тонгги куёш нурлари тушиб, унинг устини қоплаб олгунига қадар томоша қилишга журъат қилганим ҳамон ёдимдан чиқмайди. Шундай қилиб, бу бебаҳо хазинани қўлимга олишга журъат топиб, уни ушладим-у, ўйингоҳдаги чароғон бурчак томон чопдим”.

Юқорида келтирилган маълумотлардан шу нарса маълум бўладики, илк бора арабчадан француз тилига таржима қилинган “Минг бир кеча” эртақлари Европа адабиётида катта бурилиш ясади. Францияда бошланган романтик ҳаракатлар Англия бўйлаб тарқалади. Араб эртақларининг оҳанрабоши француз ва инглиз ёзувчиларига бемисл илҳом бағишлайди. Уларнинг Шарқ оламига бўлган қизиқишлари тобора ортиб, яна бошқа адабиётлар орқали шарқий мамлакатларнинг географияси, табиати, урф-одатларини анъаналари, тарихий шахслари ва миллий қадриятларини ўрганишга даъват этади. Натижада ижодкорлар романтик руҳдаги янги-янги асарлар ёзишни бошлайди. Ўз навбатида Англияда XVIII асрнинг охирида “Кўл мактаби” шоирлари Саути, Кольриж ва Вордсвортлар шарқона жилоларга бой ижодлари билан инглиз адабиётида Романтизм даврига асос солишади.

*Гулноз МАМАРАСУЛОВА,
Жиззах давлат педагогика
институтини мустақил тадқиқотчиси*

¹ Инглиз тилидан таржима бизники. – Г.М.

ХУРШИД ЗИЁХОНОВ



Хуршид Зиёхонов замонавий ўзбек тасвирий санъатининг таникли намояндаларидан бири. Ҳозирда авангард йўналишида турлича изланишлар олиб бораётган рассомлар орасида унинг бадиий олами қўламлироқ, услуби ва шаклу шамолийли жозибалироқ экани билан ажралиб туради.

Рассом 1958 йилда Тошкент шаҳрида таваллуд топган. 1987 йилда Тошкент театр ва рассомлик институтини тамомлаган. Ҳозирда бадиий изланишлар билан биргаликда Камолитдин Бехзод номидаги дизайн ва рассомлик институтида бўлажак рассомларга сабоқ бериб келмоқда.

Хуршид Зиёхоновнинг ижоди услубий жиҳатдан Европа авангард санъати ва Шарқона турмуш мавзуси уйғунлига асосланади. Рассом асарлари ҳақида сўз борганда, соҳа вакиллари уларга “шарқона кубизм” дея таъриф бериши бежиз эмас.

Зиёхоновнинг портрет, манзара, натюрморт, маиший жанрдаги картиналари турли авангард шаклларда бўлса ҳам, уларнинг асосини Шарқ мавзуси ташкил этади. Битмас-туганмас шарқ асотирлари, одамларнинг турмуш тарзи ва ўзига хос қиёфа ва характерлари Х.Зиёхонов учун улкан ижодий манба бўлиб хизмат қилади. Рассом уларни қайта бадиий идрок этиб, ноанъанавий услубда шаклга солишга интилади. Унинг асарларида бир кўришдаёқ мустақил ижодий услубини ажратиб кўрсатадиган уч ташқи хусусият бор. Булар: қуюқ ва ёрқин бўёқлар, кубизмга хос тархлар, мураккаб композициянинг уйғунлашуви. Бундай шакл ортида шарқона рух, мухит ва инсон кечинмалари образлироқ, жозибалироқ намоён бўлади.

Рассом образлари қўп ҳолларда мунгли ва жиддий кўринади. Инсон ички оламини тасвирий метафора, мажоз билан кўрсатишга интилади. Масалан, ярим очилган кўзлар баъзан қорачиксиз ифодаланади. Баъзида икки кўзи ёки бир кўзи юмилган ҳолда сояда қолади. Инсон характери ва ички ҳолатини очиб беришда кўзлар Х.Зиёхонов қаҳрамонларида тимсол билан ифодаланади. Шакл, нур, рамз билан образнинг ўзига хос характери, унинг муайян ҳолати ва кечинмасини акс эттиради. Муайян нарса-жисмда инсон қиёфасини, борлиқ билан боғлиқликда акслантириш рассомнинг ақсарият асарларида етакчилик қилади. Масалан, “Астрал тана” картинасида аёл танасининг ҳавода кўтарилиб, булутларда қиёфаланаётган бош қисми, “Цивилизация шамоли”да ҳам тарихий аёл бюстининг ҳаводаги акси, заминдаги тепаликлар билан бирлашиб кетган либоси ва енг истадаги қўллар тасвирланади. “Сирли оҳанг”, “Сирли Регистон”, “Пушти окшом”, “Карвонбоши”, “Айрилиқ водийси” асарларида ҳам худди шундай инсон моҳиятининг предмет ва маконга кўчган образини учратиш мумкин.

Зиёхонов асарларининг яна бир характерли жиҳати шуки, у қаҳрамонларининг типажига жиддий эътибор қаратади, шу орқали маълум бир миллий характерни, фикрни образлаштиришга эришади. “Пишиқчилик”, “Зерикаётган киз”, “Шумтакалар” каби асарларида ана шундай характерли типажлар яққол кўринади.

“Зерикаётган киз” картинасида остонада бошига қўлларини тираб ўтирган ўйинкарок қизалокнинг ички ҳолати бундай тасвирланади: гўё у сокин туш пайти ёлғиз ўзи аллақандай кизикарли жараёни кутиб ҳориган. Рассом бу зерикаш ҳолатини қорамтир девор соясида, қизнинг хомуш бокиб турган катта-катта кўзларига жо қилган. Ҳатто, қизалокнинг оддийгина тасвирланган киприклари ҳам унинг зерикканидан далолат беришини пайқаш қийин эмас.

“Пишиқчилик” асарида эса ёрқин мажоз бор. Унда тасвирланишича, ой-қуни яқин аёлниг узун кўйлагига ўсимликсимон нақшлар ва қорин қисми пишиб этилган турли мевалар сурати билан безатилган. Бу картинада рассом хомилдор аёл ва ҳосилдор заминнинг ўхшашлиги, табиатнинг яратувчанлик кучини тимсоллар тилида айтишга эришади.

Айрим аёл образи тасвирланган портретларида эса воқеликка бирмунча ғарбона ёндашув устунлик қилади. Масалан, “Уйда ёлғиз” картинасида ноодатий фонда ёлғиз ўзи ғамга ботиб, оёғини кучиб ўтирган аёл билан умумий композициянинг бир қисмида акс этган бошқа ўйларнинг деразасидан кўринаётган ёниқ чироқлар, жуфт одамларнинг соялари орасида нозик контраст бор. Рассом фигура ва фон уйғунлигида портрет мазмунини моҳирона тасвирлаган. Унинг мураккаб композицияли бошқа асарларида ҳам воқелик ва мавзунинг ҳамма қатламлари қамраб олинади.

Х.Зиёхонов ўз асарларида йўқолиб бораётган анъана ва урф-одатларга, жумладан, миллий либослар, халқ оғзаки ижоди ва маиший турмушдаги хунармандчилик буюмлари тасвирига кўпроқ урғу беради. Гарчи, эски шаҳар ва қишлоқлар, миллий либосда кийинган аёллар образи ҳозирги ҳаёт манзарасидан фарқ қилса-да, асарларининг мазмун-моҳиятини замонавий ҳаётдан узоклаштирмайди. Маиший жанрдаги кўп фигурали “Опа-сингиллар”, “Чой устида” диптихи, “Меҳмон”, “Кўшниллар” каби асарларида ўзбек халқига хос меҳмондўстлик, соддалик ва самимият ўз ифодасини топган. “Маҳалла” триптихи бунинг ёрқин мисолидир. Юқорида айтилганидек, рассом ўз асарларида, жанридан қатъи назар, миллий типажларни қизишга ҳаракат қилади. Айниқса, аксарият портретларида ўзбек аёлларининг типик қиёфалари рассом нигоҳида қайта кашф этилганини кўриш мумкин. Жумладан, “Бухоролик аёл”, “Қурсидаги хоним”, “Ўзбеклар”, “Бойсунлик момо” асарлари Шарқ аёллари сериясидаги энг яхши асарлари ҳисобланади.

Рассомнинг бадиий олами ва ижодий ютуқлари, асарларидаги ўзлик ва умумбашарийликнинг уйғунлиги нафақат унинг ўзи, балки Ўзбекистон замонавий тасвирий санъати учун ҳам муҳим силжиш, муваффақият ҳисобланади. Хуршид Зиёхонов бугунги кунга қадар элликдан ортиқ миллий ва хорижий кўргазмаларда иштирок этган. Унинг асарлари халқаро миқёсда эътироф этилмоқда.

*Зилола АСКАРОВА
Камолитдин Беҳзод номидаги
дизайн ва рассомлик институти
таянч (PhD) докторанти*

ЖАҲОН АДАБИЁТИ ВА САНЪАТИ ҚИСҚАЧА ҚОМУСИ

“ГОБСЕК” – атокли француз ёзувчиси Оноре де Бальзакнинг киссаси. Асар 1830 йилда ёзилган, дастлаб унинг бир қисми “Мода” журналида, 1842 йилда “Инсон комедияси” таркибида тўлиқ чоп этилган. Асарнинг асосий қаҳрамони Жан Эстер ван Гобсек номли кекса судхўр. Адиб бу бадавлат, ўтакетган хасис қария тимсолида инсон кадр-қиммати ва ҳаёт маъноси бойлик билан ўлчанувчи буржуа жамиятининг табиати, инсон ботинидаги бойлик, ҳукмронликка бўлган даҳшатли интилишни акс эттиради. Мазкур асар икки бора рус кино усталари томонидан экранлаштирилган. 1936 йилда илк бор кинорежиссёр Константин Эггерт томонидан суратга олинган. Унда Гобсек образини машҳур актёр Леонид Леонидов ижро этган. 1987 йилда тасвирга олинган Александра Орлованинг фильмида эса Гобсек образини Владимир Татосов талқин этган.

ГОБОЙ – пуфлама чолғулар гуруҳига кирувчи ёғочли қадимий соз. Маълумотларда келтирилишича, гобой сози эрамиздан уч минг йиллар аввал мавжуд бўлган. Унинг дастлабки шакли қадимги Мисрда “Мемет”, қадимги Юнонистонда “Авлос”, қадимги римликлар ва этрусклар тилида “Тибня” деб аталган. Гобойнинг аввалги шакли сурнайсимон ичи ғовак бамбук ёки камишдан ясалган. Ҳозирги вақтда шамшод, нок, ёввойи олча оғочларидан ҳам гобой ясалади. Гобойнинг ҳозирги замонавий муסיқа соҳасида ишлатилувчи шакли XVIII аср бошларида юзга келган. Гобой сози Европа муסיқа маданиятининг борокко ва классицизм даврида омалашган. Айникса, Бах, Моцарт, Шуман сингари мумтоз композиторлар асарларида фаол қўлланилган. Гобой чолғуси ҳозирги вақтда, асосан, камер ва симфоник оркестр ижрочилигида кенг қўлланилади.

ГОДАР ЖАН-ЛЮК – атокли француз режиссёри, кино соҳасидаги “янги тўлқин” ижодий оқимининг намоёндаларидан бири. 1930 йилда Франция пойтахти Парижда таваллуд топган. Годар ўтган асрнинг 60-йилларида, Францияда шаклланиб келаётган янгича қарашли ижодкорлар сафида кинога кириб келади. Бу ижодий авлод француз киносидаги бир хиллик, догматик тусга кираётган эски услубларга қарши ўлароқ, фильм оркали инсон ҳаётини, унинг ички дунёсини, хис-туйғуларини ифодалашнинг янги йўлларини қидиради. Годар ҳам “Бетон операцияси”, “Сув тарихи”, “Кичкина солдат”, “Ўз ҳаётингни яша”, “Сўнгги нафасгача”, “Америкада ишлаб чиқарилган”, “Қирол Лир”, “Сўз қудрати”, “Ария”, “Янги тўлқин” сингари фильмлари билан ўз бадиий оламини яратган. Бугунги кунга қадар юзга яқин фильмлар яратган сермахсул Годарнинг ижодий тажрибаларини дунё кинематографчилари ва санъатшунослари кенг ўрганмоқда.

ГОГЕН ПОЛЬ ЭЖЕН АНРИ – атоқли француз рассоми, ҳайкалтарош, график. Постимпрессионизм йўналишининг йирик намояндаларидан бири. 1848 йилда Парижда таваллуд топган, 1903 йилда вафот этган. Гоген 1870-йиллардан тасвирий санъат билан мустақил шуғуллана бошлаган. Рассомнинг дастлабки асарлари импрессионистик рассомлар ижодининг таъсири остида юзага келган бўлса, кейинчалик Гогеннинг ўз ижодий услуби намоён бўлади. У асарларида табиат ва инсоннинг гўзаллиги, узвий боғлиқлигини ифодалашга эътибор қаратади. “Тўй қачон?”, “Тикаётган аёл”, “Арледаги кахвахона”, “Сариқ рангдаги Исо”, “Сен рашк қиласанми?” “Мева кўтарган аёл”, “Уни Вайраумати дейдилар”, “Биз киммиз, қаерга келдик, қаёққа кетамиз?”, “Бошқа ҳеч қачон”, “Тўти билан натюрморт”, “Ёвузликни унутиш” картиналари рассомнинг энг яхши асарлари ҳисобланади. Бирок рассомнинг асарлари ўзи тириклик чоғида у қадар шухрат қозонолмади. Вафотидан уч йил ўтгач, 1906 йили Парижда рассомнинг 227 та асари кўргазмага қўйилгач, Поль Гоген ижодига қизиқиш кескин ортади. Рассомнинг қашшоқликда кечган ҳаёти ва ижодий қисмати британиялик ёзувчи Сомерсет Моэмнинг “Ой ва сариқ чака” (1919) романига асос бўлган. Меркурий сайёрасидаги кратерларнинг бирига Поль Гоген номи берилган. Гоген асарлари ҳозирги вақтда Лувр ва дунёнинг бошқа нуфузли музейларида сақланади.

ГОГОЛЬ НИКОЛАЙ ВАСИЛЬЕВИЧ – атоқли рус ёзувчиси, драматург. 1809 йилда Россиянинг Полтава губерняси, Миргород шаҳрида туғилган, 1852 йилда Москвада вафот этган. Гоголь адабий фаолиятини 1830-йиллардан “Танц Кюхельгартен” “Петербург қиссалари” (1830), “Диканька кишлоғи оқшомлари” (1831–1832) асарлари билан бошлаган. Адиб ижодининг кейинги даврида ёзилган “Ревизор” (1935–52), “Уйла-ниш” (1842) пьесалари, “Бурун” (1832–1833), “Вий” (1833), “Тарас Бульба” (1835) “Иван Иванович билан Иван Никафорович ораларида бўлиб ўтган жанжаллар хикояти” (1834), “Телбанинг ёзмишлари” (1834) “Нева шох кўчаси” (1833-1834), “Портрет” (1833–1834), “Шинель”(1841), “Ўлик жонлар”(1842) “Дўстлар билан ёзишмалардан танланган саҳифалар” (1847) сингари асарлари билан рус адабиётида танкидий реализмни бошлаб берган. Гоголь асарларининг аксарияти эрканлаштирилган ва дунёнинг кўплаб тилларига таржима қилинган. Хусусан, пьеса ва қиссалари Абдулла Қодирий, Абдулла Қаҳҳор ва Кибриё Қаҳҳорова, Рустам Абдурахмонов, Наби Алимұхаммедов, Фарход Файзиев, Одил Хайруллаев каби адиб ва таржимонлар томонидан ўзбек тилига ўғирилган. Адибнинг “Ал-Маъмун илмий-тадқиқот мақоласи ўзбек китобхонлари орасида айниқса машхур.

ГОЛЛИВУД – Америка кино саноати. Оммабоп фильмлар ишлаб чиқарувчи дунёдаги энг йирик студияларни камраб олган компания. АҚШнинг Калифорния штатида қирувчи Лос-Анжелес шаҳрида жойлашган. Америкада кино ишлаб чиқарувчи студиялар 1920-йилларда юзага келган. Дастлабки киностудиялар Нью-Йоркда ташкил топган, лекин бу ҳудуднинг муттасил булутли иқлим шароити плёнка ва техник имкониётлари чекланган киночилар фаолияти учун мушкулотлар туғдирган. Шу сабабли мустақил кинокомпаниялар бирма-бир очик ҳаволи Сан-

Франциско ва Лос-Анжелес худудига, хусусан, кулай иклим шароити ва тоғ тизмалари, денгиз, чўллардан иборат табиий географик хусусиятга эга Голливудга тўплана боради. Кино студиялар сони тобора кенгайиб, худуд улкан кино марказига айланади. Бирок кино sanoatчиларнинг фаолияти бу билан муваффақиятли кечмайди. Бунга бир жиҳатдан студиялар ўртасида рақобатнинг кучайиши, бошқа томондан эса томошабин кинотеатрга бориб фильм кўришдан телевидение имкониятларини афзал кўра бошлаши сабаб бўлади. Шу сабабли Америка кино студиялари халқаро бозорга кириб боришга ҳаракат қилади ва оммабоп фильмлар яратиш тажрибаси бошланади. АҚШ киносининг асосий хусусияти – оммабоплик, “юлдузлар конвейери” тизимига асосланади. Фильмни оммалаштириш мақсадида афишаларига таниқли юлдузларнинг қиёфаларини кўйиш ҳам ўша ерда пайдо бўлган. Голливуднинг олтита энг йирик кино студияси “Paramount Pictures”, “Warner Bros.”, “Columbia Pictures”, “20th Century Fox”, “Universal Studios” va “Walt Disney Company” ҳозирда миллий кино бозорининг тўқсон фоиз маҳсулотига эгалик қилади. Халқаро доирада эса бутун дунёда ишлаб чиқариладиган фильмларнинг ярмини Америка фильмлари ташкил этади.

ГОЛЬДОНИ КАРЛО – италян драматурги. 1707 йилда Венецияда таваллуд топган, 1793 йилда Парижда вафот этган. Гольдони қадимдан италян халқи орасида кенг тарқалган дел арте (никоблар) комедияси асосида ёзма адабий драмага, халқчиллик, сахнабоплик тамойилларини сақлаган ҳолда инсон характери, ички кечинмаларини кулги орқали ифода этувчи “хулқ-атвор комедияси”га асос солган. Дел арте комедиялари XVIII асрда Европа театрлари таракқиётида муҳим роль ўйнайди. Унинг “Қовоқхона сохибаси”, “Икки бойга бир малай”, “Грузин гўзали” пьесалари жаҳон драматургиясининг мумтоз намуналари сифатида ҳозиргача ўз аҳамиятини йўқотмай келмоқда. “Икки бойга бир малай” пьесаси 1927 йилда улуғ шоир Абдулҳамид Чўлпон томонидан ўзбек тилига таржима қилинган.

ГОТ ЁЗУВИ – қадимги ёзув тури. Гот ёзувининг 27 та белгидан иборат алифбоси бўлиб, гот тилида ёзилган барча битиклар шу ёзувда битилган. Ёзувнинг асосчиси Гот Библиясининг таржимони, епископ Вульфил (тахминан 311–383 йиллар) ҳисобланади. Гот ёзуви милодий IV асрларда юнон ёзуви асосида юзага келган. Гот ёзувининг тўртта тури мавжуд: текстура (учли ёзув), фрактура (синиқ чизикли), швабахер (думалок ҳарфлардан иборат) ва Рим деворий ёзувларига ўхшаш айлана-гот ёзуви. Айрим тадқиқотчилар гот ёзуви ўз фонемалари билан деярли тўғри келишини таъкидлайдилар. Гот ёзуви ҳозирги вақтда истъёмолдан чиққан архаик ёзув ҳисобланади.

*Мафтуна МУҲАММАДАМИНОВА
тайёрлади*



РЕЗЮМЕ



●● “Жизнь Арсеньева” является значимым романом Ивана Алексеевича Бунина. Писатель начал его писать в зрелом возрасте, имея большой жизненный и творческий опыт, накопленный им в годы тяжелых испытаний. Произведение охватывает 20-летний период жизни главного героя – Алексея, его жизнь описывается на фоне социальной действительности России конца XIX века. Роман переведен на узбекский язык Санджаром Садыком.

●● Первые две части романа Фёдора Михайловича Достоевского “Братья Карамазовы” в переводе Ибрагима Гафурова были опубликованы в прошлгодних номерах нашего журнала. Читатели, начиная с этого номера, могут ознакомиться с продолжением данного романа, являющимся знатным произведением русской классической прозы.

●● Сухраб Сипехри – известный персидский поэт, занимающий особое место в поэзии Ирана XX века. Он сумел открыть новое направление и стиль в современной поэзии, объединив традиции классической восточной литературы с новыми поэтическими обновлениями. Цикл его стихов переведен на узбекский язык поэтом Джаъфаром Мухаммадом.

●● Выдающаяся русская переводчица и исследователь Валерия Михайловна Порохова многие годы своей жизни посвятила изучению ислама. Смысловой перевод Корана на русский язык, осуществленный ею, переиздан двенадцать раз. В беседе с журналисткой Екатериной Бычковой она разъясняет сущность ислама, рассказывает о влиянии исламского учения на ее мировоззрение и мышление.

●● В этом году исполнилось бы 70 лет поэту, публицисту и переводнику Мирпулату Мирзо. Он на протяжении двадцати лет работал в журнале “Жахон адабиёти”, завоевал признание читателей своими стихами, а также публицистикой. Благодаря его переводам стихи Бориса Пастернака, Расула Гамзатова, Ояра Вацietиса, Беллы Ахмадуллиной, Анны Ахматовой, Константина Бальмонта, Абая и Олжаса Сулейманова прозвучали на узбекском языке. Статья известного публициста Якубджана Ходжамбердыева “Память верного друга” посвящается творчеству М.Мирзо – мастера художественного перевода, автор также рассказывает о его жизни и многогранной деятельности, где много поучительного для молодежи.



RESUME



●● “Arsenev’s Life” is the main novel by Ivan Alekseevich Bunin. He wrote this work after hard life difficulties, when he gained great creative experience. The novel is about the twenty years of life of a young man named Aleksey in Russia in XIX century. It was translated into Uzbek by a well-known translator Sanjar Sodiq.

●● The first parts of the novel “Brothers Karamazovs” by Fedor Mikhailovich Dostoevsky, translated by master translator Ibrohim Gafurov were published in the magazine last year. Other parts of this great work in Russian literary will be published from this issue.

●● Popular Persian poet Suhrob Sipehriy is one of the big figures of Iranian poetry of XX century. He mixed classic eastern poetry manner with the modern style and created his own poetry manner. The popular poet Jafar Muhammad translated some of his works.

●● Well-known Russian scientist and translator Valeria Mihailova Porohova devoted the most part of her life to study Islam science. The meanings of Koran translated by Porohova have been published for twelve times till now. In a conversation with Ekaterina Bichkova she talked about the meaning of Islam religion and an influence of Islam to her life.

●● This year we celebrate the 70th anniversary of well-known poet, publicist and translator Mirpulat Mirzo. He worked as an editor in our magazine twenty years, wrote several journalistic articles and perfect literary translations. Especially his translations from B.Pasternak, R.Hamzatov, O.Vatsietis, B.Akhmadulina, A.Ahmatova, K.Balmont, Abay, U.Sulaymonov, N.Urazalin and other poets were noted by many literary critics. Popular publicist Yokubjon Hujamberdiyev in his article “The Memory of Good Friend” wrote about creativity and life of the master translator.

Jaʼhon ADABIYOTI

Adabiy-badiiy, ijtimoiy-publitsistik jurnal

Навбатчи муҳаррир: М.РАҲИМОВ

Техник муҳаррир: Ғ.ЎНАРОВ

Мусаххих: Я.ЭМИНОВА

Компьютерда саҳифаловчи: М.АЛИЕВА

ИНДЕКС 828, 829

2007 йилда №0252 рақами билан лицензия олинган.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида рўйхатга олинган, №189.

Уч босма табоқ ҳажмгача бўлган қўлёзмалар қайтарилмайди.

“Жаҳон адабиёти” журналида эълон қилинган асарларни кўчириб босишда ва қайта нашр этишда тахририятнинг ёзма розилиги олинishi шарт.

Тахририят манзили:

100066, Тошкент, Алишер Навоий номидаги Миллий
боғ ҳудудида жойлашган Адиблар хийбони.

Телефонлар: (0371) 231-23-54, 231-23-56, 231-23-57.

Сайт: www.jahonadabiyoti.uz

E-mail: jahonadabiyoti@list.ru

Босишга руҳсат этилди 26.09.2019 й. Бичими 70x108 1/16. Офсет қоғози.

Офсет босма. Шартли босма табоқ 18,2. Нашриёт босма табоғи 20,0.

Адади 1784 нусха. 617 рақамли буюртма. Баҳоси шартнома асосида.

“Жаҳон адабиёти” журнали компьютер марказида
териблиб, “Sharq” НМАКда чоп этилди.

Босмаҳона манзили:


100000, Тошкент, Буюк Турон кўчаси, 41.

© Жаҳон адабиёти, 2019 й.

ҲАМКОРИМИЗ – “DELTA-QURMAN” МЧЖ

“Delta-Qurman” масъулияти чекланган жамияти уй ва офис, дўконлар ва савдо марказлари, кафе ва ресторанлар, интерьер ва ландшафт дизайни учун металл конструкцияларнинг кенг ассортиментини таклиф этади: деворлар, дарвозалар, эшикчалар, панжаралар, зина ва балкон учун гулли тўсинлар, гулдонлар, гултуваклар учун безакли вазалар, интерьер предметлари ва бошқа жиҳозлар.

Ушбу маҳсулотларни намуналар бўйича ҳамда индивидуал дизайн асосида тайёрлаш имконияти бор.



DELTA-QURMAN





Хуршид Зиёхонов. «Анор ва қиз»

ОБУНАЧИЛАР ДИҚҚАТИГА!

Журналинг обуначиларга етказилишида
муаммо пайдо бўлса, кўйидаги манзилга
муурожаат қилинг:

Тошкент шаҳри, Амир Темури 1-тор кўчаси,
2-уй. Тел.: (0371) 233-60-78, 233-67-98.

Муқоламизда:
Хуршид Зиёхонов.
«Ота ва ўғил»